

АБУ АЛИ ИБН СИНО

Тиб қонунлари



УЧ ЖИЛДЛИК САЙЛАНМА

1
ЖИЛД

ТОШКЕНТ
АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ
НОМИДАГИ
ХАЛҚ МЕРОСИ
НАШРИЁТИ

Ибн Сино, Абу Али

Тиб қонунлари: (Уч жилдлик сайланма). (Тузувчилар: У. Қаримов, Ҳ. Ҳикматуллаев). Ж. 1, Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.— 304 б.

Шайхурраис Абу Али ибн Сино авлодларга катта мерос қолдирди. Унинг тиббиёт, илоҳиёт, мантиқ, адабиёт соҳасига доир ушлаб нодир асарлари ҳануз ўз қимматини йўқотмаган.

Азиз китобхон! Ибн Сино «Тиб қонунлари»га бўлган талаб-нистақларни ҳисобга олиб, нашриётимиз бу қомусий китобни 3 жилдлик сайланма ҳолида чоп этишни лозим кўрди. Қўлингиздаги 1-жилдда ҳозирда ҳам кенг тарқалган айрим касалликлар ва уларни даволаш учун ишлатиладиган содда ва мураккаб дориюларга оид тавсияларга кенг ўрин берилди.

«Тиб қонунлари»— Шарқ табобатига қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

Тузувчилар ва нашрга тайёрловчилар: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси мухбир аъзоси Убайдулла ҚАРИМОВ, Беруний мукофоти совриндори Ҳамидулла ҲИҚМАТУЛЛАЕВ

Ибн Сино, Абу Али. Канон медицины В 3 т. Т. 1.

Муҳаррир Тоҳир ИБРОҲИМ

ББК 5с.

С $\frac{4101000000 - 39}{М 361 (04) - 93}$ 24 — 93

© Абдулла Қодирий номидаги мероси нашриёти, 1993 йил.

ISBN 5 — 86484 — 054 — 8



АБУ АЛИ ИБН СИНО ВА УНИНГ «ТИБ ҚОНУНЛАРИ» ҲАҚИДА

Жаҳон фани, хусусан табобат илми тараққиётига улкан ҳисса қўшган Абу Али ибн Сино Урта Осиё тупроғидан етишиб чиққан ватандош алломаларимиздан бири ҳисобланади. У 370-ҳижрий йил сафар ойининг бошида (яъни 980-йил август ойининг иккинчи ярмида) Бухоро яқинидаги Афшана қишлоғида дунёга келади, беш ёшга киргач, Ибн Синолар оиласи пойтахт — Бухорога кўчиб келади ва уни ўқишга берадилар. Ибн Сино аввал Қуръон, тил ва адабиёт дарсларини ўқийди ва ўн ёшга етар-етмас бу дарсларни тўла ўзлаштириб олади. Айни вақтда у мантиқ, ҳисоб, алжабр, ҳандаса ва фалакиёт билан ҳам шуғулланади. Шу билан бирга Ибн Сино табиий фанларни, хусусан табобатни севиб ўрганади. У ўзининг туғма истеъдоди ва фавқулодда меҳнатсеварлиги туфайли дарсларини осонлик билан ўзлаштиради ва ҳатто муаллимларига номаълум бўлган нарсаларни ҳам китобдан мустақил ўқиб ўрганарди. Айниқса тиб илмида у жуда тез камол топа бошлайди. «Тиб илми, — деб ёзади Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида, — қийин илмлардан эмас, шу сабабдан қисқа муддат ичида бу (фанда жуда) илғорлаб кетдим, энди ҳатто билимдон табиблар ҳам келиб ҳузуримда тиб илмидан сабоқ оладиган бўлдилар. Беморларни ҳам даволаб турардим ва (шу йўсида) ордирган тажрибаларим натижасида муолижа эшиклари менга шу қадар (кенг) очилиб кетдики, уни таърифлаб бериш қийин»¹.

Ибн Сино ўн етти ёшидаёқ Бухоро халқи орасида моҳир табиб сифатида донг чиқарди. Уша кезларда Сомониёлар давлатининг бошлиғи Нуҳ ибн Мансур касал бўлиб, сарой табиблари уни даволашдан ожиз эдилар. Бухорода янги чиққан ёш табибнинг овозаси саройга ҳам етиб борган эди, уни амирни даволашга таклиф қилдилар ва унинг назоратида даволанган бемор тез фурсатда оёққа туради. Бунинг эвазига Ибн Сино сарой кутубхонасида фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бу кутубхона ўша вақтда

¹ Ибн Аби Усайбна. Уюн ал-анбо фи табақот ал-атиббо. Миср, 1882, 1-жилд, 3-бет.

бутун Урта ва Яқин Шарқдаги энг катта ва бой кутубхоналардан саналарди. Бир неча йил давомида кеча-кундуз тинмай мутолаа қилиш нагжасида Ибн Сино ўз билим доирасини мислсиз даражада кенгайтирдики, у даврда шу қадар билимга эга бўлган бошқа бир кишини топиш мушкул эди.

Ибн Сионинг ўз давридаги йирик олимлар, жумладан, Абу Райҳон Беруний билан бўлган илмий мунозаралари тахминан шу йиллардан бошланади. У ўзининг биринчи йирик асарларини ҳам Бухорода 1000—1001 йилларда ёзган.

999-йили Қорахонийлар Бухорони забт этиб, Сомонийлар давлатини йиқитадилар. Бундан ташқари, айрим феодал ҳукмронлари орасидаги ўзаро урушлар ҳамон тинмай давом этар ва бу воқеалар Бухорода тинч ва хотиржамликда илмий ишларни давом эттиришга ҳеч қандай шароит қолдирмаган эди. Бунинг устига 1002 йили Ибн Сионинг отаси вафот этади. Оқибатда Ибн Сино Бухорони тарк этиб, Хоразм (Урганч)га кетади.

Хоразм ҳам Урта Осиёнинг қадимий бой ва маданий вилоятларидан бири бўлиб, XI асрнинг бошларида у ерда илмий ҳаёт анча ривожланган эди. Уша вақтда Урганчда кўпгина замонасининг таниқли олимлари яшар ва ижод этар эдилар, буюк Абу Райҳон Беруний (973—1048) шулар жумласидандир.

Уша вақтдаги ғазнавийлар ҳукмрони Султон Маҳмуд (998-1030) Хоразм ерларини ўз давлатига қўшиб олишга ҳаракат қилади. Унга тобе бўлишни истамаган Ибн Сино тахминан 1010-1011 йилларда Хоразмдан махфий равишда чиқиб, Хуросон томон йўл олади ва Каспий денгизининг шарқи-жанубида жойлашган Гургон амирлигига етиб келади. Бу ерда у Абу Убайд Жузжоний билан танишади, шундан бошлаб у йигит Ибн Синога энг яқин ва содиқ шогирд бўлиб қолади ва устозининг охириги нафасигача ундан ажралмайди.

Кўп ўтмай Ибн Сино Гургонда ўзининг илмий ишлари ва табиблик фаолиятини яна бошлаб юборади. Табобатга оид машҳур асари «Қитоб ал-қонун фи-т-тибб» («Тиб қонунлари»)нинг 1-инчи китобини ва баъзи бир бошқа асарларини ёзишга киришади.

1014 йили Ибн Сино Гургонни ҳам тарк этади ва бир қанча муддат Рай ва Қазвин шаҳарларида тургандан кейин Ҳамадонга келади ва бувайҳийлар ҳукмдори Шамс ад-давла (997-1021) хизматида киради — олдин сарой табиби бўлиб ишлайди, сўнгра вазирилик мансабига кўтарилади. Давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай илмий ишларни давом эттиради ва қатор асарлар яратади, ўзининг йирик фалсафий қомуси «Қитоб аш-шифо»ни ҳам шу ерда ёзишга киришади. Юқоридаги номи зикр этилган Жузжонийнинг ёзишича, Ибн Сино жисмоний жиҳатдан ҳам жуда бақувват киши бўлган. Бироқ шаҳарма-шаҳар дарбадарликда юриш, кечалари ухламасдан узлуксиз ишлаш ва бир неча бор таъқиб ос-

тига олиниб, ҳатто ҳибсада ёзишлар олимнинг саломатлигига таъсир этмай қолмади. У 428 ҳижрий йилининг рамазон ойида (1037-йилнинг июнида) 57 ёшида Ҳамадонда вафот этди. Унинг қabri ҳозиргача сақланиб қолган.

Ибн Сино ҳақиқий қомусий олим сифатида ўз давридаги фанларнинг деярли ҳаммаси билан муваффақиятли шугулланган ва уларга оид асарлар яратган. Турли манбаъларда унинг 450 дан ортиқ асарлари қайд этилган бўлса ҳам, замонлар ўтиши билан уларнинг кўпи йўқолиб кетган ва бизгача фақат 242 таси етиб келган¹. Шу 242 дан 80 таси фалсафа, илоҳиёт ва тасаввуфга тегишли, 43 таси табобатга оид, 19 таси мантиққа, 26 таси руҳшуносликка, 23 таси табиёт илмига, 7 таси фалакиётга, 1 таси риёзиётга, 1 таси мусиқага, 2 таси кимёга, 9 таси одоб илмига, 4 таси адабиётга ва 8 таси бошқа олимлар билан бўлган илмий ёзишмаларга бағишланган.

Олимнинг бизгача етиб келган умумий фалсафага оид энг йирик ва муҳим асари «Китоб аш-шифо» деб аталган. Уни ўз даврининг илмий қомуси деса бўлади, у 4 қисмдан иборат: 1) мантиқ 2) табиий фанлар 3) риёзиёт 4) илоҳиёт. Бу асарнинг арабча матни қисман бир неча марта нашр этилган бўлса ҳам, у бирон тилга ҳали тўла равишда таржима этилмаган, фақат айрим бўлимларигина турли ғарб ва шарқ тилларида чоп этилган.

Фалсафага оид иккинчи асари «Китоб ан-нажот» («Нажот китоби») бўлиб, унда «Китоб аш-шифо»нинг мазмуни қисқартиб баён этилган.

Ибн Синонинг энг сўнгги йирик фалсафий асари «Ал-ишорот ва-т-танбиҳот» («Ишоралар ва танбиҳлар») бўлиб, унда олим фалсафанинг асосий масалаларини қисқа ибораларда баён этган.

Ибн Синонинг форс-дарий тилида ёзилган фалсафий асарларидан энг муҳими «Донишнома» («Билим китоби») ҳисобланади. Бу асарнинг форсча матни ва русча таржимаси нашр этилган.

Ибн Сино бу асарларида ўзидан олдинги ва ўз давридаги табиий фанлар ва фалсафанинг ютуқларидан фойдаланган ҳолда шундай бир фалсафа яратдики, бу фалсафани ўрта аср Шарқидаги назарий билимларнинг энг юқори чўққиларидан бири деб таърифлаш мумкин.

Фанларни маълум бир тартибда туркумларга ажратиш, яъни уларни таснифлаш табиаатуносликнинг муҳим ва асосий масалаларидан бири бўлиб, уни ҳал қилиш учун маълум бир фалсафий нуқтаи назардан ёндошиш талаб этилади. Шунинг учун ҳам бу масала билан донмо ўз даврининг буюк мутафаккирлари бош қотириб келганлар. Ибн Сино ҳам бу муҳим масала билан шугулланиб, маълум қондаларга асосланган ўзига хос тасниф тузган.

¹ Яхё Маҳдавий. Фихрист-и нусхаҳо-йи мусаннафот-и Ибн Сино, Техрон, 1333 (1954).

Ибн Синонинг фалсафий таълимотлари фақат Шарқдагина эмас, балки Ғарбий Европа мамлакатларида ҳам кенг ёйилди ва Уйғониш даврида илмий дунёқарашнинг вужудга келишида катта аҳамият касб этди.

Ибн Синонинг таъбабат фани соҳасидаги хизматлари айниқса буюқдир. У ўз асарларида энг қадимги фанлардан бири бўлган тиббиётнинг ўзидан олдинги минг йиллик тараққаётига яқун ясабгина қолмай, уни янги юқори босқичга кўтарди, ҳатто бу фanning кейинги асрларда эришган бир қанча ютуқларини олдиндан кўра билди.

Ибн Синонинг бизгача етиб келган тиббий асарлари 30 дан ошади. Шулардан асосийлари ўзбек тилига таржима қилиниб нашр этилган¹.

Ибн Синонинг таъбабатга оид энг йирик шоҳ асари «Қитоб алқонун фи-т-тибб» («Тиб қонунлари китоби») ҳисобланади. Ўз давридаги тиббиёт фанининг муфассал қомуси ҳисобланган бу асарда инсон соғлиғи ва касалликларига оид бўлган барча масалалар мантиқий тартибда тўла баён этилган. «Қонун» 1012-23 йиллар мобайнида ёзилган бўлиб, унинг қўлёзма нусхалари тезлик билан тарқалади.

Бу асар кўп ўтмай Европага ҳам етиб келди. XII асрдаёқ Кремоналик Герард (1114-1187) «Қонун»ни арабчадан лотин тилига таржима қилади ва шундан кейин Европа дорилфунунларида таъбабат фани Ибн Сино асарлари бўйича ўқитила бошлайди. «Қонун» ўзининг асосий қўлланма ва дарслик сифатидаги қийматини 500 йилдан ортиқроқ вақтгача сақлаб қолди. Биринчи бор у Уйғониш давридаги инсонпарварлик марказларидан бири бўлган Страсбург шаҳрида 1473 йили босилиб чиқади. Умуман «Қонун» 40 мартадан сртиқ тўла ҳолда нашр этилган. Айрим қисмларининг нашри эса сон-саноксиздир.

Унинг арабча матни 1593 йилиёқ Римда нашр этилган эди. Кейинчалик XIX асрда бир неча бор қайтадан босилди. «Қонун»нинг айрим қисмлари инглиз, немис ва француз тилларига ҳам таржима қилинган бўлса-да, бу муҳим асар кейинги вақтларгача ҳозирги

¹ Улар қуйидагилар: Ҳикматуллаев Ҳ. Абу Али ибн Синонинг «Юрак дорилари» номли рисоласи, Т. 1966; Шоисломов Ш. Ибн Синонинг тиб ҳақидаги шеърый асари («Уржуза») Т. 1972; Абу Али ибн Синонинг соғлиқни сақлашга доир рисоалари, Э. Талабов таржимаси, Т. 1978. Бу уч асардан ташқари Ибн Синонинг қуйидаги 7 рисоласи У. И. Каримов ва Ҳ. Ҳикматуллаевлар томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, «Тиббий рисоалар» номи билан бир китоб шаклида нашр қилинган (Т. 1987): «Томир уриши ҳақида мақола», «Шаҳвоний қувват ҳақида рисола», «Сафарда юрвчиларнинг тадбири ҳақида рисола», «Сиканжубин ҳақида рисола», «Қон олиш ҳақида рисола», «Саҷратқи ҳақида рисола», «Жудия рисоласи».

замон тилларидан биронтасига тўла ҳолда таржима қилинмаган эди. Бу қийин ва масъулиятли ишни ўзбек шарқшунослари табиблар билан ҳамкорликда амалга оширдилар: «Қонун»нинг бешала китоби ўзбек ва рус тилларида 1954-1961 йиллар мобайнида Тошкентда нашр этилди. 1980 йили Ибн Сино туғилганига 1000 йил гулиши муносабати билан «Қонун»нинг иккинчи тузатилган наشري эълон қилинди¹.

Ибн Сино «Қонун»ни беш китобга бўлган.

I китобда табобатнинг умумий назарияси: инсон анатомияси ва физиологияси, касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг аломатлари, даволашнинг умумий асослари, бадантарбия ва соғлиқни сақлаш тадбирлари баён этилган.

II китоб доришуносликка бағишланган бўлиб, унда ўсимлик, маъдан ва ҳайвонлардан олинадиган 811 содда дорининг номини алифбо тартибида жойлаштириб таърифланади ва ҳар бир дорининг қайси касалликка даво эканлиги кўрсатилади.

III китобда «жузъий» касалликлар, яъни инсоннинг бошидач тоvonигача ҳар бир аъзосида бўладиган касалликлар, уларни аниқлаш ва даволаш усуллари баён этилади.

IV китоб инсоннинг бирон муайян аъзосига хос бўлмаган, балки бутун гавдасида юз бериши мумкин бўлган касалликларга бағишланган.

V китобда мураккаб дорилар, яъни табиатда тайёр ҳолда учрамайдиган даволар (турли тарёқлар, маъжунлар, малҳамлар, ҳабдорилар ва ҳ. к.) ни тайёрлаш тўғрисида гап боради.

Ибн Сино соғлиқни сақлаш, турмуш гигиенаси ва тўғри-оқилона овқатланиш масалаларига катта аҳамият беради, унинг бу соҳадаги маслаҳатлари ҳозиргача ҳам ўз қийматини йўқотган эмас. Саломатликни сақлашда бадантарбиянинг барча ёшдаги кишилар учун ҳам зарур эканлигини қайта-қайта таъкидлайди.

Инсон танасига ташқи омилларнинг таъсири масаласига катта аҳамият берган Ибн Сино баъзи касалликларнинг сув ёки ҳаво орқали тарқалиши мумкинлигини таъкидлайди.

Касалликларни (хусусан ички касалликларни) тўғри аниқлаш, уларнинг қандай кечишларини тўла ва аниқ тасвирлаб берганини ва бу соҳадаги қатор кашфиётлари Ибн Синони ҳозирги замон терапиясининг асосчиларидан бири, деб аташга имкон беради.

¹ Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари, I китоб, Т. 1983 (таржимонлар А. Расулев, С. Мирзаев, У. И. Қаримов, А. Муродов); II китоб, Т. 1982 (Таржимонлар С. Мирзаев, А. Расулев, У. И. Қаримов, А. Муродов, Қ. Муниров); III китоб, I жилд, Т. 1979 (таржимонлар А. Расулев, А. Қаюмов); III китоб, 2-жилд, Т. 1980 (таржимонлар С. Мирзаев, А. Расулев); IV китоб, Т. 1980 (таржимонлар А. Расулев, А. Ўринбоев); V китоб, Т. 1980 (таржимон У. И. Қаримов). Иккинчи нашрни тайёрловчилар У. И. Қаримов ва Ҳ. Ҳикматуллаев.

Менингит, ошқозон яраси, зотилжам, ўпка яллиғланishi, сарик касаллиги, қизамиқ, чечак, турли ёмон яралар ва қатор бошқа касалликларни шу қадар тўғри ва муфассал таърифлаб берганки, унга ҳатто ҳозирги замон шифокорлари ҳам қойил қоладилар.

Ибн Сино асабий ва руҳий касалликларни аниқлаш ва уларни даволаш соҳасида ҳам кўп янгиликлар киритган.

Унинг жарроҳлик соҳасидаги ишлари ҳам жуда муҳимдир.

Ибн Синонинг доришуносликка қўшган ҳиссаси ниҳоятда салмоқлидир. У таклиф этган дорилар асрлар давомида кенг ишлатилиб келган. Уларнинг кўпи ҳозир ҳам ўз қийматини йўқотган эмас.

Ибн Сино каби ўзининг бутун билими ва ҳаётини инсон саломатлигини сақлашга, табиат қонунларини очишга, адолат ва ҳақиқат учун курашга бағишлаган буюк олимларнинг асарлари кўп асрлардан бери бутун инсоният учун битмас-туганмас билим манбаи вазифасини ўтаб келиш билан бирга, ҳозир ҳам улар маданий тараққиётга, ва хусусан инсон саломатлигини сақлаш ишига хизмат қилмоқда. Мана шунинг учун орадан 1000 йил ўтган бўлишига қарамасдан буюк ватандошимиз Ибн Синонинг номи барча халқлар тилида катта эҳтиром билан зикр этилмоқда ва асарлари қайтадан нашр этилмоқда.


Урга аср Шарқ табобатининг энг муътабар қомуси ҳисобланган «Тиб қонунлари»нинг ўзбек ва рус тилларига таржима қилиб нашр этилиши Ибн Синонинг бу асарига бўлган қизқишни беқиёс ортирди. Бироқ бу нашрларнинг кам нусхада чоп этилганлиги кенг ўқувчилар оммасининг бу китобга бўлган эҳтиёжини қондира олмади. Шуларни ҳисобга олиб «Қонун»нинг кўпчилиكنи қизиқтирган мавзуларга бағишланган бобларини танлаб олиб алоҳида китоб ҳолида нашр этишни маъқул кўрилди.

Ушбу китобда олимнинг соғлиқни сақлашга оид фикр-мулоҳазаларига, шунингдек ҳозирда ҳам кенг тарқалган айрим касалликлар ва уларни даволаш учун ишлатиладиган содда ва мураккаб дорилар ҳақидаги тавсияларига кенг ўрин берилди. Ўқувчиларда Шарқ табобатининг назарий масалалари ҳақида оз бўлса-да тасаввур ҳосил қилиш мақсадида «Қонун»нинг тиб илмининг назарий масалаларига бағишланган айрим бобларидан ҳам парчалар келтиришни лозим топилди. Тушуниш қийин бўлган баъзи истилоҳлар китоб сўнгида алифбо тартибида жойлаштирилиб изоҳланди. Китоб «Тиб қонунлари»нинг юқорида зикр этилган иккинчи нашри асосида тузилди.

Қўлингиздаги «Сайланма»ни нашрга тавсия қилиш чоғидаги муҳокамаларда қатнашган кўпгина шарқшунос олимлар, нашриёт ходимлари ва ҳар хил соҳадаги мутахассислар ўзларининг бир қатор ҳолисона фикрлари билан уни баъзи бир жузъий камчиликлардан холи бўлишига кўмаклашдилар ва уни 3 жылда нашр этишликни маслаҳат бердилар. Асар ҳажми катта бўлганлиги учун биз уларнинг бу маслаҳатларига қўшилдик.

Шу муносабат билан «Тиб қонувлари» китобини мутолаа қилувчи китобхонга ёрдам тарзида тайёрланган «Айрим истилоҳлар изоҳи», «Содда дорилар номлари», «Оғирлик ўлчовлари», «Шахсий номлар» рўйхатларини III жилд олирида бердик. Қўлингиздаги Сайланма УзР Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида тайёрланди.

Убайдулла ҚАРИМОВ,
Ҳамидулла ҲИКМАТУЛЛАЕВ.



БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ

Тангрига мақтовлар ва шарафлар бўлсинки, у ўз олий шаънига муносиб ва бизни баҳраманд қилувчи эҳсонларига лойиқ бу хил мақтов ва шарафга сазовордир.

Саййидимиз Муҳаммад пайғамбарга ва унинг авлодларига тангрининг раҳмати бўлсин!

Сўнгра айтаман: холис дўстларимдан бири, қўлимдан келганича ёрдам қилишим лозим бўлган бир киши мендан таоботнинг умумий ва хусусий қонун-қондаларини ўз ичига олган тиббий китоб тузиб беришимни илтимос қилди. Ундаги қонунлар оз сўз орқали батафсил изоҳланишини ва аксар масалалар қисқа, аммо очиқ-ойдин баён этилган бўлишини сўради. Мен бу масалада ўз дўстим илтимосини бажаришга киришдим. Мен дастлаб тибнинг иккала қисмидаги, яъни назарий ва амалий қисмидаги умумий масалалар тўғрисида сўзламсқиман. Ундан кейин содда дорилар қувватининг умумий ва жузъий таъсири тўғрисида сўзлайман. Сўнгра, ҳар бир аъзода пайдо бўладиган касалликлар ҳақида сўзлаб, аввал ўша аъзонинг ташриҳини [анатомиясини] ва унинг манфаатини [бажарадиган ишини] баён қилишга бошлайман.

Бу [Алқонун] шундай бир китобки, табибликни даъво қилувчи ва таобат санъати билан касб этувчи кишининг [бу китобдаги] қоидаларни билмасдан ва ёд олмасдан иложи йўқ, чунки бу китоб табибга лозим ва зарур бўлган мухтасар қоидаларни ўз ичига олган.





ТИБ ҚОНУНЛАРИ ҲАҚИДА

ТИБ ТАЪРИФИДА

Тиб шундай бир илмки, у билан одам гавдасининг аҳволи соғлиқ ва касаллик жиҳатидан ўрганилиб, унинг мавжуд соғлиғи сақланади ва йўқотилгани қайтарилади. Бирор киши: «тиб назарий ва амалий [қисм]га бўлинар эди, сиз эса уни илм деб ҳаммасини назарий қилиб қўйдингиз» дейиши мумкин. Биз у кишига жавоб бериб айтамыз: «санъатларнинг ва фалсафанинг назарий ва амалийси бор бўлгани каби тибнинг ҳам назарий ва амалийси бор» дейилади. Бу қисмларнинг ҳар бирида «назарий» ва «амалий» деган сўзлардан бошқа-бошқа нарса тушунилади, ҳозир бу ерда у сўзлардан тибдан бошқа соҳаларда англашиладиган фарқларни баён қилишга муҳтож эмасмиз.

Тиб назарий ва амалий бўлади, дейилганда бундан мақсад, шу мавзуда баҳс қилувчиларнинг кўплари ўйлагани сингари, тибнинг бир қисми — илми ўрганишдан, иккинчи қисми — амалий иш билан шуғулланишдан иборат, деб тушунмаслик керак, балки сен бундан бошқа бир нарсани тушунишинг лозим. У нарса шуки, тибнинг иккала қисми ҳам илмдан бошқа нарса эмас. Лекин улардан бири тиб қондаларининг илми бўлиб, иккинчиси эса уни амалда қандай қўллашни билдиради. Буларнинг биринчиси илм ёки назария аталиб, иккинчиси амалиёт деб айтилади.

Тиб назарияси деганда биз тибнинг асосий қондаларини ўрганишни тушунамиз ва бунга бирон амалнинг қандай бўлишлиғи кирмайди. Масалан, тибда иситмалар уч хил бўлади ва мизожлар¹ тўққиз² хил бўлади, дейилади. Амалий тибдан биз [фақат] ишлатиладиган амалларни ва гавдани ҳаракатга солишни тушунмаймиз, балки бир фикр ва андишани ифода қиладиган тиб илмининг бир қисмини тушунамиз. Бу фикр

амалнинг қандай бўлишини баён қилишга тааллуқли бўлади.

Бирор кишининг «одам гавдасининг ҳоли уч хил бўлади: соғлиқ, касаллик, учинчиси соғлиққа ҳам, касалликка ҳам қўшилмайдиган бир ҳолат; ҳолбуки, сен икки хилгина қилиб қўя қолдинг» дейиши тўғри эмас, чунки шундай баҳсни қилувчи киши яхши ўйласа, икки нарсадан ташқари, учинчи бир ҳолатнинг бўлмаслигини ва бизнинг учинчи ҳолат баёнига муҳтож эмаслигимизни тушунади. Агар учинчи ҳолат лозим бўлса, албатта, бизнинг «гавданинг носоғлиғи» деган сўзимиз касалликни ҳамда соғлиқ таърифига сирмайдиган учинчи бир ҳолатни ўз ичига олган бўлади. Соғлиқ шундай малака ёки ҳолдирки, у сабабли аъзолардан соғлом ишлар вужудга чиқади. Соғлиқ учун бу таърифга муқобил кела оладиган бирон ўзга таъриф йўқ. Лекин баҳс қилувчилар соғлиқни ўзларича таъриф қилиб, ўзларига ҳам керак бўлмайдиган шартларни соғлиқ таърифига киритиб юборадилар. Бу тўғрида табиблар билан баҳслашиб ўтиришга ўрин йўқ. Табиблар ҳам бу каби нарсалар ҳақида мунозара қиладиган кишилардан эмаслар. Табиблар билан ёки уларнинг фикрига қўшилмовчи кишилар билан мунозара қилиш тибда бирор фойда етказмайди ҳам. Аммо бу масалада ҳақиқатни билиш бошқа фан, яъни мантиқ фанининг қоидаларига тегишлидир. Ҳақиқат мантиқ фанидан талаб қилинсин!

ТИБНИНГ МАВЗУЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Тиб одам гавдасининг соғлиғи ва касаллигини ўрганади. Ҳар бир нарсани билиш, у нарсанинг сабаблари бўлса, шу сабабларни ўрганиш орқали ҳосил бўлади ва камолга етади. Шунинг учун тибда соғлиқ ва касалликнинг сабабларини билиш керак бўлади. Соғлиқ, касаллик ва уларнинг сабаблари гоҳ очик, гоҳ махфий бўлиб, унга ҳис билан эмас, балки белгиларга асосланиб фикр юритиш билан етишилади. Шунингдек, тибда соғлиқ ва касалликда юз берадиган ҳодисаларни ҳам билиш керак бўлади.

Ҳақиқий илмлар [ҳикмат илмлари]да³ аниқ бўлганки, ҳар бир нарсани билиш, агар унинг сабаблари бўлса, шу сабабларни ва туб асосларини ўрганиш билан ҳосил бўлади. Агар сабаблари бўлмаса, унга хос ва хос бўлмаган белгиларини ўрганиш орқали бўлади. Сабаб-

лар эса тўрт хил бўлади, моддий, фаол [таъсир қилувчи], шаклий ва тугалловчи сабаблар.

Моддий сабаблар шундай негизларки, соғлиқ ва касаллик шу негизларда барпо бўлади. Энг яқин негиз аъзо ёки руҳдир. Ундан узоқроқ негиз хилтлар ва ундан ҳам узоқроғи унсурлардир⁴. [Кейинги] иккитаси асосан таркиб эътибори билан негиз бўлиб, баъзан ўзгариш эътибори билан ҳам негиз бўладилар. Ҳар бир шундай негиз таркиб ва ўзгаришда бирор бирликка йўналтирилади. Кўпликка уланадиган шундай бирлик бу ерда ё мизож, ё тузилиш, ё шакл бўлади. Аммо, мизож ўзгариш эътибори билан, тузилиш эса таркиб эътибори билан [вужудга келади].

Таъсир қилувчи сабаблар одам гавдасининг ҳолатларини ўзгартирувчи ёки ўзгармаган ҳолда сақловчи сабаблардир. Улар эса ҳаволар ва уларга алоқадор нарсалар-овқатлар, сувлар, ичимликлар ва уларга алоқадор нарсалар, бўшалиш [ва чиқиндиларнинг] тўхталиши, шаҳарлар, турар-жойлар ва буларга алоқадор нарсалар, жисмоний ва нафсоний ҳаракат ва осойишталиклардир. Жумладан, уйқу ва уйғоқлик ҳам фаол сабаблардандир. Бир ёшдан бошқа бир ёшга ўтиш, ёш ва жинс эътибори билан фарқланиш, ҳунарлар, одатлар, одам гавдасига тегиб, унинг табиатига ё тескари бўлмай, ё тескари бўлиб тушадиган нарсалар ҳам таъсир қилувчи сабаблардандир.

Шаклий сабаблар мизожлар, улардан кейин пайдо бўладиган қувватлар ва таркиблардир.

Тугалловчи сабаблар фаолият [ишлар]дир. Ишларни ўрганишга қувватлар ва уларни ташувчи руҳларни ўрганиш ҳам киради. Келгусида буни баён қиламиз. Тиб санъати одам баданнинг соғлиғи ва касаллигидан баҳс қилиши сабабли, ана шулар бу санъатнинг мавзуларидир. Аммо шу баҳснинг тамом ва тўлиқ бўлиши жиҳатидан, соғлиқни сақлаш ва касалликни тузатишнинг сабаблари ва воситалари эътибори билан тиб санъати учун яна бошқа мавзуларнинг бўлиши ҳам зарур.

Бу икки ҳолатнинг сабаблари ёйиладиган ва ичиладиган нарсаларнинг тадбири, ҳавони танлаш, ҳаракат ва тинчликнинг миқдорини аниқлаш, дори билан даво қилиш, қўл билан муолижа қилиш каби тадбирлардир.

Табибнинг тасаввур қилиб, далил келтирмоғи зарур бўлган нарсалар, касалликлар, уларнинг ўзига хос сабаблари, аломатлари, ва қандай қилиб касалликнинг

кетказилиши ва соғлиқ сақланишидир. Албатта, табиб ана шу мавжудлиги махфий нарсалар [нинг борлиги], миқдори ва [ўтиш] даврига батафсил далиллар келтириши лозим бўлади.

УНСУРЛАР ТУҒРИСИДА

Унсурларнинг қайси бири бўлса ҳам оддий жисмлар бўлиб, одам танаси ва бошқа нарсалар учун дастлабки бўлақлардир. Оддий жисмлар шундай нарсаларки, улар шакли турлича бўлган бўлақларга бўлинмайди, [балки] мураккаб жисмлар уларга бўлинади. Оддий жисмларнинг аралашшишидан коинотдаги турли шаклдаги навлар пайдо бўлади.

Табиб, унсурларнинг тўртта ва тўрттадан ортиқ эмаслиги туғрисида табиатшунос олимларга ишонсин! Унсурнинг иккитаси енгил ва иккитаси оғирдир. Енгиллари олов ва ҳаво, оғирлари сув ва ердир.

Ер оддий жисм бўлиб, унинг табиий ўрни ҳамма [жисмлар]нинг ўртасидир. У, ўз табиати билан ўша ўринда туради, агар ўз ўрнидан ажраса, яна ўшанга томон ҳаракат қилади. Бу — ернинг мутлақ оғирлигидир. Ернинг табиати совуқ ва қуруқдир.

Сувга келсак, сув — оддий бир жисм бўлиб, табиий ўрни билан, ер ва ҳаво ўз табиий ўринларида бўлганларида, ерни ўрайди ва ҳавога ўралиб туради. Шундай ўринда бўлиши унинг нисбий оғирлигидир. Сув совуқ ва ҳўлдир.

Ҳаво оддий бир жисмдир. Табиий ўрни — сувдан юқори, оловдан пастдадир. Шундай бўлишига сабаб нисбий енгиллигидир. Табиати, юқорида айтганимизча, иссиқ ва ҳўлдир. Ҳавонинг коинотда мавжудлиги бор нарсаларнинг сийракланиши, латиф бўлиши, енгил бўлиши ва кўтарилиши учундир.

Олов оддий бир жисмдир. Табиий ўрни унсурларга тегишли ҳамма жисмларнинг юқорисидадир. Оловнинг ўрни осмон гумбазининг шундай бир ботиқ сатҳидаки, вужудга келиш ва бузилиши ўша ерга бориб тугайди. Оловнинг шундай ўринда бўлиши унинг мутлақ енгиллигидир. Унинг табиати иссиқ ва қуруқдир. Икки оғир унсур [ер ва сув] аъзоларнинг пайдо бўлишига ва тинч туришига ёрдам берадилар. Икки енгил унсур [ҳаво ва олов], гарчи аъзоларни дастлаб ҳаракат қилдирувчи нафснинг ўзи бўлса ҳам, руҳларнинг пайдо бўлишига ва ҳаракатланишига ёрдам берадилар. Ана шулар унсурлардир.

МИЗОЖ ҲАҚИДА

Мен айтаман: унсурларнинг ниҳоят даражада майда бўлақларидаги қарама-қарши кайфиятларнинг бир-бирига таъсири маълум бир чегарага етганда пайдо бўлган кайфиятга мизож дейилади. Унсурларнинг энг кичик бўлақларидаги кайфият ҳар бир унсурнинг аксар бўлақлари бошқасининг аксар бўлақлари билан аралашishi учун лозимдир. Бу унсурлар ўз қувватлари билан бир-бирларига таъсир қилишлари натижасида уларнинг ҳаммасига мос бир кайфият вужудга келади. Ана шу кайфият мизождир. Юқоридаги унсурлардаги дастлабки қувватлар тўртта: иссиқлик, совуқлик, ҳўллик, қуруқлик. Маълумки, бузилиб ва мавжуд бўлиб турган жисмлардаги мизождар дастлабки қувватлардан вужудга келади. Умуман қарашда мизож, ақлан тақсим эътибори билан, бошқа нарсага нисбат бермаган ҳолда иккига бўлинади. Биринчиси: мизожнинг ҳақиқий мўътадил бўлмоғи шу асосдаки, мизож эгасидаги қарама-қарши кайфиятларнинг миқдорлари тенг бўлади. Ана шу миқдорларнинг ораларидаги ўрта кайфият ҳақиқий мўътадил мизождир. Иккинчиси: қарама-қарши кайфиятлар орасидаги мизож мутлақо ўртада бўлмай, икки томоннинг бирига, [яъни] совуқлик ва иссиқликнинг бирига, ёки ҳўллик ва қуруқликнинг бирига, ёки ҳар иккисига мойилроқ бўлишидир. Лекин тиб санъатида мўътадил ва номўътадил [сўзлари]дан англашиладиган нарса биринчи [ҳол]га ҳам тўғри келмайди. Табиб табиатшунос олимдан шунини қабул қилиши керакки, бу хилда мўътадиллик одам мизожи ёки одам гавдасининг мизожи бўлиши бир ёқда турсин, асло топилиши мумкин бўлмайдиган нарсалардандир. Шунингдек, табибнинг билмоғи керакки, тиб олимларининг ўз баҳсларида ишлатадиган «мўътадил» деган сўзлари оғирликдаги баробарликдан иборат бўлган «таодул» сўзидан олинган эмас, балки тақсимдаги баробарликдан иборат бўлган «адл» сўзидан олинган.

Мўътадиллик — мизож эгасининг бутун гавдасида ёки бир аъзосида унсурлар миқдори ва кайфиятлари билан одамнинг мизожига керагича энг тўғри тақсимланиб, энг тўғри нисбатда тўла-тўқис бўлинганлигидан иборатдир. Лекин одам гавдасида тўла-тўқис бўладиган шу бўлиниш гоҳо биринчи [ҳолда эслатилган] ҳақиқий мўътадилга жуда яқин бўлади.

Энди турларни эътиборга олинганда ҳақиқий мўъта-

дилликка энг яқин тур одамдир. [Одамларнинг] турини қарар эканмиз, шунга ишонамизки, агар одамлар *муад-дилуннаҳор* [экватор]га яқин манзилда турсалар ва ернинг ободлигини бирон ерга мансуб сабаб, яъни тоғлар ва денгизлар бузмаса, у ернинг одамлари мўътадилликка яқин гуруҳга мансуб бўлади. Яна, ўшандай жой қуёшга яқинлиги сабабли мўътадилликдан чиқади, деб гумон қилиш нотўғридир; чунки экваторнинг тўғрисидаги жойда қуёшнинг бош устида бўлишининг зарари ва бу ҳолатнинг ҳавони ўзгартириши ўзга ерлардаги қуёшнинг [ерга]яқинлигининг зараридан ва ҳавони ўзгартиришидан камроқдир, ўзга каттароқ кенгликда қуёш бош устида бўлмаганида ҳам шундай бўлади. Бундан ташқари, экваторда яшовчиларнинг [турмуш] ҳоллари афзалроқ бўлиб, ўзларига муносиб бўлади, ҳаво уларга сезиларли қаршилиқ қилмайди, балки доим мизожларига муносиб бўлади. Биз шу фикрнинг тўғрилигини исботлаб, рисола тузган эдик. Экваторда яшовчилардан кейин энг мўътадил мизожли гуруҳлар тўртинчи иқлимда яшовчилардир. Чунки булар иккинчи ва учинчи иқлим яшовчиларининг кўпи каби қуёш узоқлиги давридан кейин кетма-кет бошларига қуёш таъсир қилиб кўймайдилар ва бешинчи — охирги иқлимда ва ундан узоқроқда яшовчиларнинг кўпчилиги каби доимо қуёшдан узоқлик сабабли «хом» ва «думбул» ҳам эмаслар.

Аъзоларнинг мўътадиллигига келсак, [юқорида] маълум бўлдики, бошқарувчи аъзолар ҳақиқий мўътадилликка унчалик яқин эмас; балки, билмоғинг керакки, ҳақиқий мўътадилликка энг яқин аъзо гўшт, гўштан ҳам яқинроғи теридир.

Гавда терисининг энг мўътадили қўл териси бўлиб, қўл терисининг энг мўътадил [жойи] кафт териси, бунинг эса энг мўътадил жойи кафт ўртасининг териси, бундан мўътадилроғи бармоқлар териси, бундан мўътадилроғи кўрсаткич бармоқ териси, бунинг энг мўътадил жойи бармоқ учининг терисидир. Шунинг учун кўрсаткич бармоқ ва бошқа бармоқларнинг учлари тегиб билинадиган нарсаларнинг даражалари ҳақида ҳукм чиқариб берувчилардир.

Маълум бир дори иссиқ ё совуқ десак, у дори ўз моддасида иссиқликнинг ё совуқликнинг ниҳоятда деган маънони тушунмаймиз, ҳамда ўз моддасида одам гавдасидан иссиқроқ ё совуқроқ деган маънони ҳам тушунмаймиз. Бу ҳолда мизожли одам мизожига ўхшаш

бўлган дори мўтадил бўлар эди. Лекин бу дори иссиқ, ё қуруқ дейишдан муродимиз бу доридан одам гавдасида бўлиб турганидан юқорироқ иссиқлик ё совуқлик пайдо бўлади деган маънодадир. Шунинг учун гоҳо дори одам гавдасига қараганда совуқ, чаён гавдасига қараганда иссиқ бўлади, ё инсон гавдасига қараганда иссиқ, илон гавдасига қараганда совуқ бўлади. Балки бир дори Эшмат гавдасига нисбатан иссиқ бўлганидан кўра, Тошмат гавдасига нисбатан камроқ иссиқ бўлади. Шунинг учун муолижа қилувчиларга бир дори мизожни ўзгартиришда фойда бермаганида доим биргина ўша дорини қўллаб бермаслик буюрилади.

АЪЗОЛАРНИНГ МИЗОЖЛАРИ ҲАҚИДА

Шуни билгинки, яратувчи, — унинг улуғлиги ортсин, — ҳар бир ҳайвонга ва ҳар бир аъзога имконият кўтарганича ўзига лойиқ ва унинг ишлари ва аҳволига муносиб мизож берди. Бунинг ҳақиқатини текшириш табибга эмас, файласуфга тааллуқлидир. Одамга шу оламда бўлиши мумкин бўлган ва одамнинг таъсир кўрсатиш ва таъсирланишига восита бўладиган қувватларга муносиб энг мўтадил мизожни берди; шунингдек, ҳар аъзога лойиқ мизож бериб, баъзи аъзони иссиқроқ ва баъзисини совуқроқ, баъзисини қуруқроқ ва баъзисини ҳўлроқ қилди.

Гавдадаги энг иссиқ нарса руҳ ва руҳнинг пайдо бўлиш ўрни — юракдир. Ундан кейинги даражада турувчи қондир. Чунки қон жигарда пайдо бўлса ҳам юрак билан боғлиқлиги учун жигарда йўқ иссиқликни у ерда олади. Ундан кейинги даражадаги иссиқ мизожли аъзо жигардир. Чунки жигар қотган қон кабидир. Ундан кейин ўпка, ундан кейин гўшт туради. Гўштга совуқ мизожли бўлган асаб толалари келиб туташини сабабли унинг иссиқлиги ўпканикидан камроқдир. Гўшдан кейин иссиқ мизожли аъзо мушаклардир. Мушак асабларнинг ва бойлоқларнинг келиб туташуви сабабли иссиқликда оддий гўшдан пастроқдир. Ундан кейинги ўринда талоқ туради. Чунки талоқда қон қуйқаси бордир. Ундан кейин буйрақлар туриб, уларда қон кўп эмас. Ундан кейингиси ҳаракатли томирлар [артериялар] табақасидир. Бу табақанинг иссиқлиги асабга нисбатли моддадан бўлганлиги сабабли эмас, балки ўзларидаги қон ва руҳнинг иссиқлигини қабул қилишлари сабаблидир. Ундан кейин, ҳаракатсиз томирлар

[веналар] табақаси туради, булар иссиқликни фақат қондан олади. Ундан кейин тери ва ниҳоят кафтнинг мўътадил мизожли териси туради.

Гавдадаги энг совуқ мизожли нарса балғам, ундан кейин чарви, ёғ, мўй, суяк, тоғай, бойлоқ, пайлар, пардалар, асаблар, орқа мия, бош мия ва ниҳоят теридир.

Гавдадаги энг ҳўл нарса балғам, қон, ёғ, чарви, бош мия, орқа мия, эмчак ва мояклар гўшти, кейин ўпка, жигар, талоқ, буйраклар, мушаклар, кейин теридир.

ЕШ ВА ЖИНС МИЗОЖЛАРИ ҲАҚИДА

Ешлар умуман тўрт қисмдир. (1) «Ўсиш ёши, бунга «ўсмирлик» деб ҳам исм берилади. Бу ўттиз йилча давом этади. (2) «Ўсишдан тўхташ ёши» ёки «ёшлик даври», бу ўттиздан ўттиз беш ёки қирқ ёшгача бўлган давр. (3) Қисман қувват бўлатуриб, чўкиш ёши бу ўртача ёшдаги кишиларга мансуб бўлиб, олтмиш ёшгача давом этади. (4) «Кучсизлик билан бирга чўкиш ёши», бу умр охиригача (чўзилиб), қариларнинг ёшидир.

Болаларнинг, ёшларнинг баданлари мўътадил даражада иссиқ. Ўрта ёшлилар ва қариларнинг баданлари совуқ. Лекин болаларнинг баданлари ўсаётганликлари учун мўътадилдан ҳўлроқ. Бунга тажриба далил бўладики, болаларнинг суяклари ва асаблари юмшоқдир. Яна бунга, болаларнинг манийга ва буғсимон руҳга яқин бўлган даврларига кўп ўтмаганлик қиёсий далил бўлади.

Аммо, ўрта ёшлилар ва хусусан қарилар жуда совуқ мизожли бўлиш билан бирга жуда қуруқдирлар. Буни суякларининг қаттиқлиги ва териларининг қуруқлиги асосида тажриба қилиб билинади.

Жинслар [эрлар ва хотинлар] эътибори билан мизожларнинг айирмасига келсак, хотинлар эркакларга нисбатан совуқ мизожлироқдирлар. Шунинг учун тузилишда эрларга қараганда кучсиздирлар. Ҳамда мизожлари ҳўлроқ. Мизожлари совуқлиги натижасида чиқиндилари кўп, жисмоний [ҳаракатларининг] озлигидан гўштларининг моддаси ғовакроқдир.

Шимолдаги шаҳарларнинг аҳолилари ва сув билан боғлиқ ишларда ишловчиларнинг [мизожлари] ҳўлроқдир, бунга қарши шароитда яшовчи кишилар аксинчадирлар.

ХИЛТЛАР ТҮҒРИСИДА

Хилт ҳўл, оқувчан бир жисм бўлиб, энг аввал овқат ўшанга айланади. Хилтнинг баъзиси мақтовга сазовордир. Булар шундай хилтки, бир ўзи ё бошқа бирон нарса билан бирга, овқатланувчининг моддаларидан бири бўлади, шунингдек, [овқатли моддага] ўхшаб кетади. Хулоса қилиб айтсак, овқатланувчи (баданга) сингиб тарқаладиган нарсанинг ўрнига бадал бўлади. Хилтнинг баъзиси ортиқча ва паст сифатли бўлиб, яхши хилтга айланишга қодир эмас, ёки камдан-кам яхши хилтга айланади. Оқибатда ундай [хилт] ана шу айланишдан илгари гавдадан чиқарилиб ташланади.

Биз айтамызки: гавда ҳўллик [рутубат]ларининг баъзиси бирламчи ва баъзиси иккиламчи бўлади. Бирламчиси тўртта, уларни келгусида айтамыз. Иккиламчиси — икки хил, яъни ортиқчаси ё ортиқча эмаси. Ортиқчасини келгусида айтамыз. Ортиқча эмаслари шундай [рутубатларки], улар ўзларининг ибтидоий ҳолатларини ўзгартириб аъзоларга ўтадилар, лекин оддий аъзолардан бирига ҳам тўлиқ бўлак бўлмайди. Ортиқча бўлмаган шу ҳўлликлар тўрт турли бўлади: биринчиси, асосий аъзоларга қўшни бўлган майда томирларнинг учларидаги ковакларга қамалган бўлиб, асосий аъзоларни суғориб туради. Иккинчиси, асосий аъзоларга шабнам каби сочилган бўлади. Шу иккинчи ҳўллик бадан озиқсиз қолганда, озиқ бўла олади ҳамда қаттиқ ҳаракатдан ва бошқа бир сабабдан аъзолар қуриса, уни ҳўллаб тура олди. Учинчиси, яқинда қуюқлашган ҳўллик. Бу ҳўллик аралашшиш ва ўхшашлик йўли билан аъзолар моддасига айланган озиқ бўлса ҳам, ҳали тўлиқ қуюқлашиш билан аъзо моддасига айланмаган бўлади. Тўртинчиси, асосий аъзолар бўлакларининг бирикишига сабаб бўлган ўсишнинг дастлабки замонидаёқ асосий аъзога киришган ҳўллик. Бу ҳўлликнинг бошланиши [маний] томчисидан, [манийнинг] бошланиши эса хилтлардандир.

Яна айтамызки: яхши ва ортиқча хилтларнинг ҳўлликлари тўрт жинс [хил] бўлади: қон жинси — бу ҳўлликларнинг энг яхшисидир, балғам жинси, сафро жинси, савдо жинси. Қон иссиқ ва ҳўл табиатли бўлиб, икки хил: табиий ва ғайритабиий бўлади. Табиийси қизил рангли бўлиб, ёмон ҳидли эмас, жуда шириндир. Ғайритабиийси ҳам икки хил. Баъзан ўзининг яхши мизожлилиқ ҳолидан ўзгариши унга аралашган бирон

парса сабабли бўлмайди, балки ўзидаги мизожнинг ёмонлашиши билан бўлиб, масалан, мизожи совуқ ва ё иссиқ бўлиб қолади.

Балғам [шиллик]га келсак, бу ҳам ё табиий, ё ғайритабиий бўлади. Табиийси шундай балғамки, баъзи вақтда қонга айланади. Чунки табиий балғам тўла етилмаган қондир. Табиий балғам — ширин балғамнинг бир туридир. Бу табиий балғам жуда совуқ эмас, балки гавдага нисбатан озгина совуқ бўлиб, қонга ва сафрога нисбатан совуқдир. Ширин балғамдан ҳам баъзан ғайритабиийси пайдо бўлади, у таъмсиз балғам бўлиб, бунинг сабаби унга табиий қоннинг аралашганидир, буни келгусида айтамыз. Бу балғам кўпинча назлаларда ва тупукда кўрилади.

Табиий ширин балғамга [келсак], Жолинус [фикрича], «табиат бунга, сафро ва савдога муайян жой тайин қилгани каби бир аъзони махсус жой қилиб тайинлаган эмас. Чунки бу балғам ўз кайфияти билан қонга яқин бўлиб, аъзоларнинг ҳаммаси унга муҳтождир. Шу жиҳатдан уни қон ўрнида юргизилади».

Табиий балғамнинг манфаати бўғинларни ва кўп ҳаракатли аъзоларни ҳўллаб туришдир. Шундай ҳўлланиб турганда бўғинлар ва аъзоларда ҳаракат ва ишқаланиш сабабли пайдо бўладиган қуруқлик ҳосил бўлмайди. Табиий балғамнинг бу манфаати заруридир.

Демак, бузилган балғамнинг маза жиҳатидан тўрт турли бўлиши ойдинлашди: шўр, нордон, тахир ва бе-маза дейилади. Қуюқ-сууюқлик жиҳатдан [ҳам] тўрт хил бўлиб, сувсимон, шишасимон, бурун шиллиғисимон ва ганчсимон дейилади. Хом балғам эса, бурун шиллиғисимонга киради.

Сафрога келсак, бунинг ҳам баъзиси табиий ва баъзиси ғайритабиий ортиқча бўлади. Табиийси қоннинг кўпиги бўлиб, тоза, қизил, енгил, ўткир бўлади, жуда қизиб кетса кучли қизил бўлади. Шу табиий сафро жигарда пайдо бўлгач икки қисмга бўлинади. Бир қисми қон билан қўшилиб кетса, иккинчи қисми соф бўлиб, тиниб ўт қопчасига боради. Қонга қўшилиб кетадигани зарурат ва манфаат учун қўшилади. Зарурати шундан иборатки, ўпка каби мизожида сафродан етарли бир бўлакнинг бўлиши керак бўлган аъзони озиклантириш учун бўлиб, керакли миқдорда қонга аралашади. Манфаати эса қонни латиф қилиб, тор йўлларга ўтказишидир.

Сафронинг соф бўлиб, ўт қопчасига ўтиши ҳам зару-

рат ва манфаат учун бўлади. Зарурати ё бутун бадан эътибори билан бўлиб, баданни ортиқча нарса [чиқинди]дан халос қилади ёки биргина аъзо эътибори билан бўлиб, ўт қопчасини озиқлантиради. Манфаати икки турлидир, бири, ичакни қуйқа — гализ ва ёпишқоқ балғамлардан ювади, иккинчиси, ичакни ва орқа йўл мушагини қитиқлаб, ҳожатни ҳис этдиради ва [кишини] ташқарига чиқишига муҳтож қилади. Шунинг учун ўт қопидан ичакка тушадиган йўлда тўсиқ пайдо бўлиши сабабли баъзан қуланж [касаллиги] пайдо бўлади.

Савдога келсак, бунинг баъзиси табиий ва баъзиси ортиқча [чиқинди] — ғайритабиий бўлади. Табиийси тоза қоннинг дурди — тагига чўккани ва қуйқасидир. Бунинг мазаси ширинлик билан какралик ўртасида бўлади.

Савдо жигарда вужудга келгач, икки қисмга бўлинади. Бир қисми қон билан бирга ўтиб кетади, иккинчи қисми эса, талоқ томонга боради. Қон билан ўтувчиси зарурат ва манфаат сабабли ўтади. Зарурлиги шундан иборатки, мизожида савдонинг яхши қисмидан анчагина миқдорда бўлиши керак бўлган ҳар бир аъзони озиқлантириш учун савдонинг етарли миқдорда қонга аралашини зарур, масалан, суяклар шундай. Манфаати шуки, савдо қонни пишиқ қилиб, кучайтиради ва қуюқ қилиб, тарқалишдан сақлайди.

Қонга керак бўлмай, талоққа борадиган савдо ҳам зарурат ва манфаат учун боради. Зарурати ё бутун гавдага тегишли бўлиб, уни ортиқча нарсалардан тозалайди, ёки биргина аъзога нисбатан бўлади ва бунда у талоқни озиқлантиради. Манфаати шуки, савдо тарқалиш олдида меъданинг оғзига тушади ва бу манфаати икки важҳ билан бўлади: биринчи важҳ — меъданинг оғзини пишиқ, қаттиқ ва кучли қилади. Иккинчи важҳ — нордонлиги билан меъда оғзини қитиқлаб, уни очликдан огоҳлантиради ва иштаҳани қўзғатади.

Баъзи кишилар: «Гавда қуввати — қоннинг кўплигига, кучсизлиги — қоннинг озлигига боғлиқдир», — деб гумон қилади. Бундай эмас, балки муҳими гавданинг қондан оладиган нарсаси, бу эса унинг яхши сифатли ҳолатидир.

Баъзи кишилар: «Хилтлар бир-бирига нисбатан одам гавдаси талаб қиладиган миқдорда пайдо бўлса, [улар] хоҳ кўпайсин, хоҳ озайсин [барибир] бўлиб, соғлиқ сақланиб қолади», — деб гумон қиладилар; бундай эмас. Балки хилтларнинг бир-бирига нисбатан миқдорлари-

нинг сақланиши билан бирга хилтларнинг ҳар бири учун, бошқа хилтга қиёсан бўлмаган, ўзининг хос миқдори — ўлчови бўлиши керак.

АЪЗОНИНГ МОҲИАТИ ВА ҚИСМЛАРИ ТУҒРИСИДА

Энди айтамыз: хилтлар унсурларнинг дастлабки қўшилишларидан вужудга келувчи жисмлар бўлгани каби аъзолар ҳам мақталган хилтларнинг дастлабки қўшилишларидан пайдо бўлувчи жисмлардир. Аъзоларнинг баъзиси оддий, баъзиси мураккаб бўлади.

Оддийлари шундай аъзоларки, улардан қайси бўлакни олсанг, исм ва таърифда бутун [аъзо] билан бир хил бўлади. Масалан, гўшт ва гўшт бўлаклари, суяк ва суяк бўлаклари, асаб ва асаб бўлаклари ва шунга ўхшаганлар. Шунинг учун улар бўлаклари бир-бирига ўхшаш аъзолар деб аталади.

Мураккаблари шундай аъзоларки, улардан қайси бўлакни олсанг на исмда, на таърифда бутун аъзо билан бир хил бўлмайди. Масалан, қўл ва юз; албатта юзнинг бўлаги юз бўлмайди, қўлнинг бўлаги қўл бўлмайди. Мураккаб аъзоларни «қурол» аъзолари деб аталади, чунки улар нафс жон учун ўз ҳаракатларини ва ишларини тугал қилишидаги қурол ва воситалардир.

Бўлаклари бир-бирига ўхшаш аъзоларнинг аввалгиси суякдир. Суяк қаттиқ қилиб яратилган [тузилган], чунки у гавданинг таянчи, ҳаракатларнинг асосидир. Кейин тоғай туради. Тоғай суякдан юмшоқроқ, букиладиган ва бошқа аъзолардан қаттиқроқдир. Тоғайнинг тузилишидаги манфаати суякларнинг юмшоқ аъзоларга туташининг яхшиланишидадир, шунда қаттиқ билан юмшоқ бевосита бирикиб, юмшоқ қаттиқликдан азият чекмайди, айниқса, урилиш ва қисилишда; балки қаттиқнинг юмшоқ билан бириктирилиши аста-секин бўлади. Масалан, курак суягидаги тоғай, қобирғаларнинг қорин устига келган юмшоқ учлари ва кўкрак суяги тагидаги ханжар шаклли тоғай шундайдир.

Тоғайнинг яна бир манфаати, бир-бирига ишқаландиган бўғинларнинг бир-бирига тегиб туриши яхши бўлиши учундир. Шунда бўғинлар ўз қаттиқлиги сабабли эзилиб синмайди. Яна, мушакларнинг баъзиси суяксиз аъзога томон чўзилганда тоғайга суялади ва тоғай билан маҳкамлашади.

Асаб ҳам [бўлаклари бир-бирига ўхшаш аъзолар-

дандир]. Асаблар мия ё орқа миядан ўсиб чиқадиган оқ майин жисмлар бўлиб, улар осонлик билан эгилади, қийинлик билан ажралади ва узилади. Асаблар аъзоларнинг сезиши ва ҳаракати тугал бўлиши учун тузилган.

Пайлар эса мушак учларидан ўсадиган жисмлар бўлиб, асабга ўхшайди. Пайлар ҳаракатли аъзоларга ёпишган бўлади ва улар гоҳо ўзи тортилиб ҳаракатли аъзоларни тортади, бунда мушак чангак бўлиб, йиғилиб, кетига қайтади, гоҳо ўзи бўшашиб, ҳаракатли аъзоларни ҳам бўшаштиради, бу ҳолда мушак ўзининг ҳолатига қайтиб ёйилади, ёки табиий ҳолатидагига қараганда узунлиги ортиб ёйилади, бу ҳолни баъзи мушакларда кўрамиз.

Пайлардан кейин биз айтиб ўтган бойлоқлар туради. Бойлоқлар: асабга ўхшаш жисмлар бўлиб, баъзисини умуман бойлоқ деб аталади. Баъзиси чандир дейилади. Мушаккача чўзилиб борганини фақатгина бойлоқ дейилади. Мушакка бормай бўғин икки суягининг икки томони оралиғини ёки бошқа аъзолар оралиғини улаб турган, бир нарсани бир нарсага пишиқ боғлайдиганини бойлоқ деб аташ билан бирга чандир исми билан ҳам аталади. Бойлоқларнинг ҳеч бирида сезиш йўқ. Сезгининг йўқлиги доимо бўлиб турадиган кўп ҳаракат ва ишқаланиш сабабли қийналмаслик учундир. Бойлоқларнинг манфаати ўтган сўздан маълумдир.

Бойлоқлардан кейин қизил қон томирлари — артериялар келади. Булар юракдан ўсиб чиққан ковак томирлар бўлиб, узунасига чўзилади ва кўринишда асабга ва бойлоққа ўхшайди. Бу артерияларнинг ёйилиш ва йиғилиш ҳаракатлари бор. Бу ҳаракатлар тинчлик ҳолати билан бир-биридан ажратилади. Бу томирлар юракни роҳатлантириш, тутунсимон буғни юракдан чиқариш ва тангрининг амри билан руҳни гавда аъзоларига тарқатиш учун тузилган.

[Артериялар]дан кейин веналар [кўк қон томирлари] келади. Булар артерияларга ўхшашдир. Лекин бу томирлар жигардан ўсиб чиқади ва ҳаракатсиз бўлади. [Улар] қонни гавда аъзоларига тарқатиш учун тузилган.

Ундан кейин парда — қобиқлар туради. Булар кўзга кўринмайдиган асабсимон толалардан тўқилган бўлиб, юпқа ва ёйиқ ётадилар. Улар турли фойдали мақсадлар учун бошқа аъзоларнинг устини ёпади ва ўраб олади.

Веналардан кейин гўшт келади. Гўшт гавдага қўйил-

ган аъзоларнинг ораларини тўлдирувчи ва у аъзоларнинг суянчи ва қувватидир.

Ҳар аъзонинг ўзида туғма қувват бор. Шу қувват воситаси билан, у аъзонинг озиқланиши тугалланади, яъни бу қувват озиқни тортади, тутади, [камайган нарсанинг] ўрнини тўлдиради, қўшади ва чиқиндисини чиқариб юборади. Ундан кейин аъзолар [қувват жиҳатидан] турлича бўлади. Баъзисининг табиий қувватидан бошқа яна бошқа аъзодан ўтган қуввати бўлади, баъзи аъзода ундай қувват бўлмайди. Энди [гавданинг барча аъзолари] бирикканда шундай аъзолар вужудга келадик, уларнинг баъзилари қабул қилувчи ҳам берувчи берувчи ва қабул қилмовчи, қабул қилувчи ва бермовчи, қабул қилмовчи ҳам бермовчи аъзолар бўлади.

Қабул қилувчи ҳам берувчи аъзога келсак, бунинг борлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Чунки мия ва жигар тўғрисида табиблар келишганларки, булардан ҳар бири ҳаёт қувватини, туғма иссиқликни ва руҳни юракдан қабул қилади, ҳамда уларнинг ҳар бири қувват бошланадиган ўринлар бўлиб, у қувватни ўзидан бошқага беради. Мия сезишнинг қабул қилиш ўрнидир. Бир гуруҳнинг фикрича [бу] — мутлақ, ўзга гуруҳнинг фикрича — мутлақ эмас. Жигар эса, баъзилар фикрича, мутлақ овқатлантириш манбаидир, бошқалар фикрича, мутлақ эмас.

Мана энди табибга аъзоларнинг бўлинишининг [сабаби] очилади; унинг учун бошқарувчи аъзолар, бошқарувчи аъзоларга хизмат қилувчи аъзолар; бўйсундирилган, лекин хизмат қилмовчи аъзолар; бошқарувчи ҳам, бўйсундирилган ҳам эмас аъзоларнинг борлигини билиш керак бўлади.

Бошқарувчи аъзолар шахс ёки турнинг сақланишига зарур бўлган гавдадаги дастлабки қувватларнинг манбаларидир. Шахсни сақловчи бошқарувчи аъзолар учта: юрак ҳаёт қувватининг келиб чиқиш ўрни; мия сезги ва ҳаракатнинг келиб чиқиш ўрни ва жигар овқатлантириш қувватининг келиб чиқиш ўрни. Турни сақловчи бошқарувчи аъзолар ҳам ўша учта, яна турни [сақлашга] хос тўртинчиси [ҳам бор. У] икки моякдир.

Хизмат қилувчи аъзоларга келсак, бу аъзоларнинг баъзиси тайёрлаш хизматини бажаради, баъзиси ўтказиш хизматини бажаради. Тайёрловчи хизматни манфаат [яъни фойдали иш] деб аталади, ўтказувчи хизматни мутлақ хизмат деб аталади. Тайёрловчи хизмат бошқарувчи аъзоларнинг ишидан олдин бўлади, ўтка-

зувчи хизмат бошқарувчи аъзонинг ишидан кейин бўлади. Юракка келсак, унинг тайёрловчи ходими ўпка каби аъзолардир, ўтказувчи ходими эса артериялардир.

Миянинг тайёрловчи ходими жигар ва бошқа овқатлантириш ва руҳни сақлаш аъзолари бўлиб, ўтказувчи ходими эса асаблардир.

Жигарнинг тайёрловчи ходими меъда; ўтказувчи ходими эса веналардир. Икки моюкнинг тайёрловчи ходими, ундан илгари эрлик уруғини пайдо қилувчи аъзолар; ўтказувчи ходими эрларда сийдик йўли ва моюклар билан сийдик йўли ўртасидаги томирлардир. Шунингдек, хотинлардаги ўтказувчи ходим, ҳомилаланиш жойига эрлик уруғи борадиган йўлдир. Ундан ташқари, хотинларда яна бачадон борки, унда уруғнинг фойдали иши тугал бўлади.

Жолинос: «аъзолардан баъзисининг фақат иши, баъзисининг фақат манфаати, баъзисининг ҳам иши, ҳам манфаати бор. Биринчининг мисоли юрак, иккинчининг мисоли ўпка, учинчининг мисоли жигар», дейди.

Мен айтаманки — иш деб, шахс ҳаётига, ё турнинг доимо сақланишига оид бўлган ва биргина аъзо билан бажариладиган ишни тушунмоғимиз керак, масалан, руҳни ҳосил қилишдаги юракка хос иш каби. Манфаат [деб] бошқа бир аъзонинг ишини қабул қилишига хизмат қилувчи ишни тушунмоғимиз керак, шунда шахс ҳаётини ифода қилишдаги, ё турнинг сақланишидаги иш тугал бўлади. Масалан, ўпканинг ҳавони тайёрлаш иши каби.

ҚУВВАТЛАР ТУҒРИСИДА

Қувватлар билан таъсирлар бир-бирлари орқали билинадилар, чунки ҳар бир қувват бирор таъсирнинг бошланадиган ери бўлиб, ҳар бир таъсир ҳам бирор қувватдан пайдо бўлади. Шунинг учун бу икковларини бир таълимга тўплادик.

Қувватлар ва улардан пайдо бўладиган таъсирларнинг жинслари табибларча учтадир: нафсоний қувват, табиий қувват ва ҳайвоний [яъни ҳаётий] қувват.

Файласуфлардан кўплари ва табибларнинг ҳаммаси, хусусан Жолинос, қувватлардан: ҳар бири бирор бошқарувчи аъзода бўлиб, у ўша қувватнинг манбаидир, [қувват] таъсири ҳам шунда пайдо бўлади, деб тушунадилар. [Масалан], нафсоний қувватнинг ўрнини ва

Феълди [таъсири] пайдо бўладиган ерини мия деб биладилар.

Табиий қувватлар икки турли бўлади. Улардан бирининг мақсади шахсни сақлаш ва унинг турмушини тартибга солишдир. Бу хил табиий қувватлар озиклантириш ишини бошқаради ва гавда мавжуд бўлган муддат давомида уни физолантириб туради; ўсиш даври тамом бўлгунча унинг ўсишига ёрдам беради. Бу турнинг турадиган ўрни ва таъсирнинг пайдо бўладиган ери жигардир.

Иккинчи турнинг мақсади навни сақлашдир. Бу тур кўпайиш ишини бажариб, гавда аралашмасидан уруғ моддасини ажратиб, унга яратувчи изни билан шакл беради. Бу турнинг турадиган ўрни ва таъсир манбаи мояклардир. Ҳаётинг қувват ҳислар ва ҳаракатларнинг эгаси бўлган руҳ ишини тартибга солади; у, руҳ мияда ҳосил бўлганида, уни ҳис ва ҳаракатларни қабул қилишга тайёрлаб, ҳаёт юз берадиган ҳолатга етказилади. Бу қувватнинг ўрни ва иши юракда пайдо бўлади. Лекин буюк файласуф Арасту шу ҳамма қувватларнинг бошланиш ўрни юрак деб биледи; лекин уларнинг биринчи хил феълларини [таъсирларини] юзага чиқариш учун юқорида айтилган манбалар хизмат қилади.

Табибларнинг айтишича, ҳисларнинг бошланиш ўрни мия бўлиб, ҳар қайси [беш] ҳис учун таъсири пайдо бўладиган айрим аъзо бўлади.





КАСАЛЛИКЛАР, УЛАРНИНГ УМУМИЙ САБАБЛАРИ ВА ЮЗ БЕРИШЛАРИ

САБАБ, КАСАЛЛИК ВА [КАСАЛЛИКНИНГ] ЮЗ БЕРИШИ [ДЕГАН ТУШУНЧАЛАРНИНГ ТАЪРИФИ ҲАҚИДА]

Биз айтамыз: тиб ҳақидаги китобларда сабаб деб олдин пайдо бўладиган ва одам гавдасида қандайдир бир ҳолатни келтириб чиқарувчи ёки бу ҳолатни тургунлича сақлаб турувчи [нарсага] айтилади. Касаллик эса киши гавдасидаги ғайритабiiй бир ҳолат бўлиб, [касал киши аъзосининг] ишига бевосита зарар етказди. У ғайритабiiй мизождан, ё ғайритабiiй таркибдан пайдо бўлади. Юз бериш шу [касаллик] ҳолатининг натижасидир. Хоҳ, бу табиатга қарама-қарши бўлсин, масалан, қуланждаги оғриқ каби, ёки қарама-қарши бўлмасин, масалан, ўпка яллиғланишидаги юзнинг ўта даражада қизариши каби, барибир [юз бериш] ғайритабiiйдир.

Сабабнинг мисоли — сасишлик [яъни ириш], касалликнинг мисоли иситма, юз беришликнинг мисоли чанқаш ва бош оғриғи; яна сабабнинг мисоли — кўзга тушувчи томирларнинг тўлиши, касалликнинг мисоли — кўз узумсимон қатламининг [томирларида] тиқилиш пайдо бўлиши, бу таркибга алоқадор бўлган олат касаллигидир; бунда юз беришнинг мисоли кўришни ё ўқотишлик. Яна сабаб мисоли — ўткир назла, касал мисоли — ўпкадаги яра; юз бериш мисоли — юз ёноғининг қизариши ва тирноқларнинг букчайиши.

Баъзан бир касаллик иккинчи касалликка сабаб бўлади. Масалан, қуланж касаллиги ҳушдан кетишга, фалаж ва тутқаноқлик касалликларига сабаб бўлади. Ҳатто касалликнинг юз бериши касалликнинг сабаби ҳам бўла олади. Масалан, кучли оғриқ ҳуш кетишликка сабаб бўла олади, ёки қаттиқ оғриқ оғриган ўринга моддалар қуйилганидан шишни келтириб чиқаради. Баъзан юз бериш ўз-ўзидан касалликка айланади; иситмадан пайдо бўлган бош оғриғи каби. Бу кўпинча ўрнашиб мустақкам бўлиб олади, ҳатто касалликка

айланиб кетади. Баъзан бир нарса ўзига кўра, ўзидан олдиндаги нарсага кўра ва ўзидан кейинги нарсага кўра касаллик, юз беришлик ва сабаб бўлади. Масалан, сил иситмаси каби. Чунки бу ўпка ярасига кўра [юз бериш], ўз-ўзига нисбатан касаллик ва масалан, меъда заифлигига нисбатан сабабдир. Мисол учун, иситма орқасида пайдо бўладиган бош оғриғини олсак, бош оғриқ иситманинг юз бериши, ўз-ўзига нисбатан эса касаллик ва баъзан *барсом ёки сарсомларни* пайдо қилиб, шу икки касалликнинг сабаби ҳам бўлиб қолади.

Жолинуснинг фикрича, одам гавдасининг аҳволи учтадир: 1. Соғлиқ; инсон гавдасининг мизожи ва [қисмларининг] таркиби [яъни тузилиши] шундай ҳолатда бўладики, ундан содир бўладиган феъл ва таъсирлар тўғри ва соғлом равишда юз беради. 2. Касаллик, бу одам гавдасининг юқоридаги ҳолатга тескари бўлган бир ҳолатидир. 3. Жолинуснинг фикрича, соғлиқ ҳам, касаллик ҳам бўлмаган бир ҳолатдир; бу [ҳолатда] тўла соғломлик ё тўла касаллик ҳам бўлмайди; масалан, қари одамлар, касалликдан соғайиб келаётганлар ва болаларнинг ҳолатлари каби; ёки юқоридаги икки нарсанинг [соғлик ва касалликнинг] иккови бир вақтда икки аъзода, ёки бир аъзода бўлса ҳам икки узоқ жинсларда тўплангани жиҳатидан бўлади; масалан, мизож жиҳатидан аъзо соғ бўлиб, таркиб [тузилиш жиҳатидан] касал бўлганидан; ёки бир аъзода бўлса ҳам иккинчи яқин жинсларда тўплангани жиҳатдан, масалан, аъзо шаклан соғ бўлиб, ҳажмда ва ўринланишда соғ бўлмайди; ёки икки таъсирланувчи кайфиятларда соғ бўлиб, икки таъсир қилувчи кайфиятларда соғ бўлмайди.

Баъзан [учинчи] аҳвол икки нарсанинг [соғлик ва касалликнинг] иккови икки вақтда бирин-кетин келишидан пайдо бўлади. Масалан, [шундай] кишилар борки, улар қишда соғ бўлиб, ёзда касал бўладилар. Касалликларнинг баъзилари содда, баъзилари мураккаб бўлади.

Содда касалликлар — мизож касаллиги навларидан бири ёки кейинда айтадиганимиз таркиб [тузилиш] касалликлари турларидан бир хил касалликлардир.

Мураккаб касалликлар шундай касалликларки, уларда [касаллик] турларидан икки ва ундан ортиғи тўпланиб, битта касаллик ҳосил қилади.

Содда касалликларнинг турлари учтадир: 1) Бўлакларни ўхшаш бўлган аъзоларга мансуб касалликлар

жинси; булар мизож бузилиши касалликларидир. Булар нима учун бўлаклари ўхшаш бўлган аъзоларга мансуб бўладилар? Чунки булар аввалдан аслида бўлаклари ўхшаш бўлган аъзоларда пайдо бўладилар ва улар орқали мураккаб аъзоларга ўтадилар. Ҳатто [бу касалликлар] бўлаклари ўхшаш ҳар бир [аъзода] бўлади, аммо мураккаб касалликларда бундай бўлиши мумкин эмас.

2) Қурол аъзолари касалликлари жинси. Булар таъсир қуроли бўлиб, бўлаклари ўхшаш аъзолардан бириккан аъзоларда пайдо бўлувчи таркибий касалликлардир.

3) Ҳамқор [аъзолар] касалликлари жинси. Булар бўлаклари ўхшаш аъзоларда ҳам, қурол аъзоларида ҳам пайдо бўладиган касалликлардир. Қурол аъзоларида пайдо бўлишлари, бўлаклари ўхшаш аъзоларда пайдо бўлишларига тобе бўлмайди. Булар «узлуксизликнинг бузилиши» ва «бирликнинг таралиши» деб аталган касалликлардир.

Таркиб касалликлари ҳам тўрт хилдан ташқари бўлмайди, улар тузилиш касалликлари, миқдор касалликлари, сон [адад] касалликлари ва вазият касалликлари.

Узлуксизликнинг бузилиши касалликлари баъзан терида бўлиб, тирналиш ва юлиниш деб аталади. Бу баъзан гўштда бўлади ва йирингламаган янги хили жароҳат деб аталади, йиринглаган хили яра дейилади. Бунда йирингнинг пайдо бўлиши — [жароҳатланган аъзонинг] заифлиги ва озиқ истеъмолидан ва ҳазмдан ожизлиги жиҳатидан [зарарли] чиқиндиларнинг бунга ҳайдалишидан келади. Шу билан бирга [ҳазм бўлмаган моддаларнинг] ўзлари ҳам чиқиндига айланиб кетадилар. Кўпинча жароҳат ва яраларнинг воқе бўлиши узлуксизликнинг бузилиши касаллигининг гўштдан бошқа жойда бўлганидан ҳам келади; масалан, у суякда бўлади — суяк синиб икки ё кўп бўлақларга ажралган бўлади, ёки титилиб майда бўлақларга, ё бўйича ажралган бўлади.

Билгинки, ҳар бир аъзо бирликнинг ажралишини кўтаравермайди, [масалан, [юрак бунини кўтармайди, у вақтда ўлим бўлади. [Узлуксизликнинг бузилиши] яна тўсиқ ва пардаларда бўлса, буларга йиртилиш дейилади.

Биз, мураккаб касалликлардан жам бўлиб қолган ҳар қандай касалликларни тушунмаймиз; балки, тўн-

ланганларида уларнинг йиғиндисидан бир касаллик пайдо бўладиганини тушунамиз. Бу [мураккаб касаллик]нинг мисоли шишдир. Тошмалар ҳам шиш жинсидандир; чунки бу тошмалар кичкина-кичкина шишлардан иборат, шишлар эса тошмаларнинг каттасидир.

Шишда ҳамма касалликларнинг жинслари топилади; шунинг учун [шишда] мизож бузилишидан пайдо бўладиган касалликлар ҳам топилади; чунки модда ҳосил қилиш билан ёмон мизож вужудга келтирмаган шиш йўқдир. Шишда шакл ва таркиб касаллиги ҳам топилади; чунки шакл ва миқдорни бузмайдиган шиш йўқдир. Баъзан [шишда] қўйилиш [вазият] касалликлари ҳам бўлади. Бунда [шишда] ҳамкор аъзоларнинг касалликлари ҳам топилади, у узлуксизликнинг бузилишидир, чунки узлуксизликнинг бузилиши бўлмаган ҳеч шиш йўқдир. Ортиқча моддалар шиш пайдо бўладиган аъзога тушиб, унинг бўлақларини бир-бирларидан ажратгани ҳолда, ўзига ўрин олса, албатта узлуксизликнинг бузилиши бўлади.

КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ДАВРЛАРИ ҲАҚИДА

Билгинки, касалликларнинг кўпчилигида тўрт давр бўлади: бошланиш даври, зўрайиш даври, [зўрайишда] ниҳоятга етиш даври ва пасайиш даври. Бу [даврлардан] ташқариги вақт соғлик давридир.

Бошланиш ва ниҳоятга етиш даврларидан касалликнинг ҳали зоҳир бўлмайдиган [кўринмайдиган] икки тарафини тушунмаймиз, балки икковидан ҳар бирига сезиларли ва махсус ҳукм ва замон бор деб тушунамиз. Бошланиш даври — касаллик пайдо бўлиб ортиб турганлиги зоҳир бўлмаган [билилмаган] даври, ўсиш даври — касалликнинг вақт ўтиши билан зўрайиши. Ниҳоятга етиш даври касалликнинг ҳамма вақт бир ҳолатда бўлиб, тўхтаган давридир. Пасайиш даври касалликнинг камайгани билинган даврдир. Шу давр қанча чўзилса касалнинг камайганлиги шунча равшанроқ бўлади.

Касалликларга ном бериш турли томондан бўлади. У, ё ўзи бўлган аъзодан олинади, ўпка пардасининг яллиғланиши [зотилжам] ва ўпканинг яллиғланиши [зотирриа] каби. Ёки касалликнинг исми унинг ташқи кўринишларидан олинган бўлади, масалан, тутқаноқ каби; ёки касалнинг сабабларидан олинади, масалан, савдовий касаллик каби. Ёки исм ўхшатиш билан оли-

нади, масалан, арслон касаллиги ва филлик касаллиги каби. Ёки биринчи марта «шу касаллик менда пайдо бўлди» деган кишига нисбат берилиб, унинг исми билан юртилади, масалан, Телеф деган киши исмига нисбатан, Телеф яраси дейдилар. Ёки касалликнинг ўзи кўп бўлган шаҳарга нисбат берадилар, масалан, Балх яралари каби; ёки касалликни муваффақият билан даволашда машҳур бўлган киши исмига нисбат берадилар, [масалан] Хирон яраси каби; ёки касаллик исми унинг моҳиятидан — зотидан олинади, [масалан] иситма ва шишлар каби.

Жолинуc айтган: касалликлар, ё ташқи бўлиб, сезги ёрдами билан билинади; ё ички бўлиб, уларнинг баъзилари — билиниши энгил, меъда ва ўпка оғриқлари каби бўлади ва баъзилари эса, билиниши қийин, жигар ва ўт йўллари касалликлари каби бўлади; ё улар фақат тахмин билан билинади — сийдик йўлларида пайдо бўлган зарарланиш каби. Касалликлар гоҳо [бир аъзога] хос бўлади ва гоҳо бошқа аъзонинг иштироки билан бўлади. Бир аъзонинг бошқасининг касаллигига иштироки уларнинг табиатлари билан уланганликлари жиҳатидан бўлади, [яъни] улар орасини қурол аъзолари туташтиради, масалан, мия билан меъдани асаб туташтиради, бачадон билан эмчак вена воситаси билан боғланади. Ёки бирининг иккинчисига иштироки бири иккинчисига йўл хизматини қилганлигидан бўлади; масалан, болдир шишига икки чов йўл хизматини қилгани каби.

[Яна] касаллик икки турли бўлади: [осон] тузаладиган касаллик ва [осон] тузалмайдиган касаллик. [Осон] тузаладиган касаллик шундай касалликдирким, уни тегишинча даволашга монелик йўқдир. [Осон] тузалмайдиган касаллик — бунда уни тўғри тадбирда даволашга рухсат этмайдиган бир монелик қўшилган бўлади. Назлани бош оғриғи каби.

Билгинким, касаллик мизож, ёки ёш, ёки йил фасли билан алоқадор ва уларга мос бўлса, улар билан алоқадор ва уларга мос бўлмаган ва сабабларнинг зўрлиги орқасида вужудга келган касалликларга қараганда кам хавфлидир. Билгинким, ҳар бир фаслнинг касалликлари ўзига зид фаслда тузалиши умид қилинади.

Касалликлардан шундайлари борки, улар бошқа касалликларга айланади ва бутунлай йўқолиб кетади; бу ҳол хайриятли бўлади. Шундай қилиб, бир касаллик бошқа бир қанча касалликларга шифо бўлади.

Масалан, тўрт кунлик иситма кўпинча тутқаноқ, ниқрис, вена томирининг кенгайиши, бўғинларнинг оғриши, қўтир, қичима, баданга тошадиган майда тошмалар ва томир тортишганига шифо бўлади. Шунингдек, *зараб* кўз оғригидан, ичак тойғаноқлигидан, зотилжамдан шифо беради. Шунингдек, орқа тешик қон томирининг ёрилиши ҳар бир савдовий касалликка, ёнбош оғриқларига, буйрак ва бачадон оғриқларига фойда беради.

Баъзи касалликлар гоҳо бошқасига ўтиб, бунинг натижасида касалнинг ҳоли жуда ёмонлашади. Масалан, зотилжамнинг ўпка яллиғланишига, *фаронитус* касаллигининг *литарғусга* ўтгани каби.

Касалликлардан баъзилаари юқумли бўладилар. Булар мохов, қўтир, чечак, вабо иситмаси, йирингланган яралар каби касалликлардир. Хусусан булар одамларнинг турар ерлари тор бўлганда ва касал кишининг қўшнилари шамолнинг тагида бўлганларида юз беради. Кўз оғриғи ҳам шулар жумласидандир. Айниқса, бу ўз кўзи билан тикилиб қараган кишида бўлади. Тишнинг қамашиси ҳам нордон нарсаларни хаёл қилинганда вужудга келади. Сил ва *барас* ҳам [юқумли касалликлардандир].

Касалликлардан баъзилари наслдан-наслга кўчади. Масалан, табиий каллик, *барас* подагра [ниқрис] сил ва *барас* каби.

Касалликлардан баъзилари борки, бир қабила [уруғ] ва бир ўлкада турувчиларга хос ёки уларда кўпроқ бўладиган бўлади.

САБАБЛАР ҲАҚИДА

Юқорида биз баён қилган гавда ҳолларининг, яъни соғлиқ, касаллик ва ўртача ҳолларнинг сабаблари учтадир: олдин келувчи сабаб, ташқи сабаб ва боғловчи сабаб. Олдин келувчи ва боғловчи сабаблар гавда нарсалари, яъни хилт, мизож ё таркибга тегишли бўлишда умумийликка эгадир.

Ташқи сабаб гавда моддаларидан ташқари нарсалардан бўлган сабабдир. Бу ташқари жисмлар туфайли бўлади, масалан, зарбадан, ҳавонинг иссиғидан, қабул қилинган иссиқ ёки совуқ овқатдан пайдо бўлган сабаб каби; ёки бу нафс жиҳатидан бўлади, — чунки нафс гавдадан бўлак нарсадир, ғазаб, хавф ва шунга ўхшаш нарсалардан бўлган [сабаб] каби. Олдин келувчи сабаб билан ташқи сабаблар баъзан ўзлари билан [юқо-

ридаги уч ҳол] орасида бирор восита бўлишида шерик бўладилар. Ташқи сабаблар билан боғловчи сабаблар ўзлари билан мазкур ҳолатлар орасида восита бўлмаслик жиҳатидан шерик бўладилар. Лекин олдин келувчи сабаблар, ўзларига [гавдадаги] бирорта ҳолат яқин бўлмасдан, балки улар билан ҳолат орасида уларга кўра ҳолатга яқинроқ бошқа сабаблар бўлиши билан боғловчи сабаблардан фарқ қиладилар. Олдин келувчи сабаблар гавдага хос бўлишлари билан ташқи сабаблардан фарқ қиладилар. Яна шу ҳам борки, олдин келувчи сабаблар билан ҳолат орасида шаксиз бирор восита бўлади; ташқи сабабларда [эса] у зарур эмас. Боғловчи сабаблар билан ҳолат орасида ҳеч қандай восита бўлмайди. Ташқи сабабларда у зарурий эмас; балки уларда иккала ҳолнинг бўлиши мумкин. Демак, олдин келувчи сабаблар гавдага, яъни хилт, мизож каби таркибга тегишли сабаблар биринчи бўлмасдан, балки бирор восита орқали ҳолатни келтириб чиқарувчи сабаблардир. Боғловчи сабаблар эса гавдага тегишли сабаб бўлиб, воситасиз равишда гавда ҳолатларини биринчи келтириб чиқарадиган сабаблардир. Ташқи сабаблар биринчи бўлиб ҳам, биринчи бўлмасдан ҳам, гавда ҳолатларини келтириб чиқарадиган, гавдага хос бўлмаган сабаблардир.

Олдин келувчи сабабларнинг мисоли — иситмани келтириб чиқаришда [хилтларга] тўлалик; катарактани пайдо қилишда кўз томирларининг тўлиб кетганлиги. Боғловчи сабабларнинг мисоли — иситмани пайдо қилишда хилтларнинг чириб сасиши; кўз томирларида тиқилма пайдо қилишда кўзнинг узумсимон қатламига рутубатнинг оқиб тушуви, кўрликни келтириб чиқаришда — тиқилманинг [пайдо бўлиши].

Ташқи сабабларнинг мисоли — қуёшнинг иситиши, кучли ҳаракат, зўр ғам, кўп уйқусизлик ёки саримсоққа ўхшаган ўткир қиздирувчи нарсаларни ейиш кабилар. Буларнинг ҳаммаси иситмага сабабдир; кўзнинг қорачиғи тешигининг кенгайишига ва катарактага уриш сабаб бўлгани каби.

Сабаблар, келтириб чиқарган нарсаларига нисбатан, турли ҳолларда бўладилар. Кўпинча сабаб битта бўлса ҳам, турли гавдаларда турлича касалликларни, ёки турли вақтларда турли касалликларни келтириб чиқарган бўлади. Бирор бир сабабнинг таъсири кучсиз ва кучли одамда, сезувчан ва кам сезувчан одамда бир хил бўлавермайди.

Айтамызки, гавда ҳолларини ўзгартирувчи ва сақловчи сабаблар ё зарурий бўлиб, одам ҳаётида ундан қутилиш мумкин бўлмайди, ё зарурий бўлмайди. Зарурий бўлганлари олти жинс бўлади: атрофимизни ўраган ҳаво, ейиладиган ва ичиладиган нарсалар, гавданинг ҳаракати ва тинчлиги, нафсоний ҳаракатлар, уйқу ва уйғоқлик, бўшалиш ва тўхталиб қолишлар.

Аввало ҳаводан бошлаймиз.

АТРОФНИ УРАГАН ҲАВОНИГ ГАВДАГА ТАЪСИРИ ҲАҚИДА

Ҳаво гавдамизнинг ва руҳимизнинг [таркибига кирган] бир унсурдир. Ҳаво гавдамизнинг ва руҳимизнинг унсурини бўлиши билан бирга, у руҳимизга етиб, уни тузатишга сабаб бўладиган бир мадад ҳамдир. Бу нарсани унинг бир унсурини бўлишидан эмас, балки таъсир этувчи бўлиши, яъни мўътадилликка келтирувчи омил бўлиши сабабдир.

Руҳдан нимани тушунишимизни юқорида баён қилдик. Руҳдан файласуфларнинг «нафс» [жон] деб атаган нарсаларини тушунмаймиз.

Ҳаводан руҳимизда пайдо бўладиган мўътадиллик икки ишга боғлиқдир. Булар роҳатлантириш ва тозалаш ишларидир.

Роҳатлантириш агар руҳнинг иссиқ мизожи тутилиб қолиш натижасида ўта даражага борган бўлса, уни мўътадил қилиш ва ўзгартиришдир. Бу мўътадил ҳолга келтиришдан, юқорида билганингча, қўшимча мўътадил ҳолга келтиришни тушунаман. Бундай мўътадилликка ҳавонинг ўпка орқали ва, шунингдек, артерияларга туташ тешиқлар орқали руҳга тортилиши сабаб бўлади.

Гавдамизни ўраган ҳаво, руҳнинг тиқилиши билан пайдо бўлган мизожи у ёқда турсин, ҳатто туғма мизожига солиштирганда ҳам, жуда совуқдир. Ҳаво руҳга етиб, унга урилади ва у билан ажралишиб, мизожнинг бузилишга олиб борадиган оловли ҳолатига ўтишига ва қамалиб қолишига йўл қўймайдики, акс ҳолда [руҳ] ҳаёт сабабчиси бўлган нафсоний қувват таъсирини қабул қилиш қобилиятини йўқотган бўлар эди; шунингдек, у ҳўл ва буғсимон [руҳ] моддасининг тарқалишига ҳам монелик кўрсатади.

Тозаланиш шундан иборатки, ҳаво нафасни ташқарига чиқаришда ўзи билан бирга тутунлик буғни олиб чиқади; буни ҳавога ажратувчи қувват олиб беради.

Тутунли буғнинг руҳга нисбати, ортиқча хилтнинг гавдага нисбати кабидир.

Мўътадил ҳолга келтириш, ҳавонинг нафас олишда руҳ устига келиши билан бўлади. Тозалаш нафас чиқарилганда ҳавонинг [руҳдан] ажралиши билан бўлади. Бу шунинг учунки, руҳни мўътадил ҳолга келтириш учун аввалда келаётган ҳавонинг амалда совуқ бўлиши, лигига муҳтож бўлинади. Ҳаво кўп туриб қолиш билан қизиб, руҳ кайфиятига айланганда, фойдаси йўқолади ва натижада у керак бўлмай, унинг ўрнини оладиган янги ҳавога эҳтиёж туғилади. Ўрнини кейиндан келувчига бўшатиш учун уни заруратан чиқаришга муҳтож бўлинади. Унинг билан бирга руҳ моддалари чиқиндилари ҳайдаб чиқарилади. Ҳаво мўътадил ва соф бўлиб, руҳнинг мизожига тескари ёт бир жавҳар аралашмаганда, у соғлиқ учун ишловчи ва уни сақловчи бўлади. Ҳаво ўзгарса, у ишининг тескарисини қилади.

Ҳавода табиий ўзгаришлар ва ғайритабиий ўзгаришлар пайдо бўлади. Ғайритабиий ўзгаришлар, бирикинчи [табиий]га зид бўладилар. Табиий ўзгаришлар — фаслга боғлиқ ўзгаришлардир; чунки ҳаво ҳар фаслда бошқа бир мизожга ўтади.

ЙИЛ ФАСЛЛАРИНИНГ ТАБИАТЛАРИ ҲАҚИДА

Билгил, табибларча йил фасллари астрономлар тушунган йил фаслларидан бошқадир. Чунки астрономларча, тўрт фасл қуёшнинг буржлар фалагининг баҳорги [кеча-кундуз баробарлиги] нуқтасидан бошлаб бир чорагидан бошқа чорагига ўтиш замонларидир. Аммо табибларча, баҳор шундай бир замонки, мўътадил [иқлимли] мамлакатларда совуқдан сақланишга аҳамият бериб исинишга, ёки иссиқдан сақланиб салқинланишга ҳожат тушмайди; бунда дарахтлар амал қилишга бошлайди. [Баҳор] даври баҳорги кеча-кундуз баробарлигидан, ёки ундан бир оз олдин ё кейин бошланиб, қуёш то Савр [буржининг] ярмига келгунигача давом этади. Куз бизнинг мамлакатларга ўхшаш мамлакатларда [давом этишда] баҳор вақтига мос қелади. Бошқа мамлакатларда баҳор биздагидан олдин ва куз кейин бўлиши мумкин.

Иссиқ даврнинг ҳаммаси ёз ва совуқ даврнинг ҳаммаси қиш деб аталади. Табиблар қошида баҳор ва куз даврларининг ҳар бири ёз ва қиш даврларининг ҳар

биридан қисқароқ бўлади. Қиш даври [узунликда] ёз даврига муқобил бўлади, ёки мамлакатига қараб камроқ ё кўпроқ бўлади. Бааҳор даври мевали дарахтларнинг гуллаши ва мевасини кўрсатиш вақтига, куз даври эса дарахт баргларининг ранги ўзгариб, туша бошлаш вақтига ўхшайди. Булардан бошқаси қиш ва ёздир.

Биз айтамыз, баҳор мизожи мўътадил мизождир; гумон қилинганча иссиқ ва ҳўл эмасдир. Буни ҳақиқати билан текшириш ҳикмат илмининг табиёт қисмига оиддир. Баҳорни шак-шубҳасиз мўътадил [фасл] деб ҳисоблайлик. Ёз қуёш яқин бўлгани учун иссиқ ва қуруқдир.

Ёз иссиқ бўлиши билан бир қаторда, кучли иссиқлик сабабли ҳўлликнинг буғланишидан, ҳавонинг моддаси сийракланиб олов табиатига ўхшашидан ва шудринг кам тушиб, ёмғир кам ёғишидан қуруқ ҳам бўлади. Қиш эса юқорида айтилган сабабларнинг зидди бўлгани жиҳатидан совуқ ва ҳўл бўлади.

Кузда эса иссиқлик камаяди, аммо совуқлик ҳали кучаймаган бўлади.

Шунинг учун [куз] иссиқлик ва совуқликда мўътадилликка яқин бўлиб, ҳўллик ва қуруқликда мўътадил бўлмайди.

Кўкламда қишнинг ортиқча ҳўллиги қуёш зенитга яқин бўлганлигидан пайдо бўлган озгина иссиқлик билан йўқотилади. Кузнинг ҳавоси эса озгина совуқлик билан ҳўл бўлмайди.

Яна баҳорда юқорига кўтарилиб учиб кетадиган нарсалар моддаси кўп бўлмайди. Шунинг учун баҳорнинг табиати иссиқлик ва совуқликда мўътадил бўлганидек, ҳўллик ва қуруқликда ҳам мўътадил бўлиши зарур бўлади. Шунинг билан бирга баҳорнинг аввалги пайти ҳўлликроқ бўлади, деган фикрни [рад] қилмаймыз. Бироқ бу [ҳўллик], куз мизожидаги қуруқлик мўътадилликдан узоқ бўлгани каби мўътадилликдан узоқ эмасдир.

Билгинки, йил фаслларининг ўзгаришлари ҳар бир иқлимда бирор-бир касалликни кўзғатади. Табиб буни ҳар қайси иқлимга нисбатан яхши билиши зарур; чунки эҳтиётлик чоралари ва тадбирларни белгилаш [том маъноси] билан билишликка асослангандир. Айрим кунлар бошқа кунларга нисбатан айрим фаслларга ўхшайди. Қиш кунлари, ёз кунлари ва куз кунлари бўлади; шунингдек, бир куннинг ўзида ҳам совуқ, ҳам иссиқ бўлиши мумкин.

ЙИЛ ФАСЛЛАРИНИНГ ҲУҚМЛАРИ ВА ЎЗГАРИШЛАРИ ҲАҚИДА

Йил фаслларининг ҳар бири ўзига муносиб соғлом мизожда бўлган кишига мувофиқ келади ва ўзига муносиб бўлмаган ёмон мизожли кишига тўғри келмайди. Йил фасллари ўзларига лозим бўлган хусусиятлари билан келишлари керак. [Яъни] ёзнинг иссиқ бўлиши, қишнинг совуқ бўлиши ва, шунингдек, бошқа фаслларнинг ҳам ўзига хос бўлиши каби. Агар бу бузилса, ёмон касалларга сабаб бўлади.

Фасллари доимо бир турли кайфиятда бўлган йил ёмон йилдир, масалан, йилнинг ҳамма [фасллари] ҳўл ё қуруқ, иссиқ ё худ совуқ бўлса, бундай йилларда ўз кайфиятларига муносиб касалликлар кўп бўлади ва бу касалликларнинг муддатлари ҳам узун бўлади. [Ҳатто] бир фасл ўзига муносиб касалликлар қўзғатса, нима бир [бутун] йил касалликларни қўзғатмасин? Масалан, совуқ фасл балғам мизожли гавдага таъсир қилиб, тутқаноқ, фалаж, сакта, юз асабларининг фалажи, тортишиш ва шунга ўхшаш касалликларга олиб боради; иссиқ фасл сафромизож гавдага таъсир қилиб, жипнилик, ўткир иситма ва иссиқ шишларни келтириб чиқаради. Агар бутун йил бир фасл табиатига ўхшаса, бу тўғрида нима ҳам дейиш мумкин?

Билгинки, бир фаслдан иккинчи бир фаслга ўтишда бир таъсир юз беради. Лекин бу даврдан келмайди, чунки давр бир вақтдир, балки у билан бирга бўлган кайфиятдан келади; ҳолларнинг ўзгаришларида бунинг буюк таъсири бордир. Шунинг каби, агар ҳаво бир кунда иссиқдан совуққа айланса, бу гавданинг соғлиги ўзгаришига, албатта, сабаб бўлади. Энг соғлом вақт, кузнинг ёмғирли ва қишнинг ўта совуқ бўлмасдан шу мамлакатга хос мўътадил даражада совуқ бўлишидир. Агар баҳор ёмғирли бўлиб, ёз ҳам ёмғирдан холи бўлмаса, бу энг соғломдир.

ЯХШИ ҲАВО ҲАҚИДА

Моддаси билан яхши ҳаво ҳеч бир буғ ва тутун каби ёт нарсалар аралашмаган ҳаводир. Бу осмон тагидаги очиқ ҳаво бўлиб, девор ва томлар ичида беркилган бўлмайди. Лекин умумий бузилиш етганда бу ҳам яхши бўлмайди. Чунки бундай вақтда очиқ ҳаво, беркитилган ҳавога қараганда бузилишни тезроқ ўзига қабул қила-

ди. Бошқа ҳолатларда очиқ ҳаво яхшироқдир. Бу яхши ҳаво тоза ва тиниқ бўлиб, унга пастлик, чуқурлик, чакалазор, ботқоқ ерлар ва полизлардан, айниқса, карам ва индов ўсимлиги экилган ерлардан кўтарилган сув буғлари аралашмаган, айниқса, қални дарахтзорлар, ёнғоқ, *шавҳат*, анжир каби моддалари ёмон бўлган дарахтлар [ўсган жойдан] кўтарилган сув буғлари ва сассиқ ҳидли еллар аралашмаган бўлади. Шу билан у яхши шамоллардан бекилган ҳам бўлмайди; чунки яхши шамоллар баланд ва текис ерлардан эсадилар. Бундай ҳаво қуёш чиқиши билан тез қизиб, ботиши билан тез совуйдиган чуқурларда қамалиб қолган ҳаво ҳам эмас ва, шунингдек, яқин муддатда оҳак аралаштириб сувалган ва қуриб битмаган деворлар орасида қамалган ва кишини бўғиб, нафас олишга қўймайдиган ҳаво ҳам эмас.

ФАСЛЛАР ҲАҚИДА

Баҳор ўз мизожида бўлса, йил фаслининг энг яхши-си ҳисобланади. У руҳ ва қон мизожига муносиб келади ва биз юқорида айтганимизча, у [баҳор], ўзининг мўътадиллиги билан тездан «осмон»нинг енгил иссиғлигига ва табиий намликка айланади. [Баҳор] юз рангини қизартиради, чунки у қонни, жуда иссиқ ёзнинг эритиб тарқатиш даражасига етказмасдан, мўътадиллик билан тортади. Баҳорда узоққа чўзиладиган касалликлар кўзғалади, чунки [баҳор] туриб қолган хилтларни юргизиб оқизади. Шу сабабдан меланхолия касаллиги бор одамларда бу касаллик кўзғалади. Қишда таомни кўп еб, кам ҳаракат қилганларидан хилтлари кўпайган кишилар баҳорнинг эритиб тарқатиши сабабли шу моддалардан кўзғаладиган касалликларга йўлиқувчан бўладилар. Агар баҳор, мўътадил бўлиб тургани ҳолда, чўзилиб кетса, ёз касалликлари камаяди.

Баҳор касалликлари қуйидагилар: ичдан қон ўтиши, бурун қонаш, сафро табиатида бўлган меланхолиянинг кўзғалиши, шишлар, йирингли шишлар, томоқ оғриқлари — булари ўлдирувчидир — ва бошқа чиқиқлар. [Баҳорда] кўпинча томирларнинг ёрилиши, қон тупириш ва йўтал бўлади. Бу нарса, айниқса, қиш сифатида бўлган баҳорда бўлади. Шу касалликларга, хусусан сил касаллигига дучор бўлган одамларнинг аҳволлари [баҳорда] ёмонлашади.

Ҳеч бир нарса қон олдириш, гавдани бўшатиш, кам ейиш, ичимликни кўп ичиш, маъст қиладиган шаробларга сув қўшиб, кучини синдириб ичиш чоралари каби баҳор касалликларидан қутқаза олмайди. Баҳор болаларга ва [ёш жиҳатдан] болаларга яқин бўлган кишиларга мувофиқ келади.

Қишга келсак, у ҳазм учун энг яхши [вақт]дир, чунки совуқ туғма иссиқликнинг жавҳарини сиқади ва бунинг натижасида иссиқлик зўраяди, тарқалмайди ва қишда мевалар кам бўлганликдан, одамлар ҳақиқий овқатларни истеъмол этадилар, тўлган меъда билан кам ҳаракат қиладилар, иссиқ жойларда турадилар.

[Қиш] ўзининг совуқлиги ва кечаси узун бўлиб, кундузи қисқа бўлиши билан, бошқа фаслларга қараганда савдони синдириш учун энг яхши фаслдир. У бошқа фаслларга қараганда ёмон хилтларни кўпроқ беркитади ва юмшатовчи, парчаловчи дориларни истеъмол этишга муҳтож қилади. Қишки касалликларнинг кўпчилиги балғамдан бўлади. Қишда балғам шундай кўп бўладикки, ҳатто қусуқларнинг кўпчилиги шиллиқли бўлади. Қишда шишларнинг туслари кўпинча оқимтир бўлади. Тумов касалликлари кўп бўлади. Тумов кузги ҳаво [нинг қишги ҳавога] ўзгариши билан бошланади, кейин бориб *зотилжам* [плеврит], ўпка яллиғланиши, хириллаш ва томоқ оғриқларига айланади. Сўнгра биқиннинг ўзида ва орқада оғриқ пайдо бўлади, асаблар зарарланади, узоқ чўзиладиган бош оғриғи, ҳатто *сакта* ва тутқаноқ касалликлари пайдо бўлади. Мана шуларнинг ҳаммаси балғам моддаларининг кўпайишидан ва тиқилиб қолишидан пайдо бўлади. Қари одамлар қишда азоб чекадилар. [Еш жиҳатидан] қариларга яқин бўлган одамлар ҳам шундай; [аммо] ўрта ёшдаги одамлар қишдан баҳра оладилар.

Ёзга келсак, у хилтларни ҳаддан ташқари кўп эритиб тарқатиб қувват ва табиий таъсирларни заифлаштиради. Ёзда қон ва балғам камаяди. [Ёз бошида] сафро кўпайиб, сўнгра [ёз] охирида ўтнинг суюқ моддаси тарқалиб, қуюғи қамалиб тўпланганлиги сабабли савдо кўпаяди. Қариларни ва уларга яқин бўлганларни ёзда кучли топасан. Юзга тортилган қон эриб тарқалганлигидан ёзда юз ранги сарғаяди. Ёзда касалликларнинг муддати қисқа бўлади, чунки [касалнинг] қуввати ортиқ бўлса, [хилтларни] эритишда ҳаводан ёрдам топади, сўнг касалликнинг моддасини етилтириб, ҳайдаб чиқаради. Агар [касалнинг] қуввати кучсиз бўлса,

ҳавонинг иссиқлиги бу кучсизликни зўрайтиради, гавдани бўшаштиради, бунинг натижасида куч камаяди ва касал ўлади.

Иссиқ вақт касалликларига келсак, буларга, масалан, кун оралатиб тутадиган иситма, доимий иситма, куйдирувчи иситма ва гавданинг ориқлаши киради. [Бу даврда] оғриқлардан қулоқ оғриғи ва кўз оғриғи бўлади. Хусусан қаттиқ иссиқ ёз шамолсиз бўлса, булар кўп бўлади. [Яна] сарамас ва [шу фаслга] муносабати бўлган тошмалар кўп бўлади.

Куз [фаслига] келсак, бунда одамлар иссиқ офтобда юриб, [кечаси] совуққа чиққанларидан, мевалар кўплигидан ва улар билан хилтлар бузилишидан ҳамда ёзда қувват камайишидан касалликлар кўп бўлади.

Куз [фасли]нинг аввали қари одамлар учун бир қадар мувофиқ бўлса ҳам, охири уларга қаттиқ зарар қилади.

Куз фасли касалликлари қуйидагилар: пўст ташлайдиган қўтир, темиратки касаллиги, саратон ўсмалари, бўғин оғриқлари, аралаш иситмалар ва тўрт кунли иситмалар. Буларнинг ҳаммасига сабаб, савдо [қораўт]нинг кўплигидир. Шунингдек, [кузда] талоқ катта бўлади ва иссиқ ва совуқдан қовуқ мизожининг ўзгариши натижасида томчилаб сийиш ҳолати туғилади. [Кузда] қуруқ ичак буралиш ҳодисалари [иловус-илеус] ва, шунингдек, *сакта* касаллиги ва ўпка касалликлари, бел ва сон оғриғи кўпаяди; бунинг сабаби ёзда чиқиндилар ҳаракат қилиб, кузда қисилишидир. Упкалари яра бўлган сил касаллари учун энг зарарли фасл кузdir. [Сил] куздан илгари бошланиб, аломатлари ошкор бўлмаган бўлса, куз бу аломатларни ошкор қилади. Куз фасли ингичка оғриққа йўлиққан кишилар учун энг зарарли фаслdir, унинг сабаби ҳам [ёзнинг] қуритиши натижасида келиб чиқади. Чунки куз ёздан қолган касалликларга нисбатан ёз вакилиdir. Энг яхши куз ёмғирли ва намли кузdir; қуруқ куз энг ёмон кузdir.

Осмондаги омиллардан келадиган [ўзгаришларга] келсак, улар, масалан, юлдузлар сабабли бўладиганларидир. Баъзан [осмоннинг] бир ерида кўп миқдорда ёруғ юлдузлар тўпланадилар ва улар қуёш билан учрашадилар, натижада уларнинг тагида ёки яқинида жойлашган ерларда кучли қизиш пайдо бўлади. Баъзан эса улар авждан жуда узоқлашиб кетадилар ва шунинг учун қизиш етарли даражада бўлмай қолади. [Қуёшнинг қисқа муддатда] авжда турган вақтидаги қизда-

ришга бўлган таъсири унинг давомли равишда авжда тургани ёки унга яқин бўлганидаги таъсирича бўлмайди.

Ерга тегишли омилларга келсак, уларнинг баъзилари шаҳарларнинг [жуғрофий] кенглиги, жойларнинг баланд ва пастлигига, тоғларга, денгизларга, шамолларга ва баъзилари тупроққа боғлиқдирлар. [Жойларнинг] кенгликлари сабабли вужудга келадиган омиллар ҳақида шунини айтиш керакки, ёз вақтида [ҳаво] шимолда Саратон доирасига ёки жанубда Жад доирасига яқин жойлашган ҳар бир ерда улардан экватор ва шимолга қараб узоқлаша борган ерлардагига қараганда иссиқроқ бўлади. Экватордан пастга жойлашган ерларни мўътадилликка яқин деювчиларнинг сўзларини тасдиқлаш керак.

Шаҳарларнинг баландлик ёки пастликда жойлашганликларидан келадиган омилларга келсак, пастликда жойлашганлари доимо иссиқроқ ва баландликда жойлашганлари доимо совуқроқ бўладилар. Ҳақиқатан ҳам бизни ўраб олган ҳавонинг ерга яқин турган қисми қуёш нурларининг ерга яқин жойда кучайиши сабабли кўпроқ иссиқ бўлади, ердан маълум даражада узоқликда жойлашган қисми эса совуқроқ бўлади. Бунинг сабаби ҳикматнинг табиёт қисмида [баён қилинади]. Агар пастлик ер чуқурга ўхшаш бўлса, нурлар кўпроқ сиқилиб [ер] кўпроқ исийди.

Тоғлар сабабли вужудга келадиган омилларга келсак, агар тоғ кишилар турадиган жой ўрнида бўлса, у ҳақдаги гапни [китобнинг] юқорида баён қилганимиз қисмида айтдик. Ҳозир эса биз [кишилар яшайдиган ернинг] яқинига жойлашган тоғ ҳақида гапирмоқчимиз. Биз айтамызки, тоғ ҳавога икки жиҳатдан таъсир кўрсатади; биринчидан, у, ерларга қуёш нурларини акс эттириб ўтказиши ёки уларни тўсиб қолади, иккинчидан, шамолни ўтказмайди ёки унинг эсишига ёрдам беради. Биринчи жиҳатига келсак, масалан, бирон ўлкада, ҳатто шимолийсида, ўша ўлканинг шимол томонида тоғ жойлашган бўлса, қуёш ўз айланишида у тоққа ўз нурларини сочади ва тоғнинг қизиши аксланиб ўлкани иситади, ҳатто [у ўлка] шимолга жойлашган бўлса ҳам. Тоғлар ғарбга жойлашган бўлсалар ҳам худди шундай бўлади, чунки шарқий томон очиқ қолади. Агар [тоғ] шарқ томонида бўлса, аҳвол юқоридагидек бўлмайди. Чунки қуёш оғиб ўша тоғларга ўз нурини сочганда ҳар соат сайин ундан узоқлаша боради ва натижада унга

тушувчи қуёш нурларининг [қиздириш] кайфияти ка-
мая боради. Лекин тоғ ғарб томонда бўлганда бундай
бўлмайди, чунки [қуёш] соат сайин унга яқинлаша
боради.

[Тоғнинг] шамолни тўсиши масаласига келганда
шуни айтиш керакки, тоғ кишилар турадиган жойга
совуқ шамолни ўтказмайди, ёки у ерга жанубий иссиқ
шамолнинг эсишини кучайтиради, ёки агар у ер икки
тоғ орасига жойлашган бўлиб, шамол учун йўл очиқ
бўлса, у ерда шамол очиқ ердагига қараганда кучлироқ
эсади. Жойларнинг тоғ билан беркитилган ёки очиқ
бўлишлари жиҳатидан энг яхши вазиятлари уларнинг
шарқ ва шимол томондан очиқ ва ғарб ҳамда жануб
томондан берк бўлишларидир.

Денгизлар эса ҳамма қўшни мамлакатларда, уму-
ман, намликни ортдириб юборадилар. Агар денгизлар
шимол томонда бўлсалар, улар [жойларнинг] совшига
ёрдам берадилар, чунки шимол томондан келаётган
шамол ўз табиати билан совуқ бўлган сув сатҳидан ўтиб
келади. Агар денгиз жануб томонда бўлса, жанубнинг
[ҳавони] зичлаштиришини янада оширади, айниқса,
ҳаво олдида тоғ турганлиги учун ўтишга йўл топа олма-
са шундай бўлади. [Денгиз] шарқ томонда бўлганда
ғарб томонда бўлганига қараганда ҳавони кўпроқ нам-
лайди, чунки қуёш доимо [шарқий денгиз] устида ту-
риб, уни буғлатиб туради ва [буғланиш] қуёш яқин-
лашган сари оша боради, ғарбий [денгиз] устида эса
кўп турмайди. Умуман, денгизнинг яқинда бўлиши ҳа-
вони намлаштиради.

Агар шамол кўп бўлса, ҳар томонга юришиб турса
ва тоғ билан тўсилмаса, ҳаво сасишдан холи бўлади;
ҳаво доимо эсиб турмаса, у сасувчан бўлади ва хилт-
ларни ҳам чиритиб саситади. Бу жиҳатдан шамоллар-
нинг энг фойдалиси шимолийси, сўнгра шарқийси ва
ғарбийси. Энг зарарлиси эса жанубийсидир.

Шамол сабабли [ҳаво ўзгариши] ҳақида бўладиган
мулоҳаза икки жиҳатдан бўлади; умумий мутлақ муло-
ҳаза ва ҳар бир жойга ва унинг хусусиятига қараб бў-
ладиган мулоҳаза. Умумий мулоҳаза юритганда шуни
айтиш керакки, жанубий шамоллар аксар жойларда
иссиқ ва нам бўладилар; уларнинг иссиқ бўлишларига
сабаб қуёшга яқинлиги сабабли исиган жойлар орқали
бизга етиб келишликларидир, намлиги шунданки, кўп-
чилик денгизлар биздан жанубга жойлашганлар. [Ден-
гизлар] жанубий бўлгани учун қуёш уларга кучли таъ-

сир қилиб буғлантиради ва [буғлар] шамолга аралашадилар. Шу сабабли жанубий шамоллар бўшаштирувчи бўладилар.

Шимолий [шамоллар] эса совуқ бўладилар, чунки тоғлар ва кўп қорли совуқ ерлардан ўтиб келадилар, шунинг билан улар қуруқ ҳам бўладилар, чунки шимол томонда буғланиш кам бўлганидан шамолга кўп буғлар аралашмайди. [Бундан ташқари], улар оқувчи дарё сувлари ва денгиз устидан ўтмайди, балки кўпинча яхлаб қотиб қолган сувлар ёки чўллар орқали ўтиб келадилар.

Шарқий шамоллар иссиқ ва совуқликда мўътадилдирлар, лекин ғарбийларига қараганда қуруқроқ бўладилар, чунки шимолий шарқда шимолий ғарбга қараганда буғланиш кам, биз бўлсак ҳар ҳолда шимолийлармиз.

Ғарбий шамоллар бир оз намроқдирлар, чунки улар денгизлар устидан ўтиб келадилар ва қуёш ўз ҳаракатида уларга қарама-қарши юради.

Жойларнинг тупроқ жиҳатидан турлича бўлишига келсак, уларнинг баъзилари тоза тупроқли, баъзилари тошлоқ, баъзилари қумлоқ, баъзилари ботқоқлик ёки шўрхоқ бўладилар, баъзи жойнинг тупроқларида эса маъдан қуввати кучли бўлади. Буларнинг ҳаммаси жойнинг ҳавоси ва сувига таъсир кўрсатади.

ҲАВОНИНГ ТАБИИЙ ҲОЛАТИГА ЗИД БУЛГАН ЁМОН ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ ҲАҚИДА

[Ҳавони] табиий ҳолатидан чиқариб юборувчи ўзгаришлар унинг жавҳарида бўлган ўзгаришдан ёки унинг сифатида бўлган ўзгаришдан келади. Жавҳарида бўладигани шуки, [ҳаво] жавҳари ўзгариб ёмонлашади, чунки унинг сифатларидан бири кучли равишда ортиб ёки камайиб кетган бўлади. Бу вабо деб аталиб, унда ҳаво бузилган кўлмак сувнинг сасишига ўхшаб бир оз сасийди.

Биз ҳаво деганда оддий, ҳеч нарса билан аралашмаган ҳавони тушунмаймиз, чунки бизни ўраб турган ҳаво ундай эмас. «Ҳаво» деганда биз фазога тарқалган шундай бир жисми тушунамизки, у жисм ҳақиқий ҳаво, сув буғлари бўлакчалари, чанг ва дуд билан кўтарилган ер бўлакчалари ва олов бўлакчалари аралашмасидан ташкил топгандир.

Бизнинг ҳаво дейишимиз денгиз сувини ҳам, тўқай сувини ҳам сув деганимизга ўхшайди, ваҳолонки, улар тоза ва нуқул сувнинг ўзи эмас, балки уларга ҳаво, ер ва олов [моддалари] аралашган, лекин сув кўпчиликни ташкил этади. Тўқай суви сасиб моддаси ёмонлашганидек, ҳаво ҳам баъзан сасийди ва моддаси ёмонлашади. Ҳавонинг сасиши ва вабо пайдо бўлиши кўпинча ёзнинг охирида ва кузда бўлади.

Ҳаво ўзгариши натижасида [одам] баданида ҳам турли ўзгаришлар пайдо бўлади. [Ҳаво] сасиса, хилтларни ҳам саситади; сасиш олдин юрак ичида қамалиб қолган хилтдан бошланади, чунки у ерга етиб бориш бошқаларига етиб боришдан кўра яқинроқ. Агар [ҳаво] кучли равишда исиб кетса, бўғинларни бўшашилади, бадандаги намларни эритиш билан тарқатиб ташналикни оширади, руҳни тарқатиб қувватларни туширади, [одам] табиатининг қуроли бўлган ички туғма ҳароратни тарқатиш билан ҳазмга монелик қилади. рангни қизартирувчи қонли хилтларни тарқатиб ва бошқа хилтлар устидан сафрони ғалаба қилдириб рангни сарғайтиради; ғайритабиий қиздириш билан юракни қиздиради ва ниҳоят хилтларни оқизади ва уларни саситиб [гавладаги] бўшлиқларга ва заиф аъзоларга йўналтиради. [Бу хил ҳаво] соғлом гавдалар учун тўғри келмайди, лекин баъзан истисқо, фалаж, совуқ кузов, совуқ назла, ҳўл тортишиш ва ҳўл юз фалажига дучор бўлганларга фойда ҳам келтиради.

Совуқ ҳаво эса туғма ҳароратни бўғиб қўяди, агар [совуқлиги] жуда ошиб кетиб [гавданинг] ичига кириб кетадиган бўлса — ўлдиради. Ҳаддан ташқари совуқ бўлмаган ҳаво ёмон хилтларнинг [гавданинг турли жойларига] оқишига монелик қилади ва уларни қамаб қўяди, лекин назла пайдо қилади, асабларни заифлаштиради, кекирдак ва ўпкага кучли зарар етказилади. [Совуқлиги] жуда ошиб кетмаса, ҳазмни ва [гавданинг] бутун ички ишларини кучайтиради ҳамда иштаҳани оширади. Умуман, [бундай ҳаво] соғлом кишилар учун иссиқ ҳавога қараганда ҳаддан ташқари фойдали.

Намли ҳаво фойдали бўлиб, кўпчилик мизожлар учун мувофиқ келади; юз рангини ва терини яхшилайдиган ва [терини] юмшатади, бадан тешикларини тозалаб олади, лекин [хилтларни] сасишга тайёрлайди. Қуруқ [[ҳаво] эса бунинг тескарисин.

ТУРАР-ЖОЙЛАРГА ҚАРАБ БУЛАДИГАН ҲОДИСАЛАР ҲАҚИДА

Турар-жойлар ҳукми ҳақида. Биз айтамизки, турар-жойлар одам гавдасига қуйидаги сабабларга қараб турлича таъсир кўрсатишлигини сен билдинг: у жойларнинг баландлик ёки пастлиги, ёки уларга яқин жойда [баландлик, пастлик] ва тоғларнинг бўлиши; тупроқларининг қандай бўлишлиги, яъни улар тоза тупроқликми, ботқоқликми, лойликми ёки [тупроқда] маъдан қуввати борми. [Бундай сабабларга] яна сувнинг кўп ё озлиги, у жойнинг яқинида дарахтлар, конлар, қабристон, ўлган ҳайвонлар ва шунга ўхшаш нарсаларнинг борлиги ҳам киради. Сен ҳаво мизожларини [жуғрофий] кенглик, тупроқ, тоғ ва денгизларнинг бўлишлиги ва, шунингдек, шамолларга қараб аниқлашни билдинг.

Биз айтамизки, қуёш ботганда тез совувчи ва чиққанда тез исувчи ҳар бир ҳаво енгил ва яхшидир, бунинг тескараси бўлган [ҳаво] аксинча; [ҳавонинг] ёмони юракни сиқувчи ва нафасни қисадигандир. Энди ҳар бир хил турар-жойнинг аҳволини тафсилий равишда бирма-бир баён қиламиз.

Иссиқ турар-жойлар ҳақида. Иссиқ жойлар қорайтиради, сочни жингалак қилади ва ҳазмни сусайтиради. Агар намликлар кўп буғланиш натижасида камайиб кетсалар, ҳабашистонликларга ўхшаб у ернинг аҳолиси тез қарийди. [Ҳабашистонда яшовчилар] ўз юртларида 30 ёшда қарийдилар ва руҳнинг кўп тарқалиши натижасида уларнинг юраклари қўрқувчан бўлади. Иссиқ ерларда яшовчиларнинг баданлари юмшоқроқ бўлади.

Совуқ турар-жойлар ҳақида. Сенга маълумки, совуқ ерларда яшовчилар кучлироқ ва ботирроқ бўладилар ва овқатни яхши ҳазм қиладилар. Агар ундай ерлар намли бўлса, аҳолиси сергўшт ва серёғ бўлади, томирлари чуқур жойлашган бўлиб, бўғинлари қуруқ ва [ўзлари] жуда кўркам ва яшнаган бўладилар.

Намлик турар-жойлар ҳақида. Намлик ерларда яшовчиларнинг ташқи кўринишлари яхши ва терилари юмшоқ бўлади. Улар жисмоний ҳаракатдан тез бўшашидилар. У ерда ёз қаттиқ иссиқ ва қиш қаттиқ совуқ бўлмайди. Уларда узоқ чўзиладиган иситмалар, ичкетиш, ой кўриш вақтида ва бавосирдан кучли қон кетиш ҳодисалари кўпаяди. Бавосир касали, яралар сасишлиги, оғиз чақаси ва тутқаноқ касалликлари ҳам кўпаяди.

Қуруқ турар-жойлар ҳақида. Қуруқ ерда яшовчиларнинг мизожлари қуриб кетади, уларнинг териси қуриб, ёрилиб кетади, мияларига ҳам қуруқлик тез боради. Уларда ёз иссиқ ва қиш совуқ бўлади, бунинг сабаби биз юқорида айтганларимизнинг тескарисидир.

Баландликка жойлашган турар-жойлар ҳақида. Баландлик ерда яшовчилар соғлом, кучли ва чидамли бўладилар ва узоқ умр кўрадилар.

Пастликка жойлашган турар-жойлар ҳақида. Пастлик жойларда турувчилар донмо иссиқлик ва димликда яшайдилар. У ерларда сув совуқ бўлмайди, айниқса, у кўлмак сув бўлса, ёки ботқоқлик ва шўрхок ерлардаги сув бўлса. Ҳаволари туфайли сувлари ҳам ёмон бўлади.

Очиқ тошлоқ ерлардаги турар-жойлар ҳақида. Бу хил ерларда ҳаво ёзда жуда иссиқ ва қишда совуқ бўлади. У ерда яшовчиларнинг баданлари қаттиқ ва пишқ бўлиб, мўйлари кўп бўлади; бўғинлари кучли ва [мизожларида] қуруқлик устун бўлади. Улар кам ухлайдилар, хулқлари ёмон бўлади, ўзлари мутакаббир ва ўжар, урушларда жасур, турли ҳунарларда моҳир ва сержаҳл бўладилар.

Қорли тоғларга жойлашган турар-жойлар ҳақида. Қорли тоғларда яшовчилар ҳақида бошқа совуқ ерларда яшовчилар ҳақидаги гапни айтиш мумкин. [Тоғли] ерлар шамолли ерлардандир. Уларда қор бўлиб турган вақтда яхши шамоллар пайдо бўлиб туради; қорлар эриб кетгандан кейин, агар тоғлар шамолларни тўсадиган бўлсалар, — у ерлар яна дим бўлиб кетади.

Денгиз [бўйидаги] турар-жойлар ҳақида. Бу хил ерларда иссиқлик ва совуқлик мўътадиллашган бўлади, чунки у ернинг нами [иссиқликнинг] таъсирига қаршилик кўрсатади ва уни ўзига ўтказмайди. Намлик ва қуруқликка келсак, [денгиз бўйидаги жойларда] сўзсиз, намлик кўпроқ бўлади. Агар у жойлар шимолда бўлсалар, денгиз ва чуқурликларнинг яқинлиги турар-жойлар [об-ҳавосини] анча мўътадиллаштиради, агар улар жанубда бўлиб, иссиқ бўлсалар, бунинг тескарисича бўлади.

Турар-жойларни танлаш ва тайёрлаш. Турар-жой танловчи киши қуйидагиларни билиши керак: ернинг тупроғи, баландлик ва пастлиги, очиқ ва ёпиқлиги, суви, сувнинг моддаси, оқиб чиқишлиги ва очиқлиги ёки унинг баландлик ва пастликдан оқишлиги; у ерда шамоллар эсадими, ёки у жой чуқурликдами, шамоллар қанақа — улар совуқ соғлом шамолларми, у ерга яқин

жойда қандай денгизлар, ботқоқлар, тоғлар ва конлар бор; [у киши] яна ўша жой аҳолисининг соғлиқ ва касаллик ҳолларини, уларга қайси касалликлар одат бўлиб қолганини билиши керак; уларнинг қувватлари, иштаҳалари, [овқатни] ҳазм қилишлари қандайлигини ва овқатлари қанақа эканлигини ҳам билиши керак; шунингдек, биноларнинг аҳволларини билиш керак: улар кенг ва очиқми? Кириладиган ерлари торми ва ҳаво кирадиган жойлари бўғадиган даражада тор, сиққими? Сўнгра, дераза ва эшикларни шарқ ва шимолга қаратиб қуриш керак. Яна қуйидагиларга эътибор бериш лозим: шарқий шамоллар бинонинг ичига кирадиган бўлсин, қуёш у жойнинг ҳамма жойига тушиб турадиган бўлиши керак, чунки қуёшгина ҳавони тозалаб соғломлаштиради; шунингдек, яқин ерда чучук, яхши оқадиған, чуқур ва тоза сув бўлиши лозим; бу хил сув ёпиқ сувнинг тескариси бўлиб, қишда совуқ ва ёзда иссиқ бўлиб, бу яхши ва фойдали нарса.

ЕЙИЛАДИГАН ВА ИЧИЛАДИГАН НАРСАЛАР КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИГАН [ҲОДИСАЛАР] ҲАҚИДА

Биз биронта ичга қабул қилинадиган ёки сиртдан суртиладиган нарса ҳақида гапириб, уни иссиқ ёки совуқ деганимизда, ўша нарсани амалда ва ҳақиқатда эмас, балки қувватда шундай эканлигини назарда тутамиз, яъни унинг қувватда бизнинг баданимизга нисбатан иссиқроқ ёки совуқроқ эканини назарда тутамиз. Бу қувватдан биз баданимиздаги ҳарорат таъсир қилиб турган шундай бир қувватни тушунамизки, у қувватнинг ташувчиси биздаги туғма ҳароратнинг таъсирга учрагандан кейин у қувват амалдаги нарсага айланади.

Сўнгра, биз айтамызки, дорилар учун тўрт даража белгиланган: биринчиси шуки, ичга қабул қилинган дорининг [одам] гавдасига таъсири кайфият жиҳатдан сезилмайдиган бўлади, масалан, агар уни қайта-қайта ёки кўп миқдорда қабул қилинмаса, унинг қиздириши ёки совутиши билинмайдиган ва сезилмайдиган даражада бўлади. Иккинчи даражалиси шуки, унинг таъсири олдингисидан кучлироқ бўлади, лекин қайта-қайта ва тез-тез қабул қилинмаса, [аъзоларнинг] ишларига аниқ зарар етказадиган даражагача бориб етмайди ва, шунингдек, уларни табиий йўлдан чиқариб ҳам юбормайди. Учинчи даражадаги [дориларнинг] таъсири ўзича аниқ бир зарар етказди, лекин [зарари аъзони] бузиш

ва ҳалок қилишгача етиб бормайди. Тўртинчи даражадагиларнинг [таъсири] ҳалок қилиш ва бузишга бориб етади. Заҳарли дориларнинг хусусиятлари мана шундай.

Бошқатдан айтамизки, гавдага кирадиган ва у билан ўзаро таъсирда бўладиган ҳар бир нарса гавда таъсири билан ўзгаради ва [ўзи] уни ўзгартирмайди, ёки гавда томонидан ўзгартирилиши билан бирга ўзи ҳам уни ўзгартиради; ёки гавда таъсири билан ўзи ўзгармасдан, уни ўзгартиради. Гавда таъсири билан ўзлари ўзгариб [гавдада] биронта сезиларли ўзгариш ясамайдиган [нарсаларга] келсак, улар ё гавдага ўхшаб мослашадилар ёки ўхшаб кетмайдилар. Гавдага ўхшаб кетадигани умуман, овқат бўлиб, ўхшаб кетмайдигани эса мўътадил [қувватга эга] бўлган доридир.

Гавда [таъсиридан] ҳеч қанча ҳам ўзгармасдан, уни ўзгартувчи [нарса] мутлақо заҳар ҳисобланади. Биз [заҳар] гавда таъсири билан ўзгармайди, дейиш билан уни гавдадаги туғма ҳарорат таъсири билан қизимайди, демоқчи эмасмиз, чунки кўпчилик заҳарлар агар гавдадаги туғма ҳароратнинг таъсири билан қизимасалар, унга таъсир ҳам этмайдилар, — йўқ, биз демоқчимизки, [заҳарнинг] табиий шаклида ўзгариш бўлмайди, лекин у қувват ва шакли ўзгармагани ҳолда, гавдани бузгунга қадар таъсир қилишда давом этади. Баъзан бу [хил моддаларнинг] табиатлари иссиқ бўлади ва шу табиатлари уларнинг руҳни тарқатиб юборадиган хусусиятларига ёрдам беради, [масалан] афъо илони заҳари ва аконит каби, баъзан эса, совуқ бўлади, бунда табиатлари руҳни сўндирадиган ва кучсизлантирадиган хусусиятларига ёрдам беради, масалан чаён ва сассиқалаф заҳари каби.

Биз айтамизки, овқат ўз кайфияти ва миқдори билан гавда ҳолини ўзгартиради. Кайфияти билан [ўзгартириши] маълум бўлди. Миқдори билан ўзгартишига келсак, у агар [керагидан] ошиқ бўлса, сассиқ кекириш ва тиқилмаларни ва ундан кейин [хилларнинг] чиришини келтириб чиқаради; [керагидан] кам бўлганда эса, [озиқ етишмаслигидан] сўлишлик пайдо бўлади. Миқдор жиҳатдан ортиқча бўлган овқат доимо совутувчи бўлади, агар ундан чириш пайдо бўлса, у иситади. Чунки чиришнинг ўзи четки иссиқликдан пайдо бўлгани каби, чиришдан ҳам четки иссиқлик ҳосил бўлади.

Яна айтамизки, овқат енгил, оғир ва мўътадил бўлади. Енгилли шуки, ундан суюқ қон туғилади, оғирдан

эса қуюқ қон пайдо бўлади. Бу [овқатларнинг] ҳар бири яна кўп ғизоли ва кам ғизоликка бўлинадилар. Енгил ва кўп ғизоли овқатларга мисол шароб, гўшт суви, қиздирилган тухум сариғи ёки илитилган тухум. Бу нарсалар, моддаларининг кўп қисми овқатга айлангани учун кўп ғизоли ҳисобланадилар. Оғир ва кам ғизолига мисол пишлоқ, тилиб қуритилган гўшт, бақлажон ва шунга ўхшашлар. Бу нарсаларда қонга айланган нарса жуда кам. Оғир ва кўп ғизолисига мисол сувда пиширилган тухум ва сўқим гўшти, енгил ва кам ғизолисига эса гулоб, сифат ва қаттиқ-юмшоқлиги ўртача бўлган сабзавотлар, мевалардан олма, анор ва шунга ўхшашлар [мисолдир]. [Овқатларнинг] мана шу ҳар бир қисмида яхши каймус ва ёмон каймус берадиганлари бўлади. Енгил, кўп ғизоли ва яхши каймусли [овқатга] мисол тухум сариғи, шароб, гўшт суви; енгил, кам ғизоли ва яхши каймусликка — сутчўп, олма ва анор; енгил, кам ғизоли ва ёмон каймусликка эса турп, хардал ва кўпчилик сабзавотлар; енгил, кўп ғизоли ва ёмон каймусликка — ўпка ва қаноти чиққан жўжа гўшти; оғир, кўп ғизоли ва яхши каймусликка мисол пиширилган тухум ва бир яшар қўйнинг гўшти; оғир, кўп ғизоли ва ёмон каймусликка — сўқим гўшти, ўрдак гўшти ва от гўшти; оғир, кам ғизоли ва ёмон каймусликка эса тилиб қуритилган гўшт мисол бўлади. Буларнинг орасидан сен мўътадилларини ҳам топасан.

СУВЛАРНИНГ АҲВОЛЛАРИ ҲАҚИДА

Сув [тўрт] унсурнинг бири бўлиб, ичга қабул қилинадиган бутун нарсаларга қўшилган бўлиши билан бошқа ҳамма унсурлардан ажраледи; у озиклантирмайди, балки овқатли моддаларни ўтказеди ва уларнинг қуюқ-суюқлигини [ҳазмга] мослаштириб беради.

Сўнгра, сувлар бир-бирларидан сувли моддасига қараб эмас, балки ўзларига аралашган нарсаларга ва кайфиятларидан қайси бири ғолиб эканига қараб фарқ қиладилар. Сувларнинг энг яхшиси булоқ сувидир. Лекин ҳамма булоқнинг эмас, балки ери тоза ва тупроғида биронта чет хусусият ва кайфият бўлмаган булоқнинг сувидир; ёки [сув оқадиган жой] тошли бўлиши керак, чунки у балчиққа ўхшаб сасмайди, аммо тоза тупроқли ер тошли ердан яхшироқ.

Ҳамма тоза тупроқли булоқнинг [суви яхши] бўлавермайди; у сув яна оқар сув бўлиши керак, оққанда

ҳам қуёш ва шамоллар учун очиқ жойда оқиши керак, чунки булар оқар сувга фазилат берадиган нарсалардандир.

Кўлмак сувга келсак, у очиқ бўлган вақтда баъзан ёмон сифатларни ўзига олади, агар у чуқурликда бекик ҳолда турса, у сифатларни олмаган бўлар эди. Ҳар қандай офтобрўя бўлган оқар сув ҳам [яхши] бўлавермайди, фақат ўзани лойлик бўлгани [яхши] бўлади.

Билгилки, тартиб кўриш сувнинг сифатини аниқлашда қулай усуллардан биридир. Енгилроқ сув кўпинча яхшироғи бўлади. Сувнинг вазнини баъзан маълум ўлчов ёрдами билан ва баъзан эса [қуйидаги усул билан] аниқлайдилар; оғирлиги бир хил бўлган икки бўлак латта ёки пахтани икки хил сув билан ҳўллаб, кейин уларни яхшилаб қуритилади ва тортилади; қайси пахта енгил келса, ўша ҳўлланган сув яхшироқ ҳисобланади.

Қатронлаш ва ҳайдаш ёмон сувларни тузатиш йўллари дандир, агар у мумкин бўлмаса, қайнатиш шундай дир. Олимларнинг шоҳидлик беришларига кўра, қайнаган сув [қоринни] кўп шиширмайди ва тез ўтиб кетади. Табибларнинг нодонларигина қайнатилган сувдан латиф қисми учиб кетиб, оғири қолади, демак, қайнатиш сув оғирлигини орттиргани учун ундан фойда йўқ, деб ўйлайдилар. Лекин сен билишинг керакки, сувнинг ҳамма бўлақчалари оғирлик ва енгилликда бир хилдирлар, чунки у содда жисм бўлиб, мураккаб эмасдир.

Қайнатиш сувни унда совуқликдан пайдо бўлган қуюқликни кетказиш ва ундаги аралашмаларни чўктириш орқали латифлаштиради. Бунинг далили қуйидагича: агар сен лойқа сувни узоқ муддатгача қўйиб қўйсанг ҳам ундан сезиларли миқдорда чўкма тушмайди, агар уни қайнатсанг ўша ондаёқ ундан кўп чўкма тушади ва сув енгил вазни ва тиниқ бўлиб қолади. Чўкишга сабаб қайнашдан ҳосил бўлган суюлишдир. Сен билмайсанмики, катта водийларнинг сувлари, масалан, Жайхун дарёсининг суви, айниқса, охиридан олинса, олинган вақтда жуда лойқа бўлади, сўнгра у қисқа вақт ичидаёқ тинийди ва агар уни иккинчи марта тинитилса ҳам айтарли даражада чўкма тушмайди.

Емғир суви ҳам яхши сувлар жумласига киради, хусусан ёзда момақалди роқли булутлардан ёққан бўлса.

Кучли шамол билан келувчи булутлар уларни пайдо қилувчи буғ туфайли лойқалашган бўлади ва улардан томган томчилар ҳам лойқа бўлади. Шунинг учун [бул-

дай сувнинг] моддаси бир жинсли ва тоза бўлмайди. Ёмғир суви энг яхши сув ҳисобланса ҳам, у тез сасийди, чунки жуда суяқ бўлиб ер ва ҳавонинг бузилиши тез таъсир қилади. Зарурат юзасидан, тез сасийдигани ёмғир сувини ичишга тўғри келганда нордон нарсаларни ейиш унинг зараридан сақлайди.

Қудуқ ва ер ости каналларининг сувлари оқиб чиқадиган булоқ сувларига нисбатан ёмондир. Чунки улар узоқ муддат давомида ер бўлакчалари билан аралашган ҳолда қамалиб ётиш натижасида маълум даражадаги сасишдан холи бўлмайдилар. [У сувларни] чиқариш ва ҳаракатга келтириш биронта зўрловчи [ташқи] кучнинг таъсири билан бўлиб, уларни ташқарига чиқишга йўналтирувчи ўзларида мавжуд куч билан бўлмайди. Ҳунар ва ҳийла ёрдами билан уларни сизиб чиқиш йўлларига яқинлаштирилади. Қўрғошин [қувурлардан] ўтувчи сув энг ёмон ҳисобланади, чунки у [қўрғошин] қувватини ўзига олиб, кўпинча ичак яраларини келтириб чиқаради.

Муз ва қор сувларига келсак, улар қуюқ бўладилар. Тўқайли ерлардаги кўлмак сувлар, хусусан улар очиқ бўлсалар ёмон ва оғир бўлади. Қишда улар қор сабабли совийди ва балғам ҳосил қилади, ёзда эса қуёшдан исиб сасийди ва сафрони туғдиради. [Бундай сувлар] қуюқликлари, ер бўлакчаларининг аралашгани ва латиф қисмларининг буғланиб кетганлиги туфайли уни ичувчи кишиларда талоқ касаллиги, қорин деворларининг юнқаланиши ва ички аъзоларда тўсилиб қолиш ҳолларини келтириб чиқаради. У кишиларнинг оёқ-қўллари, елкалари ва бўйинлари қуриб ингичкаланиб кетади, овқатга бўлган иштаҳалари ва ташналик ғалаба қилади, ичлари тўхтайдди ва қусишлари қийинлашади.

Кўлмак сувлар қандай бўлишларидан қатъи назар, меъдага мувофиқ келмайди. Булоқдан олинадиган сув ҳақидаги ҳукм кўлмак сув устидаги ҳукмга яқинлашиб келади, лекин у узоқ вақт давомида бир жойда турмаганлигидан кўлмак сувга қараганда яхшироқ бўлади. Оқмайдиган [сувда] бир қадар оғирлик, албатта бўлади. Бундай сувларда кўпинча қабз қилиш [хусусияти] ҳам бўлади.

Маъдан моддалар ёки шунга ўхшаш бошқа нарсалар аралашган сувлар ва, шунингдек, зулукли сувларнинг ҳаммаси анчагина ёмон ҳисобланади, лекин уларнинг баъзилари фойдали бўлади; ўзида темир қуввати ёлиб бўлган сув ички аъзоларни кучайтириш, ичкетишни

тўхтатиш ва барча хил иштаҳа қувватларини қўзғатиш орқали фойда келтиради.

Муз ва қорлар тоза бўлиб, биронта ёмон қувват уларга аралашмаган бўлса, уларни эритиб сув қилинса ҳам, улар билан бошқа сувни ташқи томондан ёки ичига солиш билан совутилса ҳам, барибир, яхши бўлаверади, унинг турлари бир-биридан унчалик фарқ қилмайди. Аммо [муз ва қор суви] бошқа сувларга қараганда зичроқ ва қуюқроқ бўлиб, асаблари оғрийдиган кишилар учун зарар еткази. Агар уни қайнатилса, [бу кишилар] учун ҳам тўғри келадиган бўлиб қолади.

Агар муз ёмон сувлардан пайдо бўлган бўлса, ёки қор ёққан еридан бирон ташқи қувватни ўзига олган бўлса, улар билан сувни совитганда уларга сувни аралаштирмасдан совутиш яхшироқ.

Мўътадил миқдордаги совуқ сув соғлом кишилар учун жуда мувофиқдир, лекин асабга ва ички аъзоларида шиш бор кишиларга зарар қилади. [Бундай сув] иштаҳани қўзғатиб меъдани кучайтирувчи нарсалардан бири ҳисобланади. Иссиқ сув эса ҳазми бузади, таомга [бўлган иштаҳани] сўндиради, ичган замони чанқовни босмайди, баъзан истисқо, ингичка оғриқ ва тананинг сўлишига ҳам олиб келади. Агар сув илиқ бўлса, кўнгилни айнатади, ундан иссиқроқ бўлса ва уни оч қоринга ичилса, кўпинча меъдани ювади ва ички бўшатиб юборади, лекин уни кўп ичиш ёмон, чунки меъда қувватини бўшаштиради.

Шўр сувга келсак, у олдин сўлитади, [суяқлиқларни] шимади ва ўзидаги ҳайдовчи куч туфайли ички суради, кейин охирда ўз табиатидаги қуритиш билан ички боғлайди; ундай [сув] қонни ҳам бузади, қичима ва кўтирни келтириб чиқаради.

Лойқа сув тош ва тикилмалар пайдо қилади: уни [ичгандан] кейин кетидан сийдик ҳайдовчи нарсаларни истеъмол қилиш керак. Шундай бўлса ҳам, у ва бошқа қуюқ оғир сувлар қорнида касаллик бўлганларга кўпинча фойда қилади, чунки улар қоринда туриб қолиб секинлик билан тушади. Ёр ва ширинликлар [шўр сувнинг] зарарини кетказадиган нарсалардандир.

Навшадилли сув ичилса ёки унда ўтирилса, ёки остдан юборилса, ички суради. Аччиқтошли сув эса ҳайиз қонининг ортиқча кетишини, қон туфлашни ва бавосирдаги [қон] оқишини тўхтатади, аммо иситмага мойил гавдаларда эса, иситмани кучли равишда қўзғатади.

Темир [моддаси бор сув] талоқ касалини тузатади ва жинсий қобилиятни зўрайтиради.

Мисли сув эса мизож бузилганда яхши [фойда қилади]. Яхши ва ёмон сувлардан ҳар хили аралашганда энг кучлиси ғолиб келади.

ҲАММОМГА ТУШИШ, [ГАВДАНИ] ҚУЕШГА ТОБЛАШ, ҚУМДА ЕТИШ ВА УНГА ҚУМИЛИШ

Билимдонлардан бири, ҳаммомнинг яхшиси қурилганига кўп бўлгани ва ичи кенг бўлиб, суви ширин бўлгандир, дейди. Бошқалар бунга қўшимча қилиб, гўлаҳ ҳаммомга тушувчиларнинг мизожига қараб ёқилса яхшиси бўлади, дейдилар.

Билгилки, ҳаммомнинг табиий иши одамни ўз ҳавоси билан қиздириши ва ўз суви билан хўллашидир. Ҳаммомнинг биринчи хонаси совутувчи ва хўлловчи бўлади, иккинчиси қиздирувчи ва хўлловчи, учинчиси қиздирувчи ва қуритувчи бўлади.

Агар ҳаммомга тушган кишида овқат ҳазм бўлмаган бўлса ва унда биронта совуқ ва етилмаган хилт бўлса, [ҳаммом] уни ҳазм қилиб, буни етилтиради.

Баъзан қуруқ ҳаммомни истеъмол қилинади, у қуритади ва истисқоли ва бўш [баданли] кишиларга фойда қилади. Баъзида эса хўл [ҳаммом] истеъмол қилинади, у хўллайди. Ҳаммомда баъзан узоқ вақт ўлтирилади, шунда у [моддаларни] тарқатиш ва терлатиш билан қуритади, баъзида эса кам ўлтирилади, унда бадан терлашдан олдин [намликни] ўзига шимиб хўлланади.

Баъзида ҳаммомни наҳорга ва бўш меъдага истеъмол қилинади, шунда у жуда қуритиб, оздириб ва заифлаштириб юборади. Баъзан эса тўйишдан сал ўтгандан кейин истеъмол қилинади, шунда у моддани гавданинг сиртига тортиш билан семиртиради, лекин у аъзоларга меъда ва жигардан ҳали етилмаган овқатни тортиш билан тиқилмалар пайдо қилади. Баъзи вақтда биринчи ҳазмнинг охири ва меъда бўшашдан олдин истеъмол қилинади, бу фойдали бўлиб, мўътадил даражада семиртиради.

Ингичка огриққа учраган одамларга ўхшаб ҳаммомдан хўллаш учун фойдаланадиган кишилар қувватлари заифлашгунча сувга тушиб ўлтиришлари керак, сўнгра хўллашни ошириш ва тана тешикларига кирган сувни

бўғиб, терининг ичида қамаб қўйиш учун танани ёғлаш керак. Улар [ҳаммомда] бўлишликларини узайтирмасликлари лозим, мўътадил бир жойни танлагандан кейин у ерда бўғни кўпайтириб ҳавони ҳўллаш учун атрофга кўп сув қўйилади. Ҳаммомдан қайтишда қийналмаслик ва машаққат чекмаслик керак, балки ўзлари учун тайёрланган замбилда кетишлари лозим. [Ҳаммомдан] чиқиш биланоқ совуқ хушбўй нарсаларни истеъмол қилишлари керак. Ундай кишиларни ечинадиган хонада нафас олишлари мўътадил ҳолга қайтгунча қолдирилади, ҳам арпа суви ва эшак сути каби ҳўлловчи нарсалардан ичирилади. Ҳаммомда узоқ вақт қолувчиларда юраклари қизиб кетишидан ҳушдан кетиш хавфи туғилади, бу вақтда олдин кўнгил айнаш пайдо бўлади.

Ҳаммомнинг кўп фойдалари билан бирга зарари ҳам бор. У заифлашган аъзоларга чиқиндиларнинг қуюлишини осонлаштиради, баданни бўшаштиради, асабга зарар етказди, туғма иссиқликни тарқатади, овқатга бўлган иштаҳани туширади ва жинсий алоқа қувватини заифлаштиради.

Ҳаммом ўзидаги сувларга қараб турли фазилатларга эга бўлади. Агар сув табиий равишда сода [аралашган] ё гугуртли бўлса, ёки у денгиз суви бўлса, ёки унда кул моддаси бўлса, ёки у шўр бўлса, ёки сувга шу нарсаларни солиб қайнатиб сунъий равишда ўша ҳолга келтирилса, ёки унга *майвизак*, дафна меваси, олтингугурт ва бошқа нарсаларни солиб қайнатилса, ундай сув [моддаларни] эритиб тарқатади ва юмшатади, тана ғоваклигини ва семизликни йўқотади, моддаларнинг яраларга қўйилишига йўл қўймайди ва ришта касалига дучор бўлганларга фойда қилади.

Мисли, темирли ва шўр сувлар совуқ ва ҳўл касалликларга, бўғин оғриқларига, ниқрисга, бўшашишга, *рабуга* ва буйрак касалликларига фойда қилади, синган жойларнинг битишини кучайтиради, йирингли шишлар ва турли яраларга ҳам фойда қилади. Мисли сувлар оғизга, тилчага, кўз қовоғининг тушишига, қулоқ оқишига фойда қилади. Темирли сув эса, меъда ва талокқа фойдали. Бурақли шўр сувлар ёмон хилтларни қабул қилувчан бошларга ва шу аҳволдаги кўкракка фойда қилади, у яна ҳўл меъдага, истисқоли ва меъдаси кўпчиган кишиларга ҳам фойда қилади.

Аччиқтошли ва зокли сувларга келсак, уларни иситиб чўмилиш қон тупириш, орқадан ва ой кўрганда қон кетиш ва кўтан чиқишда фойда қилади. Шунингдек,

сабабсиз бола ташлаш, керикши ва ҳаддан ташқари кўп терлашга ҳам фойда қилади.

Гугуртли сув эса асабларни тозалайди, тортишиш ва тиришишдаги оғриқларни босади, гавда сиртини ёмон ва узоқ чўзиладиган яралар ва тошмалардан, ёмон доғлардан, сепкилдан, *барас* ва *баҳақдан* тозалайди. Бўгинлар, талоқ ва жигарга қўйиладиган чиқиндиларни тарқатади, бачадон қаттиқлигига фойда қилади, лекин меъдани бўшаштириб иштаҳани туширади.

Битумли сувларда чўмилиш бошни [турли моддаларга] тўлдиради, шунинг учун унда чўмилганда бошни чўмдириш керак эмас. Ундай сув узоқ муддатгача қиздиради, айниқса, бачадонни, сийдик қовуғини ва йўғончакни. Лекин у ёмон ва оғирдир.

Иссиқ қуёшда баданни қиздириш, хусусан у тез юриш ва чопиш каби кучли ҳаракатлар вақтида бўлса, чиқиндиларни кучли равишда эритиб тарқатади, терлатади, қорин кўпчишини йўқотади, гавда бўшашгандаги ва истисқодаги шишларни тарқатади, *рабу* ва «тикка нафас олиш»га фойда қилади, узоқ чўзиладиган совуқ бош оғриғини тузатади, совуқ мизожли мияни бақувват қилади.

Тери атрофидаги намликларни кўпроқ қуритадиган қумлар денгиз қумларидир. Баъзан у иссиқ бўлса унда ўлтирадилар, баъзан ўзларини унга кўмадилар, баъзан баданларига оз-оздан сепадилар. Шунда у оғриқларни тарқатади, қуёш бобида айтилган касалликларни тузатади ва умуман гавдани қаттиқ қуритади.

МИЗОЖ БЕЛГИЛАРИ ҲАҚИДА

Мизожнинг аҳволига далолат қиладиган белгилар ўн турлидир. Булардан бири — ушлаб кўриб сезиш. Бунда билиш усули шундан иборатки, [табиб баданни] ушлаб кўришда об-ҳавоси билан мўътадил мамлакатдаги соғлом одамнинг [бадани] билан баробар келиш-келмаслигини кузатиб бориши керак. Агар улар бир хил бўлсалар, бу мизожнинг мўътадиллигига далолат қилади, агар мўътадил мизожга эга бўлган ушлаб кўриб ҳис қилувчи, текширилувчидан таъсирланса ва уни табиийдан юқорироқ совуқ, иссиқ ва юмшоқ, ёки табиийдан кўра қаттиқ ва дағал деб топса, ҳамда бунга қаво, сувда чўмилиш ёки терининг юмшоқлик ё дағаллигини орттирадиган бирор бошқа омиллар билан боғлиқ са-

баблар бўлмаса, демак, бу [ушлаб кўрилувчининг] мизожи мўътадил эмаслигини кўрсатади.

Иккинчи тур — гўшт ва ёғдан олинадиган белгилардир. Қизил гўшт кўп бўлган ҳолда, у [мизожнинг] ҳўл ва иссиқлигига далолат қилади, бунда у тигиз ҳам бўлади. Агар гўшт кўп бўлмаса ва шу билан бирга кўп ёғ ҳам бўлмаса, бу мизожнинг қуруқ ва иссиқлигига далолат қилади, аммо мой ва ёғ доимо совуқликка далолат қилади, ҳамда бунда гўшт бўш бўлади.

Ёғ ва мойнинг камлиги мизожнинг иссиқлигига далолат қилади, чунки ёғ ва мойнинг моддаси қоннинг серёғлигидир ва уларнинг ишловчиси совуқдир.

Энг мўрт гавда — совуқ қуруқ [мизожли] гавдадир, ундан кейин иссиқ қуруқ гавда ва ниҳоят қуруқ, аммо иссиқ ва совуқликда мўътадил гавда, ва иссиқ, лекин ҳўл ва қуруқликда мўътадил гавда туради.

Учинчи тур — мўйлардан бўлган аломатлардир. Улар қуйидаги [белгилар]: мўй ўсишининг тезлиги ва секинлиги, кўплиги ва камлиги, ингичка ва йўғонлиги, ёзиқ ва жингалакликлари бўйича олинади; мўйнинг ранги бунда асосий [белги]лардан биридир. Ўсишнинг тезлиги, секинлиги ёки унинг [бутунлай] йўқлиги бўйича олинган хулосага келсак, бунда секин ўсадиган ёки бутунлай ўсмайдиган мўйлар, агар бунда гавдада қоннинг йўқлигига далолат қилувчи аломатлар бутунлай йўқ бўлса, мизожнинг ўта ҳўлликдан гувоҳлик беради. Агар мўйлар тез ўсаётган бўлсалар, демак, гавда унча ҳўл эмас, балки қуруқликка мойилдир, аммо уни иссиқ ва совуқлиги ҳақида бошқа аломатлар бўйича хулоса чиқарадилар.

[Мўйларнинг] шаклига қараб мулоҳаза юритишга келганда, уларнинг жингалаклиги иссиқлик ва қуруқликка далолат қилади. Мўйларнинг ёзиқлиги эса, қарама-қарши ҳолатларга далолат қилади.

[Мўйларнинг] рангига келсак: қоралик [мизожнинг] иссиқлигига, сарғишлик совуқлигига, очранглик ва қизиллик — мўътадилликка, оқлик эса, оқарган сочлилик каби, ҳўллик ва совуқликка ёки ўта қуруқликка далолат қилади.

Тўртинчи тур — баданнинг рангидан олинган аломатлардир. Чунончи оқлик баданда совуқлик билан бирга қоннинг етишмовчилиги ва кам миқдорда эканлигига далолат қилади, чунки агар [баданда] иссиқлик билан сафровий хилт бўлганда эди, бадан, албатта, сариқ бўлган бўлар эди.

Қизил ранг — қоннинг кўплиги ва иссиқлигига, сариқлик ва малларангли кўп ҳароратга далолат қилади. Бироқ сариқлик ўтнинг зиёдалигига кўпроқ далолат қилади, малларангли — қонга ёки ўтлик қонга далолат қилади. Баъзан сариқлик, агар ўт бўлмаса, энди касалликдан тузалаётган гавдаларда бўлганидек, қонсизликка далолат қилади.

Рангнинг хиралиги мизожнинг қаттиқ совуқлигидан гувоҳлик беради. Бу [совуқлик] туфайли қоннинг миқдори камаяди ва бу камайган қон совуқлик таъсирида қуюлади, савдога айланади ва терининг ранги ўзгаради.

Терининг бугдой ранглилиги иссиқликка далолат қилади, бақлажон ранглилиги эса совуқлик ва қуруқликдан гувоҳлик беради, чунки бундай ранг тиниқ савдони танага тарқалишидан келиб чиқади. Ганч ранглилик фақат совуқлик ва балғам мизожликни кўрсатади. Кўрошин ранглилик бир оз савдовийлик билан бирга, совуқлик ва ҳўлликнинг гувоҳидир, чунки бу ранг бир оз кўкимтирликка яқинроқдир.

Кўп ҳолларда терининг ранги жигар туфайли сариқ ва оқликка, талоқ туфайли сариқ ва қораликка айланади. Бавосир касаллигида эса сариқ ва кўкликка айланади, аммо бу доимий бўлмай, баъзан ўзгариб туради.

Бешинчи тур — бу аъзоларнинг тузилишидан олинган аломатлардир. Иссиқ мизожнинг аломати кенг кўкрак ва қўл-оёқнинг катталиги ва ўз андозалари билан мукамалликларидир — ингичка ҳам эмас, калта ҳам. Шунингдек, аниқ кўриниб турган қон томирларининг йўғонлиги ва томир уришининг, мушакларнинг бўғинларга яқин жойлашганлиги ва уларнинг катталиги ҳам [иссиқ мизожга далолат қилади].

Олтинчи тур — аъзоларнинг таъсири қабул қилиш тезлигидан олинган аломатлардир. Чунончи, агар аъзо қийналмасдан тезлик билан қизиса, демак, унинг мизожи иссиқдир, чунки қарама-қарши ҳолдаги нарсага ўтишдан кўра ҳамжинс ҳолига ўтиш осонроқдир. Агар аъзо тез совиса, демак аҳвол, худди юқоридаги сабабга биноан аксинчадир.

Еттинчи тур аломатлар — уйқу ва уйғоқлик ҳолатларидир. Булардаги мўътадиллик мизожнинг мўътадиллигини, — айниқса, мияда, — кўрсатади. Уйқунинг кўплиги ҳўллик ва совуқликка далолат қилади, ортиқча уйғоқлик эса қуруқлик ва иссиқликни кўрсатади.

Саккизинчи тур — ҳаракатлардан [аъзоларнинг ишларидан] олинган аломатлардир. Ҳаракатлар

ҳамма вақт табиий ҳолда воқе бўлса, ҳамда тамомланган ва такомиллашган бўлса — мизожнинг мўътадиллигини кўрсатади. Улар четга тойиб ўзгарган ва ҳаддан ташқари ҳаракатга айланган вақтларида эса — мизожнинг иссиқлигидан гувоҳлик беради. Улар тез бўлса — бу ҳам мизожнинг иссиқлигини кўрсатади, масалан, гавданинг ўсиш тезлиги, мўйларнинг ва тишларнинг тез ўсиши. [Ҳаракатлар] сусти ёки кучсиз, ялқов ва секин бўлса — бу, мизожнинг совуқлигига далолат қилади; лекин шу билан бирга уларнинг бўшлиги, сустиги ва кучсизлиги иссиқ мизождан ҳам келиб чиқади.

Тўққизинчи тур — бу гавданинг чиқиндиларни чиқариб ташлаши ва чиқарилган нарсанинг сифатидир. Агар бўшалиш белгилангандек бўлса ва бўшатилаётган нарсалар, — нажас, сийдик, тер ва бошқаларнинг иссиқ, ўткир ҳидли ва рангли бўлиши керак бўлган вақтда — шундай бўлиши ҳамда ҳар жиҳатдан етилиб пишганлиги [мизожнинг] иссиқлигини кўрсатади, буни тескариси бўлса — совуқлигига далолат қилади.

Учинчи тур аломатлар — нафсоний қувватларнинг таъсир кўрсатиши ёки таъсирни қабул қилиш қобилиятига оид аҳволидан олинади. Чунончи, кучли ғазаб, серзардалик, зукколик, тушунчанлик, яхши фикр, ботирлик, сурбетлик, қаттиқ кўнгиллик, дадиллик, хурсандлик, мардонаворлик, ялқовликка кам мойиллик, ҳар бир нарсдан кам таъсирчанликлар иссиқликка далолат қиладилар, буларнинг акси эса [мизожнинг] совуқлигини кўрсатади. Ғазабнинг, илтифотнинг, хаёлот, зеҳннинг ва бошқаларнинг барқарорлиги қуруқликка далолат қиладилар ва агар таъсирлар тезда йўқолса, бу ҳўлликни кўрсатади.

Туш ва ширин хаёллар ҳам шу турга ондир. Мизожда иссиқлик кўп бўлган одам тушида худди оловда ёки офтобда куюётгандек бўлади, мизожда совуқлик кўп бўлган одам эса худди музлаётгандек ёки совуқ сувга ботаётгандек бўлади. Айтишларича, хилларидан қайси бири бўлмасин кўп бўлган одам тушида ўзининг хилтига ўхшаш нарсани кўради.

ТОМИР УРИШИ ҲАҚИДА УМУМИЙ СУЗ

Томир уриши ҳаётини руҳ идилларининг кенгайиш ва қисилишидан иборат ҳаракати бўлиб, буни натижада енгил ҳаво оқимининг ёрдами билан руҳ совийди.

Томир уришини умумий, ёки ҳар бир касаллик бўйича айрим-айрим қараб чиқиш мумкин. Биз бу ерда томир уриши ҳақидаги илмнинг умумий қондалари ҳақида гапирамиз, айримларини эса, айрим касалликлар ҳақида сўзлагуниμιιζча қолдирамиз.

Биз айтаμιιζ: ҳар бир томир уриши икки ҳаракат ва икки тинишдан таркиб топади. Чунки томир уриши доимо сиқилиш ва кенгайишдан ҳосил бўлади, ҳар бир қарама-қарши икки ҳаракат орасида эса албатта тиниш бўлиши лозим, чунки бир ҳаракат амалда ўз масофасининг охирига еткач, бошқа бир ҳаракатга бевосита улана олмайди. Бу табиёт илмида баён қилинадиган нарсаларга оиддир. Агар шундай бўлса, ҳар бир томир уришида, то у бошқасига улангунча, албатта тўрт қисм бўлиши керак: икки ҳаракат ва икки тиниш — кенгайиш ҳаракати ва кенгайиш билан сиқилиш орасидаги тиниш, сиқилиш ҳаракати ва сиқилиш билан кенгайиш орасидаги тиниш. Сиқилиш ҳаракати, кўп табибларнинг фикрича, бутунлай сезилмайди, аммо улардан баъзиларининг фикрича, сиқилиш сезилади: кучли томир уришида — унинг кучи туфайли, катта томир уришида — унинг баландлиги туфайли, қаттиқ томир уришида — унинг кучли қаршилиқ кўрсатиши туфайли ва секин томир уришида эса — унинг ҳаракати узоқ муддатлиқ бўлиши туфайли сезилади. Жолинус айтади: «Мен бир қанча вақт сиқилишни пайқай олмадим, сўнг-ра, то унинг аломатларини билиб олгунча ушлаб кўриб текширдим, шундан кейингина, кўп ўтмай уни аниқ [сезадиган бўлдим]. Ана шундан сўнг менинг олдимда томир уриши [билимининг] дарвозалари очилди. Қимки томирни менчалиқ [ушлаб кўриб текширса], мен билган нарсаларни англайди». Бироқ, аҳвол шу айтганларидек бўлса ҳам, кўп ҳолларда томир уришидаги сиқилиш сезилмайди.

Томирни ушлаб кўриш учун билакни сайлашда уч сабаб бордир: унга етишнинг осонлиги, уни [табибга] очиб кўрсатишдан кам уялишлиқ, ҳамда у юракнинг рўбарўсида ва яқинида жойлашганлиги. Томир уришни қўл ён билан ётган ҳолида ушлаб кўриш керак, чунки кафти пастга қараб ётган қўл анча кенг, кўтарилган ва узунлиги кам бўлади, — айниқса, ориқ кишиларда, — кафти юқорига қараб ётган қўл эса анча кўтарилган ва узун бўлиб, аммо кенглиги кам бўлади. Томири ушла-наётган одам ғазаб ва шодлиқ ҳисларидан, жисмоний ҳаракатдан, турли таъсиротлардан, оғирлаштирадиган

тўйганлик ва очликдан ва эски одатни тарк қилиб, янги одат чиқараётган ҳолатлардан холи бўлиши лозим. Ми-вожи мўътадил соғлом [одамнинг] томир уришини олдиндан синаб кўриш ва кейин уни бошқа томир ури-ши билан солиштириш керак.

Бундан кейин биз айтаемиз: табиблар томир уриши ҳолатини билдирадиган турларни ўнта дейдилар, гарчи уларни тўққизта деб ҳисоблаш керак бўлса ҳам.

Биринчи тур — [томирнинг] кенгайиш миқдоридан олинади, иккинчи тур — ҳаракат қилиб турган томир-нинг бармоқларга уриш кайфиятидан, учинчи тур — ҳар бир ҳаракатнинг [давом этиш] вақтидан, тўртинчи тур — томир таркибидан, бешинчи тур — [томирнинг] бўшлиғи ва тўлалигидан, олтинчи тур — ушлаб кўриладиган жойнинг иссиқ ва совуқлигидан, еттинчи тур — тинч туриш вақтидан, саккизинчи тур томир уришининг текислиғи ва нотекислигидан, тўққизинчи тур — ноте-кисликда тартиб борлигидан ёки уни бутунлай тартиб-сиз эканлигидан ва ўнинчи тур — томир уришининг вазнидан олинади.

Томир уриши миқдорининг турларига келганда, бу ўзининг уч ўлчови, яъни, узунлиги, кенлиги ва чуқур-лиги билан [томир уришининг] аҳволига далолат қи-лади. Бу жиҳатдан томир уришида тўққизта содда си-фатлар ва, шунингдек, улардан таркиб топган мураккаб сифатлар ҳам бўлади.

Тўққизта содда сифатлар томир уришининг узун, қисқа ва мўътадиллиги; кенг, тор ва мўътадиллиги; паст, юқори ва мўътадиллигидир. Узун томир уриши шундай-ки, бунда, унинг айрим бўлаклари табиий сезилишга қараганда узунроқ сезилади, яъни ҳақиқий мўътадил мизождагига ёки махсус кишига хос табиий сезилишга, яъни шахсан ўша кишига хос мўътадил мизождаги се-зилишга қараганда узунроқ сезилади. Бу икки мизож [ҳақиқий мўътадил ва айрим шахсга хос мўътадил ми-зожлар] орасидаги фарқи сен илгарироқ билган эдинг. Қисқа томир уриши узунига қарама-қаршидир, мўъта-дил томир уриши эса буларнинг ўртасида бўлади. Қол-ган олти сифат ҳақида шуларга қиёс қилиб ҳукм юрит!

Аммо [томир уришининг] шу содда сифатларидан таркиб топган мураккаб сифатларга келсак, буларнинг баъзиларининг номлари бор, баъзилариники эса йўқ. Ўзининг узунлиги, кенлиги ва чуқурлиги билан [оддий] томир уришидан ортиқлик қиладиган томир уриши «катта» деб аталади, шу уч жиҳатдан оддий томир ури-

шидан камроғи «кичик» деб аталади; мўътадилли эса буларнинг ўртасида туради. Узининг кенглиги ва кўтарилиши билан содда сифатлардан ортиқлик қиладиган томир уриши «йўғон» деб аталади. Шу икки жиҳатдан соддага нисбатан камроғи «ингичка» деб аталади; мўътадилли эса буларнинг ўртасида туради.

Ҳаракат қилиб турган томирнинг бармоққа уриш кайфиятидан олинган турга келганда, бунда уриш уч турлидир: кучли, яъни кенгайганида ушлаб сезишга қаршилиқ қилувчи, заиф — кучликнинг қарама-қаршиси ва шу иккаласининг ўртасидаги мўътадил уришлар.

Ҳар бир ҳаракатнинг [давом этиш] вақтидан олинган тур ҳам уч хилдир; тез, яъни ҳаракатни қисқа муддатда тамомлайдиган, секин — тезнинг қарама-қаршиси ва шу иккаласининг ўртасидаги мўътадил [уришлар]. Томирнинг таркибидан олинган тур ҳам уч хилдир: юмшоқ, яъни босилганда енгиллик билан ичкарига қайтишга қобилиятли, қаттиқ-юмшоқнинг қарама-қаршиси ва мўътадил. Томирнинг ичидаги нарсанинг ҳолига қараб олинган тур ҳам уч хилдир: тўла, яъни томирнинг ичида бутунлай бўшлиқ эмас, балки, уни анчагина тўлатиб турган суоқлик сезилиши, бўш — тўлаликнинг қарама-қаршиси ва сўнг уларнинг иккаласи ўртасидаги мўътадил ҳолат. Ушлаб сезишдан олинган тур уч хилдир: иссиқ, совуқ ва мўътадил.

Тиниш [пауза] замонидан олинган тур ҳам уч хилдир: кетма-кет, яъни икки уриш орасида сезилувчи қисқа вақт — буни «етишувчи» ва «зич» деб ҳам атайдилар, — «сийрак», унинг акси, буни «суст» ва «ғовак» деб ҳам атайдилар ва уларнинг ўртасидаги мўътадиллик. Бу вақтни томир сиқилишининг сезилишига қараб билинади. Агар сиқилиш бутунлай сезилмаса, ҳар икки кенгайиш орасидаги вақт [тиниш] вақти деб ҳисобланади, агар сиқилиш сезиларли бўлса, [тиниш вақти] ҳар икки [сиқилиш ва кенгайиш ҳолатларининг] тугаш вақти эътибори билан билинади.

[Томир уришнинг] текислиги ва нотекислигидан олинган турга келсак, томир уриши ёки текис, ёки нотекис бўлади, бунда бир неча уришнинг ёки бир уриш бўлақларининг ёки бир уришнинг бир бўлагининг [қуйидаги] беш ҳолат жиҳатидан ўхшашлиги кўзда тутилади: катта ва кичик, кучли ва заиф, тез ва секин, кетма-кет ва сийрак, қаттиқ ва юмшоқ. Негаки, бир кишининг ўзида томир уришининг кенгайиш бўлақлари қаттиқ қизишиб кетиш натижасида баъзан тезроқ, ёки

баъзан кучсизлик туфайли заиф бўлади. Агар лозим бўлса фикрни кенгайтириш, ҳамда текислик ва нотекисликка нисбатан айtilган уч турдан бошқа ҳамма турларни ҳам кўзда тутиш мумкин, бироқ, асосий диққат шу уч турга жалб қилинади.

Умуман, текис томир уриши — бу ҳамма айtilган нарсаларга нисбатан текис бўлган томир уришидир, агар улардан биттасига нисбатан текис бўлса, унда фақат бир жиҳатдан текис деб айtilади, демак, «кучда текис», ёки «тезликда текис» деб айтишинг мумкин. Нотекис томир уриши ҳам шунга ўхшашса умуман нотекис бўлади, ёки нимага нисбатан нотекис бўлса, ўша жиҳатдан нотекис бўлади.

[Томир уришда] тартиб ва тартибсизликдан олинган тур икки хилдир: — нотекис тартибланган ва нотекис тартибсизланган. Тартиблангани шундайки, бунда нотекис маълум тартиб сақлайди ва даврий равишда қайтарилиб туради [Нотекис тартиблангани] икки хил бўлади: бу — ёки, фақат битта нотекисликнинг ўзигина доимий қайтарилгандаги, умуман тартибланган, ёки икки ё ундан ортиқ давр билан даврий тартибланган [нотекис томир уриши], масалан, бунда бир давр ва ундан фарқ қиладиган бошқа давр бўлиши мумкин, аммо булар бирга, худди бир даврдек, биринкетин қайтадилар. Тартибсиз [нотекис томир уриши] эса бунинг қарама-қаршисидир. Диққат қилиб қарасанг, тўққизинчи тур, ҳақиқатда саккизинчи турнинг бир хилидек бўлиб кўринади ва нотекис [томир уришининг] ичига киради.

Сен билишинг керакки, томир уришида қандайдир бир мусиқий табиат мавжуддир. Музыка санъати овозларнинг ўткирлик ва оғирлик бўйича ўзаро маълум муносабатда қўшилиши билан ҳамда [торларга тушаётган] зарбларни ажратувчи вақт оралигининг меъёрики доиралари орқали камолотга етгани каби, томир уриши зарбаларининг аҳволи ҳам худди шундайдир. Томир уришининг тезлик ва кетма-кетликдаги оралигининг вақт нисбати — оҳангли нисбатдир, унинг куч, заифлик ва миқдор бўйича ҳолатларининг нисбати — бу, қўшилиш нисбатидир.

Овозларнинг оҳанги, суръати ва меъёри ҳамоҳанг бўлади ёки бўлмайди, худди шунинг сингари [томир уришининг] нотекислиги ҳам тартибланган ва тартибланмаган бўлади. Ва яна томир уриши аҳволининг кучлилик, заифлик ва миқдордаги нисбатлари баъзан му-

вофиқ, баъзан эса номувофиқ, ҳатто ноўхшаш бўлишлари ҳам мумкин. [У вақтда] бу қандай бўлмасин [томир уришининг нотекислик] тартибини аниқлаш туркумидан ташқари чиқади.

Жолинуснинг айтишича, томир уриши вазнининг ўзаро нисбатидаги ҳис қилинадиган хусусияти, юқорда айтилган музикада [учрайдиган] қуйидаги ўзаро нисбатларнинг бири билан ифодаланади. Бу ёки «бутуннинг ва бешликнинг» нисбатида, яъни уч баробар нисбатда бўлади, чунки бу «бу яримга ортиқ нисбатдан тузилган икки баробар нисбатдир. Бу [нисбат] ҳақида, [яна] у «бешликнинг нисбатидадир» дейдилар, чунки у «ярмига ортиқ нисбатнинг» худди ўзидир; [ёки бу] бутуннинг нисбатида, яъни икки баробар бўлади; [ёки] — бешликнинг нисбатида, яъни яримга ортиқ нисбатда [бўлади]; [ёки] — тўртликнинг нисбатида, яъни учдан бирга ортиқ [нисбатда бўлади]; ёинки чоракка ортиқ нисбатда [бўлади]. Бундан сўнгги ўзгаришлар сезилмай қолади.

Мен бу нисбатларни ушлаб кўриб аниқлашни жуда муҳим деб ҳисоблайман. Бу ўз ҳунари бўйича оҳанг даражалари ва овозларининг ўзаро алоқалари билан [шуғулланишга] ўрганган, ҳамда музикани назарий жиҳатдан [ўрганиш ва] амалда қилинган ишни назариядан маълум бўлган [нарсага] солиштириш қобилиятига эга бўлган киши учун ҳаммадан ҳам осонроқдир. Бундай одам диққатини томир уришига жалб қилганида мумкинки, бу нисбатларни ушлаб кўриш орқали билса.

[Яна] айтаманки: ўн турнинг бири бўлган [томир уришининг] тартибланган ва тартибсиз турини алоҳида қилиб ажратиш, гарчи фойдали бўлса ҳам, аммо бўлишда нотўғридир, чунки бу тур нотекис [томир уриши туркумига] яқин келади ва худди унинг бир навига ўхшайди.

Вазн бўйича олинган турга келсак, бу икки «ҳаракат» ва икки «тиниш»га хос бўлган тўрт вақт оралиқларининг нисбат миқдорларини солиштириш билан [аниқланади]. Ҳис қилиш бу [миқдорларни] белгилашга ожиз бўлса, бунда [қизил қон томирларининг] кенгайиш вақтларининг нисбат миқдорларини икки кенгайиш оралиғида [ўтувчи] вақтга солиштириш билан, ҳамда умуман ҳаракат вақтларини тиниш вақтларига бўлган [нисбатларини] солиштириш билан [аниқланади]. Шу бобга, ҳаракат вақтининг [бошқа бир] ҳаракат вақтига солиштирмасини ва тиниш вақтининг [бошқа

бир] тиниш вақтига солиштирмасини киргизадиган ки-
шилар бир бобни иккинчи **[бир]** бобга киргизадилар.
Бу киргизиш мумкин бўлсада, яхши эмасдир.

[Томир уришининг] вазни **[юқорида айтилган]** муси-
қий нисбатларни қўллаш мумкин бўлган **[бир сифат-
дир]**. Биз айтамызки, томир уриши ёки яхши вазнда,
ёки ёмон вазнда бўлади. Ёмон вазндаги **[томир уриши-
нинг]** турлари учтадир. Булардан бири ўзгарувчи
ваззли ва ўтувчи ваззли. Бунда **[текширилаётган]** ки-
шининг томир уришидаги вазни ёш жиҳатидан унга яқин
турган кишилардаги томир уришининг вазни сингари
бўлади; чунончи болалар томир уришининг вазни ўсмир-
лар томир уришининг вазнига яқин бўлади.

Иккинчи тур — бу **[ёш бўйича]** узоқлашган **[киши-
лардаги томир уришининг]** вазни, масалан, болаларда
чоллар томир уришининг вазни бўлиши. Учинчи тур —
бу, вазндан ташқари чиқувчи томир уриши, яъни ўзи-
нинг вазни билан ҳеч қандай бошқа бир ёшнинг томир
уришига ўхшамайдиган томир уришидир. Томир уриш-
нинг вазндан чиқиши **[соғлиқнинг]** анчагина бузилган-
лигини кўрсатади.

СИЙДИК ҲАҚИДА УМУМИЙ СЎЗ

Сийдикнинг сифатига қараб **[касалликлар]** ҳақида
хулоса чиқариш усулларига фақат маълум шартларга
риоя қилган ҳолда ишониш мумкин. Бу эрталабки би-
ринчи сийдик бўлиб, узоқ вақт тутиб турилмаган бўли-
ши лозим. Эрталаб уйқудан турган касал **[сийишгача]**
сув ичмаслиги, овқат емаслиги, ҳамда бирор ранглан-
тирувчи, масалан, заъфарон, анор ва *хиёршанбар* каби
нарсаларни емаслиги ва ичмаслиги керак, чунки булар
сийдикни сариқ ва қизил ранга бўяйди; ёки, масалан,
сабзавотлар, — булар сийдикни яшил рангли қилади, —
ва *муррий* ҳам истеъмол қилмаслиги керак, чунки у
сийдикни қора ранга бўяйди. Қайф берувчи ичимликлар
сийдикни ўз рангларига ўзгартиради. Шунингдек, терига
ҳам хинага ўхшаш бирор бўёвчи нарса тегмасин! **[Хи-
на]** суртувчининг сийдиги, баъзан хина рангига бўялган
бўлади.

[Касал] хилтларни, — масалан, сафро ва балғам-
ни, — ҳайдовчи бирор нарса қабул қилмаслиги, ҳамда
кучли ҳаракатлар ва ишга берилиб кетмаслиги керак.
Табиийликдан ташқарига чиқадиган омиллар ичидан
рўза тутиш, уйқусизлик, чарчашлик, очлик ва ғазаблар

сув [сийдик]нинг рангини жуда ўзгартириб юборади. Булар ҳаммаси сийдик сувига сариқлик ва қизиллик беради. Жинсий алоқа сийдикни жуда ёғли қилади, қайт қилиш ва бўшалиш сийдикнинг тегишли рангини ҳамда қуюқлик ва суюқлик даражасини ўзгартиради. Вақтнинг ўтиши ҳам сийдикка шу хилда таъсир кўрсатади; шунинг учун «сийдикка [сийишдан] олти соатдан кейин қараш керак эмас, чунки унинг берадиган далиллари заифлашади, ранги ўзгаради ҳамда унинг чўкмалари эрийди ва ўзгаради ёки яна ҳам зичлашади» — деб айтадилар. Мен эса бир соатдан кейин ҳам [қараш керак эмас] дейман.

Сийдикни ҳеч тўкмасдан [оғзи] кенг шишага йиғиш керак, ҳамда уни сийишдан кейиноқ текширмай, балки у идишда тинчлангандан сўнг текшириш лозим. [Шу вақтда у] офтоб тушмайдиган ва то чўкмалар ажралиб, текшириш тамом бўлмагунча чайқатиб юборадиган ёки совутиб қўядиган шамол тегмайдиган жойда бўлиши керак. Сийдик чиқарилган ондаёқ, ҳатто у тамоман етилган бўлса ҳам, чўкма бермайди. Аввал сийилган шишани ювмай туриб иккинчи марта сийиш мумкин эмас.

Болаларнинг, айниқса, гўдакларнинг сийдиги сутлиллиги туфайли кам далил беради. Яна шунинг учунки, уларда [сийдикнинг] бўёвчи моддалари осойишта ҳолатда бўлиб, чуқурликда яширингандир. [Гўдаклар] табиатида, уларнинг заифликлари ва кўп ухлашлари сабабли [сийдикнинг] етилганлик аломатларини йўқотуви бирор нарса бордир.

Сийдик олиш учун ишлатиладиган идиш моддаси билан тоза бўлган аниқ жисмдан масалан, тиниқ шиша ёки биллурдан бўлиши керак. Билгинки, сийдикни [кўзга] яқинлаштирганингда ғализлиги ортиқроқ кўринади, кўздан узоқлаштирганингда эса тиниқлиги ортади. Шу хилда табиға текшириш учун келтирилган [сийдикдаги] ҳамма аралашмаларни билиб олиш мумкин.

Сийдикни шишага солгач, уни совуқ, офтоб ва шамол таъсирида ўзгаришлардан сақлаш керак. Сийдикни ёруққа солиб кўриш керак, аммо унга [офтоб] нурлари тушмасин, аксинча, уни нурлардан беркитиш лозим. Шундагина сийдик ҳақида, ундаги кўринувчи белгиларга қараб ҳукм юритиш мумкин.

Маълум бўлсинки, сийдикнинг аввалги берадиган белгилари жигарнинг ҳолатига, суюқлик йўлларига ва, шунингдек, томирлар аҳволига далолат қилишдир. Бу-

нинг воситаси билан бошқа касалликлар ҳақида ҳам ҳулосага келинади. Энг ишончли аломатлар — жигарнинг [ҳолатига], айниқса, унинг бўртган қисмининг ҳолатларига далолат қилувчи аломатлардир.

Сийдикдан олинган аломатлар етти туркумга бўлинади: ранг туркуми, қуюқ-суюқлик туркуми, тиниқлик ва лойқалик туркуми, чўкма-туркуми, камлик ва кўплик бўйича миқдор туркуми, ҳид туркуми ва кўпик туркуми. [Баъзи] кишилар бу туркумларга яна ушлаб кўриб сезиш туркумини ва таъм туркумини киритадилар, аммо биз бу туркумларни тушириб қолдирамиз.

Ранг туркуми деганда биз сийдикда кўз кўрадиган рангларни, яъни қораликни, оқликни ва булар ўртасидаги [рангларни] англаймиз; қуюқ-суюқлик туркумидан биз сийдикнинг қуюқлик ва суюқликка нисбатан сифатини англаймиз; тиниқлик ва лойқалик туркумидан биз нурнинг сийдик орқали ўтишидаги осонлик ёки қийинликни англаймиз. Бу туркум билан қуюқ-суюқлик туркуми ўртасидаги фарқ шундан иборатки, сийдик айни бир вақтда тухум оқи, эритилган балиқ елими ёки зайтун мойига ўхшаб қуюқ ва тиниқ бўлиши мумкин. Баъзан эса лойқа сув каби суюқ бўлиши билан бирга лойқа бўлади, аслида бу тухум оқидан анча суюқроқдир.

Лойқаликнинг сабаби жигарранг ёки бошқа рангга эга бўлган ёт рангли бўлакчаларнинг аралашганлигидир. Улар [кўриш билан] фарқ қилинмайди, тиниқ эмас, алоҳида-алоҳида кўринмайди ва чўкмадан бошқачадир, негаки чўкмани баъзан кўриб ажратиш мумкин. Шунингдек, [бўлакчалар] рангдан фарқ қилади, чунки ранг суюқликнинг бутун моддасига ёйилади ва у билан [чўкмаларга қараганда] қаттиқроқ аралашган бўлади.

АХЛАТ ОРҚАЛИ АНИҚЛАНДИГАН БЕЛГИЛАР ҲАҚИДА

Гоҳо ахлатнинг миқдоридан далил олинади, бунга унинг ейилган овқатнинг миқдоридан оз ё кўплигига, ёки баробарлигига эътибор берилади. Маълумки, ахлат миқдорининг [ейилган нарса миқдоридан] кўп бўлишининг сабаби хилтларнинг кўплигидир, озлигининг сабаби [хилтларнинг] озлиги ёки унинг кўр ичакда, йўғон ичакда, ёки ёнбош ичакларда қамалиб қолишидир. Бу қамалиб қолиш *қуланж* касаллигининг бошланиши ҳамда ҳайдовчи қувватнинг кучсизлигига далил бўлади.

Гоҳо ахлатнинг қуюқ, суюқлигидан далил олинади.

Хўл ахлат ҳазмнинг ёмонлигига ёки тижилма борлигига, ёки ичакдаги рутубатни сўрадиган майда веналарнинг кучсизлигига далил бўлади. [Ахлатнинг хўллигига] гоҳо бошдан келадиган назлалар ёки уни хўлловчи нарсаларнинг ейилиши сабаб бўлади. Ахлатнинг ёпишқоқ хўл бўлиши, [ички аъзоларнинг] эриётганига далил бўлади, бунда у бадбўй бўлади. Гоҳо ёмон ёпишқоқ хилтларнинг кўплигига далил бўлади, бунда у унчалик бадбўй бўлмайди. Гоҳо мизожда кучли иссиқ бўла туриб, ёпишқоқ овқатларнинг кўп ейилганлигига далил бўлади. Бу икки [ҳолда овқат] ҳазм бўлмайди.

[Ахлатнинг] кўпikli бўлиши иссиқнинг кучлилигидан пайдо бўлган қайнашга ёки кўп елнинг аралашганлигига далил бўлади. Қуруқ ахлат чарчаганликка ёки сийдикнинг кўп кетганига, ёки оловсимон иссиққа, ёки овқатнинг қуруқлигига, ёки ахлатнинг ичакда кўп туриб қолганига далил бўладики, бу ҳақда кейин яна гапирамиз. Қуруқ, қаттиқ ахлат рутубатга аралашиб чиқса, унинг қуруқлигининг сабаби чиқишига тўсқинлик қилувчи хўлликлар ичида узоқ қамалиб қолишига ва қитиғлаб қистовчи ўтнинг йўқ эканига далил бўлади. Агар [хўлликлар ичида] узоқ қамалиб қолиш бўлмаса, ичакларда рутубат борлигининг аломатлари ҳам бўлмаса, у вақтда қуруқ ахлатнинг [хўллик билан чиқишининг] сабаби, жигардан унинг яқинидаги ичакка зардобсимон чиқиндисининг қуйилишидир. [Бу чиқинди] [ахлатни суюқлик билан] аралашшига қўймасдан тез чиқариб юборади.

Гоҳо ахлатнинг рангидан далил олинади. Унинг табиий ранги олов рангида бўлади. Агар ранги тўқ бўлса, ўтнинг кўплигига, оч рангли бўлса, унинг етилмаганлигига далил бўлади. Агар оқ бўлса, баъзан оқликнинг сабаби ўтнинг йўлида тўсиқ борлиги бўлиб, сариқ касаллигининг пайдо бўлишига далил бўлади. Агар оқ ахлат билан бирга оддий йиринг ҳидли оқ йиринг келса, [ичда] шишининг тешилиб оқаётганига далил бўлади.

Ҳаракатсиз ва бадантарбияни қилмай қўйган соғлом кишидан ахлат йиринг ва сел билан чиқса, бу бадантарбияни тарк қилганлиги сабабли пайдо бўлган бўшашишликдан қутулаётганига далил бўладиким, биз бу ҳақда сийдик бобида айтган эдик.

Билгинки, ахлатнинг ҳаддан ташқари олов ранглилиги касалликларнинг охирида бўлса, кўпинча етилганликка далил бўлади ва кўп вақт аҳволнинг ёмонлашганлигини билдиради.

Қора ахлатнинг далиллиги қора сийданинг далил-лигига ўхшайди. Бундай ахлат қаттиқ ёниш борлигига, ё савдо таъсиридан пайдо бўлган касалликнинг етил-ганлигига, ё ранги чиқадиган бирор нарса ейилганли-гига, ёки савдони ҳайдовчи ичимлик ичилганлигига далил бўлади. Буларнинг биринчиси ёмонлик далили-дир. Ахлатнинг савдодан пайдо бўлганлигини аниқлаш-да унинг қора рангли бўлиши кифоя қилмайди. Балки унинг нордон, буруштирувчи ва ерда [вижиллаб] қай-наши лозим. Бундай аломатлар хоҳ ахлат, хоҳ қусиқда бўлсин, ёмонлик далилидир. Бундай [ахлатнинг] ху-сусиятларидан бири, унинг ялтироқ бўлишидир. Хуллас нуқул савдо каби куйинди хилтнинг чиқиши ўлимнинг далилидир.

Аmmo қора каймусга келсак, бунинг чиқиши кўп учрайди, асосий савдонинг чиқиши эса баданнинг ни-ҳоятда куйганига ва ҳўлликларнинг тугаллаганига да-лил бўлади.

Яшил ва хира яшил ахлат табиий ҳароратнинг сў-нишига далил бўлади.

Гоҳо ахлатнинг ингичка ва кўпчиб [йўғон] кўрини-шидан далил олинади. Қорамол тезаги каби кўпчиган ахлат елнинг борлигига далил бўлади. Гоҳо ахлатнинг келиш вақтидан далил олинади: ахлатнинг чиқиш вақти тезлашиб одатдаги вақтдан илгари келса, сафронинг кўплигига ва ушлаб турувчи қувватнинг кучсизлигига далил бўлиб, ёмон белги ҳисобланади. Агар одатдаги вақтдан кечикса, ҳазм қувватининг кучсизлигига, ичак-ларнинг совуқлигига ва рутубатнинг кўплигига далил бўлади. Товуш билан келувчи ахлат кўпчитувчи ел борлигига далил бўлади. Ҳар хил ва ёки аниқ бир рангли бўлмаган [ахлат] ёмонлик аломатидир. Бу ҳақда жузъий [касалликлар] китобида ҳам айтамыз.

Ахлатнинг энг яхшиси ғужланган, бўлаклари бир хил ва суюқ ҳам қуруқ бўлаклари яхши аралашган ва қуюқлиги асал қуюқлиги каби бўлганидир. Бу хил [ахлат] ачиштирмай осонлик билан чиқади; ранги са-риққа мойил бўлиб, унчалик бадбўй бўлмайди, ҳидсиз ҳам бўлмайди, биқилламайди ва кўпиклари ҳам бўл-майди. У ейилган нарса миқдорига яқин бўлиб, одат-даги вақтда чиқиб туради.


Билгинки, ҳар қандай бир жинсли ва силлиқ ахлат яхши бўлавермайди, чунки бу [сифатлар] ҳамма вақт ҳам яхши етилиш ва бўлакларнинг бир жинслигидан келиб чиқмайди; баъзан бу, ички ёниш ва эришдан ҳам

бўлади. Бу вақтда иккаласи ҳам ёмон аломатлардан бўлади.

Билгинки, суюқ-қуюқлиги мўътадил бўлиб, суюқлик-ка мойил бўлган ахлат биқилламаса, елли бўлмаса ва оз-оздан узилиб чиқадиган бўлмаса, албатта яхшилик аломатидир; акс ҳолда у қўзғатувчи ва тўдаланишга қўймовчи сел билан аралашган бўлиши керак. [Ахлат тўғрисидаги сўз] шудир.

Тер чиқишларда ва бошқа нарсаларда зоҳир бўладиган аломатларга ҳам риоя қилиш керак. Лекин бу аломатлар тўғрисидаги сўз жузъий касалликларга хосроқдир. Шунинг учун ахлат, сийдик ва бошқа нарсаларга оид масалалар жузъий касалликлар китобида кенгроқ баён этилади.





СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАДБИРЛАРИ

СОҒЛИҚ ВА КАСАЛЛИКНИНГ САБАБИ ВА УЛИМНИНГ МУҚАРРАРЛИГИ ҲАҚИДА

Тиб илми аввало икки қисмга — назарий ва амалийга бўлинади. Булардан ҳар бири илм ва назариядир. Лекин назария деб аталмиш қисм, фақатгина [табибларнинг назарий] фикрларини ифода қилиб, амалияни билишни ифода қилмайди. Яъни бу мизожлар, хилтлар, қувватлар, касалликларнинг турлари, белгилари ва сабабларини ўрганиладиган қисмдир. Махсус амалия деб аталадиган қисм тадбир ва амалнинг қандай бўлишлигини ўргатади. Яъни бу маълум ҳолдаги гавданинг соғлигини қандай сақлашни ёки фалон касалликка учраган гавдани қандай даволашнингни сенга билдирадиган қисмдир. Табобатнинг амалий қисмини фақат амалиёт ва [даволаш] усулларидан иборат деб ўйлама. Балки у шундай бир бўлимдирки, у орқали биз юқорида тушунтирганимиздек, тибнинг амалияси ва усулларини ўрганилади.

[Китобнинг] биринчи ва иккинчи фанида биз табобатнинг умумий назарий қисмини ёзиб тамом қилдик. Энди қолган икки фанида эса табобатнинг амалий қисмини умумий тарзда баён этамиз.

[Тибнинг] амалий қисми иккига бўлинади. Биринчи қисм соғлом гавдаларнинг тадбирини билиш; бу соғлиқни сақлашга тааллуқли бўлгани учун соғлиқни сақлаш илми деб аталади. Иккинчи қисми касал гавданинг тадбирини билиш бўлиб, соғлом ҳолатга қайтарини йўлларини кўрсатади, буни даволаш илми деб аталади. Биз бу [учинчи] фанда соғлиқни сақлаш илми тўғрисида қисқа сўз айтамиз.

Биз айтамиз, гавдамизнинг вужудга келишининг дастлабки манбаи икки нарса эди. Бири эр кишининг уруғи бўлиб, у таъсирловчи негиз бўлади. Иккинчиси хотин кишининг тухуми ва ҳайз қони бўлиб, у модда хизматини ўтайди. Бу икки жавҳар ўзларининг ҳўллик

ва оқувчанлик хусусиятлари билан умумий бўлиб, қон ҳам хотин тухумининг сувлилиги ва тупроқжинслилиги кўпроқ бўлганлиги, эр уруғининг эса ҳаволилиги ва хусусиятга эгадир. Шунинг учун булардан ташкил бўлган нарсада тупроқлилиги ва оловлилиги бўлса ҳам, уларнинг биринчи қўшилиши ҳўл бўлмоғи лозим. Тупроқлилиги ўзидаги қаттиқлик билан ва оловлилиги ўзидаги етилтириш хусусияти билан ёрдамлашиб, ўша [икки жавҳардан туғилган] нарсани жуда қотиради ва бири-бирига қаттиқроқ боғлайди, лекин бу қотиш тош ва шиша каби қаттиқ ва эримайдиган, ё эриса ҳам сезилмайдиган даражада эрийдиган жисмларнинг қаттиқлиги даражасига етмайди. Шу [хусусиятлари] сабабли [тош ва шиша каби жисмлар] эриб емирилиш сабабли пайдо бўладиган офатлардан доимо ёки жуда узоқ замон холи бўлади. [Қориндаги болада] эса аҳвол бошқача.

Шунинг учун баданларимиз офатларнинг икки тури учун ўрин бўлиб, уларнинг ҳар бирига ичдан ва сиртдан сабаб бор. Офатнинг бири биз яратилган ҳўлликнинг аста-секин тарқалиб кетиши. Иккинчиси ўша ҳўлликнинг сасиб, бузилиб, ҳаётга ёрдам бериш қобилиятидан чиқишидир. Бу иккинчи тури гарчи ҳўлликни қуришгача олиб бориб зарар етказса ҳам биринчи офатдан фарқ қилади. Бунда аввало ҳўллик бузилади, сўнг гавдаларимиз учун фойдали ҳолати ўзгаради, охирида ҳўллик сасиш натижасида тарқалиб кетади. [Чирриш] дастлаб ҳўлликни бузади, сўнг уни тарқатиб йўқотади, кул каби қуруқ нарсаларни эса совуради. Бу икки офатдан ташқари яхлатувчи совуқ, гармсел, узлуксизлик бузилишининг ҳалокатли турлари ва бошқа касалликлар каби сабаблар келтириб чиқарадиган офатлар ҳам бор. Лекин мазкур икки хил офат шу ердаги баҳсимизга хосроқ ва соғлиқни сақлашда эътиборга олишимизга лойиқдир. У икки [офатнинг] ҳар бири сиртқи ва ички сабаблардан келиб чиқади.

Сиртқи сабабларга [ҳўлликни] тарқатувчи ва саситувчи ҳаво киради.

Ички сабаблар ҳўлликни қуритувчи ичимиздаги туғма иссиқлик ва овқатлардан ёки бошқа нарсалардан ичимизда пайдо бўладиган ва [ҳўлликни] саситадиган ёт иссиқликдир. Бу сабабларнинг ҳаммаси [танамизни] қуритишда бир-бирларига ёрдамчидирлар. Бизнинг ўсишимиз, балоғатга етишимиз ҳамда турли ишларга қо-

билиятли ва қудратли бўлишимиз бизда бўлиб турадиган кўп қуришлар билан вужудга келади. Сўнгра бўлиб турадиган қуриш зарурий бўлиб, бундан қутилишга илож йўқ. Биз аввалда жуда бир ҳўл нарса бўлганимизда иссиғимизнинг ҳўлликдан ғалаба қилиши зарурдир, бўлмаса [иссиғимиз] ҳўллик ичида қамалиб қолади. Иссиқлик узлуксиз таъсир қилиб доимо ҳўлликни қуритиб туради.

[Ҳароратнинг] қуритиши, аввало мўътадил даражагача бўлади. Кейин баданимиз қуруқлиги мўътадил чегарасига етиб, иссиқ ўз ҳолида бўлгач қуритиш аввалги миқдорида бўлмайди, балки ундан кучлироқ бўлиб боради. Чунки модда озроқ бўлса, қуришни қабул қилувчанроқ бўлади. Ниҳоят қуриш мўътадиллик даражасидан ўтиб, ҳўлликнинг йўқолишигача ортиб боради. Натижада туғма иссиқлик ўз моддасини йўқ қилишга сабаб бўлиб, ёғи тамом бўлиб ўчадиган чироққа ўхшайди ва шу восита билан ўзини сўндиришга сабаб бўлади. Қуриш кўпайган сари иссиқлик озяборади ва баданда бўшашишлик ошиб, ҳўлликнинг ўзидан тарқалаётган қисмини тўлдириш ожизлиги пайдо бўлади.

Гавдадаги қуришнинг ортиши икки сабабдан бўлади. Биринчиси, гавдага кирувчи модданинг озойиши сабабли, иккинчиси, иссиқнинг тарқатиши таъсирида ҳўлликнинг озойиши сабабли. Иссиқликнинг кўп озойиши қўйидаги сабабдан бўлади: аъзолар моддасида қуриқликнинг ғолиб бўлишидан ва иссиқликка модда бўлувчи [гавдадаги] туғма ҳўлликнинг озойишидан. Бу чироқдаги ёғ вазифасини бажаради. Чироқда икки ҳўллик — сув ва ёғ бор, бири ёғнига ёрдам беради, иккинчиси ўчиради. Шунга ўхшаш туғма ҳўллик туғма иссиқликни барпо қилади, ҳазм кучсизлиги натижасида ортиб борувчи ёғ ҳўллик эса уни бўғади. Бу ёғ ҳўллик чироқдаги сув кабидир. [Табиий ҳўллик] қуригач, [туғма] иссиқлик ўчиб, табиий ўлим вужудга келади.

Гавданинг тирикликда яшаб туриши дастлабки табиий ҳўлликнинг ташқаридан таъсир қилувчи иссиқликнинг ёки туғма иссиқнинг ва ўз ҳаракатларидан пайдо бўладиган иссиқнинг тарқатишига узоқ замон қарши тура олишидан эмас, — бундай дастлабки ҳўллик у иссиқларга қаршилашишда жуда кучсиздир. У ўзидан йўқотилган қисмининг овқат моддалари билан тўлдириб турилиши туфайли қаршилик кўрсатиб туради. Қув-

ватнинг овқатни сарф қилиши ва ишлатиши бир чегарага қадар бўлишлигини айтиб ўтган эдик.

Соғлиқни сақлаш санъати ўлимдан омон қолдиришга ва гавдани сиртқи офатлардан қутқозишга кафил бўла олмайди, шунингдек, ҳар баданни мутлақо инсон истайдиган жуда узун умрга етказишга ҳам кафил бўла олмайди, балки икки нарсага: [туғма намликнинг] сасишини қайтаришга ва ҳўлликни тез тарқалишдан сақлашга кафил бўла олади. Ҳўллик маълум даражагача ўз кучида қолиши мумкин, бу унинг бошланғич мизожига боғлиқ. Ҳўлликнинг бадандан тарқалган қисмининг ўрнини тўлдириш чорасини кўриш, тез қуритувчи омилларни қайтарадиган чора билан, баданни сиртқи ва ички чет иссиқликнинг ортишидан сақлаш чорасини кўриш орқали ҳўлликни чиришдан ҳимоя қилиш йўли билан [соғлиқни сақлаб қолинади].

Гавдаларнинг ҳаммаси ҳам асосий ҳўллик қувватида ва асосий иссиқлик қувватида баробар эмаслар, балки улар бу жиҳатдан турличадирлар. Ҳар гавданинг мизожи туғма иссиғи ва туғма ҳўллигининг миқдори талаб қиладиган даражада зарурий қуришга қарши туриш чегараси бор. Гавда ўша чегарадан ўтмайди, лекин гоҳо қуришига ёрдам берувчи ёки бошқа бир важҳ билан ҳалок қилувчи сабабларнинг воқе бўлиши билан гавда ўша чегарага ета олмайди. Кўп кишилар мана шу [биринчисини] табиий ажал деб, кейингисини тасо-дифий ўлим дейдилар.


Соғлиқни сақлаш санъати одам гавдасини унинг муносиб ва ёқадиган нарсаларини сақлаш орқали ўша табиий ажал деб аталадиган ёшга етказишдан иборат. Соғлиқни сақлаш икки қувватга топширилган, табиий ўша қувватларга хизмат қилади. Бири овқатлантирувчи табиий қувватким, моддаси тупроқликка ва сувликка мойил бўлган ва гавдадан тарқалган нарсаларнинг бадалини тўлдиради. Иккинчиси ҳаётний қувватки, юрак ва томирларни ҳаракатлантирадиган ва ҳаволи ва оловли жавҳарга эга бўлган руҳнинг тарқалган қисмини тўлдиради. Овқат физоланувчининг мизожига ҳақиқатда ўхшаш бўлмагач, уни физоланувчиларга ўхшатиб ўзгартириш учун, ҳатто овқатларни чиндан ҳам овқатга айланттириш учун ўзгартирувчи қувват яратилди ва бунинг учун турли аъзолар ва йўллар топилдики, улар овқатларни тортиш, ҳайдаш, тутиш ва ҳазм қилиш учун хизмат қилади.

Айтаминки, соғлиқни сақлашда асосий нарса қуйи-

даги умумий ва зарурий сабабларни мўътадил қилишдир. Бунда асосан қуйидаги етти нарсани мўътадил қилишга кўпроқ эътибор берилиши керак: мизожни мўътадил қилиш, ейиладиган ва ичиладиган нарсаларни танлаш, гавдани чиқиндидан тозалаш, тўғри тузилишни сақлаш, бурунга тортиладиган ҳавони етарли ва яхши қилиш, кийимли нарсаларни яхшилаш, жисмоний ва руҳий ҳаракатларни мўътадил қилиш; шу ҳаракатлар жумласига маълум даражада уйқу ва уйғоқлик ҳам киради.

Сен ўтган нарсалардан билдингки, соғлиққа ҳам, мўътадилликка ҳам бир чегара йўқ. Ҳамда ҳар бир мизож маълум бир вақтда, ё соғлиққа, ё мўътадилликка киравермайди, балки иш бошқачадир. Энди аввало жуда мўътадил мизожли туғилган боланинг тарбияси ҳақида сўз бошлаймиз.





ТАРБИЯ ҲАҚИДА

БОЛАНИНГ ТУҒИЛГАНИДАН ТО ОЕҚҚА ТУРГАНИГАЧА ҚИЛИНАДИГАН ТАДБИРЛАР ҲАҚИДА

Ҳомиладор хотинлар ва туғиши яқинлашган хотинларнинг тадбирларини алоҳида мақолада ёзамиз.

Муътадил мизожли бола туғилганда, фозил кишилардан бир гуруҳининг айтишларича, лозим бўлган дастлабки қилинадиган ишлар тўрт бармоқ энича қолдириб киндикни кесмоқ, оғриқ бермаслиги учун майин пишитилган тоза жун ип билан киндикни боғламоқ ва зайтун мойига ботирилган латтани унинг устига қўймоқдир. Киндик кесилган вақтда зарчава, қизил бақам дарахтининг елими, *анзиратгўштхўр*, зира, ушна ва *муррдан* баробар бўлақларни янчиб ва эзиб, боланинг киндигига сепиш керак.

Боланинг бадани қаттиқ ва териси кучли бўлиши учун кам тузли намакоб суртилади, намакобга *шодана*, куст, татим, сариқ йўнғичка, ва какликўтидан бир оз қўшилса жуда яхши бўлади. Боланинг бурнига ва оғзига намакоб тегизилмайди. Бола гавдасининг [намакоб ила] қотиришни қабул қилишимизнинг сабаби шуки, унинг бадани бошда учраган ҳар бир нарсадан қийналади. У нарса унга қаттиқ ва совуқ [бўлиб] туйилади. Чунки унинг териси нозик ва иссиқдир. Шундай бўлгач боланинг сезишича, ҳар бир нарса совуқ, қаттиқ ва дағалдир. Агар бола гавдасида кир ва рутубат кўп бўлса, иккинчи марта намакоблаймиз. Сўнгра илиқ сув билан чўмилтирамиз. Буруннинг тешикларини ҳар вақт тирноғи олинган бармоғимиз билан тозалаймиз. Кўзларига зайтун ёғидан озгина томизамиз ва орқа тешигини очилсин учун жимжилоқ билан қитиқлаймиз, шунда болани совуқ тегишидан сақлаш керак. Уч кун ёки тўрт кундан сўнг боланинг киндиги тушгач, садаф кулина ёки бузоқ оёғи пайининг кулини, ёки куйдирилган қалайни шароб билан эзиб, киндикка сепмоқ фойдалидир.

Агар болани йўрғакламоқчи бўлинса, доя боланинг

аъзоларини мулойимлик билан силаши керак. Шунда у, кенгайиши матлуб аъзоларини кенгайтириб, ингичкалиги матлуб аъзоларини ингичкалантириб силайди ва ҳар бир аъзога энг чиройли шакл беришга уринади. Шу ишларнинг ҳаммасида [доя] бармоқларининг учлари билан бола баданини қайта-қайта юмшоқ уқалайди. Доя боланинг кўзларини ипакли матога ўхшаш бир нарса билан ҳамиша артиб турмоғи боланинг қовуғидан сийдик кўчиши осон бўлиши учун уни бармоқларининг учи билан силамоғи керак. Сўнгра доя боланинг қўлларини ёзиб, икки тирсагини икки тиззасига тегизади, бошига саллача ўратади, ёки бошига лойиқ қалпоқча кийгизади. Ҳавоси ўрта даражади, иссиқ ва совуқ бўлмаган уйда ухлатилади, бола ухлатиладиган уй соя ва қоронғироқ бўлмоғи керакки, у уйга қуёшнинг кучли нури тушмасин.

Бола ўринда ётганида унинг боши танасининг бошқа бўлақларидан юқори турмоғи керак, боланинг ётар ўрни унинг бўйнини, қўл-оёқларини ва умуртқа устунини қийшайтириб қўйишидан сақланмоқ керак.

Ёз кунлари болани ўртача иссиқ сув билан, қиш кунини эса иссиқроқ, лекин куйдирмайдиган сув билан чўмилтирилади. Чўмилтириш учун энг яхши вақт боланинг узоқ ухлаганидан кейинги вақтдир. Баъзан бир кунда икки ёки уч марта чўмилтириш мумкин, агар ёз вақти бўлса, аста-секин совуқликка яқин илиқ сув билан чўмилтиришга ўтилади. Қишда эса ҳамиша ўртача иссиқ сув билан чўмилтирилади. Бадани қизиб қизаргунча чўмилтириб, сўнгра чиқарилади. Қулоғининг тешиқларига сув киришидан сақланилади.

Болани чўмилтириш вақтида уни ўнг қўли билан ушлаб, чап қўлининг билагига кўкраги билан ётқизилади, аммо қорни билан эмас. Чўмилтириш вақтида у боланинг икки кафтини унинг орқасига ва оёқларини эса бошига аста-секин тегизишга ҳаракат қилади. Кейин боланинг баданини юмшоқ сочиқ билан артади ва секинлик билан уни силайди; аввал қорни билан, сўнгра орқаси билан ётқизади ва ҳамиша шундай қилиб бола баданини силашда давом этади, бармоқлари учи билан ушлаб, сиқиб-сиқиб қўяди ва [аъзоларини] шакллантиради. Сўнгра йўргаклайди ва бурнига ширин зайтун ёғи томизади, чунки зайтун мойи боланинг кўзларини ва кўз пардаларини тозалайди.

БОЛАНИ ЭМИЗИШ ВА ЭМЧАКДАН АЖРАТИШ ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

Болани эмизишда ва овқатлантиришда мумкин қадар онасининг сути билан боқиш керак. Чунки она сути бола қоринда экан вақтида истеъмол қиладиган овқат моддасига, яъни онасининг ҳайз қонига ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ ўхшайдиган овқатдир. Шу қоннинг ўзи кейинча сут бўлади. Шунинг учун бола онанинг сутини тезроқ қабул қилади ва унга одатланади. Ҳатто тажриба билан тўғри топилганки, бола онасини эмганда турли азобловчи ҳоллардан сақланишида жуда фойдаланади.

Бир кунда икки ёки уч марта эмизиш билан кифояланмоқ керак. Болани аввалги эмизишда кўп эмизмаслик керак. Онасининг мизожи мўътадил бўлгунча онасидан бошқа хотиннинг эмизгани яхши. Болага асал ялатиб сўнгра эмизиш яхшироқдир. Эрталаб болага эмизиладиган сутдан она икки ёки уч бор соғиб ташлаб, сўнгра болага эмизиши керак, айниқса, сутда бирон айб бўлса; эмчак сути сифатсиз ва аччиқ бўлса, она овқатланмасдан илгари, наҳорга эмизмаслиги керак.

Шу билан бирга боланинг мизожини кучайтирмоқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири, болани секин-аста тебратиш, иккинчиси, уни ухлатиш учун айтиш одат бўлиб қолган музика ва аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш миқдориға қараб боланинг танаши билан бадантарбияға ва руҳи билан музикаға бўлган истеъдоди ҳосил қилинади.

Агар болага ўз онасининг сутини эмизишга онанинг кучсизлиги, ёки сутининг бузиқлиги, ё суюққа яқинлиги монё бўлса, бола учун тубанда баён қилинадиган шартларға мувофиқ бир эмизувчи тайинламоқ керак: эмизувчининг ёши, ташқи кўриниши, хулқи, эмчагининг шакли, сутининг сифати, ўша вақт билан туққан вақт ўртасидаги муддат миқдори ва туққан боласининг жинси. Бу шартларға мувофиқ эмизувчи топилгач, у эмизувчининг овқатини яхшилаш керак. Эмизувчининг овқати буғдойдан, *хандарусдан*, қўзи ва улоқ гўштидан ва гўшти бадбўй ва қаттиқ бўлмаган балиқдан тайёрланган бўлиши керак. Сутўт, бодом, фундуқ ҳам яхши овқатлардан ҳисобланади. Эмизувчи учун сабзавотларнинг ёмони индов, хардал, тоғ қорарайҳонидир. Чунки буларнинг ҳар бири эмизувчининг сутини бузади. Сутни бузиш қуввати оддий ялпизда ҳам бор.

Энди эмизувчига қўйиладиган шартларни баён қиламиз; эмизувчининг ёшига қўйиладиган шартлардан бошлаймиз.

Биз айтамызки, эмизувчининг энг яхши ёши 25 билан 35 орасидадир. Чунки бу ёш жувонлик, соғлик ва етуклик ёшидир.

Эмизувчининг кўриниш ва тузилишдаги шарти шуки, у хушранг, бақувват бўйинли, кўкраги кенг ва қувватли, мушаклари бўртган, семиз ва ориқликда ўртача бўлмоғи керак.

Ахлоқда эмизувчининг яхши хулқи, ғазабланиш ва ғамгинлик, қўрқиш ва бошқа ёмон руҳий таъсиротларга тез берилмайдиган бўлиши керак. Чунки булар мизожни бузади ва эмизишга таъсир қилади. Шунинг учун пайғамбар — унга тангрининг улуғлаши ва саломи етсин! — руҳий касалликка учраган хотинни эмизувчи қилишдан тийган эди. Яна бунинг устига эмизувчининг ёмон хулқлилиги болага яхши қарамасликка ва ғамхўрлик қилмасликка олиб келади.

Эмизувчи эмчагининг шаклига оид шартлар: эмчанинг катта ва тифиз бўлмоғи, шу билан бирга, бўшашган ва қўпол катта бўлмаслиги керак. Эмчанинг қаттиқ ва юмшоқлиги мўътадил бўлиши керак.

Сутнинг сифатига келсак, унинг суюқ ва қуюқлиги, кўп ва озлиги мўътадил бўлиб, ранги оқроқ бўлиши, хира, кўкимтил, сарғиш, қизғиш бўлмаслиги, ҳиди хушбўй бўлиб, унда ачиганлик ва сасеиқлик бўлмаслиги, мазаси ширинроқ бўлиб нордонлик, шўрлик ва аччиқлик бўлмаслиги керак. [Миқдори] оз бўлмаслиги ва бўлаклари бир-бирига илашган бўлиши керак, ана шундай сут оқиб кетар даражада суюқ бўлмайди, ивиган сутдек жуда қуюқ, ҳамда бўлаклари бир-биридан ажралган ва кўп кўпикли бўлмайди.

Сутнинг қуюқлигини тирноқ устига томизиш билан тажриба қилинади. Агар тирноқдан оқса, у суюқ, оқмас, қуюқ сутдир. Сутни шиша идишга солиб ҳам тажриба қилинади. Идишдаги сутга *муррдан* бир оз ташланиб бармоқ билан ковланса, шу вақт сут ивиб, оғиз ва зардоб қисмларининг миқдори аниқланади. Яхши сутнинг чириган қисми ва зардоби баробар бўлади. Агар сути шу сифатда бўлмаган эмизувчи олишга мажбур бўлинса, у вақтда эмизувчининг сутини болага ичирилади ва эмизувчини даволаш билан тадбир қилинади. Эмизувчининг сути жуда қуюқ ва бадбўй бўлса, соғиб ҳавода бир оз тургандан кейин болага ичирилади. Сут

жуда ҳароратли бўлса, уни ҳеч наҳорга ичирмаслик керак.

Эмизувчининг даволаш тадбири шуки, агар сути жуда қуюқ бўлса, чўлялпиз, зуфо, кийикўт, тоғ кийикўтига ўхшаш суйилтирувчи нарсалар билан қайнатилган *сиканжубини бузурий* ичирилади. Цитрон ва шунга ўхшаш нарсалар едирилади ва овқатига бир оз турп солинади. Иссиқ *сиканжубин* ичиб қусишга ва мўътадил бадантарбия қилишга буюрилади. Агар эмизувчининг мизожи иссиқ бўлса, *сиканжубинни* суюқ шароб билан аралаштириб, ёлғиз-ёлғиз ичирилади. Агар сути суюқроқ бўлса, бадантарбия маъ қилинади. Қуюқ қоң пайдо қиладиган нарсалар билан овқатлантирилади, Баъзи вақт бирон монелик бўлмаса, эмизувчига ширин шароб, ёки узум шинниси ичирадилар ва кўп ухлашни буюрадилар.

Агар эмизувчи камсут бўлса, бунинг сабабини текширилади. Сабаби эмизувчининг бутун гавдасидаги ёмон иссиқ мизожми, ёки эмчагининг ўзида бўлган ёмон иссиқ мизожми? Уни ўтмиш бобларда айтилган белгилардан билинади. Эмизувчининг эмчагини ушлаб кўрилади, агар иссиқ борлигига далил бўлса, унга кашкоб, исмалоқ ва шунга ўхшаш нарсалар ичирилади. Агар унда совуқ мизожликка ё теқилмалар борлигига, ёки тортувчи қувватнинг кучсизлигига далил бўлса, эмизувчининг овқатига иссиқликка мойил, енгил нарса қўшилади. Шунингдек, икки эмчакнинг тагига эҳтиёт билан терини тилмасдан қортиқлар қўйилади. [Сут озлигига] сабзи уруғи, айниқса, унинг ўзини беришда кучли маъфаат бор. Агар эмизувчининг камсутлиги унинг кам овқат ейишидан бўлса, арпадан, кепакдан ва турли донлардан тайёрланган суюқ ошлар билан овқатлантирилади. Уларга мол ёғи ва тоза шароб ҳам фойда қилади. Камсут эмизувчининг суюқ ош ва бошқа овқатларига арпабодиён илдизи ва уруғи, укроп, седана солинади. Қўй ва эчкиларнинг сутли елииларини сути билан емакнинг [кам сутликка даво] эканини айтадилар. Чунки бунда ҳамшаклик, ёки бирор бошқа хосият бор. Ёғоч қуртидан ёки қуритилган чувалчанглардан бир дирҳам миқдорини арпа суви билан бир неча кун кетма-кет ичириш камсут эмизувчига жуда фойдали экани тажрибада аниқланган. Шўр балиқ бошининг қайнатмасини укроп суви билан ичириш ҳам фойдали бўлиб чиқади. Мол ёғидан бир уқия олиниб бир оз тоза шаробга қўйиб ичириш, ёки янчилган кунжутни шароб-

га аралаш қилиб, тинитиб ичириш, ёки икки эмчакка зайтун ёғи ва эшак сути қўшилган сунбул чўкмасини қўйиб боғлаш, ёки сувда холис ўзи қайнатилган бодинжоннинг ичидан бир уқия олиб шаробда эзиб ичириш, ёки кепакни ва турпни шаробда қайнатиб ичириш, ёки укроп уруғидан уч уқияни ёввойи беда уруғи ва гандано уруғидан бир уқиядан, беда ва сариқ йўнғичқа уруғларидан икки уқиядан олиб арпабодиён сувига, асалга ва ёққа аралаштириб ичириш эмизувчининг сутини кўпайтирувчи нарсалардир.

Агар эмизувчининг сути кўп бўлиб, турилиб қолиши ва қуюқлиги сабабли [уни] қийнаса, ва бузилса, овқатни озайтириш ва озиқлиги оз нарса ейиш, кўкрак ва эмчакка зйра ва сиркани ёки тоза лойни сирка билан ёки сиркада қайнатилган ясмиқни латтага суртиб бойлаш орқали сутини камайтиради. Бунинг устига шўр сув ичирилади. Ялпизни кўп миқдорда истеъмол қилиш ёки уни эмчакка бойлаш сутни кўпайтиради. Аммо эмизувчининг сути ёмон ҳидли бўлса, райҳоний шароб ичириш ва хушбўй овқат билан тузатилади.

Эмизувчи [энага]нинг туққан муддатига келсак, у муддат эмизувчилик [қилабошлаган] вақтига унча яқин бўлмасдан, бир ярим ёки икки ой ўтган бўлиши керак. [Унинг] ўғил бола туққан бўлиши, туғишнинг табиий муддатда бўлганлиги, чала туғмаганлиги ва боласи тушишга одатланмаган бўлиши лозим. Эмизувчига мўътадил бадантарбия буюриш ва каймуси яхши овқатлар билан овқатлантириш керак; у билан мутлақо жинсий алоқа қилинмасин. Чунки жинсий алоқа унинг ҳайз қонини ҳаракатлантиради, ҳайз қони эса сутнинг ҳидини бузиб миқдорини озайтиради. Ҳатто, кўп вақт эмизувчи ҳомиладор бўлиб қолади. Бундан ҳар икки болага катта зарар бўлади. Эмувчи болага зарари шуки, сутнинг яхши қисми қориндаги боланинг овқатига сарфланади. Қориндаги болага зарари шуки, эмувчи боланинг сутга эҳтиёжи туфайли қориндаги болага келувчи овқат озаяди.

Эмизувчи ҳар бир эмизишда, хусусан биринчи эмизишда, бир оз сутни соғиб ташлаши, бола эмчакни қаттиқ сўриши натижасида унинг томоғи ва қизилўнгачига зарар етмасин учун эмчакни силаб, боланинг эмишига ёрдам бериши лозим. Шу билан эмиш осонлашади. Агар ҳар бир эмизишдан илгари болага бир қошиқ асал ялатилса, бу фойдалидир. Агар бунга озгина шароб аралаштирилса дуруст бўлар эди. Бир йўла кўп эмизиш

яхши эмас, балки оз-оз кетма-кет эмизини дурустроқ-дир. Чунки бир йўла тўйғизиб эмизиш тиришишни, [қориннинг] кўпчишини, қоринда ел кўпайишини ва сийдикнинг оқаришини пайдо қилади. Агар шундай ҳолат юз берса, сут ҳазм бўлгунча болани эмизмаслик, қаттиқ оч қўйиш ва ухлатиш лозим бўлади. Дастлабки кунларда энг кўп эмизиш бир кунда уч марта бўлмоғи керак. Агар юқорида баён қилганимизча, биринчи кун онасидан бошқа эмизувчи эмизса, яхшироқ бўлар эди. Шунга ўхшаш, агар эмизувчида ёмон мизож, ё азоб берувчи бир касаллик, ё кўп ичкетиш, ёки азоб берувчи қабзият юз берса, ёки эмизувчи кучли таъсирли дори ичишга мажбур бўлса, бундай вақтда у эмиза оладиган бўлгунча бошқа хотин эмизиши керак. Агар бола эмишдан кейин ухласа, меъдасидаги сутни чайқатар даражада кўполлик билан бешикни қаттиқ тебратмасдан, секин тебратиш лозим. Эмишдан аввал боланинг озгина йиғлаши фойдалидир. Эмизишнинг табиий муддати икки йилдир.

Агар бола сутдан бошқа овқат ейишни тиласа, зўрламасдан аста-секин берабошлаш керак. Сўнгра, олдинги тишлари чиқа бошласа, кучлироқ овқатга ўтказилади. Лекин чайналиши қаттиқ нарса берилмайди. Болага дастлабки овқат эмизувчининг чайнаб берган нонидир. Сўнгра сув ва асал билан, ё шароб билан, ёки сут билан нон берилади. Шу вақтда озгина сув ичирилади. Баъзи вақтларда сувни озгина шароб билан аралаштириб ичирилади. Жуда тўйиб ейишга ва ичишга қўйилмайди. Агар болада ортиқча тўйиш, қорин кўпчиши ва сийдикнинг энг яхши вақти бола баданининг [ёғ] суртиб иссиқ сувга чўмилтиришдан кейинги пайтдир. Сўнгра бола эмчакдан ажратилса, атала ва энгил ҳазмли гўштлардан пиширилган овқат берилади. Эмчакдан ажратиш бир йўла бўлмай, аста-секин бўлиб, болани ун ва шакардан пиширилган бўғирсоқ бериб овутилади. Агар бола эмишни қаттиқ талаб қилиб йиғласа, мурр ва чўлялпизнинг ҳар биридан бир дирҳам вазнда олиниб эзилади ва эмчакка суртилади.

Сўзни шундай хулоса қиламизки, болаларнинг тадбири уларни ҳўллаб туришдан иборатдир. Чунки боланинг мизожи шунга мос келади. Бола овқатда ва ўсишда ҳўлланишга муҳтождир. Яна бола тадбири муътадил ва тез-тез қилинадиган бадантарбиядан иборатдир. Бу улар учун табиий бўлиб, табиат шунни тақозо этади.

Хусусан уларнинг чақалоқликдан болалик даврига ўтишларида шундай бўлади.

Агар бола ўзи оёққа туришга ва ҳаракатга тутинса, қўпол ҳаракатларга йўл бермаслик керак. Бола ўзича юришга ёки ўтиришга интилишидан бурун уни юриш ва ўтиришга мажбур этиш дуруст эмасдирким, икки оёғига ва умуртқасига зарар етади. Боланинг дастлабки ўтиришида ва эмаклашида ернинг қаттиқлигидан унинг ости шилинмаслиги учун юмшоқ ва текис нарса устига қўймоқ ва у нарсанинг юзидан чўп ва пичоқ каби санчилувчи ва кесувчи буюмларни четга олмоқ керак. Болани юқоридан сиргантирмаслик лозим.

Боланинг озиқ тишлари чиқаётган даврида чайналиши ва тишланиши қаттиқ нарсаларни тишлатиш ва чайнатиш ман қилинади. Чунки бундай нарсаларни тишлаш билан озиқ тишларининг моддаси бузилади. Болаларнинг тишлари кўринган вақтда тиш милкларини қуённинг мияси ва товуқнинг чарвиси билан ёғланади. Бу ёғлаш тишларнинг чиқишини осонлаштиради. Агар тишнинг милклари тишнинг чиқишига йўл бермаса, болаларнинг бошларига ва бўйинларига иссиқ сув билан чайқаб ювилган зайтун ёғи суртилади ва қулоқларига зайтун ёғи томизилади. Олдинги тишлари чиқиб у билан тишлаш мумкин бўлгач, бола ўз бармоқларини оғзига тиқиб тишлайди. Шундай вақтда болага чучукмиянинг ҳали кўп қуримаган илдизидан ёки ширасидан бир бўлагини берилади. Шундай ҳолларда бу жуда фойдалидир. [Бу] тиш милкида яралар ва оғриқлар пайдо бўлганда ҳам манфаат етказди. Шу хил оғриқ пайдо бўлмасин учун боланинг оғзини туз ва асал билан ишқаланади. Сўнгра, тишлар ўсиб мустаҳкам бўлгач, яна чучукмия ширасидан ёки унча қуримаган илдизидан бир озгинани боланинг оғзига солиб қўйилади. Болаларнинг тишлари ўсиши вақтида чучук зайтун ёғи ёки бошқа чучук ёғ билан бўйнини силаш мувофиқдир. Болалар сўзлай бошлагач, ҳамиша тилларининг тагини ўшандоқ чучук ёғ билан силаб туриш керак.

БОЛАЛАРДА ПАЙДО БУЛАДИГАН ҚАСАЛЛИҚЛАР ВА УЛАРНИ ДАВОЛАШ ТУҒРИСИДА

Болаларни даволашда дастлабки мақсад эмизувчининг тадбирини [яхшилашдир]. Агар эмизувчида қон кўпайганлиги билинса, томирини тилиш билан ёки қортиқ воситаси билан қон олинади. Агар бирон хилт

кўпайганлиги билинса, улардан бўшатилади. Агар эмизувчининг ичнини тўхтатишга ё суришга, ёки бошига бугни чиқармасликка, ё нафас аъзоларининг [ишини] тузатишга, ёки ёмон мизожни ўзгартиришга эҳтиёж туғилса, шунга мувофиқ ичга истеъмол қилинадиган нарсалар билан даволанади. Эмизувчига сурги берилган вақтда, ё ўз-ўзидан кучли ичкетиш юз берса, ё қус-тириш билан даволаш вақтида, табиий кучли қусиш пайдо бўлган вақтда болани [касал] ёки эмизувчидан ажратиб бошқа хотин эмизиши керак.

Энди болаларда пайдо бўладиган жузъий касалликларни баён қиламиз: болаларнинг тишлари чиқиши олдида тиш милкларидан пайдо бўладиган шишлар, икки жағ суюгининг чеккасидаги пайларда пайдо бўладиган шишлар ва тиришиш шундай [касалликлар] жумласидандир. Шундай шишлар пайдо бўлса, бармоқ билан мулойим силаш ва тиш ўсиши бобида баён қилинган ёғлар билан ёғлаш керак. Баъзи табиблар шундай ҳолларда боланинг оғзини мойчечак ёғига аралаштирилган, ёки сақич дарахтининг елимига қўшилган асал билан чайдилар. Боланинг бошига мойчечак ва укроп қайнатилган сув қуюлади.

Болаларда ичкетиши, хусусан тиш чиқиши пайтида ичкетишининг сабаби милкларидан чиққан йирингли шўр чиқиндини сут билан бирга эмишларида, деб ўйлайдилар. Бунинг сабаб бўлмаслиги ҳам мумкин. Балки сабаб табиатнинг овқатни яхши ҳазм қилдиришдан бошқа, бир аъзо [тиш]ни яратишга машғуллиги ва оғриқнинг пайдо бўлишидирким, оғриқ кучсиз гавдаларда ҳазмга тўсқинлик қилувчи нарсалардандир.

[Ичкетиш] унча зўр бўлмаса, у билан машғул бўлиш керак эмас. Агар зўрайиб кетишидан қўрқилса, боланинг қорнига қизилгул уруғи, ё петрушка уруғи, ёки Рум арпабодиёни уруғи, ё зирани қиздириб боғланади. Ёки қорнига сиркада ивигилган зира ва қизилгул, ёки озгина сирка қўшиб қайнатилган тариқни боғланади. Агар улар билан тузалмаса, қўзичоқ панирмоясидан бир *донақ* миқдорини совуқ сув билан ичирилади. Шу вақтда боланинг меъдасида сутнинг ивиб қолишидан [қуйидаги йўл билан] эҳтиёт қилинади. Уша кун болани сут ўрнига ўтадиган чала пиширилган тухум сариғи ва сувда қайнатилган ноннинг мағзи билан, ёки сувда қайнатилган толқон билан овқатлантирилади.

Баъзи вақтда болада ич қотиш пайдо бўлади. Шундай вақтда сичқон тезағи ёки ёлғиз қуюлтирилган

асалдан, ёки чўлялпизга, ё ҳаворанг гулсапсар илдизининг куйдирилмагани ёки куйдирилганига қўшилган асалдан шамча қилиб орқа тешикка қўйилади. Ёки болага озгина асал ёки бир нўхат миқдорда сақич дарахтининг сақичи едирилади ва қорнини зайтун ёғи билан секин силанади, ёки киндигига қорамолнинг ўти билан тоғ бинафшасининг [суви] суртилади.

Баъзи вақтда боланинг милкида ачишиш пайдо бўлади. Шу вақтда ёғ ва мум билан доғланади. Баъзан ҳидланган тузли гўшт ҳам фойдалидир.

Баъзи вақт болаларда, айниқса, тиш чиқиш олдида, тиришиш касали пайдо бўлади. Кўпроқ бунинг сабаби болалардаги асабларнинг жуда кучсизланиши билан бирга ҳазмнинг бузилишидир. Бу, айниқса, гавдаси намли хомсемиз болада кўпроқ бўлади. Шунда касалликка гулсапсар илдизининг, ё ўзининг, ё хинанинг ёки шаббўйнинг ёғи билан даво қилинади.

Баъзи вақтда болаларда *кузов* касаллиги пайдо бўлади. Бундай касалга таррак солиб қайнатилган сувни, ё таррак ёғига қўшилган бинафша ёғини суртилади. Агар болада пайдо бўлган тиришиш иситмалардан ва қаттиқ ичкетишдан кейин воқе бўлиб, аста-секин пайдо бўлса, у мизож қуруқлигидан бўлади, бундай вақтда боланинг бўғинларини ёлғиз бинафша ёғи билан ёки бир оз тоза мумга аралаштирилган бинафша ёғи билан терлатилади. Бошининг тепасига зайтун ёғини, бинафша ёғини ва бошқа ёғни кўп марта қўйилади. Қуруқ кузовда ҳам шу дорилар ишлатилади.

Баъзи вақтда болада йўтал ва тумов пайдо бўлади. Шундай вақтда боланинг бошига кўп мартаба иссиқ сув қўйилиши буюрилган. Тилига кўп асал суртилади, сўнгра кўп балғам қустириш учун тилининг орқасига бармоқ тегизилади; шунда у соғаяди, араб елими, касиро, беҳи уруғи, чучукмия шираси ва каллақантдан бир миқдорда олиб, янги соғилган сут билан болага ичирилади.

Баъзи вақтда боланинг нафас олиши ёмонлашади. Шундай вақтда икки қулоғининг тагини ва тилининг юқорисини зайтун ёғи билан ёғламоқ ва қустирмоқ лозим. Боланинг тилини ёғ билан ишқалаш ҳам жуда манфаатлидир. Болаларнинг оғизларига иссиқ сув томизилади ва зигир уруғидан бир миқдорини асал билан ялатилади.

Баъзи вақт болаларда оғизнинг чақа бўлиши [ширча] пайдо бўлади. Чунки оғизларининг ва тилларининг

пардаси жуда юмшоқ бўлиб, енгил уринишни ҳам кўтара олмайди, сутнинг сув қисмининг ювишига қандай чидай олсин? Шу ҳолат уларни безовта қилади ва чақаларни пайдо қилади. Оғиз чақа бўлишининг энг ёмони кўмирдай қорайиб кетгани бўлиб, у ўлдирувчидир, тузалиши мумкин бўлгани оқ ва қизил ранглигидир. Бунга хусусий касалликлар китобида баён қилинган оғиз чақалиги касалининг енгил даволарини ишлатилиши керак. Баъзан буни даволаш учун эзилган бинафшанинг ёлғиз ўзи, ёки қизилгулга ва озгина заъфаронга аралаштирилгани ва ёки жингакнинг ўзи кифоя қилади. Баъзан сутчўпнинг, итузумнинг, кийикпанжанинг сиқиб олинган суви кифоя қилади. Агар у дорилардан кучлироқ даво керак бўлса, чучукмиянинг янчилган илдизини ишлатилади. Тиш милкларига тошмалар чиққанда ва оғиз чақа бўлишида баъзан *мурри*, мозини, *кундур* пўстини жуда майда янчиб, асалга қориб қўйиш манфаатлидир. Баъзан оғиз чақа бўлишида шоҳтут ширасининг ўзи, ё гўра узумнинг суви ҳам кифоя қилади. Оғзи чақа бўлган боланинг оғзини асал шароби билан ёки асал суви билан ювиб, сўнгра биз баён қилган қуритувчи даволардан бир миқдорини ишлатиш манфаатлидир. Агар бундан кўра кучлироқ давога муҳтож бўлинса, зарчава, анор пўчоғидан, гулидан ва татимдан — ҳар биридан олти *дирҳам*, мизидан тўрт *дирҳам*, укропдан икки *дирҳам* миқдориди олиниб янчилади ва эланиб оғзига сепилади.

Гоҳо болаларнинг қулоқлари оқади, чунки болаларнинг гавдалари, айниқса, миялари жуда ҳўлдир. Шундай вақтда озгина юнгни бир оз аччиқтош, ё зафарон, ёки бир миқдор сода [*натрун*] билан аралаштирилган асал ва шаробга ботириб қулоқларига тиқилади. Баъзан буруштирувчи шаробга ботирилган юнг билан чекланилади. Баъзан бир оз заъфарон билан ҳам ишлатилади. Гоҳо кўп болаларда шамол ё намликдан қулоқ оғриғи пайдо бўлади. Бундай вақтда *ҳузав*, какликўти, тоштуз, ясмиқ, *мурр*, Абу Жаҳл тарвузининг уруғи ва тоғарча уруғи билан даво қилинади, қайсисини бўлса ҳам ёгда қайнатилиб қулоққа томизилади.

Баъзи вақт болаларнинг мияларида «чанқаш» [*утош*] исмли иссиқ бир шиш пайдо бўлади. Бунинг оғриғи кўп вақт кўзга ва томоққа бориб, бу касал сабабли боланинг ранги сарғаяди. Шундай вақтда қовоқ ва бодринг пўчоғи, итузумнинг суви, хусусан семизўтнинг сиқиб олинган суви бир оз сирка қўшилган гул

ёғи ва гул ёғи қўшилган тухумнинг сариғи билан боланинг миясини совутиш, ҳўллаш ва доимий суратда мазкур давони янгилаб туриш керак.

Баъзи вақтда боланинг бошида сув йиғилади. Буни даволашни бош касалликлар бобида айтиб ўтдик.

Кўпинча болаларнинг кўзлари бодланиб шишади. Шундай вақтда кўзларига *ҳузазни* сут билан суртилади, сўнгра мойчечак қайнатилган сув билан ва тоғ қора райҳонининг суви билан ювилади. Боланинг кўп йиғлаши кўпинча кўзининг қорасида оқлик пайдо қилади. Шу вақтда итузумнинг сиқиб олинган суви билан даво қилинади. Баъзи вақт боланинг кўз милкида *сулоқ* пайдо бўлади. Бунинг ҳам иложи итузумнинг сиқиб олинган сувидир.

Болаларда иситмалар пайдо бўлса, эмизувчи иссиқ кийинтирилиши керак. Эмизувчига анор сувини сиканжубин билан ва асал билан бодрингдан сиқиб олинган сувни бир оз кофур ва шакар билан ичирилади. Сўнгра болани терлатади; бунинг учун ҳўл қамишнинг сувини сиқиб олиб, боланинг бош тепасига ва оёғига қўйилади, ўзини ўраб иссиқ тутилади. Албатта, шундай тадбир болаларни терлатади.

Баъзи вақт болаларда қорин ва ичак бураб оғриши пайдо бўлиб, улар бетоқат бўладилар ва кўп йиғлайдилар. Шундай ҳолда боланинг қорини иссиқ сув билан ва озгина мум аралаштирилган кўп иссиқ ёғни суртиш билан иситмоқ лозим.

Гоҳо болаларда кетма-кет аксириш вужудга келади. Бу нарса миядаги шишдан пайдо бўлади. Агар шундай сабабдан бўлса, совутиш билан, совутувчи ширалар ва ёғларни томизиш ва суркаш билан даво қилинади. Агар миядаги шишдан бўлмаса, янчилган тоғ қора райҳонини бурун тешикларига пуфлаш керак бўлади.

Гоҳо болаларнинг баданларида майда тошмалар пайдо бўлади. Агар қора ярага айланса, у ўлдирувчидир. Оқ ва қизилини эса даволаш мумкин. Агар оғзининг чақа бўлганидаги ярасигина ўлдирувчи бўлса, баданга ёйилганда нечук ўлдирмасин? Баъзан уларнинг чиқишлари кўп манфаатли бўлади. Ҳамма ҳолатда ҳам қизилгул, мирта, мастика дарахтининг барги ва юлғун дарахтининг барглари каби қуритувчи даволарни болаларни чўмилтирадиган сувда қайнатилиб ишлатилади. Шу нарсаларнинг ёғлари билан ҳам даво қилинади. Тузалувчи тошмаларни пишиб етилгунча ўз ҳолига қўйилиб, сўнгра даволанади. Агар у тошмалар ярага

айланса, қўргошин упасидан тайёрланган марҳам қўйи-лади. Баъзи вақт тошмаларни бир оз сода қўшилган асал суви билан ювишга муҳтож бўлинади. Оғиздаги чақаларда ҳам шундай қилинади. Агар тошмалар қаттиқлашиб кучлироқ давога муҳтож бўлинса яраларни бурақнинг сувини боланинг кўтариши учун сутга аралаштириб ювилади, агар болаларнинг яралари қорақўтир бўлиб қолса, миртанинг, қизил гулнинг, изхирнинг, мастика дарахти баргининг қайнатилган суви билан чўмилтирилади. Ҳамма даволарнинг энг зарурроғи эмизувчининг овқатини тузатишдир.

Баъзи вақт болаларнинг кўп йиғлашлари киндикларнинг чиқишига ва кўтарилишига сабаб бўлади. Еки даббани келтирувчи сабаблардан биронтасини пайдо қилади. Шунда *нонхоҳни* янчиб тухумнинг оқи билан ҳамир қилиб касал жойга суртилишни, устига юпқа қаноф парчаси ўралишини, ёки аччиқ Миср боқиласининг, ёки *муррнинг* куйганини набиз билан хўллаб касал жойга боғланишини буюрилади. Бундан кўра кучлироқ дори *мурр*, сарв ёғочи қобиғи, сарв ёнғоғи, араб акациясининг шираси, сабир [сабур] ва дабба бобида баён қилинадиган нарсаларга ўхшаш иссиқ табиатли буруштирувчи даволардир.

Баъзан болаларда, хусусан киндик кесилган пайтларда, шиш пайдо бўлади. Шундай вақтда *шанкол*, *яъни фанжнуш* ва сақич дарахтининг сақичини олиб, ҳар иккисини кунжут ёғида эритиб болага ичирилади ва у билан киндикни ёғланади.

Гоҳо болаларда уйқусизлик, тўхтовсиз йиғлаш ва чинқириш пайдо бўлиб, уларни ухлатишга мажбур бўлинади. Шундай вақтда, агар мумкин бўлса, кўкнор пўсти ва уруғини, сутчўп ва кўкнор ёғи билан қориб, чаккасига, пешонасига қўйилади, шунда бола ухлаши мумкин... Агар бундан кучлироқ давога муҳтож бўлинса, қуйидаги нусхада кўрсатилганича наша донасини, гавзгандум, оқ ва сариқ кўкнорни, зиғир уруғини Ҳузистон қизил гулининг уруғини, кийикпанжа уруғини, баргизуб уруғини, сутчўп уруғини, арпабодиён уруғини, Рум арпабодиёнини ва зирани олиниб, ҳаммасини секин қайнатилади, эзилади ва шу таркибга товада қовурилган ва эзилмаган испағул солиниб ҳаммасини ўз баробари шакар билан аралаштирилади. Бундан икки *дирҳам* миқдориде болага ичирилади. Агар бундан кучлироқ бўлишини исталса, у таркиб ичига афюндан дори

бўлақларидан бирининг учдан бири ёки ундан озроқ миқдорини солинади.

Баъзи вақт болада ҳиқичоқ пайдо бўлиб, бундай вақтда болага ҳинд ёнғоғини шакар билан ичирмоқ лозим бўлади.

Болада гоҳо кўп қусиш пайдо бўлади. Шундай вақтда баъзан қалампирмунчоқдан ярим *донақ* миқдоридан ичириш ва гоҳо қусишни қайтарувчи кучсиз даволарнинг бир озини боланинг қорнига қўйиш фойда қилади.

Болада баъзан меъда сусайиб кетади, бундай вақтда *майсагани* қизил гул сувига ёки мирта сувига аралштириб боланинг қорнига суртиш керак. Бир оз қалампирмунчоқ ва сукк қўшиб беҳи сувини, ёки озгина беҳи шаробини бир *қирот сукк* қўшиб ичирмоқ лозим.

Баъзи вақт бола уйқусида қўрқинчли тушлар кўради. Бундай ҳол кўпроқ боланинг баднафслиги сабабли [хилтларга] ортиқча тўлиқлигидан бўлади. Агар еган овқати меъда сезадиган даражада бузилса, унинг азияти сезувчи қувватдан тасаввур ва хаёлот қувватига ўтади ва бу қувват болага ёмон, қўрқинчли тушларни кўрсатади. Болани жуда тўйган ҳолда ухлатмаслик ва асал ялатмоқлик керак. Бу меъдадаги нарсани ҳазм қилади ва тез ўтказиб юборади.

Гоҳо боланинг қизилўнгачи билан оғиз орасида томоғида шиш пайдо бўлиб, баъзан у шиш бўйин умуртқасининг мушакларига қадар чўзилади. Шундай вақтда орқа тешик орқали ишлатиладиган мураккаб даво билан боланинг ичини юмшатиб, кейин шоҳтут ва шоҳтут кабиларнинг қиём қилинган ширасига ўхшаш нарса билан даво қилинади.

Гоҳо бола уйқусида хуррак отади. Бундай вақтда янчилган зиғир уруғини асалга қўшиб ялатмоқ, ёки янчилик асал билан қорилган зирани ялатмоқ керак.

Гоҳо болада шайтонлаш касаллиги пайдо бўлади. Бунинг иложини бош касалликлари бобида баён қилдик, лекин бу ерда ўша касалга учраган болаларга фойда қиладиган бир нарсани айтамыз: какликўт, қундуз қири ва зирадан баробар бўлақларни олиб, ҳаммасини янчилади. Болага уч *ҳабба* вазнда ичирилади.

Гоҳо болаларнинг кўтанлари чиқади. Шундай вақтда анор пўсти, ҳўл мирта, баллут ёнғоғи, қуруқ қизил гул, куйдирилган шох, Яман аччиқтоши, эчки туёғи, анор гули ва мозидан бир дирҳамдан олиб сувда қаттиқ қайнатиб, қувватини сувга чиқармоқ, кейин ўша

кайнатилган сув илиқ бўлганда, болани унга ўтқазмоқ керак.

Гоҳо совуқ тегиш натижасида болаларда *заҳир* деб аталувчи ичкетиши пайдо бўлади. Шундай касалли болаларга исириқ донаси ва зиранинг ҳар биридан уч *дирҳам* вазнда олиб янчиб, элаб эскирган қорамол ёғи билан қориб, совуқ сув билан ичириш фойда қилади.

Баъзи вақт болаларнинг ичида гижжа пайдо бўлиб, уларни қийнайди. Гижжалар кўпроқ орқа тешик атрофида бўлади. Бу гижжалардан баъзисининг бўйи узун бўлади, аммо ясси шаклдагиси кам учрайди. Узун хиллига дармана сувини болаларнинг қувватига қараб ичириш билан даво қилинади. Баъзан гижжали болаларнинг қоринларига эрман, Кобул биранжи, қорамолнинг ўти, Абу Жаҳл тарвузининг эти боғланади.

Майда гижжалар болаларнинг орқа тешикларига бўлиб бунинг иложи учун қора андиз ва зарчаванинг ҳар биридан бир бўлак олиб, ҳаммасига баробар шакар билан сувда аралаштириб ичирилади.

Баъзан болаларнинг сонлари бичилади. Шунда у ерга мирта, гулсапсар илдизи, қизил гул ёки тўпалоқни янчиб сепилади. Ё бўлмаса, арпа ёки ясмۇқ унинг сепилади.

ЧАҚАЛОҚЛАРНИНГ БОЛАЛИК ЕШИГА УТГАНДАГИ ТАДБИРЛАРИ ТУҒРИСИДА

Боланинг хулқларини муътадилликда сақлашга алоҳида эътибор бериш керак. Бу эса болани қаттиқ ғазаб, қўрқиш, қайғу ва уйқусизликдан сақлаш билан қўлга киритилади. Ҳамма вақт болани истаган нарса-сини муҳайё қилишга ва истамаганини узоқлатишга тайёр туриш керак. Бунда икки манфаат бор. Бири — боланинг нафси [руҳи] учун бўлиб, у ёшликдан бошлаб яхши хулқли бўлиб ўсади ва кейинчалик бу унга ажралмас малака бўлиб қолади. Иккинчиси — унинг бадани учундир, чунки ёмон хулқ турли мизож бузилишларидан бўлади. Шунингдек, агар ёмон хулқ одатга кириб қолса, у мизож бузилишини келтириб чиқаради. Масалан, ғазаб кучли қиздиради, қайғу кучли қуритади, ҳафсаласизлик нафсоний қувватни бўшаштириб, мизожни балғамликка мойил қилади. Хулқнинг муътадиллиги натижасида ҳам нафс, ҳам бадан учун соғлиқ сақланади.

Бола уйқусидан уйғонганида уни иссиқ сувда чўмилтириш керак. Кейин уни бир неча вақт ўйнатиб, сўнгра бир оз нарса едириш керак. Кейин бола узоқ ўйнайди. Кейин яна чўмилтирилади ва овқатлантирилади. Мумкин қадар бунда овқатдан кейин сув бермасликка ҳаракат қилинади, токи [овқат] ҳазм бўлмасдан бурун тушиб кетмасин.

Бола олти ёшга етгач, уни мураббий ва муаллим ихтиёрига топширилади. [Таълим] аста-секинлик билан берилиши керак; бирданига уни китобга боғлаб қўймаслик лозим. Бола бу ёшга етганида иссиқ сувда чўмилтириш бир оз камайтирилиб, овқат ейиш олдидан кўпроқ бадантарбия қилиш буюрилади.

[Болага] набиз бериш мумкин эмас, айниқса, унинг мизожи иссиқ ва ҳўл бўлса. Чунки бу унда ортиқча сафро туғдириб зарар еткази. Бу зарар болаларга тез ва осонлик билан таъсир қилади. *Набиз* ичишда келадиган сафронинг ҳайдалиши ва бўғинларнинг намланиши каби фойдалар болаларга керак эмасдир. Чунки уларнинг сафрolari сийдик билан кўп чиқарилганлиги сабабли кўпаймайди ва уларнинг бўғинлари намланишга муҳтож эмасдир. [Болага] тоза, совуқ ва чучук сувни у истаган миқдорда бериш керак.

Болалар ўн тўрт ёшига етганларича уларнинг тadbирлари шулардан иборатдир. Яна шуни ҳам эсда тутиш керакки, болаларда кун сайин намлик камайиб [уларнинг баданлари] қуриб ва қотиб боради. Шу сабабли бадантарбияни аста-секин камайтира бориш керак. Болалик ва ўсмирлик орасидаги ёшда [болалар] кўпол бадантарбия ҳаракатларини қилмасликлари керак, фақат енгил ҳаракатлар билангина чекланишлари лозим.

Ундан кейинги ёшлардаги болаларнинг тadbирлари уларни ўстириш ва соғлиқларини сақлаш тadbиридир. Энди шу масалага ўтамиз ва сўзни балоғатга етган соғлом кишиларнинг тadbирига бағишлаймиз. Эндиги сўз бадантарбия ҳақида бўлади.





БАЛОҒАТГА ЕТГАН ҚИШИЛАР УЧУН УМУМИЙ БЎЛГАН ТАДБИРЛАР

БАДАНТАРБИЯ ҲАҚИДА УМУМИЙ СЎЗ

Соғлиқни сақлашнинг асосий тадбири бадантарбия бўлиб, кейин овқат тадбири ва уйқу тадбири бўлганидан сўзни бадантарбиядан бошлаймиз. Биз айтамызки, бадантарбия кишини чуқур ва кетма-кет нафас олишга мажбур қилувчи ихтиёрий ҳаракатдир. Мўътадил равишда ва ўз вақтида бадантарбия билан шуғулланувчи одам бузилган хилтлар туфайли келган касалликларнинг ва мизож ҳамда илгари ўтган [касалликлар] туфайли келувчи касалликларнинг давосига муҳтож бўлмайди. Бунда, албатта, ўзга тадбирлар ҳам мувофиқ ва тўғри амалга оширилиши керак. Масалан, сен биласанки, биз овқатга ва соғлигимизни сақлашга муҳтожмиз. Кейингиси ҳам мувофиқ, миқдори ва кайфияти мўътадил бўлган овқатни истеъмол қилиш билан бўлади.

Билқувва овқат деб аталган нарсаларнинг бирортаси ҳам тўла равишда амалдаги озуққа айланмайди, балки ҳар бир ҳазм қилишда у овқатдан қандайдир бир чиқинди қолади. Табиат у нарсани чиқармоққа уринади. Лекин ёлғиз табиатнинг уриниши бунинг учун етарли бўлмайди, натижада ҳар бир ҳазмнинг кетида, албатта, чиқиндидан маълум бир қолдиқ қолади. Баъзи нарсалар кўпгина миқдорда тўпланиб, улардан кўпгина миқдорда чиқинди йиғилади ва баданга зарарли таъсир кўрсатади. Бунинг сабабларидан бири қуйидагидир: агар чиқинди чириса, чирish натижасида келиб чиқадиган касалликлар пайдо бўлади. [Чиқиндининг] шу хил кайфияти кучайса, мизожнинг бузилишига олиб келиб, чиқиндилар миқдорининг кўпайиши эса [модда билан] тўлиқлик туфайли келадиган касалликларни туғдиради. Агар чиқинди бирон аъзога қуйилса, у ерда шиш пайдо бўлади; унинг буғлари эса руҳ жавҳаринини мизожиңи бузади, Шунинг учун бу чиқиндиларни чи-

қариб ташлашга зарурат туғилади. Аммо чиқариб ташлаш заҳарли дорилар ёрдамида қилингандагина тўла ва яхши бўлади. Бу дорилар шу билан бирга инсон табиатини сусайтиради; заҳарсиз дориларнинг ишлатилиши ҳам одам табиатига [ортиқча] юк бўлади, чунки Буқрот ҳақим айтганидек, дори ҳам тозалайди, ҳам яралайди. Шу билан бирга дори [гавдадан] керакли хилтлар ва табиий рутубатларнинг, шунингдек, ҳаёт жавҳари бўлган руҳнинг анчагина қисмини чиқариб ташлайди. Натижада бошқарувчи ва хизмат қилувчи аъзоларнинг қувватлари заифлашади. Мана шулар ва бошқалар [модда билан] тўлаликнинг зарарларидан бўлиб, бу ҳол [модда] хоҳ қолсин, хоҳ чиқарилиб ташлансин, бари бир рўй беради.

Бадантарбия ўзга тadbирлар билан бирга тўғри ишлатилганида [гавдани] тўлдирувчи нарсалар тўпланишининг олдини олувчи кучли омиллардан бўлиб, шу билан бирга туғма иссиқликни оширади, танага энгиллик беради. Чунки булар энгилгина иссиқлик гайдо қилиб, кунда тўпланувчи чиқиндиларни йўқотади. Ҳаракат чиқиндиларнинг чиқариш йўлларига томон ҳаракатини ва сирғанишини ҳам осонлаштириб, [чиқиндиларнинг] вақт ўтиши билан тўпланишининг олдини олади. Яна шу билан бирга юқорида айтганимиздек, [ҳаракат] туғма иссиқликни кўпайтириб, бўғин ва пайларни мустаҳкамлайди. Бунинг натижасида эса таъсир қилиш ва бирон [чет] таъсирга бардош бера олиш қобилиятини оширади; чиқиндиларнинг камайиши натижасида аъзолар овқатни яна қабул қила бошлайди. Шунингдек, тортувчи қувват ҳам ҳаракатланади, аъзолардаги тугунлар ечилади ва юмшайди, турли рутубатлар суюқлашади, тешикчалар кенгайди.

Бадантарбия билан машғул бўлмай қўйган киши ингичка оғриқ касалига учрайди, чунки ҳар бир аъзо учун ҳаёт қуроли бўлган туғма руҳни тортиб келтирувчи ҳаракатни тарк этиши натижасида унинг аъзолари заифлашиб кетади.

БАДАНТАРБИЯ ТУРЛАРИ ҲАҚИДА

Бадантарбияга одам иш жараёнида қиладиган ҳаракатлари ва махсус бадантарбия ҳаракатлари киради. Бу ерда биз кейингиси устида тўхталамиз, чунки шу [кейингиси] бадантарбия бўлиб, ундан келадиган манфаатлар туфайли у билан машғул бўладилар.

Бадантарбиянинг турларига келсак, улар кўйидагилардир: ўзаро тортишиш, мушт билан тортишиш, ёйдан ўқ отиш, тез юриш, найза отиш, юқоридаги бир нарсага ирғиб осилиш, бир оёғида сакраш, қиличбозлик ва найзабозлик, отда юриш, икки қўлини силкитиш, бу вақтда одам оёқ учларида туриб, қўлларини олдга ва орқага чўзиб тез ҳаракат қилади. Булар тез ҳаракатлар жумласидандир.

Нозик ва енгил бадантарбия турларига арғимчоқларда учиш, беланчакларда тик ҳолда ўтириб ё ётиб учиш, қайиқ ё кемаларда сайр қилиш киради. Кучлироқ [ҳаракатлар]га эса отга ва туяга миниш, кажава ва араваларга туриш киради.

[Бадантарбиянинг] кучли турига майдонда қилинадиган [қўйидаги] ҳаракат ҳам киради: киши майдоннинг у четидан бу четига тез ҳаракат билан бориб орқаси билан қайтади ва ҳар сафар юриш масофасини майдоннинг ўртасида туриб қолганига қадар камайтира боради. Шу турга кишининг ўз сояси билан олишиши, чапак чалиш, сакраш, найза учи билан санчиш, катта ва кичик курралар билан човгон ўйини, коптоқлар билан ўйнаш, кураш, тош кўтариш, қувлашиш ва [чопаётган] отни жиловидан тортиб тўхтатиш киради.

Курашнинг турлари ҳам бир нечадир. Улардан бири: икки курашувчининг ҳар бири ўз рақибининг белбоғидан ушлаб ўзига тортади, шу билан бирга курашувчи ўз рақибидан қутилишнинг чорасини қилади. Иккинчиси эса, уни қўйиб юбормасликка ҳаракат қилади. Бошқа тури: икки курашувчидан бири иккала қўли билан иккинчисини маҳкам қучоқлаб ўзига тортади ва ёнга ағдаради, бу вақтда биринчи курашувчининг ўнг қўли остидан ўтиши керак, [курашувчилар] гоҳ қадларини тиклаб, гоҳ эгиладилар. [Кураш] турларига яна кўкрак билан зарбани қайтариш, иккинчи бир кишининг бўйиндан ушлаб пастга эгиш, бир-бировининг оёқларини ўз оёқлари билан чалкаштириб, чалиб, ёки оёқлари билан иккинчисининг оёқларини йириб қилинадиган ва полвонлар ишлатадиган ҳаракатлар ҳам киради.

[Гавданинг] ҳар бир қисми учун махсус ҳаракатлар бордир. Қўл ва оёқ ҳаракатларига келсак, улар маълумдир. Кўкрак ва нафас аъзоларининг ҳаракатлари [қўйидагичадир]: [киши] товушини гоҳ пасайтириб, гоҳ ўртача ёки кучли қилиб оғиз, тилча, тил ҳам бўйнидаги аъзоларини ҳаракатлантиради; [бунинг натижасида] ранг яхшиланиб кўкрак тозаланади. Ҳаракатлар

турига пуфлаш ва нафасни ушлаб туриш ҳам киради. Бу бутун танага [оид] ҳаракат бўлиб, ундаги йўллارни кенгайтиради.

Ҳар бир одамга ўзига хос ҳаракатлар танланиши керак. Беланчакларда учини каби енгил ҳаракат иситмадан ҳолсизланган кишилар учун ва ҳаракат ва ўтиришга қурби етмайдиган кишилар учун мувофиқ. [Бу ҳаракат] эндигина бетобликдан тузалган кишиларга, харбақ ва бу каби [кучли сурғиларни] ичиб кучсизланган кишиларга ва кўкрак-қорин тўсиғи касалларига мувофиқдир. Агар [одамни] секин тебратилса, у уйқуга киради, ундаги ел тарқалади. Бу ҳаракат бошнинг касалликларидан келиб чиққан паришонлик ва тез унутиш ҳолатлари учун ҳам, иштаҳани очиш ва табиатни уйғотиш учун ҳам фойдалидир.

Араваларда юриш ҳам шу каби, лекин кучлироқ таъсирга эгадир. Аравада орқасини араванинг олди гомонига ўгириб ўтириш кўзи заиф ва хира [кишилар] га фойдалидир. Қайиқ ва кемаларда соҳилга яқин ерларда сайил қилиш мохов, истисқо, *сакта*, меъда [мизожининг] совуши ва унинг кўпчиши каби касалликларда фойдалидир. Агар тебранишдан кўнгил айнаб кейин босилса, бу меъда учун фойдалидир.

Овқат ҳазм қилиш аъзоларига келсак, уларнинг бадантарбияси бутун тананинг бадантарбиясига итоатлидир.

Кўзни эса, майда буюмларга тикилиб қараб, вақти-вақти билан юқоридаги нарсага тез кўз югуртириш билан ҳаракат қилдирилади.

Эшитишни эса, жуда паст овозларни, баъзида эса кучли товушларни эшитиш билан тарбияланади.

Бадантарбия билан машғул бўлувчи киши ўзининг суст аъзоларини ортиқча ҳаракат қилдиришдан сақланиши лозимдир. Ҳаракатлар [аъзоларнинг ҳолига қараб] турлича бўлади. Масалан, оёқ веналарининг кенгайиши касаллиги билан оғриган киши оёқни кўп ҳаракат қилдиришни талаб қилувчи ҳаракат билан шуғулланмай, оз қимирлатишни талаб қилувчи ҳаракат билан шуғулланиши керак ва ҳаракатнинг кўпини гавданинг юқори қисмига — бўйин, бош, қўлларга кўчириши керак. Шунда гавданинг юқори қисмидаги ҳаракатнинг таъсири оёқларга ҳам бўлиши керак.

Бадантарбияни бошлаш вақтида гавда тоза бўлиши, яъни ички аъзоларда ва томирларда ёмон, етилмаган каймусларнинг бўлмаслиги керак, чунки бадантар-

бия буларни бутун гавдага тарқатиши мумкин. Бундан ташқари, кеча ейилган овқат меъдада, жигар ва томирларда ҳазм бўлган бўлиб, кейинги овқатни қабул қилиш фурсати яқинлашган бўлиши керак. Қорни тўқ кишининг бадантарбия қилиши қорни оч кишининг [бадантарбия қилишидан] яхшироқдир. Совуқ ва қуруқ [гавдали] кишиларга қараганда [гавдаси] иссиқ ва ҳўл кишиларнинг бадантарбия қилиши ҳам яхшидир. Мўътадиллик ҳолати [бадантарбия учун] энг яхши ҳолатдир. Баъзан иссиқ ва қуруқ мизожли [киши] бадантарбия қилиш натижасида оғриши мумкин. Агар уни тўхтатса, у тузалади.

Бадантарбия билан шуғулланувчи аввало ичагидаги ва қовуғидаги чиқиндиларни чиқариб ташлаши, кейин ҳаракат қилиши керак. [Ўз гавдасини] тайёрлаш учун олдин гавдани қаттиқ мато билан ишқалаш керак, бундан унинг табиати уйғониб, [терисининг] тешиклари кенгаяди. Ундан кейин чучук мой билан [гавдани] ишқалаб, аста-секин унча кучли бўлмаган уқалашга ўтилади. Бунга қўллар билан [тананинг] турли бўлакларини кўп марта эзиш ва барча мушакларни эзиш билан эришилади. Кейин [уқалашни] тамомлаб, бадантарбияга киришилади.

Баҳорда бадантарбия учун энг мувофиқ вақт тушга яқин бўлиб, ўртача ҳароратли уйда қилиниши керак. Ёзда эса [бадантарбияни] эртaroқ вақтга кўчирилади. Қишга келсак, унда ёзга нисбатан [бадантарбия] вақти кечқурунга кўчирилиши керак эди. Аммо бунга бир неча сабаблар халақит беради. Қишда уйни ўртача ҳарорат даражасигача иситилади, кейин овқатнинг ҳазм бўлиши ва чиқиндиларнинг чиқарилиши жиҳатидан, юқорида айтганимиз каби, энг мос вақт топилиб, бадантарбия қилинади.

ҲАММОМДА ЧУМИЛИШ ВА ҲАММОМЛАР ҲАҚИДА

Тадбирларини биз баён қилаётганимиз одамларга келсак, уларнинг [чиқиндиларни] эритиб йўқотиш учун ҳаммомда чўмилишлари зарурий эмасдир. Чунки уларнинг гавдаси [бу чиқиндилардан] софдир. Ҳаммом энгил иссиқ ва мўътадил ҳўлланишдан манфаат олмақчи бўлган кишигагина керакдир. Бу мақсад учун унинг ҳаммомда узоқ вақт қолиши шарт эмас. Унинг обзан [ванна]да фақат териси қизариш ва бўртишда давом этгунигача туриши кифоя қилади. Терининг қизариши

йўқола бошлагач, [ваннадан] чиқиш керак. Аввал атрофдаги ҳавони чучук сув сепиб ҳўллаб, кейин дарров чўмилиш ва чиқиш керак.

Бадантарбия билан шуғулланувчи киши тўла дам олмагунча ҳаммомга шошмаслиги керак. Ҳаммомнинг хусусиятлари ва унинг қоидаларини бошқа ерда баён қилиб тушунтирдик. Бу ерда шунини айтмоқчимизки, ҳаммомга тушувчилар унга асталик билан кириб иссиқ хонада кўнгиллари беҳузур бўлгунча узоқ қолмасликлари керак. Шунда улар чиқиндиларнинг таралишидан келадиган ёқимли бир ҳис сезадилар ва гавдалари овқатни талаб қилади. Шу билан бирга улар бўшашишдан ўзларини сақлаб, чиришдан келиб чиқадиган иситма сабабларининг энг кучлисидан сақланадилар.

Қимки семирмоқчи бўлса ва у тикилма пайдо бўлишига мойил бўлмаса, ҳаммомга овқатдан кейин борсин. Иссиқ мизожли [кишилар учун] тикилманинг олдини олишда *сиканжубин*, совуқ мизож учун эса *фуданажий* ва *фалофилий* ишлатиш керак.

Қимки, чиқиндиларининг таралишини ва озишни истаса, ҳаммомга оч қорин билан бориши ва унда узоқ ўтириши керак. Қимки, ўз соғлиғини сақлашни назарда тутса у меъдасидаги ва жигаридаги озиғини ҳазм қилиб, сўнгра ҳаммомга бориши керак. Агар у сафросининг қўзғалишидан қўрқса, чўмилиш олдидан наҳорга бирон енгил овқат ейиши керак. Иссиқ мизожли ва сафроси кўп киши шундай таомсиз иш тутиши мумкин эмас. Бундай кишининг ҳаммомнинг иссиқ хонасига кириши ман қилинади. Энг яхшиси [ҳаммомдан олдин] ионни мева суви ёки гулобга ботириб ейишдир.

Ҳаммомдан чиққач ёки ҳаммомнинг ўзида совуқ ичимликларни ичишдан сақланиш керак. Чунки бу вақтда бадан тешиклари очиқ бўлиб совуқ бошқарувчи аъзоларнинг жавҳари томон интилади ва уларнинг қувватини сингдиради. Шунингдек, иссиқ бирон нарса ни ейишдан, айниқса, иссиқ сув ичишдан сақланиш керак. Чунки бу бошқарувчи аъзоларга бориб сил ва ингичка оғриқ касаллигини келтириб чиқариши сабабли хавфлидир.

Ҳаммомдан чиққач, бошни бирдан яланг қилишдан, тавани совутишдан сақланиш керак. Қиш вақтида ҳаммомдан кийимга ўралиб чиқиш керак. Иситманинг хуружи ҳамда бирон узлуксизликнинг бузилиши вақтида ва шиш касалига мубтало бўлганда ҳаммомдан сақланиш керак.

Айтилганлардан сен билдингки, ҳаммом иситувчи, совутувчи, ҳўлловчи, қуритувчи, фойдали ва зарарли бўлади. Унинг манфаатлари уйқуни яхшилаши, [бадан йўлларини] очиши, [танани] тоза қилиши, чиқиндиларни тарқатиши, қуюқ моддаларни суюлтириб етилтириши ва озиқ моддаларни гавданинг ташқарисига тортишидир. Унинг манфаати яна таралиши керак бўлган нарсаларни тарқатиш, чиқарилиши керак бўлган нарсаларни табиий йўл билан чиқариб ташлаш, ич суришни тўхтатиш ва чарчашни йўқотишдан иборат.

[Ҳаммомнинг] зарари: агар унда узоқ вақт турилса, юракнинг заифланиши, хушсизлик ва кўнгил айнашнинг пайдо бўлиши, ҳаракатсиз ёмон хилтларнинг ҳаракатга келиши ва уларнинг чиришга мойил бўлиб тана бўшлиқларига ва заиф аъзоларга қараб йўналишидир. Бунинг натижасида ички ва ташқи аъзоларда шишлар пайдо бўлади.

СОВУҚ СУВДА ЧўМИЛИШ ҲАҚИДА

[Совуқ сувда чўмилиш] тадбири ҳар жиҳатдан мукамал кишилар учунгина фойдалидир. Ёш, қувват ва ташқи сифатлар ҳамда йил фасли бунга мос бўлишлари керак.

[Чўмилиувчи одам] меъда бузилиши, қусиш, ичкетиш, уйқусизлик ва назла келиши каби [касалликлардан] соф бўлишлари керак. Бундан ташқари у бола ёки қари бўлмаслиги, гавдаси тетик, ҳаракатлари маълум ўлчовли бўлиши керак. [Совуқ сувда] иссиқ сувдан кейин баъзан терини кучайтириш, туғма ҳароратни гавдада сақлаб қолиш учун чўмиладилар. Шу мақсадда совуқ сувда чўмилмоқчи бўлганларида сувнинг унча совуқ бўлмай ўртача бўлишига аҳамият берсинлар.

Бирор киши агар совуқ сувда чўмилмоқчи бўлса, бу ишни у секинлик билан бошлаши керак ва иссиқ ёз кунининг туш чоғида биринчи марта тушиши керак. Бундан ташқари шу кунни шамол бўлмаслиги керак.

Жинсий алоқадан кейин [совуқ сувга тушишдан] сақланиш керак. Шунингдек, овқатдан кейин ва овқат ҳазм бўлишдан олдин, қусишдан кейин, бўшатилишдан кейин, ҳайзадан кейин, уйқусизликда, гавданинг ва меъданинг заифлигида, бадантарбиядан кейин [совуқ сувда чўмилишдан сақланиш керак]. Бундан жуда кучли одамларгина мустаснодир. Шунингдек, биз айтганимиз-

ча миқдордагина чўмилиш керак. Совуқ сувда чўмилиш, биз айтганимизча, дарҳол туғма иссиқликни [баданнинг] ичига қамайди. Кейин у яна бадан ташқарисига бир неча марта кучайган ҳолда келади.

ОВҚАТЛАНИШ ТАДБИРИ ҲАҚИДА

Соғлигини сақловчи киши ўз овқатининг асосий қисми сабзавотлар, мевалар ва булардан бошқа даво бўладиган овқатлардан бўлмаслигига аҳамият бермоғи лозим. Чунки у нарсаларнинг латифлаштириб суюлтирувчилари қонни куйдирувчи, ғализлари эса балғамни кўпайтирувчи ва аъзога оғирлик келтирувчидир. Шунинг учун овқат гўштга ўхшаш нарсалардан бўлиши, айниқса, улоқ, бузоқ ва қўзичоқларнинг гўштларидан, офат етмаган соғлом экинзордан бўлиб, ифлос нарсалардан тозаланган буғдоддан, мизожга мувофиқ ширин нарсадан ва яхши хушбўй шаробдан иборат бўлиши лозим. Булардан бошқа нарсани даволаиш ва касалликнинг олдини олиш учунгина ишлатилади.

Мевалардан овқат учун кўпроқ мос келадиган анжир, етилиб пишган узум, одат қилинган шаҳар ва жойларда хурмодир. Агар шу [овқатларни] истеъмол қилишда чиқиндилар пайдо бўлса, тезлик билан ўша чиқиндини бўшатишга ҳаракат қилиш керак.

Овқатни иштаҳа билан емоқ ва иштаҳани қайтармаслик лозим; лекин маст кишиларнинг ва меъдаси бузилган кишиларнинг иштаҳаларига ўхшаш, иштаҳа ёлғондакам бўлмасин; чунки [иштаҳа бўлатуриб] оч туриш меъдани зардобсимон ёмон хилтлар билан тўлғизади.

Қишда иссиқ, ёзда совуқ ёки илқ [овқат] ейиш лозим. Иссиқлик ва совуқликнинг ҳар иккиси чидаб бўлмас даражага етмаслиги керак. Билгинки, фаровончилик йилларида кўп еб, қаҳатчилик йилларида оч туришдан ва бунинг аксидан ёмонроқ бир ҳолат йўқдир. Мана шу акси яна ҳам ёмонроқдир. Қаҳатчилик йилларида жуда оз овқат еб, тўқчилик йилларида кўп еб ўлган кишиларни кўрдик. Яна буниси ҳам борки, жуда тўйиб ва тўлиб овқат ейиш ва ичиш ҳамма ҳолда ҳам ўлдирувчидир. Бир қанча кишилар ҳаддан ташқари тўйиш сабабли бўғилиб ўлдилар.

Гавдага энг зарарли нарса меъдада овқат етилмасдан ва ҳазм бўлмасдан туриб яна овқат киритишдир. Меъда бузилишидан, хусусан ёмон овқатлардан бўла-

диганидан зарарлироқ нарса йўқдир. Чунки у гализ овқатлардан пайдо бўлган вақтда бўғин оғриғи, буйрак оғриғи, астма, нафас сиқиш, никрис, талоқ ва жигарнинг қаттиқлашиши, балғам ва савдодан келиб чиқадиган касалликларни туғдиради. Агар у энгил овқатлардан пайдо бўлса, ўткир ва ёмон иситмалар, ўткир ва ёмон сифатли шишлар вужудга келади.

Қишда сабзавот каби физолиги оз нарсаларни ейилмаслиги, балки кучли овқат бўладиган донлардан ва [жисми] зич ва тигиз нарсалардан ейилиши лозим. Ёзда эса бунинг аксини қилмоқ керак. Сўнгра овқатланганда ортиқча ейишга ўрин қолмайдиган даражада тўйиб емаслик, балки овқатга яна иштаҳа бўлатуриб овқатдан тортинмоқ лозим. У иштаҳанинг қолдиги илгариги очлик сезгисининг давоми бўлиб, оз вақтга йўқ бўлиб кетади. Ҳамда одат бўлган тартибни сақламоғи лозим.

Овқатларнинг энг ёмони меъдага оғирлик қилгани, ичимликларнинг энг ёмони мўътадилликдан ошиб, меъдани тўлдирганидир. Агар бирон киши ҳаддан ташқари тўйиб овқатланган бўлса, иккинчи куни оч турмоғи, иссиқ ва совуқлиги мўътадил бир жойда узоқ вақт ухламоғи керак. Агар шундай уйқу ёрдам бермаса, тўхтамай, секин-секин, аммо кўп юрмоғи ва озгина тоза шароб ичмоғи керак.

Уйқу вақтида дастлаб бир оз муддат ўнг томон билан, кейин чап томон билан, сўнгра яна ўнг томон билан ётиш керак. Шунинг билан керакки, ётишиб ва ёстиққан баланд қўйиб ётиш овқатин ҳазм бўлишига ёрдам беради. Хулоса, ётганда аъзоларнинг ҳолати юқори томонга эмас, қўйин томонга мойил бўлиши керак.

Овқатнинг миқдори одат ва қувватга қараб белгиланади. Унинг миқдори қуввати яхши бўлган кишиларда сганда оғир бўлмайдиган, қобирга бошларини чўзмайдиган, қоринини кўпичитмайдиган ва қулдуратмайдиган, [меъда тепасига] сузиб чиқмайдиган, кўнгил айнатмайдиган даражада бўлиши, ҳамда ютоқишини ёки [иштаҳа] тушувини, зеҳн наслиги ва уйқусизликини келтириб чиқармайдиган ва бир муддатдан кейин кекирганда овқатнинг мазаси келмайдиган миқдорда бўлиши керак. Узоқ муддатдан кейин [кекирикда] овқатнинг мазаси келиб туриши энг ёмон ҳолдир.

Овқатнинг мўътадил даражада ейилганлигига нафаснинг калталашмаслиги ва томир уришининг катталашмаслиги далил бўлади. Шундай ҳолат меъданинг

кўкрак-қорин пардасини сиқиш сабабли пайдо бўлади ва шу вақтда нафас олиш кичиклашиб тезлашади. Натижада юракнинг иши кўпайиб, агар қувват заифлашмаса, томир уриши зўраяди.

Етарли даражада ҳазм қилолмайдиган киши овқатланиш вақтини кўпайтириб, овқат миқдорини сезайтириши керак. Савдо мизожли кишининг гавдаси кўп ҳўлловчи ва оз қиздирувчи овқатга муҳтож бўлади. Сафро мизожли киши ҳўлловчи ва совутувчи овқатларга муҳтож бўлади. Қони иссиқ киши озиқлиги оз ва совутувчи овқатларга муҳтож бўлади. Қони балғамли [балғам мизож] киши озиқлиги кучсиз, қиздирувчи ва суюлтирувчи овқатларга муҳтож бўлади.

Овқатларнинг истеъмолида маълум тартиб бор, соғлигини сақламоқчи бўлган киши унга риоя қилмоғи керак. Суюқ, тез ҳазм бўлувчи овқатни ундан кучли ва қаттиқроқ овқат устига ейишдан сақлансин, бўлмаса кейинги овқат аввалгининг юзига чиқиб ҳазм бўлади ва ўтар йўл қолмагач, сасийди, бузилади ва аралашган нарсасини ҳам бузади. Лекин келгусида биз баён қиладиган равишда еса бўлади. Шунга ўхшаш силлиқ ва тоядиган овқат еб, дарров кейинидан кучли қаттиқ овқат ейиш дуруст эмас. Кейинги овқат ҳазм бўлмай туриб тойувчи овқат билан бирга ичакларга ўтиб кетади. Балиқ ва балиқ ўрнида юрувчи овқатларни кучли бадантарбиядан кейин ейиш керак эмас, чунки улар бузилади ва хилтларни ҳам бузади.

Урганилган овқат, бирмунча зарарли бўлса ҳам, одат қилинмаган яхши овқатдан мувофиқроқдир. Ҳар бир жусса ва мизожга мувофиқ ва муносиб овқат бор. Агар у [жуссасини ё мизожни] ўзгартирмоқчи бўлинса, у овқатнинг зиддини берилади.

Гўштларни кўп еб меҳнат қилмай ётадиган киши томирдан қон олдиришга аҳамият берсин; агар у совуқ мизожликка мойил бўлса, *жуворишлар*, *атрифуллардан* меъдани, ичакларни ва ичакларга яқин майда томирларни тозалайдиган нарсалардан истеъмол қилмоғи лозим.

Энг ёмон нарса бир-бирига келишмайдиган овқатларни аралаштириш ҳамда овқатланиш вақтини узайтиришдир. Бунда аввалги овқат ҳазм бўлабошлаганида кейинги овқат бориб қўшилади, натижада овқатнинг бўлаклари ҳазм бўлишда бир-бирига баробар бўлмайди.

Шуни билмоқ керакки, овқатнинг энг мувофиғи энг

лаззатлисидир. Чунки [овқатнинг] моддаси яхши ва ёқимли бўлиб, барча бошқарувчи аъзолар соғлом ва [мизожда] бир-бирига мос келган вақтдагина меъда ва тутувчи қувват [овқатни] яхши қабул қилиб олади; асосий шарт шудир. Агар аъзоларнинг мизожлари соғлом бўлмай, улар мизожда бир-бирига қарама-қарши бўлса ва жигар меъдага табиий қарама-қаршиликдан ҳам юқори даражада тескари бўлса, [овқатнинг лаззатли бўлишининг] аҳамияти йўқ. Жуда лаззатли бўлган овқатнинг зарарларидан бири шуки, уни кўп ейиш мумкин бўлади.

Тўйиб ейилганда энг мувофиқ тартиб бир кунни бир марта ва бир кунни икки марта — эрталаб ва кечқурун овқатланишдир. Овқатланишда одатга риоя қилмоқ керак, агар бир кунда икки марта ейишни одат қилган киши биргина марта овқатланса ўзи заиф, қувватларининг [иши] кучсиз бўлиб қолади. Шунинг учун бундай киши, ҳазм қуввати кучсизланган бўлса ҳам, кунига икки марта овқатланиб, ҳар галги овқат миқдорини озайтирмоғи лозим. Агар одати [бир кунда] бир марта овқатланиш бўлса-ю [одатига қарши ўлароқ] икки марта овқатланса, ундай кишида кучсизлик, дангасалик, сустлик пайдо бўлади. Агар у эрталаб овқатланса, кечқурунга бориб кучсизланади, кечқурун овқатланса, фойдали бўлмайди, у кишида нордон кекирик, табиатида нохушлик, кўнгил айнаш, оғиз какралиги, меъда ўрганмаган овқат тушгани сабабли ичкетниш пайдо бўлади, ҳамда овқатни ҳазм қила олмаган кишида бўладиган ҳоллар пайдо бўлади. Улар қуйидагилардан иборат: қўрқоқлик, чидамсизлик, меъда оғзининг оғриши ва куйиб ачишишидир.

Меъдаларида кўп сафро тўпланиб қолган кишилар овқатни бўлиб-бўлиб ейишга, тез-тез овқатланишга, ҳаммомдан илгари ейишга муҳтож бўладилар. Аммо булардан бошқа кишиларнинг бадантарбия қилмоқлари, кейин ҳаммомга тушмоқлари ва ҳаммомдан илгари овқат емасликлари лозим. Бадантарбиядан аввал бирор нарса емакка муҳтож бўлган киши ёлғизгина пивони, ҳаракатга киришидан илгари ҳазм бўларли миқдорда есин.

Аччиқ ва ўткир нарсаларга мойил, ширин ва ёғли нарсаларни севмовчи бузуқ иштаҳани тузатиш учун *сиканжубин* ичиш билан ва балиқ устига турп каби нарса ейиш орқали қусишдан кўра тузукроқ тадбир йўқдир.

Семиз кишининг ҳаммомдан чиққан замон овқатланмаслиги, балки сабр қилиб енгилгина ухлаши керак. Ундай кишиларнинг кунига бир марта овқатланишлари яхшироқдир.

Меъда тўларли даражада тўйиб еб ухлаш яхши эмас. Овқатлангач қаттиқ ва қўпол ҳаракат қилишдан сақланилсин, [акс ҳолда] овқат ҳазм бўлмай ўтиб ёки сирғаниб кетади, ёки чайқалиш билан мизож бузилади. Овқат устига кўп сув ичилмасин.

Хулоса: овқатни еб бўлиб, овқат ҳазмига фойда қиларли миқдорда совуқ сув ичса мумкин. Аммо овқат еб туриб ичиш мумкин эмас. Ташналикка чидаб, ухлаш совуқ мизожли ва ҳўл мизожли кишиларга фойдали бўлиб, иссиқ мизожли ва сафро мизожли кишиларга зарарлидир. Очликка сабр қилиш ҳам шундайдир.

Овқат устига шароб ичиш энг зарарли нарсалардандир. Чунки шароб тез ҳазм бўлувчи ва тез ўтувчидир. У овқатни ҳам ҳазм бўлмаган ҳолда ўтказиб юборади, натижада тиқилмалар ва чириш [касалликларини], баъзан эса қўтир пайдо қилади. Ширинликлар тиқилмаларни тез олиб келади, чунки [одам] табиати уларни ҳазмдан илгари ўзига тортади. Тиқилмалар эса кўп касалликларга, шу жумладан истисқо касалига учратади.

Киши агар жуда тўйиб овқат еса, ё меъдасидагини бирор ҳаракат чайқатса, ёки ташна бўлиб бирор нарса ичиш у кишини бетинч қилса, тезлик билан қуссин. Агар қусиш вақти ўтса, ёки мумкин бўлмаса, оз-оз иссиқ сув ичмаги керакки, меъдасидаги тўлиқликни пастга туширади ва мудроқ келтиради, шу вақтда ётиб тилаганича ухласин. Агар бу тadbир қондирмаса, ёки муяссар бўлмаса, ўйлаб кўрилсин, [кишининг] табиати [ичидагиларини] чиқариб ташлай оладими; агар чиқара олса, жуда яхши, бўлмаса иччи енгил сурадиган нарсалар билан табиатига ёрдам берилсин.

Узоқ ёшга борган кишининг гавдаси йиғитлик маҳалида ейдиган [миқдордаги] овқатни қабул қилмайди. Энди овқати чиқиндиларга айланади, шу сабабли [йиғитлигидаги] миқдорда емасин, балки камроқ есин.

Иссиқлик овқатларнинг зараридан *сиканжубин* билан, хусусан доривор уруғлар аралаштирилган *сиканжубин* билан даволанади. *Сиканжубин* агар шакар билан тайёрланган бўлса [доривор аралаштирилгани энг] манфаатли турларидандир. Агар у асал билан тайёрланган бўлса, оддийси ҳам кифоя қилади.

Совуқлик овқатлар кейинидан асал суви, асал шароби ва *камлуний* истеъмол қилинади.

Бадантарбия қилувчилар ва кўп машаққатли ишда, - ни бажарувчилар оғир овқатларни осон кўтардилар. Қаттиқ ва чуқур ухлаш уларга оғир овқатларни ҳазм қилишларига ёрдам беради. Лекин кўп терлашлари ва гавдаларидан кўп нарсаларнинг тарқалиши сабабли жигарлари ҳали ҳазм бўлмаган овқатни торттиб олиб, умрларининг охирида ёки аввалида ўлдирувчи касалликка мойил қилади. Айниқса улар уйқулари сабабли бўладиган ҳазмлари билан мағрурланадилар, уйқулар эса кетма-кет уйқусизлик [касаллиги] сабабидан, айниқса, қартайганларида йўқ бўлиб кетади.

Хўл мевалар ёзда, меҳнат ва бадантарбия қилувчи сафро мизожли кишиларга ёқади, уни овқатдан аввал ейилиши керак. Хўл мевалар ўрик, тут, қовун, шафтоли, олхўрига ўхшаш нарсалардир. Агар у кишилар хўл мевалардан бошқа нарса билан тadbир қилсалар яхшироқдир, чунки, қонни сув билан тўлдирувчи ҳар бир нарса мева шарбатлари ташқарида ачиб қайнагани сингари бадаанда ачиб қайнайдн. Шунинг учун уларгарчи фойдали бўлса ҳам, айни вақтда [қонни] ширинга тайёрлайди. Таррак, бодрингга ўхшаш қонни егилмаган хилт билан тўлдирувчи нарсалар ҳам дарҳол фойда қилгандек бўлса ҳам, юқоригидек таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўша овқатларни кўп истеъмол қилувчилар еган вақтларида совусалар ҳам, [кейин] иситмага учрайдилар.

Аччиқ сабзавотларнинг қишда фойдаси кўнайгани каби ширинларининг ёзда фойдаси кўп бўлади. Ёмон овқатларга кун қолган киши ейиш навбатини овайтирсин, кетма-кет емасин ва уларга зид нарсаларни аралаштирсин.

Ширин нарса еб азиятланадиган киши ширин нарсани устидан сирка, анор суви, сирка *сиканжубини*, беҳи ва шунга ўхшаш нордон нарса ичсин ва ичсини бўшатсин. Нордон нарса еб азиятланадиган киши унинг устидан асал ва эски шароб истеъмол қилсин. Бу тadbирлар [олдин ейилган] нарсанинг етилишидан ва ҳазм бўлишидан бурун бўлмоғи керак. Шунингдек, ёғли нарсадан азиятланадиган киши дуб ёнғоғи, мирта уруғи, Шом жинжағи, *кунор* дарахтининг меваси, дўлана каби нордон ва тахир нарса, Шом занжабилига ўхшаш аччиқ нарса, шунингдек, нонхўриш, саримсоқ, пиёз каби шўр

ва мазаси ўткир нарсалар билан даволансин; ва аксинча.

Қуруқ овқатларни кўп истеъмол қилиш кучни камайтиради, рангни бузади, ични қуритади. Ёғли нарсани кўп ейиш кишини ланж қилади, иштаҳани кетказди. Совуқлик овқатларни кўп ейиш ланж қилади, бўшаштиради. Нордонни кўп ейиш кишини қаритади. Шунга ўхшаш мазаси ўткир ва шўр нарсани кўп ейиш меъдага зарар қилади, шўр нарса кўзга ҳам зарар қилади.

Овқатларнинг бир-бирларига қўшилишлари билан таъсирлари ўзгаради: Ҳиндистон аҳолисининг тажрибали кишилари ва бошқалар: «сутни нордон нарсалар билан қўшиб истеъмол қилинмасин ҳамда балиқни сут билан ейилмасин, бу мохов каби узоқ тузалмайдиган касалликларни келтиради; шунингдек, қатиқни турп билан ва қушларнинг гўштлири билан ейилмасин, ширгурич устидан толқон ейилмасин, мис идишда сақланган ўсимлик ёғини, ҳайвон мойини овқатларда ишлатилмасин, канақунжутнинг чўғида пиширилган қовурмаларни ейилмасин», деганлар.

Ёзда овқат ейишнинг энг яхши вақти ҳавонинг салқин чоғидир.

Очликка чидаб туриш кўп вақт меъдани ёмон зардобга тўлғизади.

Билгинки, кабоб ҳазм бўлса, энг кучли овқат ҳисобланади, бироқ унинг пастга тушиши суст бўлиб, кўричакда узоқ қолади. Шўрва яхши овқат бўлиб, пиёзли бўлса ичдан елни қувлайди. Агар пиёзсиз бўлса, елни кўзғатади.

Билгинки, товуқ жўжаларининг шўрваси товуқ шўрвасидан кўра кўпроқ мўътадиллаштиради, лекин товуқ шўрваси кучли овқатдир. Улоқнинг яхна гўшти буғи тўхтаганлиги сабабдан яхши овқат бўлади. Қўзичоқ гўштини иссиқ ҳолида ейилса, иссиқ билан эриб ҳиди кўтарилганлиги сабабли ёқимли овқат бўлади. Иссиқ мизожли кишилар *зирбожни* заъфаронсиз истеъмол қилмоқлари, совуқ мизожли кишиларнинг эса заъфарон билан истеъмол қилмоқлари лозим.

Фолузаж каби шакар билан тайёрланган ҳалволар ёмон овқат ҳисобланади. Чунки тикилма пайдо қилади ва ташна қилади.

Билгинки, нон ҳазм бўлмаса зарари кўпдир, ҳазм бўлмаган гўштнинг зарари эса ундан камроқдир.

Мўътадил мизожли [одамлар]га энг ёқадиган сув совуқлиги ўртача ёки ташқаридан муз билан совутилган сувдир, айниқса, муз ёмон бўлганда, [уни сувнинг ичига солинмасин], муз яхши бўлса ҳам бари бир. Чунки сувда эриган [муз] асабларга, нафас аъзоларига ва умуман ички аъзоларга зарар қилади. [Ичига муз солиб совутилган сувни] қони жуда кўп бўлган кишилардан бошқалар кўтара олмайди. Бундай сув дарҳол зарар қилмаса ҳам вақт ўтиши билан ва ёш ўлғайиши билан зарар қилади.

Тажрибали кишилар қудуқ суви билан дарё сувини улардан бири [танадан] ўтиб улгурмагунча [устма-уст ичиб] аралаштириш керак эмас, дейдилар. Сувни танлаш ва ёмон сувни тузатиш йўлларини юқорида кўрсатдик. Сирка билан аралаштириш ёмон сувни тузатади.

Билгинки, наҳорга [сув ичиш] бадантарбиядан кейин, ҳаммомга тушгандан кейин, айниқса, оч қоринга [ичиш], шунингдек, кечаси маст ва хумор кишиларда пайдо бўладиган ёлғондакам ташналикда ҳамда табиат овқатнинг ҳазми билан овора бўлиб турган вақтда сув ичиш зарарлидир. Ҳаддан ташқари кўп сув ичишнинг зарарини юқорида айтдик. Агар ичмасликнинг иложи бўлмаса, совуқ ҳаво билан ва совуқ сувга оғизни чайқаш билан кифояланмоқ керак. Агар булар билан қафоатланилмаса, оғзи тор кўзадан сув ичмак керакки, хумор кишилар кўпинча шу билан манфаатланади ва кўпинча у [кишиларга] наҳорга ичилган сув зарар қилмайди.

Наҳорга сув ичмай сабр қила олмаган, айниқса, бадантарбиядан кейин сабр қила олмаган киши [наҳорга сув ичишдан] аввал иссиқ сув билан аралаштирилган шароб ичин. Ёлғон ташналикка учраган киши билсинки, уйқу ва ташналикка сабр қилиш ёлғон ташналикни тўхтатади. Чунки ухлаганда табиат ташна қилувчи моддан тарқатади, айниқса, ташналикка чидаб уйқуга кирса. [Хилтларни] етилтирувчи табиатни ташналикка чидай олмай сув ичиш билан сўндирилса, ташна қилувчи хилт ўз ўрнида қолганидан ташналик яна пайдо бўлади. Айниқса, ёлғон ташналикка учраган киши оғиз тўлғизиб сув ичмаслиги, балки [оз-оздан] симириб ичиши керак.

Жуда совуқ бўлган сувни ичиш энг ёмон ишдир. Агар уни ичмаслик иложи бўлмаса, етарли даражадаги

овқатдан кейин ичиш керак. Илиқ сув кўнгилни айна-тади. Ундан кўра иссиқроқ сувни кўп ичилса, меъдани суст қилади. Агар гоҳо ичилса, меъдани ювади ва ични юмшатади.

Оқ суyoқ шароб иссиқ мизожли кишиларга мувофиқ-роқдир ва у бошни оғритмайди, балки баъзан хўллаб меъданинг алангаланишидан вужудга келган бош оғриғини енгиллатади. *Каък* ёки нон билан сузиб жуда тинитилган ҳар бир шароб оқ суyoқ шароб ўрнини босади, айниқса, ичишдан икки соат аввал [суv] аралаштириб кўйилса.

Қуyoқ ширин шароб семиришни ва қувватли бўлишни тилаган кишига мувофиқроқдир, бироқ тикилмалар пайдо бўлишидан эҳтиёт бўлиш керак. Эски қизил шароб совуқ балғам мизожли кишига мувофиқроқдир.

Ҳар бир овқат устидан шароб ичиш баён қилганимизга кўра бирон касалликни туғдиргани учун ёмондир; овқат ҳазм бўлиб, сингигандан кейингина ичиш мумкин. Қаймуси ёмон овқат устидан, уни еб турганда ва ҳазм бўлгандан кейин шароб ичиш ярамайди. Чунки [шароб] ёмон қаймусин гавданинг энг узoқ жойларига тарқатади. Шунингдек, хўл мевалар устидан, айниқса, совун устидан шароб ичиш ҳам ярамайди. Шароб ича-бoшлаганда катта қадаҳдан кўра кичик қадаҳда ичиш яхшироқдир. Агар овқат устидан икки ёки уч қадаҳ шароб ичилса, ичишга одатланган кишига зарар қилмайди. Шунингдек, томиридан қон олдирган соғлом кишига ҳам зарар қилмайди.

Шароб сафроси кўпайган кишиларга сафроларини сийдик орқали чиқариши билан, хўллиги кўпайган кишиларга хўлликларини етилтириши билан фойда қилади. Шаробнинг хушбўйлиги, тиниқлиги ва мазаси қанча яхши бўлса, ўша энг мувофиғидир. Шароб овқатни гавданинг ҳамма қисмига яхши ўтказувчидир. Шароб балғамни кесади ва эритади, сийдик ва бошқа восита билан сафрони чиқаради, қора ўтни сиргаптиради, уни осонлик билан гавдадан чиқаради, унинг зарарли таъсирини қайтаради. Баданини ортиқча ва ёқименз қиздирмасдан, ундаги барча қотган [нарсаларни] эритади.

Шаробнинг турларини ўз жойида эслатамиз.

Мияси кучли киши тезда маст бўлмайди, чунки кўтарилган ёмон буғларни унинг мияси қабул қилмайди, шаробдан унинг миясига фақат ёқимли иссиқлик етишади. Шароб унинг зеҳнини шундай равшан қиладики, бошқа кишиларнинг зеҳнлари унинг зеҳни каби равшан

бўла олмайди. [Мияси] аксинча бўлган кишиларда бунинг тескариси бўлади.

Кўкраги кучсиз бўлиб, қишда нафаси сиқадиган киши шаробдан кўп ича олмайди. Шаробни кўп ичмоқчи бўлган киши овқатни тўйиб емасин, овқатига сийдирадиган бирон нарсани солсин. Агар овқатдан ва шаробдан тўлиқлик пайдо бўлса, қусиб ташлаб, асал солинган сув ичсин, кейин яна қуссин, кейин оғзини сирка ва асалли сув билан, юзини совуқ сув билан ювсин.

Шаробдан гавда ва жигар қизиши билан қийналган киши *ҳисримия* каби овқатларни есин ва шаробдан кейин тотадигани анор суви ва citron суви бўлсин. Шаробдан бош оғриши билан қийналган киши уни оз ичиши, ичадиган шаробнинг [сув] аралаштирилган ва жуда тинитилган бўлиши керак; шаробдан кейин беҳи каби нарсани ейиши керак.

Агар шаробдан кейин меъдасида несиқлик пайдо бўлиб қийналса, мирта дарахтининг қовурилган донини есин, бир оз кофур кулчаларидак, буруштирувчи нарсадан ва нордон нарсадан шимсин. Меъдасида [совуқлик] бўлиб қийналса, тўпалоқ билан, қалампирмунчоқ билан citron пўстини тотинсин.

Билгинки, эски шароб дори жумласидан бўлиб, овқат эмасдир. Янги шароб жигарга зарар қилади, еллантириши ва ични суриши жиҳатидан жигарнинг қўзғалишига сабаб бўлади. Яна билгинки, шаробнинг энг яхшиси эски ва янгилиги ўртача, тиниқ, нимранг қизғиш, хушбўй, мазаси мўътадил — нордон эмас, чучук эмас, ўртача бўлгандир.

«Ювилган» деб шуҳратланган яхши шароб мана шундай тайёрланади: уч бўлак сиқиб олинган шарбатни бир бўлак сув билан қўшиб учдан бири кетгунича қайпатилади.

Шаробдан [меъдаси] куйган киши шаробдан кейин анор [суви], совуқ сув ва эрталаб эрман шароби симирсин, ҳамда бир оз овқат тотиниб ҳаммомга тушсин.

Билгинки, сув аралаштирилган шароб меъдани суслантириб ҳўл мизожли қилади. Суви [модаларни] гавдага ўтказганлигидан ташналикни тез босади, у тери [рангини] тозалаб, нафсоний қувватларни мустаҳкам қилади.

Ақлли киши наҳорга шароб ичишдан сақлансин. Ҳўл мизожли киши аъзолари барча сувни истифода қилмасдан олдин ёки қаттиқ ҳаракатдан кейин шароб ичишдан сақлансинки, бу икки ҳолатда шароб ичиш

мия ва асабга зарарли бўлиб, кишини тиришиш касалига, ақл чалкашувига ёки бирон бошқа касалга, ёки ортиқча иссиққа йўлиқтиради.

Кетма-кет маст бўлиш жуда ёмондирки, жигарнинг ва миянинг мизожини бузади, асабни кучсиз қилади. Асаб касалликлари, *сакта* ва тўсатдан ўлишга сабаб бўлади.

Шаробни кўплаб ичилса, баъзи кишиларнинг меъдасида ёмон сафрога ва баъзи кишиларнинг меъдасида ўткир сиркага айланади; иккисининг ҳам зарари каттадир.

[Табибларнинг] баъзилари: «мастлик ойда бир ёки икки марта бўлса, нафсоний қувватларни енгиллатиши ва роҳатлантириши билан, сийдириш ва терлатиш орқали чиқиндиларни, айниқса, меъдадан тарқатиш билан фойда қилади», деб ҳисоблайдилар.

Маълум бўлсинки, шаробнинг зарари кўпроқ мияга бўлади; мияси кучсиз киши шаробни озгина ичсин, ҳамда сув аралаштириб ичсин. Шаробдан ичи тўлиб кетган киши, агар осонлик билан бўлса, тезгина қуссин. Агар осонлик билан қусолмаса, сувнинг ёлғиз ўзини ёки асал аралаштириб кўп ичсин, қусгандан кейин ҳаммомга тушиб ваннада ўтирсин ва гавдасини кўп ёр билан ишқасин, кейин ухласин.

Болаларнинг шароб ичишлари ёнаётган нозик ўтиннинг алангасига аланга қўшиш кабидир. Қари кишига у кўтара оладиган миқдорда шароб бериш мумкин. Йигитларга эса мўътадил даражани тутилсин. Йигитларга эски шаробни анор суви билан ёки совуқ сув билан аралаштириб ичирмак яхшироқдир; [шундай қилинганда] зарардан узоқ бўлади ва мизожлари куймайди.

Ҳавоси совуқ ўлкалар шароб ичишни кўтаради, иссиқ жойлар кўтармайди.

Жуда тўйиб шароб ичишни тилаган киши овқатни жуда тўйиб емасин, ширин нарса ҳам емасин, балки ёғли *исфидбождан* озгина ичсин, у шўрвада ивитилган нондан, тўғралган ёғли гўштдан ўртача миқдорда есин, чарчатадиган меҳнат қилмасин; [шаробдан кейин] тузли бодом мағизи ва тузли ясмиқ билан ва ковулдан тайёрланган нонхўриш билан тотинсин! Агар карамдан тайёрланган овқат ва намакобли зайтун еса фойда қилади, кўпроқ шароб ичишга ёрдам беради. Шунингдек, боғ карамининг уруғи, зира, қуруқ газзагўт, қера туз, чўлялпиз, жувана каби гавдада ичилган шароб буғини

қуритувчи нарсаларни истеъмол қилса, [шаробни кўпроқ ичишга] ёрдам беради. Ёпишқоқ ва ёпиштириш қувватига эга бўлган овқатлар баъзан буғларни қуюқлаштириб маст бўлишнинг олдини олади, чунки ундай овқатлар сингишининг сустлиги сабабли кўп шаробни қабул қилдирмайди.

Тезда маст бўлишлик мяянинг кучсизлигидан ёки мяядаги хилтларнинг кўплигидан, шаробнинг кучлилигидан, овқатнинг озлигидан, овқат тадбири ва унга боғлиқ бўлган нарсаларнинг ярамаслигидан бўлади. Мяя кучсизлигининг иложи эскирган тумовдаги иложлардир; у эса суриладиган даволардан бўлиб ўз бобила эслатилди. [Мияси кучсиз киши] шаробни оз ичсин!

Секинроқ маст бўлишни таъмин қиладиган ичимликлар. Оқ карам сувидан бир ҳисса, аччиқ анор сувидан бир ҳисса, сиркадан ярим ҳисса олиниб кўп қайнатилади ва шаробдан илгари бир уқия ичилади. Яна туздан, газাগўтдан, қора зирадан олиниб уларнинг қоримасидан думалоқ ҳаб қилиниб қуритилади ва кетма-кет бир донадан еб турилади. Яна боғ карамининг уруғи, зира, аччиқ пўсти артилган бодом, чўлялпиз, эрман, қора туз, жувона ва қуруқ баргизубдан олинади. Бу таркибнинг иситишидан қўрқмаган киши совуқ сув билан икки *дирҳам* вазнида ичади. Маст кишига уч марта кетма-кет сув ва сирка ичириш, ёки сут зардоби ва қатиқ ичириш мастликни тарқатадиган нарсадандир. Кофур ва сандал ёғочини ҳидлаш билан [ҳам мастлик тарқалади]. Ёки маст кишининг бошига совитувчи ва қайтарувчи нарсалар, масалан, узум сиркаси билан аралаштирилган гул ёғини суртилади.

Хуморнинг иложини хусусий касалликлар [китобида] эслатамиз.

Безарар ва тез маст бўлишни тилаган киши шаробда *ушна* ёки ҳинд уди ёғочини ивитиб ичади.

Бирор аъзонинг оғриғини енгиллатиш учун қаттиқ маст бўлишга муҳтож бўлган киши шаробга мастак [қорамуғ] сувини солиб ичади, ёки шоҳтара, афюн ва мингдевонадан ярим *дирҳамдан* олиб, мускат ёбгоғи ва *сукк* ҳам уд ёғочидан бир *қиротдан* олади ва бу таркибдан керакли миқдорда шаробга солиб ичади, ёки қора мингдевона ва меҳриғиё пўсларини қизарғунича сувда қайнатиб ва шаробга аралаштириб ичилади.

УЙҚУ ВА УЙҒОҚЛИК ҲАҚИДА

Аммо бу ерда айтилажак сўз шуки, мўътадил уйқу табиий қувватга ўз ишларини ишлашга мадад берувчи, нафсоний қувватни роҳатлантирувчи ва унинг жавҳарини кўпайтирувчидир; ҳатто бўшаштириши сабабли ҳар қандай руҳнинг ҳам тарқалишини тўхтатувчидир. Шунинг учун [уйқу] овқатни айтилган йўлларнинг ҳаммаси билан ҳазм қилади. Турли тарқалишлар сабабли пайдо бўлган кучсизликка табиий уйқу билан илож қилинади, масалан, чарчаш, жинсий алоқа, ғазабланиш ва буларга ўхшашлардан [кейин].

Мўътадил уйқу миқдор ва кайфиятда мўътадил бўлган хилтларга учрашиб қолса, аъзоларни ҳўлловчи ва қиздирувчи бўлиб, қари кишилар учун жуда манфаатлидир, чунки у қариларнинг ҳўлликларини сақлайди ва қайтаради. Шунинг учун Жолинус ўзининг ҳар кеча дориворлар билан хушбўй қилинган сутчўп истеъмол қилишини айтиб, сутчўп ухлатсин учун, дориворларни кўшиши унинг совуқлигини йўқотиш учун эканлигини таъкидлайди ва дейди: «Мен бу кунларда уйқуга муҳтожман, чунки энди мен қартайган киши, уйқунинг ҳўллик бериши менга фойда қилади». Уйқуси келмайдиган кишига сутчўп истеъмол қилиш яхши тадбирдир. Агар уйқудан аввал ейилган овқат ҳазм бўлгандан кейин ҳаммомга тушиб, бошдан иссиқ сувни кўп қуйилса, шундай тадбир ухлаш учун яхши ёрдамчидир.

Соғлом кишилар уйқуга яхши эътибор беришлари зарур. Уйқудан ўз вақтида мўътадил даражада фойдалансинлар, керагидан ортиқ ухламасинлар, уйқусизликнинг мияларига ва ҳамма қувватларига зарар қилишидан сақлансинлар! Кўп вақт бўладики, маълум бир кишини беҳуш бўлишидан ва қувватининг тушиб кетишидан қўрқиб ухламасликка мажбур қилинади. Энг яхши уйқу чуқур уйқу ва овқат қоринининг юқори қисмидан тушгандан кейинги ва бунга эргашиб келадиган ол ва қорин қулдураши тўхтагандан кейинги уйқудир. Унда илгари ухлаш кўп жиҳатдан зарарлидир; чунки унда уйқу яхши ва туташ бўлмайди ҳамда киши у ёқ ва бу ёққа ағдарила беради. Бундай уйқу зарари билан бирга кишини қийнайди. Шунинг учун [овқат қоринининг юқори қисмидан] тушиши суст бўлганда бир оз юриб, кейин ухламоқ лозим.

Кундузги уйқу ҳам ёмондир; у рутубатлардан бўладиган касалликларни ва назла касалликларини вужуд-

га келтиради, рангни бузади, талоқ касалини пайдо қилади, асабларни бўшаштиради, кишини ланж қилади, иштаҳани пасайтиради, шиш ва турли иситмаларга сабаб бўлади.

Тунги уйқунинг фазилатлари унинг тўлиқ, давомли ва чуқур бўлишидадир. Лекин кундуз ухлашни одаг қилган киши бирдан уни тарк қилмаслиги керак.

Уйқудаги ҳолатлардан энг яхшиси ўнг томонни бо-сиб, кейин чап томонга айланиб ётишдир. Қоринни бо-сиб ётиш ҳазмга яхши ёрдам беради. Чунки бундай ётиш туғма иссиқликни тўплаб ва [гавда ичига] қамаб кўпайтиради. Чалқанча ётиш ухлашнинг ёмон шакли бўлиб, [кишини] сакта, фалаж ва босниқираш каби ёмон касалликларга тайёрлайди. Чунки чалқанча ётиш чиқиндиларни орқа томонга йўналтириб, бурун ва оғиз каби олд томонидаги йўллардан чиқишга қўймайди.

КЕКСАЛАР ТАДБИРИ

Кексалар тадбирининг ҳаммаси ҳўллобчи ва қизди-рувчи нарсаларни биргаликда ишлатишдан иборатдир; уларни кўрпа-тўшакларда ёшлардан кўра узоқроқ ухлатиб ётқизилади, овқатлар берилади, ҳаммомга туширилади, ичимликлар ичирилади, сийдиклари доимо равон қилиб турилади, меъдаларидан шиллиқларини ичак ва қовуқ йўли орқали чиқариб турилади ва доимо ичлари юмшатилади.

Ёғ билан миқдор ва кайфиятда мўътадил даражада уқалаш [кексаларга] жуда фойда қилади. Сўнгра юриш ёки, юришга кучлари етмаса, от-уловга миниш [фойда қилади].

Кексаларнинг заифларини қайта-қайта уқаланади. Атир билан, айниқса, мўътадил иссиқ хусусиятли атир билан кўпроқ хушбўйлашиб юрмоқлари керак. Уйқудан кейин уларнинг [баданини] ёғ билан силаб юмшатиш керак, чунки шундай ёғлаш ҳаётини қувватни уйғотади: ундан кейин юриши ва улов миниш керак бўлади.

КЕКСАЛАРНИ ОВҚАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Кекса кишининг овқати оз-оз миқдорга ажратилиб, ҳазм қилишига ва ўзининг кучли ва кучсизлигига қараб [бир кунда] икки ё уч марта берилади. Учинчи соатда асал билан яхши пиширилган нон берилади, еттинчи соатда, ҳаммомдан кейин, ични юмшатадиган, биз [ту-банда] айтадиган нарсалардан берилади. Ундан кейин

кечга яқини яхши озиқ бўладиган овқат едирилади. Агар қувватли киши бўлса, кечки овқати бир оз кўпайтирилади.

[Кексалар] савдо ва балгам туғдирадиган [кўпайтирадиган] ҳар қандай ғализ овқатлардан, нонхўриш ва дориворлар каби ўткир, аччиқ нарсалардан сақлансинлар! Лекин буларни даво ўрнида истеъмол қилишлари мумкин.

Агар кексалар ўзларига муносиб бўлмаган ишни қилиб, биринчи хил нарсалардан, масалан, тузланган нарсаларни, бодинжонни, офтобда қоқланган гўшти, ов гўшларини ёки қаттиқ гўштли балиқни, тарвуз ва тарракни есалар, ёки иккинчи хатони қилиб, нонхўришлар, майда қоқ балиқ ва бун [балиғини] есалар, уларга зид нарсаларни еб даволанадилар. Балки у кишиларда, агар чқиндилар борлиги билинса, [хилтни] суюлтирувчи нарсалар истеъмол қилдириш керак бўлади. [Хилтлардан] тозаланганларидан кейин, баданни ҳўллоовчи нарсалар билан овқатланадилар. Кейин гоҳо-гоҳо овқат билан бирга биз тубанда айтадиган суюлтирувчилардан оз-оз истеъмол қилишга қайтадилар.

Сутлар кўнгил тусаби ичилганда ва жигарининг атрофида ёки қорнида таранглик, кичиш ва оғриқ пайдо қилмаса, кексаларга фойда қилади. Сут ғизоли бўлиб [гавдани] ҳўллайдди. Кекса кишига сутнинг энг мувофиғи эчки ва эшак сутидир. Эшак сутининг хосиятларидан бири шуки, у кўпинча [меъдада] ивиб қолмай, тезда тушиб кетади, айниқса, туз ва асал билан қўшиб ичилса, [шундай бўлади]. [Эчки ва эшак] ўтлоқларини шундай сақлаш керакки, у ерда какра, аччиқ, нордон ёки қаттиқ шўр ўтлар ўсмасин.

Кексалар ейдиган сабзавот ва мевалар лавлаги, петрушка ва бир оз ганданодан иборат бўлиши керак. Уларни муррий ва зайтун ёғи билан хушбўй, хушхўр қилиб, айниқса, овқатдан аввал, ични юмшатиш учун ейдилар. Саримсоқ ейишга одатланган бўлиб, гоҳо-гоҳо есалар фойдалидир.

Занжабил мураббо ва иссиқлик хусусиятли мурабболарнинг кўпи кексаларга ёқадиган даволардандир. Мурабболар [гавдани] қизитадиган ва [овқатни] ҳазм қиладиган миқдорда бўлсин, баданни қуритарли миқдорда бўлмасин. Шунда уларнинг овқатлари [гавдани] ҳўллоовчи озиқлардан бўлиши керак, уларни гавдани иситиш учун ва ҳазм учун истеъмол қиладилар; гавдани қуритгунча истеъмол қила бермайдилар.

Кексалар истеъмол қилганларида ичларини юмшатиб, гавдаларига ёқадиган мевалар ёзда анжир ва олхўри, қиш вақти бўлса — асал суви билан қайнатилган анжир қсқисидир. Шуларнинг ҳаммаси ичларини юмшатиш учун овқатдан аввал ейилиши керак. Сув ва туз билан қайнатиб, муррий ва зайтун ёғи билан хушбўй қилинган қўйпечак ҳам [фойдали]. Чилпоя илдизини товуқ шўрвасига, ё лавлаги шўрвасига, ё карам шўрвасига солинса, [уларга мувофиқ бўлади].

Агар ичлари бир кун юмшаб, бир кун юшмай давом этса, сурги, ё [овқатларни] сирғантирувчи давога муҳтож бўлинмайди. Агар ичлари бир кун юмшаб, икки кун тўхталиб қолса, қўйпечак, карам суви ва арпанинг суви билан махсар мағзи ёки бир ёнғоқ миқдори, ё икки ёнғоқ миқдори сақич дарахтининг елими кифоя қилади. [бу елим] жуда кўп бўлса, уч ёнғоқ миқдориди бўлади. [Сақич дарахти елими] ўзидаги хосият билан кексаларнинг ичларини юмшатади ва ички аъзоларини уриштирмасдан тозалайди.

Махсар мағзининг бир миқдорига ўн баробар анжир қоқи қўшиб тайёрланган мураккаб доридан бир ёнғоқ миқдори ичиш ҳам фойда қилади.

Ёғ билан ҳуқна қилиш ҳам кексаларга фойда қилади, чунки бундай ҳуқнада ички бўшатиш билан бирга ички аъзоларни юмшатиш бор, айниқса, ширин зайтун ёғи билан ҳуқна қиланса.

Кексаларни иссиқлик нарсалар билан ҳуқна қилишдан сақланиш керак, чунки улар ичакларни қуритади. Ичлари бир неча кунлаб тўхталиб қолса, мизожи ҳўл ёғли нарсалар билан ҳуқна қилиш жуда манфаатлидир. Кексаларнинг ичини юмшатишга хос бўлган дориларни. «Қарсбодин» китобида айтамыз.

Ўрта ёшлилар ва кексаларнинг бўшатилишлари мумкин қадар томирдан қон олишдан бошқа восита билан бўлиши керак. Албатта, мўътадил сурги бериш улар учун жуда мувофиқдир.

КЕКСАЛАР ИЧАДИГАН ШАРОБЛАР ҲАҚИДА

Кексалар учун энг яхши шароб эски қизил шаробдир, чунки у ҳам сийдикни равон қилади, ҳам [гавдани] қиздиради. [Улар] шаробнинг янгисидан ва оқидан сақлансинлар. Лекин овқатлангандан кейин ҳаммомга тушиб ташна бўлсалар, суюқ, озиклиги кам оқ шароб ичирилади; бу шароб улар учун сув ўрнини босади. [Улар] ти-

қилма пайдо қиладиган ширин шароблардан сақлан-
синлар!

Асал шаробини истеъмол қилиш ҳам кексаларга
фойда қилади ва тиқилмалар ва бўғинлар оғриғи пайдо
бўлишидан сақлайди. Бирор аъзода тиқилма борлиги
сезилса, ёки ўша аъзода тиқилмага мойиллик сезилса,
[асал шаробига] петрушка уруғи ва илдизини қўшиб,
сийдик чиқариш аъзоларини [даволаш] учун ичирилади.
Тиқилма тошга ўхшаш нарсадан бўлса, тоғ петрушкаси
каби кучлироқ нарсани [асал шаробида] қайнатиб бе-
рилади.

КЕКСАЛАРНИ УҚАЛАШ (МАССАЖ ҚИЛИШ) ТЎҒРИСИДА

Уқалаш миқдор ва кайфиятда ўрта даражада бўлиб,
кучсиз аъзоларга ва сийдик қопчасига тегмаслиги керак.
Агар уқалаш бир неча марта такрорланса, ҳар сафар
дағал латта билан ёки қўлнинг ўзи билан ишқалансин!
Бу уларга албатта фойда қилади ва аъзоларни касал-
ликдан сақлайди.

КЕКСАЛАРНИНГ БАДАНТАРБИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кексаларнинг бадантарбиялари аъзоларининг турли
ҳолларига, уларга одат бўлиб қолган баъзи касаллик-
ларга ва бадантарбиядаги одатларига қараб турлича бў-
лади. Агар аъзолари жуда мўътадил бўлса, улар учун
мўътадил бадантарбиялар мувофиқ келади. Агар бирор
аъзолари энг яхши ҳолда бўлмаса, унинг бадантарбия-
сини бошқа аъзолар бадантарбиясига тобе қиладилар;
масалан, бировда бош айланиши, тутқаноқ ёки ёмон
хилтларнинг бўйинга қуйилиши юз берса, — шунда буғ-
лар бошга ва мянга кўтарилади, — у кишиларга бошни
энгаштирадиган ва қуйи ташлатадиган бадантарбиялар
тўғри келмайди. Улар юриш, чопиш ва минниш билан ба-
дантарбия қилмоқлари ва гавданинг қуйи ярмига те-
гишли бадантарбияларни қилмоқлари керак.

Агар касаллик оёқ томонда бўлса, бир-бирини кўта-
риш, тош отиш ва тош кўтариш каби [гавданинг] юқори
қисмига тегишли бадантарбияларни қиладилар. Агар
касаллик гавданинг ўртасида — талоқ, жигар, меъда,
ичакларда бўлса, иккала томонга [бош ва оёққа] те-
гишли бадантарбиялар тўғри келади. Агар касаллик
кўкрак атрофида бўлса, фақатгина қуйи томонга оид
бадантарбиялар муносиб келади. Агар касаллик буй-

ракда ва сийдик қопчасида бўлса, фақат юқори томонга оид жисмоний ҳаракатлар тўғри келади. Кўрсатилган аъзоларни қувватли қилмоқ учун бадантарбия миқдорини кўпайтиришлари тўғри эмас.

ЙИЛНИНГ ТУРЛИ ФАСЛЛАРИДАГИ ТАДБИРЛАР ВА ҲАВОНИ СОҒЛОМЛАНТИРИШ ҲАҚИДА

Эрта баҳорда зарурат ва одатга қараб томирдан қон олинади ва сурғи қилинади. Айниқса, қусиш тадбири кўрилади. Кучли қиздирувчи ва кўп ҳўллантирувчи гўштлар ва ичимликлардан сақланиш лозим. Енгил овқат истеъмол қилиш, ёздагига нисбатан бир оз кучлироқ, аммо мўътадил бадантарбия қилиш, ортиқча тўйиб овқат эмаслик, балки оз-оз ейиш керак. Чапқоқни пасайтирувчи ичимликлар ва шарбатлар истеъмол қилинади. Ҳамма иссиқлик, аччиқ, ўткир мазали ва шўр нарсалардан сақланиш керак!

Ёзда овқатлар, ичимликлар ва бадантарбия озайтирилади; дам олиш, истироҳат қилиш, чапқоқни пасайтирувчи нарсалар истеъмол қилиш, мумкин бўлса қайғ қилиш, соя ва пана жойда бўлиш керак.

Кузда, айниқса, ҳавоси ўзгариб турган кузда, энг яхши тадбирни қўллаб, [гавдани] қуритувчи нарсаларнинг барчасидан, жинсий алоқадан, совуқ сув ичишдан, совуқ сув билан бошни ювишдан, этни увуштирадиган совуқ ва салқин ерда ухлашдан сақланилсин! Овқатга тўйиб туриб ухланилмасин, туш қизигидан, эрталабки салқиндан сақланилсин. Бошни кечасидаги ва эрталабки совуқ тегишидан сақлансин! Қуз вақтининг меваларини кўп ейишдан сақлансин. Илқ сув билангина чўмилсин.

Кеча ва кундуз баробар бўлган вақтида гавдани бўшатилиш керак, чунки бу [тадбир] кишида қишда чиқиндилар тўпланиб қолишининг олдини олади. [Лекин] шундай кишилар ҳам борки, кузда уларнинг хилларини қўзғатиш орқали безовта қилиш билан машғул бўлмаслик муносиброқдир; аксинча уларни тинч қўйиш лозим. Кузда қустириш ман қилинади, чунки кузда қустириш иситмани туғдиради. Кузда шаробларни кўп миқдорда ичиш керак эмас; ичилса, кўп сув билан аралаштириб ичиш керак. Билгилки, кузда кўп ёмғир ёғиши кузнинг зарарли [таъсиридан] сақлайди.

Қишда то чарчагунча [меҳнат қилиш], овқатни мўл қилиш керак, лекин қиш иссиқ келса, у вақтда ҳаракат-

ни кўпайтириш ва овқатнинг миқдорини озайтириш керак бўлади.

Қишда истеъмом қилинадиган ноннинг буғдойи ёз нонининг буғдойидан қувватлироқ, тигиз мағзлироқ бўлиши керак. Шунингдек, гўшт ва шу каби бошқа овқатлар ва қовурмаларни ҳар икки фаслга мослаб танлаш керак.

Қишда ейдиган сабзавотлар — карам, лавлаг, пепрушка, гулли карам, семизўт, сачратқи бўлиши керак.

[Қишда] соғлом кишилардан камдан-кам киши касал бўлади. Агар касал бўлақолса, дарров даво қилиш ва зарур бўлса, дарров гавдани бўшатиш [тозалаш] керак. Чунки жиддий бир сабаб бўлмаса, қишда соғлом киши касал бўлмайди; айниқса, касаллик иссиқ бўлса, [сабаб зўр бўлади]. Чунки, бошқарувчилик қилувчи турфа иссиқлик қишда тарқалмай туриши ва ушланиши сабабли йиғилиб жуда кучаяди. Шундай қилиб [қишда] ҳамма табиий қувватлар ўз ишини яхши бажаради.

Бузилган ва ваболи ҳавога келсак, у билан тўқнашганда гавдани қуруқ тутиш ва уйдаги [ҳавони] совутувчи ва ҳўлловчи нарсалар ёрдами билан мўътадил қилиш, айниқса, вабо касаллиги вақтида, ёки қиздирувчиларни [қўллаш] керак. Ҳавони бузган сабабнинг зиддини қилиш керак. Бу мақсад учун турли хушбўй нарсаларни, айниқса, ўз сифатлари билан мизожга зид моддаларни [қўллаш] фойдалидир. Вабо вақтида кўп миқдордаги ҳавони ичга тортишга эҳтиёжни камайтириш керак. Бунга [беморни] тинч ётқизиш роҳат бериш орқали етишилади.

Ҳавонинг бузуқлиги кўпинча ердан бўлади. Бу вақтда курсилар устида ўтириш, жуда баланд ва шамол эсиб турадиган ерларни истиқомат учун танлаш зарур бўлади.

Кўпинча ҳавонинг бузилабошлаши ўз ичидан бошланиб, бунинг сабаби қўшни бузуқ ҳавонинг келиб қўшилишидан, ёки кайфияти инсонларга маълум бўлмаган самовий сабаблардандир. Бундай ҳодисаларда ер остидаги уйларга, ҳамма томони девор билан ўралган уйларга ва турли ҳужраларга бекинмоқ керак бўлади.

Ҳавонинг сасиганлигини тузатувчи тутатқилар, тўпа-лоқ, кундур, марсин, атиргул ва сандал ёғочларидир. Вабо вақтида сирка истеъмом қилиш унинг офатларидан омон сақлайди. Бу тўғрида айтиш зарур бўлган сўзнинг тамомини хусусий касалликлар китобида айтаман.

**КАСАЛЛИКНИНГ БОШЛАНИШИДАН ХАБАР
БЕРУВЧИ БЕЛГИЛАР ПАЙДО БУЛГАНДА
КУРИЛАДИГАН ТАДБИРЛАР ҲАҚИДА**

Доимий хафақонга учрган кишига [табиб] тездан тадбир қилсин, токи тўсатдан ўлиб қолмасин. [Уйқуда қўрқиб] босинқираш ва бош айланиш кўпайса, қуюқ хилтни чиқариб ташлаш билан унга тадбир қилсин, токи у киши тутқаноқ ва сакта касалига учраб қолмасин! Гавдаси кўп учадиган кишига балғамни чиқариб ташлаш билан тадбир қилинсин, токи у тиришиш ва сакта касалига учрамасин. Шунингдек, [бирор кишида] сезгиларнинг ўтмаслиги ва ҳаракатларнинг заифлиги [гавданинг хилтга] тўлиқлиги сабабли узқққа чўзилса, ҳамда аъзоларнинг ҳаммаси карахтлашса унга балғамни чиқариб ташлаш билан тадбир қилинсин, токи у киши фалаж касалига учрамасин! Юзи кўп учган кишига миясини тозалаш билан тадбир қилинсин, токи [бу учини] юз фалажи касалига олиб бормасин!

Кўпинча юз ва кўз қизариб ёш оқса, кўз ёруғликдан қочса, шу билан бирга бош оғриғи бўлса, томирдан қон олиш, ичакни тозалаш ва буларга ўхшаш иложлар билан унга тадбир қилсин, токи сарсом касалига учрамасин. Сабабсиз гамгинлик ва қўрқиш кўпайса, куйган хилтнинг чиқариб ташланиши билан унга тадбир қилинсин, токи у киши меланхолия касалига учрамасин, Шунга ўхшаш юз қизариб, кўпчиб, ранг айнаса ва бу ҳол узоқ давом этса, мохов касали пайдо бўлиши хавфини кўрсатади. Гавда оғир бўлиб, чарчаб томирлар тўлса, томирдан қон олинсин, токи томирнинг ёрилиши, сакта касали ва тўсатдан ўлиш пайдо бўлмасин!

Юзда, кўз қовоқларида ва бармоқларда керикши зоҳир бўлса, жигар ҳолини тузатиш тадбири қилинсин, токи у киши истисқо касалига учрамасин!

Нажаснинг бадбўйлиги зўрайиб кетса, томирлардан чириб сасишликни кетказиш билан тадбир қилинади, токи у киши истисқо ва иситмага учрамасин! Бу тўғрида сийдик ишончли далил беради.

Гавдада чарчаш ва сирқираш аломати пайдо бўлса, иситма чиқишини тахмин қил!

Овқатга иштаҳа қолмаса, ёки у кўпайса, бирор касалликка далил бўлади. Хуллас, иштаҳа, нажас, сийдик, жинсий алоқани ишташ, уйқу, терлаш, гавда қичиши, сеҳн ўткурлиги, мазани сезиш, ё ихтилом [кечаси булғаниб қолиш]даги оддий ҳолнинг ўзгариши хоҳ

озайса, хоҳ кўпайса, ёки ўша ҳолнинг кайфияти ўзгарса, бирор касаллик бошланишидан дарак беради. Шунингдек, бавосир қонаши, ҳайз қони, қусиш, бурун қонаш, бузуқ ё тузук бир нарсани кўнгил тилаши каби ғайритабиий, аммо одат бўлиб қолган ҳоллар ўзгарса ҳам [бирор касалликдан дарак беради]. Чунки одатланган [иш] табиий каби бўлади, шунинг учун ёмон одатлар бирдан ташланмасдан, аста-секин ташланади.

Гоҳо баъзи хусусий касалликлар бошқа хусусий касалликлар борлигига далил ва аломат бўлади. Узоқ давом этувчи бош оғриғи ва *шақиқа* [мигрен] кўз қорачиғининг кенгайиши ва катарактани кўрсатади. *Кўзга* юз олдида майда пашшачалар ё бирон шундай нарса учган каби кўринса ва бу ҳол тайин ва доимий бўлиб, кўриш кучсизланса — бу катарактадан дарак беради.

Ўнг биқинда оғирлик ва оғриқ узоққа чўзилса, жигарда бир касаллик борлигига далил бўлади. Сийдикнинг одатдаги ҳоли ўзгариб, белнинг паст қисмида ва човда оғирлик ва тортишиш сезилса, буйракда бир касаллик пайдо бўлишидан дарак беради. Одатдан ташқари, рангсиз [оқарган] нажас сариқ касалидан хабар беради.

Сийдикнинг ачиштириб тушиши узоққа чўзилса, сийдик қопчасида ва эркаклик олатида яралар пайдо бўлаётганини билдиради. Ичкетиш вақтида орқа тешикнинг ачиши ичак шилиниши пайдо бўлганини кўрсатади. Қусиш билан бирга иштаҳасизлик бўлса, қорин дам бўлса, қўл ва оёқларда оғриқ пайдо бўлса, қуланж касалидан дарак беради.

Орқа йўлда қичишлар пайдо бўлиши, у ерда майда гижжалар бўлмаса, бавосир касали бошланишини кўрсатади. Чиқиқлар ва ёғли ўсмаларнинг кўп чиқиши кўп чипқон пайдо бўлишини билдиради. Темиратки қора *барас* [песнинг] пайдо бўлишини, *баҳақ* эса оқ *бараснинг* пайдо бўлишини кўрсагади.

САФАР ҚИЛУВЧИЛАР ТАДБИРИ ҲАҚИДА УМУМИЙ СЎЗ

Сафарга чиққан киши ўз уйида одат қилган нарсасидан ажрайди ва унга чарчаш ва ҳолсизлик етишади. Шундай вақтда унга турли касалликлар етишмасин учун ўзини даволатиши лозим. Айниқса, у ўз овқати ва чарчашликдан [сақланиш] ҳақида ўйлаши керак. Яхши моддалар, миқдори кўп бўлмаган овқатлардан истеъмол

қилиб озиқланиши керак, токи у овқат яхши ҳазм бўлсин ва чиқиндилар томирларда уйилиб қолмасин.

Сафар қилувчи кишининг тўйган ҳолда [от ва уловга] минмаслиги лозим, токи еган овқати бузилмасин ва кўп сув ичишга муҳтожлик туғилмасин, кўп сув ичса, еган овқати кўп чайқалиб қусишга ва ёзилишга муҳтожлик туғилади. Шунинг учун овқатланишни манзилга етгунча қолдириш лозим. Қуйида биз айтадиганимиз бошқа сабаблар бўлган ҳолларда бу [қондага амал] қилинмайди. Агар иложи бўлмаса, хоҳ сафар тунда бўлсин, хоҳ кундузи бўлсин, енгил нонушта қилиб, кейинчалик сув ичишга муҳтож бўлмаслик [тадбирини] кўриш керак.

Чарчаганликка чарчаш бобида айтилганларга амал қилган ҳолда чора кўриш керак.

Сафар қилувчи гавдаси қонга ёки бошқа [хил]га тўлиқ бўлатуриб сафар қилмаслиги, балки уни тозалаб, кейин сафар қилмоғи лозим. Агар [меъдаси бузилиб] сассиқ кекиришга учраса, очиқиб ухлаб меъда бузилишини тарқатиб, кейин сафарга чиқади. Сафарга чиққан кишилар ўзларининг одатланганларига қараганда енгил бадантарбияни аста-аста кўпайтиришлари зарур.

Йўлда уйғоқлик зарур бўлса, шунга аста-секин одат қилиш керак. [Шунингдек], йўлда оқлик ё ташналик, ёки бошқа шу каби ҳолат пайдо бўлишни тахмин қилса, ўшанга одат қилмоғи зарур. Сафарда истеъмоқ қилиниши тахмин қилинган овқатга одатлансин! Овқатнинг ҳажми кам, озиқлик қуввати зўр бўлиши керак, сабзавотларини, меваларини, сувли хилтни туғдирадиган нарсаларини истеъмоқ қилинмасин, лекин даволаниш зарурати учун биз келгусида чегаралайдиган миқдорда еса мумкин.

Кўпинча сафар қилувчи чидам билан очликка кўпинкишга мажбур бўлади, бу эса унинг иштаҳасини камайтиради. Бундай ҳолларда қовурилган жигар ва жигарга ўхшаш нарсалардан тайёрланган овқатлар ёрдам беради. Баъзан жигардан ёнишқоқ нарсалар, қиздирилган озиқли чарви мойи, бодом ёғи қўшиб кабоблар тайёрланади. Чарви мойидан, масалан, [мол] ёғи ишлатилади. Агар ўшандай кабобнинг биттасини ейилса, бир қанча замон очликка чидаш мумкин. Айтадиларки, агар киши бир ратл бинафша мойида озроқ мумни эритиб, уни қийруғий ҳолатига келтириб ичса, ўн кунгача овқат ейишни истамас эмиш. Шунингдек, кўпинча, ташналикка чидашга тайёрланишга ҳам тўғри келади. Бу вақтда

[сафарга чиқувчи] ўзи билан бирга қиладиган ташналикни босувчи нарсаларни олмоғи керак. Айниқса, семиз ўт уруғидан уч *дирҳам* миқдорда олиб сирка билан ичса [ташналикни босади].

Сафарга чиқувчи балиқ, ковул, тузланган нарсалар, ширинликлар каби ташна қилувчи овқатларни емаслиги, кам сўзлаши, секин юриши керак.

Суви кам ерда сувни сирка билан ичилса, бунинг озгинаси ташналикни босишда кифоя қилади. Шунингдек, испағул уруғининг ширасини ичиш ҳам ташналикни босади.

ИССИҚДАН САҚЛАНИШ, АЙНИҚСА, САФАРДА ВА ИССИҚДА САФАР ҚИЛУВЧИ КИШИ ТАДБИРИ ҲАҚИДА

Агар сафар қилувчи кишилар тадбирга роя қилмасалар, натижада кучсизланиб, қувватлари йўқолиб, ниҳоят ҳаракат қилолмай қоладилар ва уларга ташналик галаба қилади.

Кўпинча қуёш уларнинг мияларига зарар қилади, шунинг учун бошларини қуёшдан яхши бекитишга ҳаракат қилишлари керак. Шунингдек, сафардаги киши кўкрагини қуёшдан сақламоғи ва кўкрагига испағул уруғи шираси, семиз ўт суви каби нарсаларни суртиши лозим бўлади.

Иссиқда сафарга чиқувчилар баъзан йўл юришдан илгари арпа толқони, мевалар суви ва булардан бошқа нарсаларни истеъмол қилишга муҳтож бўладилар. Чунки бўш қорин билан йўл юрсалар, [моддаларнинг] эриб шимилиши уларни жуда кучсиз қилади, чунки уларнинг ўрнини босадиган нарсалар бўлмайди. Шунинг учун улар биз айтган нарсалардан бир миқдор ейишлари лозим ва қориндаги овқат чайқалмаслиги учун, меъдадан пастга тушгунча бир оз дам олишлари зарур.

[Сафар қилувчилар] ўзлари билан бирга гул ёғи ва бинафша ёғи олиб юришлари керак, вақт-вақти билан умуртқа устига ўша ёғлардан суртиб турадилар.

Иссиқдаги сафардан зарарланганларнинг кўпи совуқ сувда сузиш ва чўмилиш билан ўз ҳолига қайтади. Лекин [совуқ сувда] чўмилишга шошилмаслиги, балки озгина сабр қилиб, кейин аста-секин бошламоғи керак.

Гармселдан қўрққан киши бурун ва оғзини салла ва ниқоб билан бекитиб, бунинг машаққатига чидамоғи лозим. [Сафарга чиқишдан] аввал қатиқ билан пиёз

яхши тайёрлаб, ё кечаси қатиққа пиёзни тўғраб қўйиб ейилади. Пиёзни еб қатиқни ичмоғи лозим. Пиёз қатиққа солинишидан аввал жуда майда тўғралган бўлиши керак.

Яна гул ёғи ва қовоқ уруғи ёғини бурнига тортиб турсин! Чунки қовоқ ёғи гармсел зараридан сақлайди.

Гармсел теккан кишининг қўл ва оёқларига совуқ сув қўйилади, совуқ сув билан юзини ювилади, совуқлик сабзавотлардан едирилади, бошига гул ёғи ва тоғ ёғи каби совуқлик ёғларни, гулҳамишабаҳор шираси каби совуқлик шираларни суртиб, кейин ювилади.

Гармсел урган киши жинсий алоқадан сақлансин! [Иссиқ шамолнинг] зарарли таъсири босилгандан кейин шўр балиқ фойдалидир. Сув аралаштирилган шароб ҳам фойдалидир. Агар у кишида иситма бўлмаса, сув энг яхши овқатдир.

У кишидаги иситма чиришдан пайдо бўлмаган бўлиб, бир кунлик бўлса, ачиган қатиқ ичиш керак. Гармсел вақтида ташна бўлса, оғизни [сув билан] чайқани кифоя қилади, тўйиб ичмасин, тўйиб ичса, ётган жойида ўлади, [шунинг учун] оғзини чайқаш билан кифояланмоғи лозим бўлади. Иложи бўлмаса, ҳўплаб ичсин! Бу ҳоллар ўтиб, ундаги ташналик ҳаяжони босилгач, бемалол ичаберади. Агар сув ичишдан аввал гул ёғини сув билан қўшиб ичабошласа яхшироқ бўлади.

Хулоса: иссиқ урган киши салқин жойда бўлиши, оёғини совуқ сув билан ювиши, ташна бўлса, совуқ [сув]ни оз-оз ичиши ва тез ҳазм бўладиган нарса билан овқатланиши керак бўлади.

СОВУҚ ВАҚТДА САФАР ҚИЛУВЧИ КИШИНИНГ ВА СОВУҚ УРГАН КИШИНИНГ ТАДБИРИ ҲАҚИДА

Қаттиқ совуқда сафар қилиш керакли бўлган аслаҳа-асбоблар, озиқ ва кийимлар билан бўлса ҳам, жуда хавфлидир. Тайёргарлик бўлмагандаги хатар ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Сафар қилувчиларнинг қанчадан-қанчаси совуқ ва қор бўрони шиддатидан, бор кийим ва буюмларига ўралган ҳолда тиришиб, қотиб, кузоз ва *сактага* учраб ҳалок бўлиб кетдилар; уларнинг ўлими афъюн ва меҳриғиё ичиб ўлганларнинг ўлимини эслатади.

[Совуқ урган] кишиларнинг аҳволи ўлимга олиб бормаганда, кўпинча *булимус* деб аталадиган ютақинини

пайдо қилади. Бундай ва ўзга ҳолларда қилиниши зарур бўлган тадбирларни ўз жойида айтдик.

[Қаттиқ совуқда сафар қилувчиларга] энг муносиб тадбир бадан тешиklarини [қалин кийимлар билан] беркитиш, бурун ва оғизларини тўсатдан совуқ ҳаво киришидан сақлаш, қўл ва оёқларини биз тубанда айтадиган нарсалар билан эҳтиёт қилишдир.

Совуқда сафар қилувчи [манзилга] тушса, ўзини дарҳол иситмай, балки аста-секин исиниши керак; шошилиб оловга — гулханга бориши лозим эмас, балки оловга яқинлашмаслиги яхшироқдир. Уша вақтнинг ўзида яна йўлга тушиб, совуққа чиқишни мўлжалласа, у вақтда оловга яқинлашишдан сақланиши керак. Сафар қилувчи, башарти совуқ уни бўшаштириб, қувватини тушириб юбормаган бўлса, шу тадбирни қўллайди. Аммо совуқ унга таъсир қилган бўлса, дарров исиниш, қиздирувчи ёғлар билан, айниқса, тарёклик қуввати бўлган гулсапсар ёғи кабиларни суртиб ишқалаши зарурдир.

Совуқда сафар қилувчи оч ҳолда манзилга тушса ва иссиқ бир нарса [овқат] еса, иситмага ўхшаш ажиб бир ҳарорат пайдо бўлади.

Сафар қилувчилар учун совуқ қийинчиликларини осон қиладиган махсус овқатлар бор; улар шундай овқатларким, ичига кўп миқдорда са, имсоқ, ёнғоқ, хардал, ангуза солинган бўлади. Баъзан саримсоқ ва ёнғоқларни хушхўр қилиш учун ўша овқатларга сузма солинади. Айниқса, ўшандай овқатлар устига сув қўшилмаган шароб ичилса, юқоридаги овқатлар билан ёғ истеъмол қилиш ҳам лозим.

Совуқда сафар қилувчи киши йўлда оч бўлмаслиги керак. У тўйгунча овқат еб, сув ўрнига шароб ичсин. Булар қоринда жойланиб қиздиргунича сабр қилиб, кейин йўлга чиқмоғи керак.

Ангуза совуқдан қотган кишини қиздирувчи нарсалардандир, айниқса, унинг бир *дирҳамини* шаробга солиб ичилса. Тўла бир ичими бир *ратл* шаробга бир *дирҳам* вазнида қўшиб ичиш.

Совуқда сафар қилувчига махсус суртиладиган дорилар борким, улар баданни совуқнинг таъсиридан сақлайди. Булар жумласига зайтун ёғи ва бошқа ёғлар киради.

Совуқ ҳаво сабабли шамоллаган кишига саримсоқ жуда фойдалидир.

ОЕҚ ВА ҚҰЛНИ СОВУҚ ЗАРАИДАН САҚЛАШ ТУҒРИСИДА

Сафар қилувчи киши аввало қўл ва оёқларини қизигдича ишқалаш ва уқалаш, кейин гулсапсар ёғи, бон ёғи каби иссиқ хушбўй ёғларни суртмоғи керак. Майсавсан улар учун яхши суртиладиган нарсадир. [У ёғлар] бўлмаса, зайтун ёғи суртади. Айниқса, [зайтун ёғига] мурч, назла ўти, ё ангуза, ёки қундуз қири солиб суртса [қўл ва оёғини совуқдан сақлайди].

Қўл ва оёққа гальбан елими ва саримсоқ боғлаш совуқдан ҳақиқатан сақлайди. Улар бўлмаганида қитрон ишлатилади.

Маҳси ва қўлпоқ оёқ ва қўл қимирлаёлмайдиган даражада тор бўлиши тўғри эмас, чунки аъзонинг қимирлаб туриши, ундан совуқни қайтарувчи омилларнинг биридир. Сиқилган аъзога совуқ қаттиқ таъсир қилади.

Агар [қўл ё оёқни] қоғоз, юнг, ё қил билан ўралса, бу уларни жуда яхши сақлайди.

Агар совуқ енгиллашмай туриб ва совуқдан сақлашнишга тузук бир тадбир кўрилмай туриб, оёқ ё қўл совуқни сезмас бўлиб қолса, билгилки, бу чин ҳис эмас ва совуқ ўз таъсирини кўрсатган бўладикки, бундай ҳолда ҳозир биладиган нарса билан тадбир қилинсин!

Совуқ маълум аъзога таъсир қилиб, ундаги туғма ҳароратни ўлдирса, аъзодан шимилувчи нарсани аъзонинг ўзида қолдириб чиришга олиб борса, бунга яралар бобида, айниқса, ёмон сифатли еювчи яралар бобида айтилган тадбирни қилишга тўғри келади. Аммо совуқ уриб ҳали [аъзони] чиритмаган бўлса, балки аъзо ўз йўлида [ишлаётган] бўлса, энг яхши тадбир ўша аъзони қор сувига ёки анжир қайнатилган сувга солишдир. Қарам суви, райҳонлар суви, укроп суви ва мойчечак суви ҳам фойдалидир.

Тардуғ суртиш ҳам фойдали; дармана суви, ялпиз суви, тошчўп суви ва шолғом боғлаш жуда манфаатлидир. [Совуқ урган аъзони] оловдан ва унинг таъсиридан четламоқ, дарҳол юриб оёқни ва қўлни ҳаракатлантирмоқ, ҳаракат қилдириб ишқамоқ, кейин биз айтган каби артиб, бирон нарса суртиш ё [суяқ дори бўлса] қуйиш зарур бўлади.

Маълум бўлсинки, совуқда қўл ва оёқни солинтириб ҳаракатсиз қимирлатмай қўйиш совуқнинг таъсир этишига имконият берувчи сабабларнинг энг кучлисидандир.

Баъзи кишилар совуқ урган аъзони совуқ сувга солиб, шундан манфаатланади; гўё, совуқнинг таъсири ўша аъзодан чиқади; масалан, яхлаган мевани совуқ сувга солинганда ундан ях чиққани каби. [Бунинг] натижасида мева текис юмшайди. Агар ўша мевани оловга яқинлаштирилса, бузилади. Аммо бунинг қандай бўлишлигини [билиш] табибга шарт эмас.

Агар қўл ё оёқни [совуқ уриб], ранги айниса, унга ништар уриб, қонини оқизмоқ керак; ништар урилган ерда қон тўхтаб қолмасин учун ўша аъзони иссиқ сувга солиниб, қон ўзи тийилгунча ўз ҳолига қўйилади. Кейин арман лойини сув аралаштирилган сиркага қориб суртилади. Ана шулар аъзонинг бузилишини тўхтатади. [Даволанишнинг] бошида ҳам, охирида ҳам қитрон фойда беради. Агарда аъзо қорайиб, кўкариб бузила бошласа, бузилган аъзони тезлик билан кесиб ташлаш керак, токи ёнидаги соғлом бўлакни ҳам бузмасин.

САФАРДА (БЕТ) РАНГИНИ САҚЛАШ ҲАҚИДА

Юзга ёпишқоқ ва ўзида ёпиштириш қуввати бор нарсаларни суртиш керак. Масалан, испағул шиллиги, кийикпанжа шиллиги, сувда эритилган *катино*, сувда эритилган араб елими, тухум оқи ва сувда ивитилган қоқ оқ нон. Каритон кўрсатган кулчани суртилади. Аммо [тери] шамол, совуқ ё қуёш таъсиридан ёрилса, унинг тадбирини зийнат бобидаги сўзлардан қидир!

САФАР ҚИЛУВЧИНИНГ ТУРЛИ СУВЛАР ЗАРАРИДАН САҚЛАНИШИ ҲАҚИДА

Ҳақиқатда сафар қилувчи турли овқатларга қараганда кўпроқ турли сувларни ичишдан ҳар хил касалликларга дучор бўлади. Шунинг учун бунга аҳамият бериб, сувларни тузатиш чорасини кўриш зарур. Сувни сузиб тинитиш, сополдан сиздириб ўтказиш ва қайнатиш шу жумладандир. Биз юқорида баён қилганимиздек, бу [тадбирлар] ҳақиқатан сувни тинитиб тоза сув моддасини сувга аралашган нарсалардан ажратади.

[Сувни тозалаш] тадбирининг энг яхшиси уни булантириб ҳайдашдир. Кўпинча юнгдан пилик ясалиб, унинг бир учини [ифлос сув] тўлатилган идишга, иккинчи учини эса бўш идишга солиб қўйилади. Шунда бўш

идишга сув томчилаб тушади; бу сувни тозалашнинг яхши усулларидан биридир; айниқса, буни бир неча бор такрорланса. Шунингдек, аччиқ ва ёмон сувни қайнатилиб, ичига тоза соз тупроқ ва юнгдан ясалган коп-токлар солинади, кейин уларни олиб сиқилса, аввал-гисидан яхши сув сиқилиб тушади. Ёмон кайфиятга эга бўлмаган тоза соз тупроқни, айниқса, офтобда куйган [тупроқни] солиб, сувни чайқатилса ва кейин сузилса, сувнинг бузуқлиги кетади.

Агар сувнинг бузуқлиги унинг етарли шимилмаслигидан иборат бўлса, уни шароб билан қўшиб ичиш бузуқлигини қайтаради. Шунга ўхшаш сув кам бўлиб, топилмайдиган бўлса, айниқса, ёзда, уни сирка билан қўшиб ичмоқ керак. Бу кўп сув ичишдан сақлайди.

Шўр сувни сирка ёки сиканжубин билан ичмоқ керак. Шўр сувга жингак, мирта уруғи, дўлана солиш ҳам зарур бўлади.

Аччиқ тошли — какра сув устидан ички юмшатовчи нарса ичилиши керак бўлади. Унинг устидан шароб ичиш ҳам фойдалидир.

Аччиқ сув устидан ёғли нарсалар ва шприликлар истеъмол қилинади. Аччиқ сувни гулоб билан ҳам аралаштириб [ичилади]. [Аччиқ сув] ва унга ўхшаш ичимликлардан аввал нўхат ивитилган сувни ичиш уларнинг зарарини йўқотади. Нўхатнинг ўзини ейиш ҳам шундай таъсирга эга.

Тўқайларда туриб қолиб сасиган илиқ сувлар билан иссиқлик овқатлар ейилмаслиги, балки беҳи, олма, ровоч каби нордон совуқлик мевалар ва сабзавотлар истеъмол қилиниши зарур бўлади.

Жуда лойқа сув устидан саримсоқ ейилади. Яман аччиқтоши бундай [лойқа сувларни] тинитувчидир. Пиёз турли бузилган сувларнинг бузуқликларини йўқотувчи нарсалардан ҳисобланади. Ҳақиқатан пиёз, айниқса, сирка билан ўлдирилган пиёз ва, шунингдек, саримсоқ, шундай сувлар учун тарёқдир.

Сутчўп ҳам совуқлик нарсалардандир.

Турли-туман сувларни учратувчи кишилар ўз шаҳарлари сувидан ўзлари билан бирга олиб юриб, унга келган жойларининг сувини аралаштириб ичишлари керак. Ҳар манзилнинг сувидан қолган қисмини олиб, уни келган манзилнинг суви билан аралаштириш керак. Мўлжалланган жойга етгунча шундай қилиш энг яхши тадбирдир.

Шунингдек, ўз шаҳрининг тупроғидан олиб юриб, келиб тушган ерининг сувига аралаштириб чайқатиб, кейин тингунича қўйилади.

Сувни сузғич [ёки бўз] орқали ичмоқ лозим. Бу [тадбир] зулук ва ёмон қоришмаларни билмасдан ютиб юбормаслик учундир.

Сафарда турли сувларга аралаштириш учун нордон қиёмларни олиб юриш ҳам яхши тадбирдир.

ДЕНГИЗДА САФАР ҚИЛУВЧИ КИШИНИНГ ТАДБИРИ ҲАҚИДА

Денгизда юрувчида гоҳо [бош] айланиш, кўнгил айнаш, қусиш пайдо бўлади. Бу ҳол дастлабки кунларда бўлиб, кейин [тинчиб] босилади: кўнгил айнаши ва қусишни тўхтатишга уришиш керак эмас, балки ўз ҳолига қўйилади ва қустирилади. Агар қусиши жуда кўпайса, уни тўхтатилади.

Аммо қусиш пайдо бўлмаслиги учун чора кўришнинг зиёни йўқдир. Бу беҳи, олма, анор каби меваларни ейиш билан бўлади. Петрушка уруғини истеъмол қилинса, кўнгил айнашни қайтаради, айнаган бўлса, босади; эрман ҳам шундай таъсирга эга.

Меъданинг оғзини бақувват қилиб, бугларнинг бошга кўтарилишини қайтарувчи нордон нарсалар билан овқатланиш кўнгил айнашни қайтаради. Нордонлар қаторига ясмиқ билан сирка, узум ғўраси, оз миқдордаги ялпиз, тоғжамбил ва хушбўй шаробга тўғралган нон ва тоғжамбил ивтилган совуқ сув қиради.

[Кўнгил айнашини қайтариш учун] бурун ичига кўрғошини уласини суртиш керак.





УМУМИЙ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ ТУҒРИСИДА

ДАВОЛАШ ТУҒРИСИДА УМУМИЙ СЎЗ

Биз айтамызки, даволаш иши уч нарса билан тугал бўлади. Биринчиси, тадбир [режим] ва озиқлантириш. Иккинчиси, дориларни истеъмол қилиш. Учинчиси, қўл билан бажариладиган ишлар. Тадбир сўзидан одатда бор бўлган саноқлик омилларни тартибга солишни тушунамиз; овқат ҳам шулар жумласидандир. Тадбир туғрисидаги ҳукмлар кайфият жиҳатидан даволарнинг ҳукмларига муносибдир. Лекин тадбирнинг бир қисми бўлган овқатланишнинг миқдор жиҳатидан ўзинга хос ҳукмлари ҳам бордир, овқат гоҳо ман қилинади, гоҳо [миқдорини] ўртача қилинади ва гоҳо кўпайтирилади.

Овқатни камайтиришга ва ман қилишга ўткир касалликларни даволаганимизда кўпроқ муҳтож бўлинади. Эски касалликларда ҳам гоҳо овқатни камайтирамыз, лекин бу — ўткир касалликлардаги камайтиришимизга нисбатан камроқдир. Чунки эски касалликларда биз кўпроқ қувватга эътибор берамиз. Биз биламызки, эски касалликларнинг буҳрон узоқ ва уларнинг [тугалланиши] ҳам узоқдир. Агар қуввати сақланмаса, буҳрон вақтигача унинг турғунлиги кифоя қилмайди ва узоқ муддатда етиладиган нарсани етилтиришга етишмайди.

Овқатлар озиқли бўлиши жиҳатидан яна икки хусусиятга эга. У икки хусусият: 1) ўзлашишнинг тезлиги, масалан, шароб каби ва секин ўзлашиш, масалан, қовурилган гўшт ва қовурилган бошқа овқатлар каби; 2) кам оқувчан қуюқ қон пайдо бўлиши. Масалан, бу чўчқа ва бузоқ гўшtidан тайёрланган овқатдан; ёки тез таралувчи суюқ қоннинг пайдо бўлиши. Бу эса шароб ва анжир каби овқатдан вужудга келади.

[Касалдаги] ҳаётий қувватнинг камайишининг олдини олмоқчи бўлганимизда ва вақт ёки [касалнинг] қуввати ҳазми суст овқатни сингдиришга етарли бўлмага-

нида тез сингувчи овқат беришга муҳтож бўламиз. Агар илгари секин ҳазм бўлувчи овқат берилган бўлса, кейинидан тез ҳазм бўлувчи овқат беришдан сақланамиз; бу вақтда овқатлар аралашиб, биз юқорида баён қилган ҳол келиб чиқишидан қўрқамиз.

Дорилар билан даволашнинг учта қонуни бор. Биринчиси, дориларни кайфиятига қараб, яъни иссиқлик ё совуқлик, ҳўллик ё қуруқлигига қараб танлаш қонуни. Иккинчиси, дориларнинг миқдорини сайлаш қонуни; бу иккинчи қонун дориларнинг оғирлигини ўлчаш қонунига ва [дорилар] кайфиятини ўлчаш, яъни иссиқлик, совуқлик ва бошқаларнинг даражасини [аниқлаш] қонунига бўлинади. Учинчиси, дориларни [истеъмом қилиш] вақтини аниқлаш қонуни.

Дориларни умуман кайфиятига қараб сайлаш қонунига келсак, касалликнинг турини аниқлаш бу ишда тўғри йўлни кўрсатади, чунки касалликнинг кайфияти билинганда кайфиятда унга тескари бўлган дорини сайлаш зарур бўлади. Чунки касаллик унга зид нарса билан даволанади, соғлиқ эса ўзига мос нарса билан сақланади.

[Аъзоннинг] турган еридан фойдаланиб, уч нарсага аҳамият берилади: биринчидан, аъзоннинг [дори ишла-тиладиган ердан] узоқ ва яқинлигига. Агар меъда каби яқин бўлса, мўътадил дорилар озгина фурсатда унга етади ва ўз қувватини сақлаган ҳолда у ерда ўз ишини қилади. Агар аъзо ўпка каби узоқ бўлса, мўътадил дориларнинг қуввати у аъзога етишдан бурун бузилиб, [дори] қувватини кўпайтиришга муҳтож бўлинади. Яқин аъзога борадиган дорининг қуввати ўша аъзодаги касалликка қарши турарли миқдорда бўлиши зарурдир. Агар аъзо билан дори ўртасида узоқлик бўлиб, касалликка таъсир қилиш учун дорининг ниҳоят қувватли бўлиши зарур бўлса, бу вақтда дори қувватининг керагидан кўпроқ бўлишига муҳтож бўлинади, масалан, ирқуннасо ва бошқа касалликларда қўйиб бойланадиган дорилар.

Иккинчидан, дориларни аъзога тез етказиш учун унга нима қўшмоқ кераклигини аниқланади, масалан, сийдик аъзосининг дориларига сийдирувчи нарсаларни, юрак дориларига заъфаронни қўшилади.

Учинчидан, дорининг касал аъзога қай томондан етишишини билинади, масалан, яранинг қуйи ичакларда эканини билсак, дорини ҳуқна билан етказамиз. Ёки

юқори ичакларда эканини тахмин қилсак, ичириш билан етказамиз.

Аъзонинг қувватига яраша [дори бериш] уч йўл билан бўлади. Биринчи йўл, аъзонинг бошқарувчи ва бошланғич эканлигини рия қилиш, чунки бошқарувчи аъзони хатар остида қолдирмаслик учун мумкин қадар кучли дориларни ишлатмаймиз, чунки у вақтда зарарни бутун гавдага умумлаштирган бўламиз. Шунинг учун миядан ва жигардан олиб ташланиши керак бўлган нарсани у иккисидан бир дафъада олиб ташламаймиз ва албатта, иккаласини қаттиқ совитиб ҳам қўймаймиз. Жигарга моддани тарқатувчи дориларни боғлаб ишлатмоқчи бўлсак, у дориларга жигар қувватини сақлаш учун буруштирувчи хушбўй нарсани қўшамиз. Шунга ўхшаш ичирадиган нарсамизни ҳам шундай қиламиз. [Бундай қоида] қўлланиладиган аъзоларнинг муҳимлари [аввало] юрак, кейин мия, кейин жигардир.

Иккинчи йўл, аъзоларнинг ҳамкорлигига рия қилиш, гарчи у меъда ва ўпка каби бошқарувчи бўлмаса ҳам. Шунинг учун иситмаларда меъда кучсиз бўлса, жуда совуқ сувни ичирмаймиз. Билгилки, сўзнинг хулосаси бошқарувчи аъзога ва уларга ёндош аъзога фақат бўшаштирувчи нарсаларни ишлатиш жуда хатарлидир.

Учинчи йўл, сезгининг ўткир ва ўтмаслигига рия қилиш. Сезгиси ўткир ва асабларга бой бўлган аъзоларни сутли ўтлар ва бошқа шунинг каби ёмон кайфиятли, ачитувчи, оғриқ берувчи дорилар истеъмолидан, албатта, сақланмоқ зарур.

Истеъмолидан сақланадиган дорилар уч синфдир: эритиб тарқатувчи, қуввати билан [аъзони] совутувчи, зангорқалай упаси, куйдирилган мис каби қарама-қарши кайфиятли дорилардир. Аъзонинг табиатига қараб дори танлашнинг тафсили ана шудир.

Яна айтамыз, [дориларнинг] керагини ишлатиш ёки уни енгиллатиш кечиктирилганда касаллик хатарли бўлса ва қувват тушиб кетадиган бўлса, аввалданоқ кучли илож ишлатилади. Агар [касалликлар] хатарсиз бўлсаю енгил [тадбир] кифоя қилмаса, аста-секин кучлигини ишлатишга ўтилади.

Тўғри [тадбирни] ишлатмасликдан сақлан, чунки унинг таъсири кечикади. Хато тадбир устида туриб олишдан ҳам сақлан! Чунки бунинг зарарига тадбир қилиб бўлмайди. Шу билан бирга биргина дорини ишлатаберишинг зарур эмас, балки дориларни алмаштириб

тур! Чунки бир хил дорига ўрганган [касаллик] у доридан таъсирланмайди. Ҳар гавда, балки ҳар аъзо, балки бир гавда ва бир аъзо маълум бир вақтда бирор доридан таъсирланади, бошқа вақтда таъсирланмайди.

Қасаллик оғриқ билан ё оғриқ каби нарса билан, ёки зарба ва йиқилиш каби оғриқ билан алоқадор [ҳодиса] билан қўшилса, оғриқни тўхтатиш билан иш сошла! Агар оғриқни сустлантиришга муҳтож бўлсанг, кўкнор каби нарсани [кўп] истеъмол қилдиришга ўтма, чунки у оғриқни сусайтириш билан бирга одатланиб ейиладиган бўлиб қолади.

Билгинки, нафсоний ва ҳаётий қувватларни кучайтирувчи нарсалардан ёрдам олиш таъсирли ва яхши даволардандир; масалан, хурсандлик, яхши кўрган нарсани учратиш, хушчақчақ кишининг суҳбатида бўлиш. Баъзан мардонавор ва салобати босадиган кишилар суҳбатида бўлиш фойда қилиб, касални баъзи зарар қиладиган нарсалардан тияди.

Бир шаҳардан иккинчи шаҳарга, бир ҳаводан иккинчи ҳавога, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга кўчиш ҳам ўша турдаги даволарга яқин тадбирлардандир. Қасалга аъзосининг тузалишига сабаб бўладиган ва уни ўз табиий ҳолатига қайтарадиган ҳолатга ўтиш ва шунга мос ҳаракатлар қилиш таклиф этилади. Масалан, ғилай болага равшан ва ярқираган нарсага қаттиқ тикилиб қараш буюрилади. Юз фалажига учраган кишига хитой ойнасига қараш таклиф қилинади, чунки бу таклифлар қийналиш билан бўлса ҳам юзни ва икки кўзни тўғрилашга олиб келади; баъзан шундай йўл билан касал тузалади.

Қуйидагилар сен эсда тутишинг лозим бўлган қондалар жумласига киради: кучли фаслларда кучли даволаш усулларини мумкин қадар қўлланмаслик керак; масалан, ёз ва қиш фаслларида кучли сурги қилиш, доғлаш, ярани ёриш ва қустириш [каби чораларни қўлламаслик керак].

МИЗОЖ БУЗИЛИШИ ҚАСАЛЛИКЛАРИГА ҚИЛИНАДИГАН ДАВОЛАР ҲАҚИДА

Бузуқ мизож модда [ёмон хилт] сиз бўлса, фақат уни ўзгартиришга ҳаракат қиламиз. Агар моддали бўлса, уни чиқариб ташлаймиз. Баъзан агар илгари ўрнашиб олган бузуқ мизож бўшатишдан кейин қолмаса, шу бўшатишнинг ўзи бизга кифоя қилади. Агар кейин

[ҳам] қолса, бўшатишнинг ўзи кифоя қилмайди, балки бўшатишдан қутилиб мизожни ўзгартириш лозим бўлади.

Яна айтамыз: бузуқ мизожнинг давоси уч турли бўлади. Биринчидан, бузуқ мизож мустаҳкам [ўрнашган] бўлиб, унинг иложи мутлақо тескариси билан бўлади, бу мутлақ даволаш дейилади. Иккинчидан, бузуқ мизож пайдо бўлиш чегарасида турган бўлади, уни тузатиш — сабабини тўхтатиб туриб олдини олиш орқали даволаш билан бўлади. Учинчидан, бузуқ мизож келгусида пайдо бўладиган бўлади. Бунда фақат сабабини қайтаришга муҳтож бўлмайди, ана шуни [касалликнинг] олдини олиш [профилактика] деб аталади.

Касалликлардан бирида сенга мушкуллик туғулиб, сабаби иссиқлик ва совуқлик экани ноаниқ бўлса ва сен уни текшириб кўрмоқчи бўлсанг, ортиқча зўр даражали нарса билан тажриба қилма; шунингдек, тажрибанг билан пайдо бўладиган қўшимча [аразий] ҳодисалар сени алдамасин!

Билгинки, мизожни совутиш билан уни иссиқ қилишнинг муддати баробар, лекин совутишда хатар кўпроқ, чунки иссиқлик [инсон] табиатига дўстдир. Мизожни ҳўл ва қуруқ қилишдаги хатар баробар бўлиб, лекин ҳўллаш муддати узунроқдир.

Ҳўллик ва қуруқликнинг ҳар бири сабабларини кучайтириш билан сақланади ва қарама-қарши сабабларини кучайтириш билан ўзгартирилади.

Мизож иссиқлигининг ошиб кетганига теқилмани очиш билан муолижа қилувчи [табиб] ўтакетган совутишдан сақланиши керак, токи теқилган нарсанинг қаттиқлиги кўпайиб кетмасинки, бунинг натижасида иссиқ бузуқ мизож яна кўпаяди. Балки юмшоқ тадбир қилиш керак: аввало арпа суви ва сачратқи суви каби тозаловчи [жоли] ва совутувчи нарсалар билан муолижа қилади. Агар бу нарсалар кифоя қилса, жуда яхши; бунга қаноат қилмаса, мўътадил нарса билан муолижа қилади, бунга ҳам қаноат қилмаса, енгил қиздирувчи нарса билан муолижа қилади, бундан кўрқмаслиги керак, чунки бунинг теқилмаларни очиб, мизожни совутишдаги фойдаси бостирилиши осон иситишидаги зарардан кўпроқдир. [Ҳароратни] ортиқ даражада сўндирилиши ўткир хилтларни етилтиришга қаршилиқ қилади.

Совуқ мизож мустаҳкам бўлиб қолса, уни иссиққа айлантириш қийиндек кўринади. Бошланишида эса уни

иссиққа айлантириш жуда осон. Хулоса, бошланғич ҳолдаги совуқликни иссиқ қилиш, бошланғич ҳолдаги иссиқликни совуқ қилишдан осонроқдир. Лекин охирига етган иссиқликни совитиш қийин бўлса ҳам, охирига етган совуқликни иситишдан осонроқ. Чунки ошиб кетган совуқлик табиатнинг ўлиmidир, ёки уни ўлимга олиб келувчисидир.

Билгинки, қари киши [нинг мизожи] совитиш ва ҳўллашга муҳтож бўлса, уни муътадил даражага қайтариш кифоя қилмайди, балки уни илгари ўзида бўлган совуқ, ҳўл мизожга ўтказиш керак. Чунки бу мизож унда кейин пайдо бўлган [яъни аразий] бўлса ҳам, табиий каби бўлиб қолган.

Мизожни ўзгартиришда дори кўпинча кучли таъсирга эга бўлади, лекин суюқлиги сабабли ўз таъсирини ўтказишга етарли бўлган вақт давомида тўхтаб туролмайди. Шундай вақтда ўша дорининг таъсирига зид бўлса ҳам, уни қўйилтириб ушлаб турувчи нарса аралаштириш керак бўлади. Масалан, бальзам дарахти ёғига у ўз таъсирини кўрсатгунча аъзода тўхтаб туриши учун мум ва бошқа нарса аралаштирилади.

ҚАНДАЙ ВА ҚАЙСИ ВАҚТДА БУШАТИШ (ИСТИФРОФ ҚИЛИШ) КЕРАКЛИГИ ТУҒРИСИДА

Бўшатилишдаги ҳукмнинг тўғрилигига далил бўладиган нарсалар ўнтадир: тўлиб кетиш [имтило], қувват, мизож, муносиб ҳолатлар, масалан, сурги қилдирмоқчи бўлган кишининг табиатида ичкетиш бўлиб турмаган бўлиши керак, чунки ичкетиш устига сурги, албатта, қўрқинчлидир, — ташқи кўриниш, ёш, фасл, шаҳар иқлимининг хусусиятлари, бўшатилишга одат қилинганлиги ва [касалнинг] касби.

Шу [ўн нарса] бўшатилишга тескари далиллар берса, бўшатиш ман қилинади. Баданнинг [чиқиндилардан] бўшлиги ва, шунингдек, уч қувватдан қайсиси бўлса ҳам бирининг заифлиги бўшатишни, албатта, ман қилади, лекин биз баъзан қувват заифлигини бўшатишни тарк этиш зараридан ортиқ кўрамиз; ҳис ва ҳаракатга тегишли қувватларда қўрқинчли бир иш воқе бўлганда чора қила олсак [бўшатишга буюраверамиз]. Бошқа ҳамма қувватларда ҳам ҳукм шу.

Иссиқ қуруқ мизожда бўшатиш ман қилинади. Совуқ ҳўл мизожда ҳам иссиқликнинг йўқлиги ёки кучсиз-

лиги туфайли бўшатиш ман қилинади. Аммо иссиқ хўл [мизожда бўшатишга] кенг рухсат берилади.

Ташқи кўринишга келсак, агар киши жуда озғин ва [бадани] ғовак ва бўш бўлса, руҳи ва қуввати тарқалишидан кўрқиб бўшатиш ман қилинади. Шунинг учун ориқ, кучсиз, қонида сафроси кўп кишига тадбир қилсанг, унга бўшатишни қўлламасдан, дори билан тадбир қилишинг ва совуқ ҳам хўллик томонига олиб борадиган яхши қон пайдо қилувчи нарсалар билан овқатлантиришинг керак.

Ўтакетган семизликда ҳам бўшатиш ман қилинади, бунда совуқнинг ғалаба қилиш хавфи ва гўштнинг томирларни сиқиши ва бўшатиш вақтида уларни бекитиш хавфи бор. Бундай вақтда иссиқлик қамалиб қолади ёки чиқиндилар ички аъзоларга қўйилади.

Қаттиқ иссиқ ва қаттиқ совуқда ҳам [бўшатиш] ман қилинади. Жануб томонда бўлган жуда иссиқ мамлакатлар ман қилувчилардандир, чунки сурги дориларнинг кўпчилиги иссиқлик бўлиб, икки иссиқ ва тортувчининг бирга келишига чидаб бўлмайди; бу ҳолда қувватлар кучсизланади, ташқаридаги иссиқ [ёмон хилтни] сиртга, дори эса ичга тортади, натижада қарама-қарши тортишув бўлиб, хилт ўз жойида туриб қолади. Шимол томоннинг қаттиқ совуғи ва бўшатилишга кам одат қилинганлик ҳам бўшатилишни ман қилади.

Кўп терлаш билан алоқали бўлган касб, масалан, ҳаммом ходими ва ҳаммоллик ва умуман оғир меҳнат билан алоқали бошқа касбларда ҳам бўшатиш ман қилинади.

Ҳар бир бўшатишда қуйидаги беш нарсани назарда тутиш керак бўлади.

I. Бўшатилиши лозим бўлган нарсани чиқариш, бу хил бўшатилишдан кейин, албатта, роҳат келади, лекин роҳат сезилмаса, бўшалиш орқасидан ичакларнинг чарчаши, иссиқлик қўзғолиши, бир кунлик иситма, ёки албатта келувчи бошқа касаллик, масалан, сургидан ичакларнинг шилиниши ва сийдик ҳайдовчи доридан қовуқнинг яраланиши каби касалликлар пайдо бўлган бўлади. Натижада бундай бўшалиш фойда қилса ҳам, у сезилмайди. Лекин бу ҳолатлар тезда йўқолиб кетадилар.

II. Қайси тарафдан бўшатиш кераклигини ўйлаб керак, масалан, кўнгил айнашда қустирини билан ва ичак оғриғида сурги билан тозаланади.

III. Бўшатиладиган [нарсаси] чиқадиган жойда ту-

рувчи аъзони аниқлаш керак. Масалан, жигар касалликларида ўнг қифолни эмас, балки ўнг бослиқни танланади.

Агар [табиб] шу қаби нарсаларда хато қилса, хатарли ҳоллар юз бериши мумкин.

IV. Бўшатиш вақтини [билиш] Жолинуc аниқ қилиб айтганки, эски касалликларда хилтнинг етилишини албатта кутиш керак. Етилиш нима эканини эса сең билдинг. Бўшатишдан аввал ва етилишдан кейин [касалга] зуфо, тоғжамбил ва бошқа ўсимлик уруғларининг суви қаби [хилтни] суюлтирувчи нарсалар ичирилиши зарур бўлади.

V. [Гавдадан] чиқариладиган [модда] миқдорини белгилаш. Бу эса ёмон хилтнинг қанча эканини, [кишининг] қувватини ва бўшатишдан кейин келадиган ҳолатларни кўзда тутиш билан ҳосил бўлади. Бўшатишдан сўнг бирор далил пайдо бўлса, чиқариладиган модда ҳажмини, шу далилни йўқотиш учун керак бўлган даражада камайтириш керак.

Ёмон хилтларнинг чиқарилишини энг осони томирларда тўпланганларидир. Аммо аъзо ва бўғинлардаги [моддаларнинг] чиқарилишлари ва бўшалишлари гоҳо қийин бўлади. Чунки кейинги ҳолда бўшатишда бошқа моддалар ҳам қўшилиб чиқиб кетади.

Бўшатишни бажарган киши [касалга] кўп миқдорли ва хом овқатларни беришга шошилмаслиги керак, бу ҳолда табиат у овқатларни ҳазм бўлмаган ҳолда қабул қилади; агар [овқат ейиш] зарур бўлса, кам-кам бўлиб ейилиши керак, шунда гавдада яхши ҳазм бўлади.

Томирдан қон олиш ортиқчаси бор ҳамма хилтларга хос бўшатишдир. Аммо кўпайган ё кайфиятида бузилиш бўлган биргина хилтга хос бўшатиш қон олиш бўлмай, бошқа дир.

ҚУСТИРИШ ВА СУРГИГА ТААЛЛУҚЛИ УМУМИЙ ҚОИДАЛАР ВА СУРГИ, ҲАМ ҚУСТИРУВЧИ ДОРИЛАРНИНГ ТОРТИБ ЧИҚАРИШ КАЙФИЯТИНИ КўРСАТИШ ҲАҚИДА

Сурги ичувчи ва қусмоқчи бўлган киши овқатини бир қанча бўлакка бўлиб, бир кунга кифоя қиладиган миқдордагисини бир неча марта ейиши керак. Овқатини турлича [навли] ва ичадиган нарсаларини ҳам турлича қилмоғи керак. Чунки шу ҳолда меъдада ўзидаги нарсани юқорига ё қуйига юбориш истаги пайдо бўлади.

Тури бошқа бўлмаган овқат устига ейилган овқатга меъда бахиллик қилиб, қизганиб, уни ўзида қаттиқ ту-тади, айниқса, миқдори оз бўлса.

Иш юмшоқ кишининг бу нарсаларни қилиши керак эмас.

Билгинки, ўзига яхши тadbир қилувчи кишининг қайтга сурги ишлатишга ҳожати қолмайди. Чунки яхши тadbирли киши енгилроқ нарсага муҳтож бўлади. Баъзан у кишига бадантарбия, уқалаш ва ҳаммомга тушиш кифоя қилади. Сўнгра [яхши тadbирли кишида] гавда тўлиқлиги бўлса, бу кўпроқ хилтларнинг энг яхшисидан, яъни қондан булади. Шу вақтда баданни тозалаш учун қон олдириш керак, сурги керак эмас. Агар қон олиш ёки ҳарбақ ва бошқа кучли дорилар билан бўшатиш зарур бўлса, аввало қон олиш керак бўлади.

Ҳар бир бўшатишга ўтакетган тўлиб кетиш туфайли муҳтож бўлинавермайди, балки гоҳо касалликнинг зўрлиги ва миқдор билан эмас, балки кайфият билан бўлган гавда тўлиқлиги туфайли муҳтож бўлинади.

Кўпинча яхши тadbир қилиш ўз вақтида лозим бўлган қон олишдан озод қилади.

Кўпинча бўшатиш зарур бўлатуриб унга бирор мене пайдо бўлади, шу вақтда рўза тутиш, ухлаш ва тўлиб кетишдан пайдо бўлган мизож бузуқлигига қилинадиган тadbирдан бошқа ҳеч [тadbир] бўлмайди.

Сурги ва қайтдан олдин чиқариб ташламоқчи бўлган хилтни суюлтириш, йўллари кенгайтириш ва очиш зарур бўлади. Чунки шундай қилиш гавдани тинчлантириб чарчашга қўймайди.

Билгинки, кучли дориларни ишлатишдан илгари иччи юмшоқликка ва исталган сурги ё қайтга одатлантириш ажойиб тadbирларнинг биридир.

Қорин девори озиб кетган кишилар учун сурги ва қайт қийин, беҳол қилувчи ва хатарлидир.

Гавдаси [ёмон хилтлардан] тоза бўлатуриб, сурги ва қайтга уринган кишида бош айланиш, ичак оғриги ва юрак сиқиши пайдо бўлади ва бўшалчш жуда қийинлик билан бўлади. Хулоса шуки, дори чиқиндиларни чиқариб турганида умумий аҳвол бузилмайди, агар бетоқатлик пайдо бўлса у, албатта, чиқиндидан бошқа нарсаларнинг сурилганидан дарак беради.

Сурги ва қайтдан кейин уйқу қаттиқлашса, бўшати-лиш ва қайт баданни етказиб тозалаганига ва фойда қилганига далил бўлади.

Билгинки, сурги ва қайт вақтида ташналик зўрайса, уларнинг етук даражада бўлганига ва [гавданинг] яхши тозаланишига далил бўлади.

Билгинки, сурги ва қайт дорилари ичилганда хилтлар чиқариладиган йўлга тортилиб, охирда ичакларга борадилар ва шу ичакларда табиат уларни сиртга чиқаришга ҳаракат қилади. Хилтлар учун [сурги] дори ичилганда уларнинг меъдага (тортилиб) кўтарилиши қам учрайди. Агар меъдага кўтарилса, қайт қилинади.

Билишинг керакки, дорилар воситаси билан хилтларнинг тортилиши кўпроқ томирлардан бўлади, лекин хилт дорига жуда яқин қўшни жойда бўлса, ўша жойдан томирларга ва бошқа жойларга тортилади. Масалан, ўпкадаги хилтлар томирларга йўлланмасалар ҳам қўшнилик йўли билан меъдага ва ичакларга тортилади.

ИЧНИ СУРИШ ВА УНИНГ ҚОИДАЛАРИ

Сурги дори истеъмолидан илгари совуқ [мизожли] касалликларда дорини қабул қилишга гавдани тайёрлашнинг зарурлиги ва тери тешиklarини кенгайтиришнинг ва табиатни юмшатишнинг зарурлиги тўғрисидаги сўз юқорида ўтди.

Ични суришдан илгари табиатнинг юмшоқ қилиниши яхши қонун бўлиб, унда ҳеч қандай хавф йўқдир; фақат *зарабга* мойил кишиларгина бундан мустасно. Чунки бу у кишида ўтакетган [ич сурилишига] сабаб бўлади. Бундай кишининг сурги дорисига қайт қилдириш қуввати бўлган дорини аралаштириши керак, токи ўз ишини бажаришдан бурун меъдадан тушиб кетишга шошилмасин. Иккала дорининг қуввати мувозанатда бўлганида сурги ўз ишини бажаради, акс ҳолда қайт қилдирувчи дори ўз ишини ишлайди.

Тили чучук кишилар ич бузилиши [*зараб*] касалига мойил кишилар бўлиб, улар кучли [сурги] дорини кўтара олмайдилар. Уларнинг ич бузуқликлари кўпроқ бошларидан тушадиган назладан бўлади.

Ичакларда қуруқ чўкмалар бўлатуриб сурги ичиш хавфли ишлардандир. Уларни [ич суришдан аввал] хуқна билан бўлса ҳам, ёки суйилтирувчи — сирғантирувчи нарса ёрдами билан бўлса ҳам, чиқариб юбориш зарур бўлади. Агар бирор бошқа қаршилиқ қиладиган нарса бўлмаса, сургидан бир неча кун илгари ҳаммом-

га тушиш [ични] суюлтириб [кишини ич суришга] тайёрловчи яхши нарсалардандир. Ҳаммом билан сурги ичгиш ўртасида бир оз вақт ўтиши керак. Сурги ичгандан кейин ҳаммомга тушилмайди. Чунки ҳаммом ёмон хилтни сиртга тортади. [Ҳаммом] ич суришни тўхташга ёрдам беради, лекин қишдан Қошқа вақтда ич суришга ёрдам бермайди. Ҳаммомнинг биринчи хонасига киришнинг зарари йўқки, бириччи хонанинг ҳарорати [ёмон хилтни] сиртга тортмайди, балки юмшатади, холос. Хулоса, сурги ичувчи кишининг атрофидаги ҳаво терлатмайдиган, бетоқат қилмайдиган даражада бир оз иссиққа яқин бўлиши зарур. Албатта, шундай ҳаво [кишини ич суришга] тайёрловчи нарсалардандир. Уқалаш, ёғ билан ишқалаш ҳам [сурги ичишга] тайёрловчилардандир.

Дорига одат қилмаган ва илгари дори ичмаган кишига табиб кучли сурги ичиришга шошилмаслиги яхшироқ. Меъдаси бузилган, ёпишқоқ хиллари бор, қобирғаларнинг кўмиклари тагида тортишиш бор кишининг ва ички аъзоларида алангаланиш ва тиқилма бор кишининг то ўша касалликлари тузалгунча [сурги] ичиши керак эмас. [У касалликларнинг] тузалиши юмшатувчи овқатлар ейиш, ҳаммом ва истироҳат қилиш билан, шунингдек, хилтларни ҳаракатга солувчи ва ички аъзоларда алангаланиш пайдо қилувчи нарсалардан сақланиши билан бўлади.

Туриб қолган сувларни ичувчилар ва [талоғи] касал кишилар кучли [сурги]га муҳтож бўладилар. [Кучли] сурги ичган кишининг дори амал қилишдан илгари ухлаши яхшироқ, шунда дори яхши таъсир қилади. Агар дори кучсиз бўлса, уни ичиб ухлмаслик яхшироқ, чунки [ухласа] табиат дорини ҳазм қилиб юборади. [Сурги] амал қилишга тутинса, дори кучли бўлса ҳам, кучсиз бўлса ҳам ухлмаслик яхшироқ.

Дори ичгани ҳамон ҳаракат қилиш керак эмас, балки тинч туриш керакки, табиат уни ўраб, унга таъсир қилсин. Модомики, табиат дорига таъсир қилмаса, дори ҳам табиатга таъсир қилмайди. Шунда кўнгил айнашни тарқатувчи хушбўй нарсаларни ҳидлаш, масалан, ялпиз, газাগўт, петрушка, беҳи, гул суви ва бир оз сирка сепилган Хуросон тупроғини ҳидлаш керак. Агар [сурги] дорини ичишда ҳидидан нафрат қилса, бурун тешикларини беркитиш керак. Шунингдек, шеролчин чайнаш керакки, у нарса оғизнинг [сезиш] қувватини бўшаштиради. [Касалнинг] дорини қайт қилиб ташлашидан

қўрқилса, унинг қўл ва оёқларини [якка-якка] боғланади ва дори устига буруштирувчи нарса берилади. Шундай ҳолларда табиблар [сурги] ҳабни гоҳо асалга булғайдилар, гоҳо ҳаб устига асал ё шакар қиёмни суриб, қиёмдан уст қобиқ кийгазилар; ҳабга қиёрутий [мум мойи] суриш ҳам яхши усулдир. Оғзини сувга ёки бошқа нарсага тўлғазиб, кейин ҳабни ўзича ёки баъзи йўллар билан ичиш жуда яхши усуллардандир, шунда давонинг мазаси билинмасдан ютилиб кетади.

Қайнатилиб тайёрланган [суяқ сурги]нинг илиқ ҳолда ичилиши ва [сурги] ҳабнинг илиқ сувда ичилиши керак. Сўнгра дори ичган кишининг меъдаси ва оёғи иссиқ тутилиши керак. [Дори ичиб] кўнгил тинчигач, туриб оз-оз ҳаракат қилади, бу ҳаракат [сургига] ёрдам беради. Сургини суриб чиқармайдиган ва унинг қувватини синдирмайдиган миқдорда вақт-вақтида ҳўплаб иссиқ сув ичиб турилади. Лекин сургини тўхтатиш керак бўлган вақтда бундай қилинмайди. Иссиқ сувни ҳўплаб ичишда ҳам дорининг ёмонлик [қувватини] синдириш бор.

[Сурги] дори ичмоқчи бўлган киши иссиқ мизожли, кучсиз гавдали ва меъдаси заиф бўлса, доридан илгари арпа суви ва анор суви каби нарса ичиб меъдасида латиф енгил бир оз озиқ ҳосил қилиши яхшироқ. Бошқа кишилар ҳеч нарса емай — наҳорга ичишлари яхшироқ.

Ёзнинг иссиғида сурги қилувчиларнинг кўпи иситма касалига учрайди. Дори ичган кишининг дори амалидан бўшагунича овқат емаслиги, ичмаслиги ҳамда дори [ичини] суриб турганда ухламаслиги керак. Лекин ич суришни тўхтатмоқчи бўлса, [ухлаши мумкин].

Агар дори ичувчининг меъдаси сафроли бўлиб, унга сафро тез қўйилиб туриши сабабли ёки овқатдан сақланиш ва очлик замони узайгани сабабли меъдаси емай туришга чидамаса, у кишига дорини ичириб, ич суришдан илгари бир оз шаробда ивитилган нон едирилади. Бу баъзан дорига ёрдам беради. Бу вақтда орқа тешикнинг совуқ сувга ювилмаслиги, балки иссиқ сувга ювилиши керак.

Қайнатмалар билан ичилиши зарур бўлган ҳабларни ўзларига ҳамжинс қайнатмалар билан ичиш керак. Масалан, сафрони сурувчи ҳабни *шоҳтара* қайнатмаси билан ичилиши, савдони сурувчи ҳабни девпечак ва чилпоя каби нарсалар қайнатмаси билан ичилиши, бал-

Ғамни чиқарувчи ҳабни хотинак супурги каби нарсанинг қайнатмаси билан ичилиши зарур бўлади.

Қуруқ, эти қаттиқ баданни *харбақ* каби кучли дори билан бўшаттиришга муҳтож бўлсанг ундан аввал ёғли овқатлар билан у баданни жуда етказиб ҳўл қил! Умуман, *харбақ* каби кучли дорилар жуда хатарлидир. Чунки кучли дорилар тоза баданни тириштиради, тўлган баданнинг суюқликларини қўзғатиб бўғади ва чиқарилиши қийин бўлган нарсани ички аъзоларга томон тортади. *Мозариюн*, елимли сутўт каби заҳарли *яттуъларнинг* зарари жуда ошиб кетса, қаттиқ уларнинг зарарини кесади ва [ич суришни] тўхтатади.

Кўпинча [сурги] дорининг ҳиди меъдага сингиб, гўё меъдада дори қолгандек бўлади, уни кеткизадиган нарса арпанинг толқонидир, чунки у эланган қуруқ дориларнинг мувофиқроғидир.

[Сурги дори ичилганига] анча вақт ўтса ҳам [ични] сурмаганда, мумкин қадар [дорини] енгиллатилади ва [касал] қўзғатилмайди. Агар бирор зараридан қўрқилса, асал суви ё асал шароби, ёки ичига сода солиб эритилган сув ичириш, ёки [орқа чиқарув йўлига] фатила [тампон] қўйиш, ё ҳуқна қилиши керак.

Гавдадаги йўлларнинг мизож сабабли, ё бирор касал жойга яқинлиги сабабли ва ё аввал бошдан торлиги дори кучини камайтирувчи сабаблардандир. Фалаж ва *сакта* ҳолатидаги кишиларда дориларнинг керакли жойга бориб тушишдаги йўллари тор бўлиб, ич суриш уларда қийин бўлади.

Бир кунда икки хил сурги истеъмол қилиш хатарли ва нотўғридир.

Бир хилтга хос бўлган дори ўша хилтни топмаса, ташвиш бериб қийинлик билан суради; шунингдек, ўша хилтни унга зид хусусиятли [хилтлар ичида] кўмилиб қолган ҳолда топса ҳам шундай бўлади.

Ҳар бир дори аввало ўзи хос бўлган хилтни, сўнгра кўп-озликда ва суюқликда ўша хилтга яқин бўлган хилтни суради. Дорилар ҳамма хилтларни бирин-кетин шу тартибда сурадилар; лекин қонни суришни охириги навбатга қўядилар. Ундан ташқари, табиат қонни қизганади. Узоқ хилтни тортиш қийиндир.

Дори ичгандан кейин бетинчлик ва кўнгил айнашдан қўрққан киши дори ичишдан уч кун ё икки кун илгари турп қайнатмасини ва турпнинг ўзини истеъмол қилиб қайт қилиш керак.

Ичини сурмоқчи бўлган кишининг таомига тузни кўп солмаслик керак.

[Сурги] дори кўпинча, айниқса, таъсир қилмаганида ёки бирор монеликка учраганида, беҳузурлик, кўнгил айнаши, беҳушлик, *хафақон* касалини, ич бураб оғришини келтириб чиқаради. Шу вақтда кўпинча дорини қусиб ташлаш керак бўлади. Бундай вақтда унинг зарарли таъсирини йўқотиш учун буруштирувчи нарсаларни ейиш яхши тадбир бўла олади. Ич суришдан кейин арпа сувини ичиш сурги дорининг зиёнини камайтиради ва ўтар йўлларга ёпишганини ювиб тушади.

Совуқ мизожли бўлиб, хилтлари ичида балғам ошиб кетган киши дори ичгандан ва дори амал қилгандан кейин иссиқ сув билан ювилган индовни зайтун ёғи билан есин. Агар иссиқ мизожли бўлса *испағулни*, совуқ сув, бинафша ёғи, новвот ва гулоб билан истеъмол қилади. Мўътадил мизожли киши зиғир уруғи ейди. Ичак шилинишдан қўрққан киши арман тупроғини анор суви билан ейди.

Биз айтган нарсаларнинг истеъмоли дори ични сургандан кейин бўлиши керак. Бўлмаса, ич суришни тўхтатиб қўяди.

[Сурги] дори ичиб иситмалаган кишига энг мувофиқ нарса арпа сувидир. Аммо *сиканжубин* ичакни шилувчидир, уни ичиш ичакларнинг қуввати қайтгунича икки ё уч кун кейинга қолдирилиши керак.

Сурги дори истеъмол қилган киши иккинчи куни ҳаммомга тушмоғи керак. Шу вақтда хилтларидан қолдиқ қолган бўлса ва ҳаммом [касалга] ёқаётганини кўрсанг ва у киши ҳаммомдан лаззатланса, бу ҳол ҳаммом у кишининг қолган хилтини тозалаётганига далил бўлиб, у кишини ҳаммомда қолдирабериш керак. Агар ҳаммомдан лаззатланмай юраги сиқилса, уни ҳаммомдан чиқар.

Билгинки, ичаги кучсиз киши баъзан сурги дориларнинг сурувчи қувватини ўзида сақлаб қолиб, ич сурилиши узоққа чўзилади ва буни тўхтатгунча анча даволашга тўғри келади. Шунингдек, қариларда ич суришнинг зарарларидан қўрқиш керак.

Билгинки, сурги дорилардан кейин *набиз* ичиш иситмаларни ва бетоқатликни пайдо қилади. Кўпинча ич суриш ва қон олиш жигарда бирор оғриқ қолдиради. Бу оғриқни иссиқ сув ичиш кеткизади.

Билгинки, Сириус юлдузининг чиқиш вақти, тоққа

қор тушган ва қаттиқ совуқ вақти [сурги] ичиш вақти эмас.

[Сурги] дорини баҳорда ё кузда ичиш керак. Баҳор — олди ёз шундай бир вақтдирким, унда енгил [сурги] дори истемол қилинади, куз — олди қиш шундай вақтдирким, унда кучли дори [ишлатилса] ҳам, касал кўтара олади.

Ични юмшатишга эҳтиёж тушган ҳар бир вақтда ҳам [сурги] дори ичишга одатлантириш керак эмас. Бу одат бўлиб қолиб, оқибати ёмон бўлиши мумкин.

Қуруқ мизожли ҳар бир кишини кучли дори оздиради. Кучсиз дори ичилгач, ҳаракат камайтрилиши керак, токи дорининг қуввати тарқалмасин. Бинафша ва шакар кучсиз, хайрли ва мулойим таъсирли дорилардандир.

Қишда сурги дорига муҳтож бўлган киши жануб шамолини, ёзда эса, баъзиларнинг айтишича, аксинча, [шимол шамолини кутсин]. Бунинг ўз баёни бор.

СУРГИНИНГ ҲАДДАН ЗИЕДА АМАЛИ ВА УНИ ТЎХТАТИШ ВАҚТИ ТЎҒРИСИДА

Билгинки, ташналик ич суришни тўхтатиш керак бўлган вақтни билдирадиган аломатлардандир. Ич сурилиши давом эта бериб ташналик пайдо бўлмаса, [ич суришнинг] ортиқча даражага боришидан қўрқиш керак эмас. Лекин гоҳо ташналик, ич суриш ортиқча даражага бормаса ҳам, меъданинг ҳоли туфайли пайдо бўлади. Чунки меъда иссиқ ё қуруқ [мизожли] бўлса, ёки [бирдан] ҳам иссиқ, ҳам қуруқ бўлса, [касал] тез ташна бўлади.

Ташналик ниҳоят даражага етиб, ич суриш камаймаган ҳамма ҳолларда ич суришни тўхтат! Айниқса, тез ташна бўлишнинг сабаблари мавжуд бўлмаса шундай қил. Бу каби ҳолатда ташналик пайдо бўлгунича ич суришни тўхтатмаслик тўғри эмас.

Баъзан чиқадиган нарсаларнинг чиқиб тамом бўлиши [ич суришни] тўхтатиш вақтини кўрсатади. Сафрони сурдираётган кишида сурилиш балғамга етганини кўрсанг, билгинки, [сафрони суриш] ниҳоят даражага борибди. Агар иш савдо сурилишига етса, аҳволнинг қандай бўлиши маълумдир. Суриш қонга бориб етса, бу жуда хавфли ва хатарлидир.

Одамлар қуйидаги сабабларга биноан табиблар томонидан қустиришга нолойиқ бўладилар. [Биринчидан] табиатлари сабабли, [яъни] кўкрак қафаси тор, нафас олиши ёмон, қон туфлашга мойил, бўйни ингичка ва томоқ касаллигига тез чалинувчи кишилар. Меъдалари суст ва жуда семиз кишиларга сурги дори мосроқ келади. Озгин кишилар эса сафролари кўплигидан қусишлари осондир. [Иккинчидан] одатлари сабабли — яъни қусишлари қийин бўлганидан ёки қусишга ўрганмаганликларидан. Агар уларни кучли дорилар билан қайт қилдирилса, нафас аъзоларидаги томирлари ёрилиб, сил касалигига учрайдилар.

[Қусиш дорисини кўтариши] аниқ бўлмаган кишини енгил қайт дорилари бериб тажриба қилинади. Агар [кўтариши] осон бўлса, ундан кейин *харбақ* ва у каби кучли дорилар истеъмол қилишга журъат қилинади.

Қайт қилиши қийин кишилардан бирининг қайт қилиши зарур бўлиб қолса, аввало у кишини [қайт қилишга] тайёрлаб, юмшоқ овқатлар бер, овқатларини ёғли ва ширин қилиб бер ва жисмоний ҳаракат қилмасликни буюр! Кейин қайт дорисини ишлат, ёғли нарсаларни ва ёғларни шароб билан ичир. Қусишидан илгари, айниқса, қайт қилиши қийин бўлса, яхши овқатларни едир. Чунки у киши кўпинча қайт қилмайди ва табиати овқатга ғалаба қилади, шу вақтда ёмон овқатнинг сингганидан яхши овқатнинг синггани дурустдир. Агар қайт қилдириш учун еган таомини қусса, қорни қаттиқ очгунигача бир нарса емасин. Ташналигини олма ичимлиги каби нарса билан босилади, сув гулоб ва *сикан-жубин* билан эмас, чунки булар кўнгилини айнатади. Ҳамда у кишига ёқадиган овқат — жўжа кабоб ундан кейин уч қадақ [ичимликдир]. Агар бир киши нордон мазали қайт қилса, илгари шундай қайт қилмаган бўлса, томирининг уришида бир оз иситма борлиги билинса, кундуз ярмигача овқатланишни тўхтатиб турсин. Овқатдан аввал иссиқ гул суви ичсин.

Қора ўт билан қайт қилган киши меъдаси устига иссиқ қайноқ сирка шимдирилган булут қўйсин.

Қустириш учун ейладиган овқатнинг турлича бўлиши яхшироқ. Чунки бир хилдаги овқатни меъда ўраб олиб, қайтаришга қизғанади. Қаттиқ қусишдан кейин чумчуқларнинг ва учирма бўлган қушларнинг гўшлари билан овқатланади, [лекин] қуш оёқларининг суяклари

ейилмайди. Чунки у суяклар меъдага оғирлик қилади ва кеч ҳазм бўлади; кейин ҳаммомга туширилади.

У кишилар қустирувчи дориларни ичгандан кейин бир оз чошиб югуришлари, ҳаракат қилишлари ва чарчашлари, кейин қайт қилишлари керак. Қайт қилиш вақтида латта билан кўзларини боғлаб беркитиш, қоринни юмшоқ белбоғ билан унча сиқмай боғлаш керак.

Қайт қилишга тайёрловчи нарсалар: индов, турп, цитрон, ҳўл тоғ ялпизи, пиёз, гандано, асал қўшилган арпа суви ва турпи, бирор ширинлик билан бирга ловия аталаси, ширин мазали шароб, асал билан бирга бодом, *булқандга* ўхшаш ёғ билан ишланган патир нон, қовун, бодринг, буларнинг уруғлари ёки сувда ивити-либ, ширинлик қўшиб янчилган илдизларидан озгина ва турп шўрвасидир.

Бир киши қусиш учун маст қиладиган шароб ичса-ю, озлиги сабабли қусмаса, уни энди кўпроқ ичсин! Ҳаммомдан кейин бўзани асал билан ичилса қустиради ва ични суради. Қайт қилмоқчи бўлган киши ундан олдин еган [овқатини] қаттиқ чайнамаслиги керак.

Харбақ каби қайт қилдирувчи кучли дори ичмакчи бўлган киши, бирор монелик бўлмаса, эрталаб кун ёришидан икки соат ўтгандан кейин ва ичаклардан чиқиндиларни чиқаргандан кейин ичиши керак. Томоғига қуш патини тегизиб қайт қилмоғи лозим, бу ёрдам бермаса, у кишини озгина ҳаракат қилдирилади, бу ҳам бўлмаса, ҳаммомга туширилади. Қустириш учун ишлатиладиган патга хина ёғи каби ёғни суртилади. Агар [нафас олишда] бўлиниш юз берса ва бетоқатлик пайдо бўлса, иссиқ сув ёки зайтун ёғи ичирилади, шунда ё қусади, ё ичини суради. Меъда, оёқ ва қўлларни иссиқ тутиш қайт қилишга ёрдам берадиган тадбирлардандир, бу тадбир кўнгилни айнатади.

Агар қайт қилдирувчи дори тез амал қилишга тунинса, қайт қилаётган кишининг тинч туриши, хушбўй нарсаларни ҳидлаши, қўл ва оёқлари уқаланиши, бир оз сирка ичиши, ундан кейин олма ва беҳини мастаки билан қўшиб ейиши керак бўлади. Билгинки, ҳаракат қайтни кўпайтиради, тинч туриш камайтиради.

Қайт дорисини истеъмол қилиш учун энг яхши вақт ёз пайтидир. Табиатига қайт қилиш муносиб бўлмайдиган кишига ёзда қайт қилишга рухсат берилиши яхшироқ.

Қустиришдан энг охирги мақсад — биринчи тозалаш

бўлади. Бунда меъданинг ўзигина тозаланади, ичаклар бунга кирмайди; ёки иккинчи тозалаш бўлади, бунда бош ва гавдадаги бошқа аъзолар тозаланади. Аммо [хилтни] тортиш ва қўпориш [гавданинг] қуйи қисмларида бўлади.

Фойдали қайтни фойдасиз қайтдан, қусишдан кейин келувчи энгиллик, яхши иштаҳа, томир уриш ва нафас олишнинг яхшиланиши, шунингдек, бошқа қувватларнинг ҳолати билан ажратасан. Агар қустирувчи дори харбақ каби ва харбақдан олинадиган дорилар каби кучли бўлса, аввал кўнгил айнайди, кўпинча меъдада қаттиқ ачиб куйиш пайдо бўлади, кейин сўлак оқабошлайди, ундан кейин қайта-қайта кўп балғам қайт қилинади. Кейин суюқ тиниқ қайт келади. Меъда ачиб, куйиб оғриб туради, кўнгил айнаш ва бетоқатликдан бошқа ҳолат пайдо бўлмайди, баъзан ич ҳам ўтиб, у киши тўртинчи соатда тинчланади ва роҳатланади.

Ёмон фойдасиз қайтда қусуқ келмайди, бетоқатлик зўрайди, тиришиш, кўз соққасининг ўйнаб чиқиши ва кўзларнинг қизариши, кўп терлаш ва товуш бўғилиши пайдо бўлади. Шундай [ҳолат] пайдо бўлган кишига тадорик ва чора қилинмаса, ўлимга олиб боради. У кишига ҳуқна билан, асал ва илиқ сув ичириш билан, гулсапсар ёғи каби тарёкли хусусиятга эга ёғларни ичириш билан чора қил! У кишини қустиришга ҳаракат қилинади. Қусган пайтда нафас бўғилишидан қутилади. Ҳамда у кишига олдин тайёр қилиб қўйилган ҳуқнани тез ишлат!

Қайтнинг ишлатилиши афзал бўлган ҳолатлар (касалликлар): истисқо, тутқаноқ, меланхолия, мохов, ниқрис, *ирқуннасо* каби чўзиладиган, тузалиши қийин касалликлардир.

Қустириш, фойдалари билан бирга, гоҳо карлик каби касалликларни келтириб чиқаради.

Қайтдан кейин [бевосита] томирдан қон олдириш керак эмас. Балки, айниқса, меъда оғзида хилт бўлса, [қон олишни] уч кун кейинга қолдирилади.

Хилтнинг суюқлиғи сабабли кўпинча қайт қилиш қийин бўлади, шундай вақтда анор донининг толқонини еб хилтни қуйилтириш керак бўлади.

Билгинки, қайтдан кейин ич келиши ҳазм бўлмаган овқатнинг қуйи томонга кетганига, ич келганидан кейин қусиш эса унинг ўша ич келишдан пайдо бўлган эканига далил ва белгидир.

Бирор оғриқ сабабли ёзда қайт қилиш учун энг

яхши вақт кундуз ўртасидир. Қайт тана учун фойдали, кўз учун зарарлидир. Ҳомиладор хотинни қайт қилдир-маслик керак. Чунки ҳайзнинг чиқиндилари у қайт билан [барибир] чиқиб кетмайди, [қайтдаги] қийналиш уни бетоқат қилади. Шунинг учун унинг [қусишини] босиш зарур бўлади. Аммо қайт қилиш зарур бўлган бошқа кишиларга [қайт қилишни осонлатиб] ёрдам берилиши керак.

ҚАЙТ ҚИЛГАН КИШИНИНГ ҚИЛАДИГАН ИШИ ТУҒРИСИДА

Қайт қилган киши қайт қилишдан қутулгач, сирка билан сув аралаштириб оғзини ва юзини ювиши [керак], бунда бошда пайдо бўладиган оғирлик кетади. Яна олма суви билан бирга озгина мастаки ичади, лекин овқат ейишдан ва сув ичишдан тийилади, уринмайди ва дам олади. [Шунингдек] қоринни беркитиб турувчи сохта қовурғаларнинг бирикадиган жойини ёғлаши, ҳаммомга тушиши ва тез ювиниб чиқиши керак. Агар овқатланиш зарур бўлса, мазали, яхши нарсадан тайёрланган ва тез ҳазм бўладиган овқат ейиши керак.

ҚАЙТНИНГ ФОЙДАЛАРИ ҲАҚИДА

Буқрот бир ойда икки кун кетма-кет қайт қилишга буюради. Шунда биринчи кунда оз ва қийинлик билан бўлган қайтни иккинчи кундагиси тугаллайди ва меъдага тортилган [ёмон моддаларни] чиқариб ташлайди. Шунга риоя қилинганда соғлиқнинг сақланишига Буқрот кафил эканини билдиради. Аммо [қайтни] кўп қилиш ёмон.

Ушандай қайт шиллиқ сафрони чиқариб, меъдани тозалайди. Чунки ичакларга қуйилиб уларни тозаловчи сафро каби меъдани тозаловчи нарса йўқ; қайт яна бошда пайдо бўлган оғирликни кеткизади, кўзни равшан қилади, меъда бузилишини йўқотади. Меъдасига сафро қуйилиб [еган] овқати бузиладиган кишига қайт фойда қилади. Овқатдан олдин қайт қилинса, таом тоза [меъда]га тушади. Қайт меъданинг ёғли нарсалардан нафрат қилишини, соғлом иштаҳанинг йўқлигини, аччиқ, нордон ва какра нарсаларни тилашини кеткизади. Буйрак ва қовуқда пайдо бўладиган яраларга, гавданинг бўшашига наф қилади. Қайт, мохов касали, ранг ёмонлиги, меъда [туфайли бўладиган] тутқаноқ, сариқ касали, «тик туриб нафас олиш», калтираш касали ва

фалаж учун, шунингдек, темираткили кишилар учун яхши даволардандир.

Ойда бир ёки икки мартаба, маълум даврни ва маълум кунлар сонини ҳисобга олмай, овқат билан тўйиниб туриб, сўнгра қайт қилиш керак.

Асли мизожи сафро мизож ва ўзи заиф бўлган кишига қайт жуда мувофиқдир.

ҲУҚНА ТУҒРИСИДА

Ҳуқна ичаклардан чиқиндиларни чиқаришда, буйрак ва қовуқдаги оғриқ ва шишларда, қуланж касалликларида, юқориги бошқарувчи аъзодан чиқиндиларни тортишда жуда яхши даводир. Лекин ўткир ҳуқна дориси жигарни қучсиз қилиб, иситма пайдо қилади. Бўша-лишлардан қолган қолдиқларни чиқаришда ҳам ҳуқна ёрдам қилади. Ҳуқнанинг шакли ва уни қандай қилиш кераклиги тўғрисида қуланж бобида айтиб ўтдик.

Ҳуқна қилдирувчи кишининг чалқанча ётиши, [ҳуқнадан] кейин оғриётган томонини босиб ётиши яхшироқ бўлса керак.

Ҳуқна учун энг яхши вақт ҳавонинг салқин вақти яъни [куннинг] энг совуқ [соати]. Шунда нотинчлик, бетоқатлик ва ҳушдан кетишга мойиллик кам бўлади.

Ҳаммом хилтларни қўзғатади ва уларни [гавда бўйлаб] тақсимлайди, ҳуқна эса тўхтаб қолган хилтларни тортади. Шунинг учун ҳуқнадан олдин ҳаммомга тушиш кўпинча яхши бўлмайди.

Ичакларида шиш ёки яра бор бўлиб, иситма ёки бошқа бир касаллик сабабли ҳуқнага муҳтож бўлган киши, [ҳуқнанинг] тўхтаб қолишидан қўрқса, орқа тешигини, киндигини ва уларнинг атрофини қизитилган тарик билан иситиши керак.

ҚОН ОЛИШ ҲАҚИДА

Қон олиш — «мўллик»ни чиқариб ташлайдиган умумий бўшатишдир. «Мўллик» эса томирлардаги хилтларнинг ўз меъеридан ортиб кетишидир. Икки хил турдаги кишилардан қон олиш керак: улардан бири қони кўпайиб кетганда касалликларга берилувчи кишилар, бошқалари эса касал бўлган кишилардир. Буларнинг ҳар биридан ёки қон кўпайиб кетганда, ёки қон сифати бузилганда, ёки ҳар иккала сабаб юз берганда қон олиш даркор. *Ирқуннасога* ва қонли ниқрисга мубтало бўлган, бўғинлари қон туфайли оғрийдиган, қон кў-

пайиб кетганда юпқа қатламли ўпка томирларининг ёрилиши натижасида қон туфлайдиган кишиларни касалликка мойил деб аташ мумкин. Тутқаноқ касалига, *сактага*, қон кўпайиши натижасида меланхолияга мойил бўлган кишиларни ҳам [касалликка мойил деб ҳисоблаш мумкин]. Ана шуларда қон [кишини] бўғадиган ерларга қуйилади.

Яна ички аъзолар шишига ва иссиқ кўз огриғига мойил кишилар, одатда бўлиб турадиган бавосирда қон оқиш тўхтаб қолган кишилар, ой кўриши бирдан узилган хотинлар ҳам ана шулар жумласидандирлар. Сўнгги икки ҳолатда бу кишиларнинг ранги-рўйи қон олиш зарурлигини кўрсатмайди. Чунки [уларнинг ранги] кулранг, оқ ёки кўкимтир бўлади. Иссиқ мизожда ички аъзоларида заифлик юз берадиган кишилардан, гарчи улар бундай касал билан огримага бўлсалар ҳам, баҳор пайтида қон олиш яхшироқдир; зарба еган ёки йиқилган кишилардан эса, уларда шиш пайдо бўлишидан эҳтиёт қилиш учун қон олинади. Агарда кишида шиш бўлса ва унинг етилмасдан тешилиш хавфи бўлса, эҳтиёж бўлмаган тақдирда ва тўлақонлик бўлмаса ҳам қон оладилар.

Билишинг керакки, касаллик хавфи рўй бериши биланоқ қон олиш мумкин, аммо одам касалланиб қолган бўлса, қон олишни дастлаб бутунлай тўхтатиш керак: у чиқиндиларни суюлтиради ва уларни тоза қон билан аралаштириб гавдага юргизади. Гоҳо қон олинган пайтда чиқариб ташланиши лозим бўлган нарсалар чиқарилмай қолади ва бу [қон] олувчи [воситаларни] қайтадан [қўллашга] мажбур этади.

Қасаллик етилган, дастлабки ва охириги пайтидан ўтган бўлса, қон олиш зарур бўлса ва бунга ҳеч нарса халақит бермаса, қон олиш даркордир. Қасаллик қўзғалиб турган кунда қон олишга ва ич суришга асло йўл қўйилмайди, бунда дам олиш ва ухлаш керак [чунки] касаллик қўзғаладиган кундир.

Агар касаллик давом этаётганда бир неча бухронлар бўлса, кўп қон олиш мумкин эмас. Аксинча, агар [табиб] касални тинчита олса, шундай қилади, мободо тинчита олмаса, унда озроқ қон чиқаради-ю, зарурият ҳосил бўлганда қон олишлар учун ва бухронлар билан курашиш учун кучни сақлаб қолиш мақсадида гавдада [маълум даража қон] қолдиради.

Агар-да, кўпдан бери қон олдирмаган одам қони пайтида қони кўплигидан шикоят қилса, унда эҳтиёт

учун бир оз қолдириб, қон олиш керак. Қон олиш қонни акс томонга тортади ва кўпинча ични тўхтади. Кўп қон олиш натижасида кучлар бўшашиб кетса, кўп [ёмон сифатли] хилтлар пайдо бўлади; фавқулодда [нарса]-нинг бирдан юз бериши натижасида дастлабки қон олиш пайтида [касал] ҳушдан кетиши мумкин. [Қон олишдан] аввал юз берган қусиш, қон олиш пайтида ҳосил бўлган қусиш каби қон олишни тақиқловчи далиллардандир.

Билгинки, қон олиш [хилтларни ҳаракатга] келтиради ва [қон олиш тугамагунча] улар тинчимайди. Қон олиш ва қуланжнинг камдан-кам биргалашуви мумкин.

Ҳомиладор ва ой кўраётган [хотинлардан] фақат жуда ҳам зарур бўлиб қолган чоқдагина, масалан, кўп қон кетишини тўхтатиш мақсадида ва касалнинг қон олиш учун дармони етадиган бўлсагина, қон олиш мумкин. Энг яхшиси ва энг дурусти ҳомиладорлардан сира қон олмаслик керак, чунки [бундан] қориндаги бола ўлади.

Билишинг керакки, эслатиб ўтилган хилтлар тўлиб кетганлиги тўғрисида аломатлар пайдо бўлса, ҳамма вақт қон олабериш зарур эмас; тўлиб кетишлик гоҳо хом хилтлар натижасида ҳам юз беради, [бундай ҳолларда] қон олиш жуда зарарлидир, чунки агар қон олсанг, [хилтлар] етилмайди ва касалнинг ҳалок бўлиш хавфи пайдо бўлади.

Одамда савдо кўпайиб кетганда ундан қон олинса ва сўнгра сурги билан [ич] бўшатилса, зиён қилмайди. Сенга маълум шароитларга риоя қилиб, — бу тўғрида биз айтиб ўтамыз, — касалнинг ранги-рўйини ва [томирларнинг] таранглигини ҳисобга олиб боришинг керак, таранглигининг [бутун] гавдага ёйилиши ўз-ўзидан қон олиш зарурлиги тўғрисидаги фикрни келтириб чиқаради.

Қишида тоза, сифатли қон кам бўлса ва унинг баданида ёмон сифатли хилтлар кўп бўлса, қон олиш натижасида яхши қон чиқиб кетади ва унинг ўрнини ёмон қон эгаллайди.

Қишининг қони ёмон ва оз бўлса ёки у [қон], бирор аъзога интилиб, шу орқали катта зарар келтирадиган ва шу сабабли қон олиш зарур бўлиб қолган бўлса, ундан озроқ қон олиш керак; сўнгра уни яхши физо билан овқатлантириш керак, сўнг иккинчи мартаба қон олиш ва бир неча кун давомида такрор қон олиш керак. Шунда ёмон қон чиқиб кетади ва ўрнига яхши қон

келади. Агар ёмон сифатли хилтлар таффо хусусиятига эга бўлса, унда дастлаб ични енгил сурги билан бўша-тиш ёки қустириш орқали уни чиқариб юборишга эри-шиш керак; ёки бўлмаса, уларни тинч қўйиш керак, ҳар ҳолда касални яхшироқ тинчлантиришга тиришиш лозим. Агарда бу хилтлар қуюқ бўлса, қадимги табиб-лар бундай касалларни ҳаммомда чўмилишга ва ўз ишларини пиёда бажаришга мажбур қилганлар. Гоҳо уларга қон олингунгача ва ундан сўнг, қон олиш так-рорлангунгача, зуфо ва зира билан қайнатилган юмша-тувчи *сиканжубин* ичкизганлар.

Агар табиб иситма ёки бошқа ёмон сифатли хилт-лар таъсири остида куч сусайганлиги учун қон олишга мажбур бўлса, қон олишни айтганимиздек қилиб ажрат-син.

«Торгина тилиб» қон олиш [касалнинг] кучларини яхшироқ сақлайди, аммо у гоҳо тоза қонни чиқариб, қуюқ ва лойқа қонни ушлаб қолади. «Кенг тилиб» қон олишга келсак, у тезроқ ҳушдан кетишга олиб келади ва [гавдани] тозалашда яхшироқ таъсир кўрсатади, [унинг яраси] секинроқ битади. [«Кенг тилиб» қон олиш] эҳтиёт юзасидан қон олинганда ва семиз, йўғон кишилардан қон олинганда яхшироқ [фойда беради]; қон қотиб қолмаслиги учун кесикни қишда кенгайтирган яхшироқ, уни торайтириш лозим бўлса, ёзда торайти-риш керак.

Қон олиш вақтида [қон олдирувчи] чалқанча ётиши керак, чунки бу кучни сақлайди ва ҳушдан кетказ-майди.

Иситмаларга келсак, яллиғланиш орқасида келиб қаттиқ иситма вақтида қон олиш керак эмас, [умуман] ўткир иситмадан бошқа иситмалар вақтида бошланиш ва қайталаш вақтида қон олиш керак эмас.

Тириштирувчи иситмалар вақтида қон олиш керак бўлса ҳам кам олинади. Чунки тиришиш юз берган вақтда уйқусизлик, қаттиқ терлаш ва ҳолсизлик пайдо бўлади. Шунинг учун эҳтиёт қонини қолдириш керак, сасишдан бўлмаган иситмалар билан оғриган касалдан ҳам [кам қон олинади]: ундан бир оз қон олиб, [қол-ганини] эҳтиётлаб, иситмани тарқатиш учун қолдириш керак. Агарда иситма қаттиқ куйдираётган бўлмаса ва сасишдан бўлса, ундай ҳолда юқоридаги ўнта қондага амал қилгин, сўнгра [сийдикли] шишага қара: агар сийдик қуюқ ва қизғиш бўлса, ҳамда томир уриши кат-та бўлиб, [касалнинг] юзи кериккан ва иситма ҳали

уни толиқтирмаган бўлса, касалнинг меъдаси бўш бўлиб, унда овқат бўлмаган пайтда қон олгин.

Агар сийдик суюқ ё оловранг бўлса, ёки [касалнинг] юзи касаллик бошланганидан бери чакак-чакак бўлиб турган бўлса, қон олишдан сақлангин. Агар-да, иситма бўлиниб-бўлиниб, гоҳо тўхтаб турса, тўхтаган вақтда қон олгин. Шунингдек, эт увушиб қалтирашга қара: агар эт қалтираши кучли бўлса, қон олишдан сақлангин.

Чиқаётган қоннинг қандай рангда эканини кузатиб боргин: агар у суюқ ва оқимтир бўлса, дарҳол уни тўхтатгин ва умуман ҳушёр бўлиб тургинки, [қон олиш] касалда сафро ва савдо хилтларининг қўзғолиши ёки совуқ хилтни хом қолдиришдан иборат ҳодисаларни келтириб чиқармасин.

Иситма вақтида қон олиш зарур бўлиб қолса, касалликнинг тўртинчи кунидан кейин буни қилиш мумкин эмас, деган гапларга аҳамият берилмасин: агар зарур бўлса, буни ҳатто қирқ кундан кейин ҳам қила бериш мумкин. Жолинуслинг фикри шундай, агар [иситма] аломатлари аниқ бўлса, тезроқ [қон олиш] яхшироқ. Агар бунда бирор хатолик юз берса, сезган замонинг ўнта қондани ёдингда тутиб қон олабер.

Кўпинча иситмаларда қон олиш, гарчи бунинг бевосита зарурияти бўлмаса ҳам, [зарарли] моддани камайтиргани учун табиатни кучайтиради. [Бундай қон олиш] касалнинг ташқи кўриниши, ёши, қуввати ва бошқа хусусиятлари йўл қўйса мумкиндир. Қондан бўладиган иситмага келсак, унда дастлаб бир оз, [қон] етилгандан кейин кучлироқ қон олиш орқали бўшатиш мутлақо зарурдир. Кўпинча [бундай иситма] қон олиш вақтида тўхтайд.

Совуқ мизожли [кишилардан], совуқ мамлакатларда, қаттиқ оғриқ чоғида, хилтларни тарқатадиган ҳаммомда [ювингандан] кейин ва жинсий алоқадан кейин, яна, шунингдек, ўн тўрт ёшдан кичик даврда — имкон борича кексаликда ҳам мумкин қадар қон олишдан сақланиш керак. Лекин ташқи кўриниш, мушак гўшларининг маҳкамлиги, қон томирларининг кенглиги ва [қон билан] тўла эканига ва рангининг қизиллигига ишонч ҳосил қилинса, унда [қон олиш] мумкин. Кексалар ва ўспиринларда ана шундай белгилар бўлса, қон олишга журъат қилиш мумкин. Ўсмирлардан аста-секин, оз-оз ва кам миқдорда қон оладилар.

Агар-да, гавда жуда ориқ ёки жуда семиз, бўш, оқиш ва сўлиган ёки сарғиш ва қонсиз бўлса, қон олишдан четланиш керак. Узоқ давом этган касалликларга учраган гавдадан қон олишдан сақлангин, агар қоннинг ёмон сифатли экани қон олишни талаб қилса, у вақтда қон ол. Шунда ҳам қараш керак: агар қон қора ва қуюқ бўлса, давом этдир, агар-да [қоннинг] рангсиз ва суюқ эканини кўрсанг, дарров [кесилми] беркит, чунки, бу жуда хавфлидир.

Агар [меъда] овқат билан тўла бўлса, қон олишдан сақлан, чунки чиқарилган нарса ўрнига қон томирларга етилмаган модда тортилиб кетмасин. Меъда ва ичаклар етилган ёки [етилишга] яқин ортиқча моддалар билан тўлган бўлса ҳам қон олишдан сақланиш керак. Уларни меъдадан ва унга яқин жойлардан қайт қилиш орқали, остки ичаклардан эса ҳатто ҳуқна қилиш орқали бўлса ҳам чиқариб ташлаш керак. Меъда бузилиши билан оғрувчи [кишилар]дан қон олишдан эҳтиёт бўл. Яхши-си, меъда бузилиши ўтиб кетгунгача қон олишни қолдириб тургин. Меъдасининг оғзи қаттиқ сезувчан ёки кучсиз, ёки меъдасида сафро ҳосил бўлишидан қийналадиган кишилардан ҳам қон олишга шошилмагин. Бундай кишилардан қон олишдан эҳтиёт бўлиш керак, айниқса, наҳорга [оч қоринга].

Меъданинг оғзи сезувчанлигини барча ўткир нарсаларни ютиши қийин эканлигидан аниқлайдилар, меъда оғзининг заифлигини эса иштаҳанинг озлиги ва меъда оғзи оғриқларидан биладилар. Меъда оғзида сафронинг йиғила бошлангани ва сафронинг у ерда кўп миқдорда тўпланиб қолгани доимий кўнгил айнашидан, [касалнинг] сафро қусиши ва оғизда тахирлик сезишдан билинади. Агар бундай кишилардан, олдин меъданинг оғзини текширмай туриб қон олинса, бундан катта хавф туғилади, ҳатто [касаллардан] баъзилари ҳалок бўлиши ҳам мумкин.

Меъда оғзи сезувчанлигининг кучайиши ёки [унинг] заифлиги билан оғриган кишиларга хушбўй ҳидли бирор нордон мева сувига ивитилган бир бурда тоза нон егизиш керак; агар-да заифлик совуқ мизождан келиб чиқадиган бўлса, дориворлар солинган шакарли сувга, мушк солинган ялпиз сувига, ёки мушк солинган хушбўй беҳи шарбатига [ивитилган нон егизиб], сўнгра қон олиш керак.

Меъдасида сафро пайдо бўладиган кишилардан эса, уларга *сиканжубинли* қайноқ сувдан кўп ичказиб қайт

қилдириш, сўнгра бир бурда нон едириш ва бир оз дам олдириб туриб, сўнгра қон олиш керак.

Кетган тоза қоннинг ўрнини, агар [касал] кучли бўлса, гарчи оғир бўлса ҳам, кабоб билан тўлдириш керак, чунки агар кабоб ҳазм бўлиб кетса, у жуда яхши физо бўлади. Аммо уни мумкин қадар озроқ бериш керак, чунки [касалнинг] меъдаси қон олиш натижасида заифланиб қолган.

Баъзан бурундан, Сачадондан, орқадан, кўкракдан ёки баъзи яралардан қон кетишини тўхтатиш учун қонни қарши томонга тортиб, томирлардан қон оладилар; бу жуда кучли ва фойдали даволашдир. Кесик жуда тор бўлиши керак. Кўп мартаба, аммо бир кунда эмас, [Лекин жуда зарур бўлса мумкин], кунма-кун, ҳар кун мумкин қадар озроқ қон олиш керак. Умуман, олинадиган қоннинг миқдорини оширгандан кўра қон олишнинг сонини оширгин. Эҳтиёж бўлмай туриб қон олинган тақдирда сафронинг қўзғолиши вужудга келади, тилнинг қуриши ва шунга ўхшаш ҳодисалар юз беради; арпа суви ва шакар билан унинг чорасини кўрилсин.

Мабодо, бирор киши такрор қон олдиришни истаб қолса, қон томирини узунасига кесиб, кенг очиб, қон олиш керак, токи мушакларнинг ҳаракати кесикнинг битишига йўл қўймасин. [Яранинг] тез битиб кетишидан қўрқилса, озроқ туз аралаштирилган зайтун мойига буланган латта қўйиб, устидан боғлайдилар. Агар-да, қон олиш пайтида ништарни ёғланса, [кесикнинг] тезда битиб кетишига тўсқинлик қилади ва оғриқни камайтиради. Тўғрироғи шуки, ништарга зайтун мойи ёки бирор шунга ўхшаш нарсани енгилгина суртиш керак ёки уни ёққа тикиб, сўнг уни латта билан артиш керак. Биринчи ва такрор қон олиш орасидаги уйқу кесикнинг битишини тезлаштиради.

Қон олишда оғриқ қанча зўр бўлса, кесик шунчалик секин битади.

Иккинчи мартаба қон олиш пайтида кўп бўшатиш агар қон олдираётган киши бирор нарса емаган бўлса, ҳушдан кетишга олиб келади.

Биринчи ва иккинчи қон олиш орасидаги уйқу хилларнинг гавда ичига тортилиши натижасида ўша ёққа тортиладиган чиқиндиларнинг қон билан бирга ташқарига чиқишига имкон бермайди.

Иккинчи мартаба қон олишнинг фойдаларидан бири шундаки, у қон олдирувчининг кучларини сақлайди ва зарур бўлган тўла бўшатишни амалга оширади. Такрор

қон олишнинг энг яхшиси — икки ёки уч кундан кейингисидир

Қон олдирувчи қон олишдан кейин дарров тўйиб овқатланиши керак эмас; аксинча у аста-секин ва эҳтиёт билан овқат ейиши керак.

Шунингдек, яна қон олишдан кейин жисмоний меҳнат билан шуғулланиш керак эмас, — аксинча, чалқанча ётиши керак; [хилтларни] эритиб тарқатадиган ҳаммомга тушиш ҳам ярамайди.

Агар бирор киши қон олдирган бўлса, сўнгра унинг қўли шишиб кетса, у тоқати етгунчага бошқа қўлидан қон чиқарсин, сўнгра кесикка қўрғошин упали марҳам қўйиш, кесик атрофига эса кучли совутувчи дорилар суртиш керак.

Гавдасини хилтлар эгаллаб олган киши қон олдируса, қон олиш бу хилтларнинг қўзғолишига сабаб бўлади, бу хилтлар гавда бўйлаб оқади ва аралашиб кетади; бу эса кетма-кет қон олишларга мажбур этади.

Савдоли қон бир неча мартаба такрор қон олишга мажбур қилади ва [касалнинг] аҳволи ўша ондаёқ энгиллашади. Кексаларда эса бу ҳол касалликларни, жумладан, *сактани* келтириб чиқаради.

Билгинки, қон олинадиган томирларнинг баъзилари вена, баъзилари артерия томирларидир. Артериядан аҳёнда бир қон оладилар, [бу пайтда] юз берадиган қон кетиш хавфидан эҳтиёт бўлиш керак. Гоҳо кесик жуда тор бўлса, бу аневризмани келтириб чиқаради. Лекин қон кетиш хавфи бўлмаса, [артериядан қон олишнинг] қон олиш лозим бўладиган баъзи касалликларни [даволашда] жуда катта фойдаси бордир.

Қон олинадиган қўл томирлари [қўйидагилардир]: вена томирлари олтига: *қифол*, *акҳал*, *бослиқ*, тирсак венаси, қутқарувчи вена ва қўлтиқ ости венаси деб аталган вена, яъни *бослиқнинг* шохчаларидан бири. Уларнинг ичида энг хавфсиз *қифолдир*. Олдинги ҳар учала венани тирсакнинг ички томонидан, — ундан пастроқдан ҳам, ёнидан ҳам эмас, — [шундай қилиб] очиш керакки, сизилиб оққанидек яхши [оқиб] чиқсин ва асаб ёки артерияга тегиб кетиш хавфи бўлмасин. Худди шунинг ўзи *қифолга* ҳам тааллуқлидир. Қон олиш вақтида [қифолга] узунасига қилинган кесик жуда секин битади, чунки бу вена бўғинлар орқали (ўтади), бўғинлар орқали ўтмайдиган вена билан эса [аҳвол] аксинча бўлади; қўймич томири, қутқарувчи

вена ва бошқа баъзи томирлардан қон олиш пайтида узунасига кесик қилиш яхшироқдир.

Қифолда мушак гўштининг бошидан юмшоқ жойга қараб четланиш керак ва бир кесик орқасидан бошқасини қилмасдан, ўша кесикни кенгайтириш керак, бўлмаса [вена] шишиб кетади.

Қифолдан қон олиш жойини топишда адашган кишиларнинг кўпчилиги биринчи зарбада, гарчи у кучли бўлса ҳам, тўғри жойга туша олмайдилар. Балки зарар зарбанинг такрорланишидан келиб чиқади.

Қон олиш пайтида [қифолдан] қилинган узунчоқ кесик ҳаммадан секинроқ битади; иккинчи мартаба қон олиш керак бўлганда кесикни кенгайтирадилар.

Агар [қифолни] топиш имконияти бўлмаса, билакнинг ташқи томонидан ўтадиган унинг бирор шохобчасини ахтарадилар. Акҳал [тирсакнинг ўрта венаси]дан қон олиш вақтида унинг остидан ўтадиган — асаб учун хавф туғилади; баъзи [жойларда бу вена] иккита асаб ўртасидан ўтади; [уни] узунчоқ кесик билан ва кескин [зарба] орқали очиш керак.

Гоҳо [акҳал] устида ингичка ва чўзиқ пайга ўхшаш асаб туради: буни пайқаш ва унга зарба тегизишдан сақланиш керак. [Акс ҳолда қўл] узоқ вақт карахт бўлиб қолиши мумкин. Томирлари йўғон бўлган кишида бу шохобчалар аниқроқдир; бу ҳолда адашиш кўпроқ зарар келтиради. Мабодо, хато юз бериб, асаб зарарланган бўлса, кесикни битириб юборма, битиб кетишига ҳалақит берувчи [дори] қўйгин ва асаблар зарарлангандаги каби даволагин. Бу тўғрида биз Тўртинчи китобда айтиб ўтганмиз.

Бундай [кесикка] совутадиган нарсаларни, масалан, итузумнинг суви, сандал каби нарсаларни мутлақо яқинлаштирмагин, аксинча, атрофига ва бутун гавдага иситилган ёғ суртгин.

Билак венасини, агар у ҳар иккала томондан четга тортилиб кетмаган бўлса, қийшиқ очиш яхшироқдир. Агар [ўшандай] бўлса, уни узунасига очадилар. *Бослиқ* [ни очиш] жуда хавфлидир, чунки унинг остида артерия, асаблар ва мушаклар ётади; уни очишда [жуда] эҳтиёт бўлгин, чунки агар артерия очилиб кетса, қонни тўхтатиб бўлмайди ёки жуда қийинчилик билангина тўхтатиб бўлади.

Баъзи кишиларда *бослиқни* икки артерия ўраб туради. Табиб улардан бирини топгач, ҳамма иш яхши

адо бўлди, деб ўйлайди, ваҳолонки у иккинчисига йўлиқди, холос, сен буни текширишинг керак.

Агар [бослиқни] боғланса, кўпинча гоҳо артериядан, гоҳо *бослиқдан* шиш пайдо бўлади. Қандай қилиб бўлмасин, боғични ечиш ва шишни астагина силаш, сўнгра яна боғлаб қўйиш керак. Агар [шиш] такрорланса, яна шундай қиладилар, агар фойдаси бўлмаса, *бослиқни* қолдириб, унинг қўлтиқости [венаси] деб аталадиган, билакнинг ички тарафидан пастга [қараб] кетадиган шохобчаларини очсанг ҳам зиён қилмайди. Шиш гоҳо ғализ бўлиб қолади. Боғич ва шиш артериянинг [кетмакет] уришини кўпинча секинлаштиради ва уни шундай кўтарилган ва баланд қиладики, уни вена деб ўйлаб очиб юборадилар.

Агар қайси бир томирни боғласанг, унда боғлаш на-тижасида нўхат ёки ловияга ўхшаш шиш пайдо бўлса, *бослиқ* тўғрисида айтган сўзларимизни амалга оширгин. *Бослиқни* очишда тирсакка қараб қанча тушиб борсанг, шунча хавфсизроқ бўлади, кесикнинг йўналиши томир бўйлаб артериянинг тескари томонига кетсин. *Бослиқни* очишдаги хато фақат артериягагина боғлиқ эмас. Унинг остидан мушак ва асаб ўтади ва шу сабаб-ли ҳам хато юз бериши мумкин. Бу тўғрида биз сенга [анатомия бобида] айтиб ўтганмиз.

Бослиқдаги хатонинг ва [ништарнинг] артерияга бориб урилганининг аломати суюқ очқизил рангли қоннинг отилиб чиқиши, [артериянинг] эса пастлашгани ва босиб кўрганда юмшоқлашиб қолганидир. Бундай ҳолда кесикнинг учини кундур елими кукуни ва қуён туки, бақам дарахтининг елими, *сабир*, *мирра* [қитрон] билан беркитишга шошилгин; бу ерга имкон борица бир оз сариқ зок қўйгин ва совуқ сув сепгин, очилган жойдан юқорироқдан боғлагин ва қонни тўхтатувчи боғич боғлагин. Қон тўхтагандан сўнг уч кунгача боғични ечмагин, уч кун ўтгандан кейин ҳам мумкин қадар эҳтиёт бўлишинг керак. [Кесикнинг] атрофига ярани битирадиган дорили буруштирувчи моддалар билан қўйиб боғлагин. Кўпчилик [қон олувчилар] касалнинг артериясини кесадилар; бу, томирнинг бурушиши учун, гўшт уни беркитиб, қон кетишини тўхтатсин учун қилинади.

Кўп одамлар [тўхтатиб бўлмайдиган] қон кетиши орқасида ҳалок бўладилар; шунингдек, улардан баъзилари артерия қонини тўхтатиш мақсадида бунда аъзога

қаттиқ боғланган боғичнинг кучли азоби сабабли ҳалок бўладилар, чунки бунда аъзо ўлим йўлига киради.

Билиб қўйки, венадан ҳам қон кетиши мумкин. Шунин билгинки, қифолдан қон олинганда кўпича қон бўйиндан ва унинг юқорисидан келади, шунингдек, озгина бўйиннинг остида ҳам келади, аммо жигар ва [ёлғон] қобирғалар чегарасига етмайди. У [қон олиш] гавданнинг пастки қисмларини етарли даражада тозалармайди.

Акҳал тўғрисидаги ҳукм қифол ва бослиқ ўртасидан ҳукмдир; бослиқ эса «гавда тандири» атрофидан унинг пастигача бўшатади.

Тирсак венаси қифолга ва қутқарувчи венасига ўхшаш бўлади, айтишларича, унинг ўнг тарафидан [қон олиш] жигар оғриғи вақтида фойдали бўлади, сўл томонидан қон олиш эса, талоқ оғриғида фойдалидир, яна [айтадиларки], қон ўзидан-ўзи тўхтаб қолгунгача қон олаберадилар.

Қутқарувчи венадан қон олдираётган кишиларнинг кўпчилигида қон суст чиқади, қон енгил чиқсин ва тўхтаб қолмасин учун қон олдираётган кишининг қўлини ниссиқ сувга тикадилар. Қутқарувчи венани узун кесик билан очиш керак. Қўлтиқости венаси тўғрисида бослиққа ўхшаб иш қилиш керак.

Қўл артериясидан қон олишга келсак, бу кафтнинг орқа томонидаги кўрсаткич ва бош бармоқ ўртасидаги артериядир. [Ундан қон олиш] жигардаги ва кўкракқорин тўсиғидаги узоққа чўзилган оғриқларда ажойиб фойда келтиради. Жолинус туш кўрипти, [тушида унга] биров гўё жигаридаги оғриқ бўйича шу артериядан [қон олишни] буюрипти. Жолинус буни қилган ва соғайиб кетган [эмиш].

Гоҳо кафтнинг ичига бурилиб кетган бошқа артериядан [ҳам] қон оладилар. Бундан етадиган фойда юқорида айтилган артериядан [қон олишнинг] фойдасига яқиндир.

Агар бирор киши қўлдаги томирдан қон олмоқчи бўлса, аммо [бунга эриша олмаса], [томирни] боғлаб ва қайтадан кесиб уришиб юрмасин; аксинча [томирни] бир-икки кун [тинч] қўйсин.

Агарда [ўша кунидек] қайтадан кесиш зарур бўлса, биринчи кесикдан юқорироқдан кесиш керак, [зинҳор] пастидан эмас.

Қаттиқ боғлаш шишни келтириб чиқаради, латтани

совутиш ва уни гул суви, ёки совутилган сув билан ҳўлаш фойдали ва мувофиқдир.

Боғлаб қон олишдан олдин ҳам, кейин ҳам терини ўрнидан қўзғатмаслиги керак. Қотма гавдали кишиларда боғичнинг қўйилиши томирларнинг бўшаб қолишига ва улардан қон ўтмаслигига сабаб бўлади, ҳаддан ташқари семиз гавдада эса [баданнинг] бўшашганлиги томирни сиқиб қўймагунгача [уни] кўришга имкон берамайди.

Баъзи қон олувчилар оғриқни босиш учун нозик усул қўллайдилар... [Улар] қўлни боғич билан маҳкам боғлаб, шу аҳволда бир неча вақт сақлаб, уни сезмайдиган қилиб қўядилар; баъзилари ништарнинг қилга ўхшаш учига ёғ суртадилар ва бу, айтганимиздек, оғриқни энгиллатади ва кесикнинг ўсиб, битишини секинлатади.

Юқорида айтиб ўтилган қон томирлари қўлда кўринмаса, аммо уларнинг шохобчалари кўриниб турган бўлса, бу шохобчаларни қўл билан босиб-босиб силагин.

Силаб бўлгандан сўнг қон [вена] шохобчаларига югурса ва уларни шиширса, шунда венани очадилар, бўлмаса очмайдилар. Ювмоқчи бўлсалар, кесикни ёпсин учун терини чўзадилар ва уни ювадилар, сўнгра [терини] ўз жойига қайтарадилар. Сўнгра лойиқ латтапарча қўядилар, энг яхшиси юмалоқ латтапарчадир, сўнгра [кесикни] боғлайдилар.

Агар кесик жойига ёғ йиғилиб келса, уни оҳистагина четлатиш керак, аммо кесиб ташлаш керак эмас. Бундай кишилардан кесмай туриб иккинчи мартаба қон олиш керак эмас.

Билгинки, қонни тўхтатиш ва кесикни [боғлаш] учун маълум вақт талаб қилинади, ундай вақт ҳар турли бўлади. Баъзи кишилар, ҳатто иситма вақтида ҳам, беш ёки олти *ратл* қон олинишига чидайдилар, баъзилар эса соғлом бўлсалар ҳам, бир *ратл* қон олинишига чидай олмайдилар. Бундай шароитда уч ҳолни эътиборга олиш керак: биринчидан, қоннинг тез ёки суст чиқаётганини; иккинчидан, қоннинг рангини; [қоннинг] ранги кўпинча тўқлашади; дастлаб чиқаётган қон суюк ва оқимтир бўлади. Агарда тўлиб кетганлик аломатлари бор бўлса ва шароит қон олишни талаб қилса, бу нарсага ҳеч бир йўсин билан алданиб қолмагин. Гоҳо шиши бор кишилар қонининг ранги тўқлашади, чунки шиши ўзига қонни тортади. Учинчидан, томир уришига [аҳа-

мият бериш керак]. Қон олиш вақтида ундан қўлингни узмаслигинг керак.

Агар [қоннинг чиқиш] тезлиги пасайса, ёки ранги ўзгарса, ёки томир уриши ўзгарса, айниқса, бўшашиш томонига, — шунингдек, эснаш, кершиш, ҳиқичоқ тутиш ва кўнгил айнаш пайдо бўлса, қон олишни тўхтат. Агар-да, қоннинг ранги, балки чиқиши тез ўзгарса, томир уришга қараб иш кўргин.

[Қон олиш пайтида] иссиқ мизожли одамлар, қотма ва ғовак гавдали кишиларда кўпроқ ҳушдан кетиш юз беради, мўътадил гавда ва пишиқ гўштли кишиларда бу ҳол кам бўлади. Айтадиларки, қон олувчи табибда ҳам қилли, ҳам қилсиз анча ништарлар бўлиши керак. Қилли ништар силжийдиган томирлар [масалан], бўйинтуруқ венасига яхши қўлланилади; [шунингдек, табибда яна] пишиқ ёки хом ипакдан ишланган коптоқлар, қайт қилдириш учун калтакча ва пат бўлиши керак. Табибда яна қуён юнги, *сабир* ва *кундурдан* қилинган дори ва мушк халтачаси бўлиши керак, ҳушдан кетиш юз бериб қолганда фойдаланиш учун мушк дориси ва мушк кулчалари бўлиши керак. Ҳушдан кетиш қон олиш пайтидаги энг ёмон ҳоллардандир ва касал бу вақтда гоҳо ўзига келмайди. [Бундай ҳолларда] табиб тезроқ [ипак] коптокни касалнинг [оғзига] қўйиши ва ўз асбоби билан уни қайт қилдириши, унга мушкли халтачани ҳидлатиши ва озгина мушкли дори ёки кулчани ютқизиши керак — шунда касалнинг кучи бир оз жонланади.

Агарда қон отилиб чиқа бошласа, [табиб] қуён юнги ва *кундур* елимининг майдаларидан қилинган дори билан [кесикни] беркитишга шошсин. Қон ҳали чиқиб турганида ҳушдан кетиш кам бўлади. Аксинча, агар [қон] кўп кетмаётган бўлса, кўпинча қон [олиш] тўхтатилгандан сўнг [юз беради]. Аммо доимий иситма, *сактанинг* бошланишида, ангиналарда, катта ҳалокатли шишлар ва қаттиқ оғриқ пайтида ҳушдан кетишнинг яқинлашишига аҳамият бермаслик керак; [бундай ҳолларда] биз бу воситаларни фақат касалнинг бирмунча дармони бор пайтдагина ишлатамиз.

Бизга қўл томирлари ва бошқа нарсалар тўғрисида мукамал гапиришга тўғри келди, оёқ томирлари ҳамда бошқа томирларни эса ёддан чиқардик. [Энди] ўз фикримизни шуларга боғлашимиз ва [қўйидагиларни] айтишимиз керак.

Оёқ томирлари тўғрисида шуни айтиш керакки, унга

қуймич венаси киради; уни ташқи томондан товон ёнидан ёки юқорироқдан сон ва товон ўртасидан очадилар ва латта ё боғич билан боғлаб қўядилар. Яхшиси, олдин [оёқни] сувда иситиш керак, шунингдек, венани узунасига очиш тўғрироқ бўлади. Агар [қуймич венаси] кўришиб турмаса, унинг бешинчи ва тўртинчи бармоқлар ўртасидан [ўтадиган] шохобчаси очилади. Қуймич асаби оғридан маҳалларда қуймич венасидан қон олишнинг жуда катта фойдаси бор. Ниқрис, венанинг кенгайиши ва «фил касаллиги» [каби касалликларда ҳам унинг фойдаси зўр]: қуймич венасидан иккинчи мартаба қон олиш қийиндир.

Товоннинг ички томонидан ўтадиган оёқ тери ости венаси ҳам шундандир. У қуймич венасига қараганда кўришиброқ туради ва уни жигардан қуйида жойлашган аъзоларни қондан бўшатиш ва қонни юқоридан қуйига юбориш учун очадилар. [Оёқ тери ости венасидан қон олиш], ҳайз кўришни кучайтиради ва бавосир тешиklarини очади.

Қиёслаш қуймич ва оёқ тери ости веналаридан [қон олишнинг] бир хил даражада фойдали бўлишини талаб қилади, аммо тажриба қуймич асаби касалликларида [яъни *ирқуннасода*] қуймич венасини очишликнинг кўпроқ фойда етказишини кўрсатади. Бу унинг [қуймич асабининг] қаршисида жойлашганидан келиб чиқади. Оёқ тери ости венасидан қон олишнинг энг яхшиси кўндалангига қия кесишдир.

Буларга тиззанинг букилган жойидаги томир ҳам киради. У оёқ тери ости венасига ўхшаб ишлайди, аммо ҳайзнинг кучайишида ҳам орқа тешикдаги ва бавосирдаги оғриқларга оёқ тери ости венасига қараганда кучлироқ таъсир қилади.

Буларга болдирнинг пастки қисмидаги пайларнинг ортида жойлашган томир ҳам киради. У оёқ тери ости венаси каби бўлиб, унинг шохобчалари сифатида ишлайди.

Оёқ томирларидан қон олиш, умуман, бошга йўналаётган моддадан келиб чиқадиган ва, шунингдек, савдодан чиқадиган касалликлар чоғида фойдалидир. Бу қўлдан қон олишга нисбатан қувватни кўпроқ сусайтиради.

Бош томондаги очиладиган томирларга келсак, уларнинг бўйинтуруқ венадан бошқаларини, яхшиси қиясига очиш керак. Бу томирлар ичида веналар ҳам, артериялар ҳам бор. Масалан, қошлар ўртасида кўта-

рилиб турган пешонадаги томир — венадир; уни очиш бошдаги оғирликни, айниқса, [бошнинг] ортки томонидаги, кўзлардаги [оғирликни] йўқотишда ёрдамлашади ва доимий бош оғриғини [даволашда фойда беради].

Бош тепасидаги томирни, шунингдек, чаккадан ўтадиган икки чакка венаси ва кўз бурчакларидаги икки венани шақиқа вақтида ҳамда бошда жароҳат бўлганда очадилар; у томирлар кўпинча томоқни бўғиб қўйгандагина кўринадилар. Уларда [кесик] чуқур кетмаслиги керак; акс ҳолда кўпинча оқма яра [носур] пайдо бўлиб қолади. Бу веналардан озгина қон чиқади; уларни очиш бош оғриғи, шақиқа, кўзнинг доимий яллиғланиши, ёш оқиши, кўз олди пардаланиши, кўз қовоғининг қўтири ва тошмаларида ҳамда шабкўрлик юз берган пайтларда фойдалидир.

Қулоқнинг юмшоқ ерига туташган жойнинг остида жойлашган ва [қулоқ ичидаги] тукларга ёпишган учта кичкина томирлардан ҳам қон оладилар. Бу уч [венадан] биттаси бошқаларига қараганда яхшироқ кўриниб туради. Уни кўз катарактаси бошланаётган пайтда ва бош меъдадан буғ олаётган вақтда очадилар. Бу яна қулоқ ярасида, бошнинг орт томонидаги яралар ва бош меъдадан буғ олаётган вақтда очадилар. Бу яна қулоқ ярасида, бошнинг орт томонидаги яралар ва бош касалликлари пайтида ёрдам беради.

Жолинуз, гўё, тарки дунё қилувчи одамлар боласизликни вужудга келтириш учун қулоқлар ортидаги икки томирдан қон олдираб эмишлар, деган афсоналарни рад қилади.

Бу веналар қаторига бўйинтуруқ венаси ҳам киради. Улар иккита ва уларни мохов касалининг бошида, қаттиқ ангина [вақтида], нафас сиқилиши, ўткир астма ва ўпка яллиғланган вақтдаги хириллаш вақтида, иссиқ қоннинг кўплигидан келиб чиқадиган баҳақ вақтида, талоқ касалликлари пайтида ва иккала биқинда оғриқ [пайдо бўлганда] очадилар. Юқорида айтганларимизга мувофиқ, бу веналарни қилли ништар орқали очиш керак. Томирни боғлаш усулига келсак, бўйинни боғлагандан сўнг томир тўплансин учун уни томир очиладиган томоннинг қарши тарафига эгилтириш керак; бунда томирнинг қайси тарафга кўпроқ силжишини кузатиб туриш ва [қонни унинг] қарши томонидан олиш керак. Венани оёқ тери ости венаси ва *ирқуннасога*

Ўхшаб узунасига эмас, балки кўндалангига боғлаш керак, аммо вена узунасига очилиши лозим.

Буруннинг учидаги томир ҳам шунга киради; агар бу жойни бармоқ билан босилса, иккига ажрайди; уни ана шу ердан очадилар. Ундан чиқадиган қоннинг миқдори оз бўлади; [юзни] сепкил босган вақтда, ранги рўй бузилганда бурун ичига бавосир ва тошмалар чиққанда ва бурунда қичиш [юз берган ҳолларда] бу фойдалидир. Бу томирдан қон олиш, баъзи вақтларда *саъфага* ўхшаган [бутун] бетга ёйилиб кетадиган давомли қизилланишни келтириб чиқаради. [Бундай ҳолларда бу томирдан қон олиш натижасида] фойдадан кўра зарар кўпроқ етади.

Қулоқ орти суяги остида, энса чуқурлиги ёнида [ётган] томирлардан қон олиш қоннинг суюқлиги натижасида бош айланиши ва эски бош оғриқлари вақтида фойда беради.

[Бош томонидаги] веналарга чаҳор рағ, яъни тўрт томир ҳам киради. Улар ҳар бир лабда иккитадандир. Улардан қон олиш оғиздаги яра-чақалар, милкларнинг шишиши ва бўшаши, шунингдек, ундаги яралар, бавосир ва [унинг] ёрилиши вақтида фойдалидир.

Иякнинг ички томонида, тилнинг остида ётадиган томир ҳам шуларга киради. Ундан ангинада ва [бўйин] икки бодом беши шишлари вақтида қон оладилар.

Тилнинг худди тагидаги томир ҳам шуларга киради. Ундан қоннинг кўпайиб кетганлиги натижасида тилда юз берадиган оғирлик вақтида қон оладилар. Уни узунасига очиш керак, чунки кўндаланг очилган вақтда қонни тўхтатиш қийин бўлади.

Пастки лабдаги туклар ёнида [жойлашган] томир ҳам шунга киради, уни оғиздан ёмон ҳид келадиган бўлганда очадилар.

Бўйин томири ҳам шуларга киради. Уни меъданинг оғзини даволашда очадилар.

Бошда жойлашган артерияларга келсак, улардан бири чаккадаги артериядир. Уни гоҳо очадилар, гоҳо кесадилар, гоҳо юқорига кўтарадилар, гоҳо куйдирадилар, бу кўзга қўйилувчи ўткир суюқ назлаларнинг ўтишини тўхтатиш учун ва кўз қорачиғининг кенгая бошлаган пайтида қилинади.

Қулоқлар орқасидаги икки артерия ҳам шуларга киради. Уларни турли хил кўз оғриқларида, катарактанинг бошида ва кўз олди пардалана бошланишида, шунингдек, шабкўрлик [юз берганда] ва давомли бош

оғриғи [вақтида] очадилар. [Бу артериянинг] очилиши хавфли ва унинг битиши секин бўлади. Жолинуслик ҳикоя қилишича, томоғи яраланган бир кишининг артерияси зарарланган ва ундан бирмунча қон кетган экан. Жолинуслик қон кетишига қарши кундур, сабир, бақам дарахтининг елими ва *муррли* дори ишлатган ва қонни тўхтатган, [яраланган кишининг] сон томонидаги оғриқлар ҳам тўхтаган.

Бадандаги қон олинадиган томирларга қориндаги **икки** томир киради; улардан бири жигар устида, иккинчиси талоқ устида жойлашган. Унг томондаги томирдан **истисқо** касали вақтида, сўл томондагисидан талоқдаги **касалликлар** вақтида қон оладилар.

Билиб қўйгинки, қон олишнинг **икки** вақти бор: **танлаб** олинадиган вақт ва зарур бўлиб қолган вақт. **Танлаб** олинадиган вақт куннинг эрта [пайти], овқат ҳазм қилиш ва бўшалишнинг тамомлангандан кейинги вақти; зарур вақтга келсак, у [қон олиш] зарур бўлиб қолган ва бирор қаршилиқ қилувчи нарсага эътибор қилиб қон олишни тўхтатиб бўлмайдиган вақтдир.

Билиб қўйгинки, ўтмасланиб қолган ништар катта зарар келтиради. У венанинг ёнига зарб беради, томирнинг ичига бориб етмайди, шиш келтириб чиқаради ва оғритади. Ништар билан ишлаётган вақтингда уни сиқиб, қўл билан итарма, ништарнинг учи томирнинг ичига бориб етмагунча эҳтиётлик билан, оҳиста ҳаракат қилгин. Агарда буни қўпол қилсанг, унда ништарнинг учи сезилмасдан синиб қолади ва ништар сирғаниб, томирни оча олмайди. Агар бундай ништар билан қон олишда астойдил ишлайберсанг, фақат кўпроқ зарар келтирасан. Шунинг учун қон олиш олдидан ништарнинг терига қандай кираётганини синаб кўриш керак, агар такрор зарба қилмоқчи бўлсанг ҳам шундай қилишинг керак.

Томирни қон билан тўлғазишга шундай ҳаракат қилгинки, у [бирмунча] кўтарилсин, шунда ништарнинг сирғаниши ва ўрнидан силжиши камроқ бўлади. Агарда томир бунга йўл қўймаса ва боғлаганда унинг тўлгани кўринмаса, уни бўшатгин ва бир неча мартаба бойлагин, томирни сиқиб туриб, то уни уйғотгунинггача ва кўринадиган қилгунинггача қуйидан юқорига ишқагин. Буни томирнинг ўтганини биладиган бирор жойингдан **иккита** бармоғинг билан сиқиб синаб кўргин. Иккала [бармоғинг] билан қонни [тўхтат], сўнгра битаси билан тўхтатиб туриб, **иккинчисини** кўтаргин ва қонни

оқизгин; қон оқаётган вақтда, босиб турган бармоғнинг остида қонни оқизган вақтда тўпланишини, [қон оқиши], тўхтаганда эса, [унинг] қайтишини кўрасан.

Ништарнинг учи [маълум миқдорда] терининг остига кириб бориши зарур, аммо жуда ичкарига [кириши] керак эмас, акс ҳолда ништар ичкарироққа кириши ва артерия ёки асабга [бориб тегиши] мумкин. Томирни ҳаммадан юпқароқ бўлган жойида қон билан тўлғазиш керак. Ништарни қандай ушлашга келсак, шунни айтишим керакки, уни бош ва ўрта бармоқлар билан ушлаш ва кўрсаткич бармоқни пайпаслаб кўриш учун қолдириш керак.

Темир дастанинг юқорисидан эмас, ўртасидан ушлаш керак; [Агар юқоридан ушланса] қўл ништарни ушлаб туриб титрайди. Агар томир бир томонга сурилса, уни қарши томондан боғлаб босгин; агар у ҳар икки томонга барабар сурилса, зинҳор уни узунасига очмагин.

Билиб қўйгинки, терининг қаттиқлиги ва қалинлиги даражасига, гўштнинг кўплиги ва миқдорига қараб босиш ва сиқиш керак.

Боғич [томирдан қон олинадиган жойга] яқин бўлиши керак, агар боғич томирни беркитса [томир] устидан белги қилиб қўйгин ва томирнинг тортилиш пайтида [ўша] белгидан узоқлашишдан эҳтиёт бўлгин, бу пайтда қон олаётган [томирни илмоқ] билан остидан ушла.

Агар томир тўлиқ бўлиб сенга бўйсунмаса ва уни чиқариш қийин бўлса, унинг устидан [терини] очгин ва илмоқдан фойдалангин. Бу [усул]ни айниқса қотма одамларда [ишлатиш керак]. Томирнинг боғланиши ва тортиши бўғин олдида юз берса, томирнинг қон билан тўлишига халақит беради.

Шуни билгинки, тўлақонлилиқ орқасида кўп терлайдиган кишилар қон олдиришга муҳтожлик сезадилар. Қон олиш йўли билан даволаниши лозим иситма ва бош оғриқ билан оғриган [касалларда] кўпинча табиий ичкетиш юз беради ва улар мутлақо қон олдирмасдан ҳам тузаладилар.

ҚОРТИҚ ҚҶИИБ ҚОН ОЛИШ ҲАҚИДА

[Терини тилиб] қортиқ қўйиб қон олиш тери атрофларини ништар уриб томирдан қон олишга нисбатан яхшироқ тозалайди. Қортиқ қуюқ қондан кўра суюқ

қонни кўпроқ чиқаради. Қуюқ қонли йўғон гавдаларда қортиқдан фойда кам, чунки қортиқ уларнинг қонларини керагича чиқара олмайди, балки қийинлик билан жуда суюқ қонларнигина чиқаради ва қортиқ қўйилган аъзода заифлик пайдо қилади.

Ой бошида қортиқ қўйиб қон олишни буюрилмайди. Чунки бу вақтда хилтлар ҳаракат қилган ва қўзғалган бўлмайди; шунингдек, ойнинг охирида ҳам буюрилмайди, чунки бу вақтда хилтлар камайган бўлади. [Қортиқни] ойнинг ўртасида қўйиш буюрилади; [бу вақтда] хилтлар қўзғалади [ва улар] ойдаги нурнинг кўпайишига эргашиб кўпаяди; калла суяклари ичида бош миянинг миқдори кўпаяди; суви тортилиб ва қайтиб турадиган дарёларнинг сувлари кўпаяди.

Билгинки, қортиқ қўйиб қон олишнинг энг яхши вақти [кун чиққандан кейинги] иккинчи ва учинчи соатдир. Қони қуюқ бўлмаган киши ҳаммомдан кейин қортиқ қўйиб қон олишдан сақланиши керак. У киши ҳаммомга тушиб, бир оз муддат [тинч] туриб, сўнгра қортиқ қўйиб қон олдириши керак.

Кўп кишилар гавданинг олдинги қисмларига қортиқ қўйиб қон олишни, бу сезгига ва зехнга зарар қилади, деб ёқтирмайдилар. Бўйин чуқурчасига қортиқ қўйиб қон олдириш *акҳал* томиридан [қон олдиришнинг] ўрнига ўтади. У қошлар оғирлашувини тuzатади, қовоқларни енгиллаштиради, кўз қўтири ва оғиз ҳидланиши, кўз қовоғида тош пайдо бўлган вақтида фойда қилади. Икки курак ўртасига [қортиқ қўйиб қон олиш] *бослиқ* томиридан қон олиш ўрнига ўтади, елка ва томоқ оғриғига фойда қилади.

Бўйиннинг иккала томирларидан бирига қортиқ қўйиб қон олиш *қифол* [дан қон олиш] ўрнига ўтади, бош қалтирашига фойда қилади; юз, олдинги тишлар, қозиқ тишлар, иккала қулоқ, иккала кўз, томоқ ва бурун каби бошдаги гавда аъзоларининг касалликларига фойда қилади. Лекин бўйин чуқурчасига қортиқ қўйиб қон олиш унутувчанликни келтиради дейилгани тўғри. Чунки миянинг орқа бўлаги эслаш қувватининг ўрни [бўлиб], қортиқ уни кучсиз қилиб қўяди. Икки курак ўртасига қортиқ қўйиб қон олиш меъда оғзини кучсиз қилади. Бўйиннинг иккала венасига қортиқ қўйиб қон олиш баъзан бош қалтирашини пайдо қилади. Шунинг учун бўйин чуқурига [қон олиш учун] қўйиладиган қортиқ бир оз қуйига қўйилсин, икки курак ўртасига қўйиладигани эса бир оз юқорига қўйилсин! Лекин

[кураклар ўртасига қўйиладиган қортиқ], агар у қон кетишига ва йўталга қарши бўлмаса, юқорига эмас, қуйига қўйилмоғи керак. Мана шу икки курак ўртасига ва иккала сон ўртасига қортиқ қўйиш қондан бўладиган кўкрак касалликлари ва қонли астма касаллигига фойда қилади, лекин бу меъдани бўшаштиради ва хафақонни келтириб чиқаради.

Болдирга қортиқ қўйиб қон олиш [таъсир жиҳатидан] томирдан ништар билан қон олишга яқиндир. У қонни тозалайди ва ҳайз қонининг кетишини кучайтиради. Оқ ва ғовак гавдали, суюқ қонли хотинларнинг иккала болдирга қортиқ қўйиб қон олиш, оёқ тери ости томиридан қон олишдан кўра мувофиқроқдир.

Бош орқа дўнгига ва бош ўртасига қортиқ қўйиб қон олиш баъзи табибларнинг фикрича, ақл чалкашлиги ва бош айланиши вақтида фойда қилади; айтишларича, у соч оқаришни кечиктиради, бу масала тўла ҳал бўлган эмас, чунки бундай даво баъзи кишиларда бошқаларга қараганда соч оқаришни кечиктирса ҳам, кўпчилик кишиларда [аксинча] уни тезлатади. [Қортиқ] кўз касалликларига фойда қилади; бу унинг энг катта фойдаларидандир. Кўз қўтири ва майда чиқиқларига фойда қилади, лекин у зехнга зарар қилади; бефаҳмликни, унутувчанликни, фикр пастлигини ва [турли] узоқ чўзиладиган касалликларни келтиради; [қортиқ] кўзи катарактали кишиларга зарар қилади, лекин қортиқ қўйиб қон олишнинг ишлатилиши керак бўладиган пайтга ва ҳолатга тўғри келиб қолса, баъзан зарар қилмайди.

Ияк тагига қортиқ қўйиб қон олиш тишларга, юзга ва томоққа фойда қилади, бошни ва жағларни тозалайди.

Думғазага қортиқ қўйиб қон олиш сон чипқонларига, қўтирларига, майда чиқиқларига, оёқ ниқрисига, бавосирга, «фил касаллиги»га, қовуқда ва бачадонда бод пайдо бўлиш касалликларига ва орқа қичишига фойдалидир. Қортиқ олов билан қўйилганда хоҳ тилиб, хоҳ тилмай [бўлсин, барибир] ўша касалликлар вақтида фойда қилади; тилиб [қортиқ қўйиш] бод бўлмаганда кучлироқ таъсир қилади. Тилмай қортиқ қўйиш эса ўша ерда ёки бoshқа жойларда совуқ бодларни йўқотишда кучли фойда қилади.

Иккала сон олд томонига қортиқ қўйиб қон олиш мойак шишига, икки сон ва икки болдир чипқонларига фойда қилади. Иккала сон орқасига [қортиқ қўйиб қон

олиш] иккала думбада пайдо бўладиган шишлар ва чиқиқлар вақтида фойда қилади.

Тиззанинг пастроғига қортиқ қўйиб қон олиш ўткир хилтлардан пайдо бўладиган тизза лўқиллашига ва оёқдаги ёмон чиқиқларга ҳамда эски яраларга фойда қилади.

Иккала товонга қортиқ қўйиб қон олиш ҳайз қонини тўхтатишга *ирқуннасо* ва ниқрис вақтида фойда қилади.

Тилмай қортиқ қўйишга келсак, у моддани қўзғалган томонидан тортишда ишлатилади. Масалан, ҳайз қонининг кетаберишини тўхтатиш учун эмчакка қўйилади. Гоҳо тилмай қортиқ қўйиш билан чуқур турган шишни даволаш учун юзага чиқарилади.

Тилмай қортиқ қўйиш гоҳо аҳамиятсизроқ қўшни аъзога шишни кўчириш учун ишлатилади; гоҳо аъзони қизитиш, у аъзога қонни тортиш ва бодларни тарқатиш учун [ҳам] ишлатилади; гоҳо аъзони тушиб кетган жойидан ўзининг табиий жойига қайтариш учун ишлатилади, масалан, даббада.

Гоҳо оғриқни тўхтатиш учун қортиқ қўйилади. Масалан, оғритувчи *қуланж* касали сабабли, қорин бодлари сабабли, ҳайз қони қўзғалган пайтдаги, айниқса, ёш хотин-қизларда бўладиган бачадон оғриқлари сабабли киндакка қортиқ қўйилади. Сон бошига қортиқ қўйиш *ирқуннасо* учун, [қуймич суягининг] ўрнидан чиқиб кетиш хавфи учун; икки сон бошининг ўртасига қортиқ қўйиш эса, иккала сон боши оралиғи, иккала сон, бавосир учун, дабба ва ниқрис касалига учраган кишилар учун манфаатлидир.

Орқа тешиқ атрофига қортиқлар қўйиш бутун гавдадан ва бошдан [қонни] тортади, ичакларга фойда қилади, ҳайз бузуқлиғига даво бўлади, шу билан бадан енгиллашади.

Биз айтамыз, тилиб қортиқ қўйиб қон олишнинг уч фойдаси бор: биринчиси, аъзонинг худди ўзидан қонни чиқариш. Иккинчиси, чиқарилиши керак бўлган хилтлар билан чиқиб кетиши мумкин бўлган руҳ моддасини сақлаш. Учинчиси, бошқарувчи аъзолардан [қон] чиқарилишига йўл бермаслик.

Тилиш чуқур бўлиши керак, шунда чуқурдаги қонни тортади. Баъзан қортиққа ёпишадиган жой шишиб, қортиқни чиқариб олиш қийин бўлади, шу пайтда бир парча латта ё булут олинсин, уларни иссиқроқ сув билан хўллаб, аввал қортиқ атрофини ушбу пахтадор билан иситилсин. [Қортиқ қўйилган жойнинг шишиши]

кўпинча қортиқларни ҳайз ё бурун қонғи тўхтатиш учун эмчак атрофига ишлатганимизда пайдо бўлади. Шунинг учун эмчакнинг худди ўзига қортиқлар қўйиш керак эмас. Қортиқ қўйиб қон олинадиган жой ёғланганда қортиқ солишга шошилисин, тилишда сустлашмай, балки шошилисин. Қортиқни биринчи марта енгилгина қўйиб тез олинади, кейин аста-секин қортиқни ушлаб турилади ва узоқ вақт тутилади.

Қасал қортиқ қўйилгандан бир соатдан кейин овқатланиши керак.

Болаларга иккинчи ўшда қортиқ қўйилади. Кексаларга олтмиш ёшдан кейин мутлақо қортиқ қўйилмайди.

Юқориги аъзоларга қортиқ қўйиш моддаларни қуйи аъзога қуйилишдан сақлайди.

Қортиқ қўйдирувчининг сафроси кўп бўлса, қортиқдан кейин анор донаси, анор суви, шакар билан сачратқи ва сирка билан сутчўп тотинади.

ЗУЛУКЛАР ТУҒРИСИДА

Ҳиндийлар айтадилар: зулуклардан баъзисининг табиатида заҳарлилик бор. Шунинг учун боши катга, сурмаранг-қорамтир ё кўкимтир, тукли, илонбалиққа ўхшаш, устларида зангори йўллари бор ва буқаламун рангли зулуклардан сақланиш керак. Шуларнинг ҳаммасида заҳар бор. Бу зулукларни солиш шишлар, беҳушлик, қон кетиши, иситма, бўшашиш ва ёмон яраларни пайдо қилади. Балчиқли ифлос сувлардан тutilган зулуклардан ҳам сақланилсин. Лекин юзида қурбақаўт пайдо бўлган ва қурбақалар макони бўлган сувлардан тutilган зулуклар танлаб олинсин. Қурбақали сувларда бўладиган зулуклар ёмон, деганларига эътибор бермаслик керак.

Зулуклар турли рангли, кўпроқ кўк рангли ва устларида зарғин рангли икки чизик тортилган бўлсин, ё сарғин, кўкимтир, ёилари юмалоқ бўлсин; яна жигарранг, кичик чигиртка рангли, сиққон думига ўхшаган, ингичка ва кичик бошли [зулук яхшидир].

Қоринлари қизил, орқалари кўк, айниқса, оқар сувларда бўладиган зулуклар ишлатилмайди.

Зулуклар қортиқдан кўра чуқурроқ ердан қон тортадилар.

Зулуклар ишлатилишдан бир кун бурун тutilиб, мумкин бўлса ичларидаги нарсаларни чиқариб ташлаш.

учун бошини ерга қилиниб қусдирилиши керак. Уларга солишдан олдин овқатланишлари учун қўзичоқ ё бошқа [ҳайвон]нинг қонидан бир оз берилади. Кейин ушлаб, булутга ўхшаш бирор нарса билан ёпишқоқ нарсалари ва ифлосликлари тозаланади. Зулук солинадиган жой бурақ билан ювилади ва қизаргунгача ишқаланади. Зулукни ишлатиш олдида чучук сувга солиниб тозаланади, кейин ишлатилади.

Зулук солинадиган жойга [бош ювиладиган] тупроқ ёки қон суриш зулукни тишлашга қизиқтиради.

Зулуклар тўлиб, туширилмоқчи бўлинса, устларига бир оз туз, ё кул, ё бурақ, ё каноп латта кули, ё куйдирилган булут, ё куйдирилган юнг сочилади. Зулуклар тушгандан кейин зулук солинган жойнинг қонидан қортиқ билан бир оз сўриб олинади, шу қон билан зулукларнинг зарарли таъсирлари ва тишлашларининг зарари чиқиб кетади.

Қон тўхталмаса, зулук солинган жойга куйдирилган мози, оҳак, ё кул, ё майда янчилган сопол ёки қонни тўхтатувчи бошқа нарсаларнинг бири сепилади. Зулук соладиган киши олдида [шу нарсалар] тайёр туриши керак.

Ширинча, темиртки, сепкил, намаш ва бошқалар каби тери касалликларида зулук ишлатиш яхшидир.

ТИҚИЛМАЛАРНИ ДАВОЛАШ ТУҒРИСИДА

Тиқилмалар — ё қуюқ хилтлардан, ё ёпишқоқ хилтлардан ва ё хилтларнинг кўплигидан [келиб чиқади]. Хилтларнинг кўплиги билан бирга бошқа бир сабаб бўлмаса, у хилтларнинг зараридан қутилишга уларни томирдан қон олиш ва сурги ишлатиш билан чиқариш кифоя қилади. Агар хилтлар қуюқ бўлсалар, эритувчи-тозаловчи дориларга муҳтож бўлинади. Агар хилтлар ёпишқоқ, айниқса, суюқ бўлсалар, ажратувчи дориларга муҳтож бўлинади. Қуюқ билан ёпишқоқ орасидаги айирмани билдинг, бу айирма лой билан эритилган елим орасидаги айирманинг ўзидир.

Қуюқ [хилт] эритувчи дорига муҳтож шу дори уни суюлтириб чиқиб кетишини осонлаштиради. Ёпишқоқ хилт ажратувчи дорига муҳтож, шу дори у хилт билан унинг ёпишган жойи ўртасига кириб, ўша жойни у хилтдан тозалайди ва хилт бўлаklarини парчалаб ажратади, чунки ёпишқоқ хилт бирикиш билан ва бўлақларининг жипслашиши билан тиқилма пайдо қилади.

Қуюқ [хилтни] эритишда қарама-қарши икки нарсадан сақланиш керак: бири кучсиз эритиш; у модданинг ғоваклашувини кучайтиради ва унинг ҳажмини кўпайтиради-ю, етарли даражада эритолмайди; натижада тиқилма кўпаяди. Иккинчиси жуда кучли ва тез эритиш; у билан хилтларнинг суюқ қисми эрийди-ю, қуюқ қисми қотиб қолаберади.

Кучли эритиш лозим бўлганда унинг кетидан енгил қуюқ бўлмаган мўътадил юмшатиш бўлиши керак, бу қуюқ бўлмаган ва мўътадил иссиқликка эга моддалар ёрдами билан бўлади. Бу тиқилмани эритишга кўмак беради.

Тиқилмаларнинг энг қийини томирлардагиси, буларнинг энг қийини артерия тиқиларидир; буларнинг энг қийини бошқарувчи аъзоларда бўладиган тиқилмалардир.

[Тиқилмаларни] очувчи дориларда тутиш ва юмшатиш [қувватлари] тўпланса, мақсадга мувофиқроқ бўлади, чунки тутувчи юмшатувчининг шиддатини аъзодан қайтаради.

ШИШЛАРНИ ДАВОЛАШ ТУҒРИСИДА

Шишларнинг баъзиси иссиқ, баъзиси совуқ, баъзиси совуқ юмшоқ; ва баъзиси совуқ, лекин қаттиқдир. Биз уларни айтиб ўтдик.

Шишларнинг сабаблари ё сиртқи, ёки [гавдада] олдин пайдо бўлган сабаблардир. Олдин пайдо бўлган сабабларнинг мисоли: [хилтларга] тўлиқлик; сиртқи сабабларнинг мисоли: йиқилиш, урилиш ва чақилишдир.

Сиртқи сабаблардан бўлган шиш, гавданинг тўлиқлиги ёки тўлиқлик бўлмаганда, хилтларнинг мўътадиллиги билан биргаликда келади.

Гавда тўлиқлигига тўғри келган олдинги ва сиртқи сабаблардан пайдо бўлувчи шиш, ё бошқарувчи аъзоларга қўшни аъзоларда бўлиб, бу бошқарувчи аъзоларга бўшалиш ўрни каби бўлади; ёки ўша ерларда бўлмайди. Агар шишлар у ерда бўлмаса, дастлабки даволашда у шишларга эритувчи дорилардан биронтасини ҳам мутлақо қўллаш керак эмас; балки агар шиш ҳайдовчи аъзода бўлса, ҳайдовчи аъзони тузатиш керак; ё агар шиш бирор аъзода бўлмаса, бутун гавдани тузатилиши керак; ўша шишли аъзога қайтарувчи, четга тор-

тувчи ва буруштирувчи ҳар нарсани ишлатилиши керак бўлади.

Гоҳо хилтлар қарши томондаги бошқа аъзога уни ишлашга мажбур қилиш ёки у аъзога оғир нарса кўтариш билан тортилади. Масалан, шишсиз қўлга оғир нарса юкланиб, бир оз вақт тугилганда, ёмон хилт шишли қўлдан шишсиз қўлга тортилади.

Буруштирувчи дориларга келсак, иссиқ мизожли шишларда буруштирувчи ва қайтарувчи дориларнинг ўзинигина ишлатилиши керак бўлади; совуқ шишларда эса *изҳир*, *азфор ут тиб* каби иссиқлик қуввати ва буруштирувчилиги бўлган дориларни аралаштириб ишлаш керак бўлади. Бўртиш кўпаяберса, буруштирувчи дорини камайтириб эритувчи дорини кўпроқ қўшиб борилади. [Шиш] ниҳоятига етгач иккала дорини ҳам баробар миқдорда ишлатилади. Шиш қайта бошласа, эритиб йўқ қилувчи ва бўшаштирувчи дорилар билан кифояланилади.

Совуқ ва бўш шишларнинг дориларидаги шимувчанлик ва қуритувчанлик иссиқ шишларнинг дориларида бўладигандан кўпроқ бўлиши керак.

Гавда хилтлар билан тўлган бўлмай, сиртқи сабабдан бўлган шишларга келсак, бундай шишни дастлабки даволашда бўшаштирувчи ва эритувчи [дори билан] даволаш керак бўлади; агар шундай бўлмаса, аввалгини даволаган дори билан даволанади.

Агар шишли аъзо бошқарувчи аъзоларнинг бўшалиш ўрни бўлса, масалан, бўйиндаги ва қулоқ орқасидаги безли жойлар — миянинг бўшалиш ўрни, қўлтиқ — юракнинг, иккала чов — жигарнинг бўшалиш ўрни бўлади, — ундай аъзоларга қайтарувчи дориларни яқинлатиш мумкин эмас. Гарчи шу хил дорилар ўша аъзоларнинг шишларига даво бўлсалар ҳам биз ўшандай аъзоларнинг шишларини даволамаслик яхши деймиз; ҳатто шишларнинг кўпайишига ва моддани ўша шишларга тортишга уринамиз; у аъзодаги зарарнинг кучайишига парво қилмаймиз; бошқарувчи аъзоларнинг яхши туришини истаймиз. Моддани қайтарганимизда бошқарувчи аъзога боради, деб қўрқамиз; модда бошқарувчи аъзога борса, даволаш мумкин бўлмайдиган касаллик пайдо бўлади. Биз бошқарувчи аъзога манфаат бўлиши учун даражаси қуйи аъзога зарар етишини тўғри деб биламиз, шунгача борамизки, қортиқлар, тортувчи ўткир боғланадиган дорилар билан бўлса ҳам

моддани қуйи мартабали аъзога тортиб, унда шиш пайдо қилишга тиришамиз.

Шундай шишлар ё бошқалари, айниқса, бўш бўлган жойларда йиринг тўпласа, гоҳо ўзича ёки етилтирувчининг ёрдами билан тешилиб оқади, гоҳо пишириб ёришга муҳтож бўлинади. Шишни етилтириш [модда] йўлини тўсувчи ва ёпиштирувчи иссиқ [дорининг шишда] иссиқни тўплаши билан тугал бўлади.

Шундай дорилар билан шишни етилтирмоқчи бўлган киши ўйлаши керак: агар туғма иссиқнинг кучсизлигини ва шишли аъзонинг бузилишга мойил эканини билса, ундай аъзодан ёпиштирувчи ва тўсувчи [дориларни] четлатади; очувчи дориларни ишлатади ва ништарни чуқур уради; кейин тарқатувчи, ҳўлликни қуритувчи дориларни ишлатади. Буни қандай қилишни айрим [касалликлар] ҳақидаги китобларда тўла айта-миз.

Кўпинча шиш чуқур жойлашган бўлади, [бунда] олов билан қортиқ қўйиб бўлса ҳам, [шишни] тери томонга тортишга муҳтож бўлинади.

Дастлабки давридан ўтган қаттиқ шишларга келсак, буларни даволашда қонун шу: дастлаб қизитиши ва қуритиши камроқ нарса билан юмшатилади, шундай нарса ишлатилиши кучли эритувчи дори ишлатиш сабабли шиш моддасининг қуюғи тошдек қотмаслиги учун, балки моддасининг ҳаммаси эритилишга тайёр бўлиши учундир; кейин у шишга кучли эритувчи дори ишлатилади. Кейин агар эрийдигани эриб, қолганининг қотишидан қўрқилса, шишни иккинчи марта юмшатилади; юмшатиш ва тарқатиш муддатларида шиш бутунлай йўқ бўлгунча ўша тадбирни қўлланаб беради.

Етилмаган шишлар қизитувчи, юмшатувчи нарсалар билан даволанади. Еллик шиш моддаси нозик қизитувчи дори билан даволанади, модданинг нозиклиги бодни тарқатади ва тери тешикчаларини кенгайтиради; чунки бодли шишларнинг сабаби тешикчаларнинг тўсилиши билан боднинг қуюқлашувидир. Яна бод буғини яратувчи модданинг ҳосил бўлишини тўхтатишга ҳам эътибор берилиши керак.

Шишларнинг баъзиси яралар шиши бўлади: масалан, учуқ [намла]. Буларни флегмонони совутгандек совитиш керак бўлади; лекин шиш ҳўлллатишни талаб қилса ҳам ҳўлламаслик керак, балки қуруқ тутмоқ лозим. Чунки касалликнинг юз бериши унинг сабабини енгган, Касалликнинг юз бериши эса қутилиб турган

ёки воқе бўлган яраланишдир, яраланишнинг давоси қуритиш, [ярага] энг зарарли нарса — ҳўллашдир.

Ички шишларнинг моддасини томирдан қон олиш ва сурги бериш билан камайтирилиши керак бўлади. Ички шишли киши ҳаммомдан, ичкиликдан, кучли жисмоний ҳаракатлардан, ғазабланиш ва шунинг каби ҳаддан ташқари нафсоний ҳаракатлардан сақланиши керак; бошланғич даволашда кучли бўлмаган қайтарувчи дори ишлатилади, — айниқса шиш меъда ё жигар каби аъзо-да бўлса.

[Ички шишларни] тарқатиш пайти келганда яхши ҳидли буруштирувчи дорилардан юз ўгириш тўғри эмас; юқорида шунга ишорат қилдик; жигар ва меъда ўша хил дорига ўпкадан кўра муҳтожроқдир.

Ички юмшатовчи дорилар етилтириш кучига эга ва шишларга мос бўлиши керак, итузум ва *хиёршанбар* каби. Итузумнинг ички иссиқ шишларни эритиш хусусияти бор.

[Ички шишли кишиларга] шишларнинг бошланғич пайтларида, дард зўраймаган вақтда енгил овқат берилади, лекин қаттиқ кучсизлик бўлса, [кўпроқ овқат берилади]. Кучи камайиб, ички аъзоларида шиши бўлган киши ўлим йўлидадир. Чунки қувват овқат билан оёққа туради, овқат эса [ички шишларга] энг зарарли нарсадир.

Агар ички шишлар тарқалса — [овқатдан] яхши нарса йўқ, агар тешилиб оқса, асал суви ёки шакар суви каби шишларни ювувчи нарса ичирилади; кейин аста-секин стилтирувчи нарсани қуритувчи билан бирга берилади, охирида қуритувчи дорилар билан муолижани тўхтатилади. Бу нарсани айрим касалликлар китобида шарҳ ва изоҳи билан равшан ўрганасан.

Қорин тагида бўладиган ички шишларда гоҳо янгилишилади, чунки баъзан улар шиш бўлмайди, балки дабба [касали] бўлади, бунини ёриш кўрқинчли бўлади; баъзан ички шишлар бўлса ҳам қорин пардасида бўлмайди, балки ичакнинг ўзида бўлади. Бунини ёришда ҳам хатар бор.

[ШИШЛАРНИ] ЕРИШ ҲАҚИДА

Йирингли шишларни ёрмоқчи бўлган киши ўша аъзодаги кичик ва катта чизиклар изи билан очмоғи керак, лекин аъзо пешона каби аъзо бўлса, ундай қилиш керак эмас. Ундай бўлганда ёриш кичик ва катта чизиклар

изидан бўлса, манглай мушаги кесилади, натижада қо-
воқ осилиб қолади. Чизиқларининг йўли мушак толала-
рининг йўлидан бошқача бўлган аъзоларда ҳам чизиқ-
лар изидан ёриш керак эмас.

Ерувчининг анатомияни билиши, асаблар, артерия
ва веналар анатомиясини билиши керак, токи янглишиб
улардан биронтасини кесиб қўйиб, касални ҳалок этиб
қўймасин.

Ерувчининг олдида қонни тўхтатувчи дорилар, оғриқ-
ни босувчи марҳамлар ва шуларга ўхшашлар бўлиши
керак. Унда масалан, Жолинус дориси, қуён юнги,
ўргимчак уяси бўлиши керак, чунки ўргимчак уясининг
ўша мақсадга аниқ фойдали сифати бор. Шунингдек,
тухумнинг оқи ва доғлаш асбоблари бўлиши керак.
Булар ёрувчи хато қилганида, ё керак бўлиб қолганда
қоннинг кетишини тўхтатиш учун даркор бўлади. Ерув-
чи билан бирга яна [Китобнинг] оддий дорилар қисмида
баён қилганимизча, [аъзони] бўшаштирувчи дорилар
бўлиши керак. Сен уларни биласан.

Йирингли шишни ёргач, ичидаги нарсаларни чиқариб
ташлашинг керак. [Йирингли шишга] ёғ ва сувни, шу-
нингдек, ичида ёғ, суюқлик ёки зайтун мойи кўп бўлган
марҳам, масалан, *босилиқун* каби нарсаларни ишлат-
маслигинг керак. Балки темир зоки марҳамини лозим
бўлганида ишлатиш керак ва унинг устига бурушти-
рувчи шаробга ботирилган булут қўйиш керак.

БУЗИЛГАН АЪЗОНИНГ ДАВОСИ ВА УНИ КЕСИБ ТАШЛАШ ТУҒРИСИДА

Агар аъзо ёмон мизож сабабли моддали ё моддасиз
бўлиб бузилса, унга ништар уриш ва айрим касаллик-
лар китобида эслатилган мос дориларни суртиш фойда
бермаса, у аъзодаги бузилган этни кесиб ташлашдан
бошқа чора йўқ. Этни мумкин бўлса темирдан бошқа
нарса билан кесиб олиш яхшироқ. Чунки темир кўпинча
мушаклар, асаблар ва ҳаракатли томирларнинг бўлак-
ларига ҳалокатли зарар етказилади.

Агар бу фойда бермаса ва бузилиш суякка ўтган
бўлса, [аъзони] кесиб олиб, кесилган жойни қиздирил-
ган ёғ билан доғлаш керак. Бу бахтсиз оқибатлардан
сақлайди ва қон оқишини тўхтатади. Кесилган жойда
қаттиқлиги бўйича гўштга ўхшаган, [лекин] ғайрита-
бийй эт ва тери унади.

[Аъзони] кесмоқчи бўлинганда кесиладиган жойга сондни тиқиб, уни суяк атрофида айлантириш керак. Сонд қайси жойда зич ва соғлом эт топса, ўша асбобни киргизиши билан у жойда кучли оғриқ пайдо бўлади; ана ўша жой соғ эт чегараси бўлади, қайси жойда бил-қиллаш ва кучсиз қўшилма сезса, у жой кесиш жойидир. Кесилмоқчи бўлган суяк қисмини олиб ташлаш учун унинг айланасида, тешиклар ўраб олгунгача, бир қанча тешиклар тешилади, шунда у синиб узилади, лекин баъзан суяк синмайди, бунда уни арра билан кесилади. Бундай қилмоқчи бўлинганда кесиш жойи билан эт орасига эт оғримасин учун тўсиқ қўйилади. Кесилиши керак бўлган суяк майдаланиб, таралиб кетса ва бир жойда жойланмаса, унинг тузалишига умид бўлмаса, ўзи бузилиб ёнидагини ҳам бузиш хавфи бўлса, ундай суякдан этни узоқлаштирамиз: бу ё кесиш орқали, ё боғлаш ва қарши томонга чўзиш билан бўлади, ёки шароит талаб қилган бошқа усуллар қўлланилади. Кесиш ўрни билан муҳим аъзо орасини латта парчаларидан иборат тўсиқ билан тўсамиз, сўнгра кесамиз.

Агар суяк сон суяги каби катта бўлиб, асабга, артерия ва венага яқин бўлса ва суякнинг бузилган жойи кўп бўлса, ундай пайтда табибга [даволашдан] қочмоқ лозим бўлади.

УЗЛУКСИЗЛИКНИНГ БУЗИЛИШИ, ТУРЛИ ЯРАЛАР, ЭТ УЗИЛИШ, ЗАРБА ВА ИЙҚИЛИШ ОҚИБАТЛАРИНИ ДАВОЛАШ ҲАҚИДА

Суякли аъзоларда узлуксизликининг бузилиши тўғри-лаш ва мослаб боғлаш билан даволанади. Бу тўғрида [чиққан ва синган суякни] ўрнига тушириш санъати бобида айтилган, буни ўша ерда топсан. Сўнгра тинч ётиш ва чулғовчи сўқат ёйиш билан даволанади. Бу хил овқатдан тоғайсимон физоли модда пайдо бўлиб, синган суякнинг иккала четини кавшар каби боғлайди ва улаб битиради. Бениқача усул билан суякни тузатиш, айниқса, катта ёшли кишиларда мумкин эмас. Бу ҳақда айрим касалликлар тўғрисидаги китобда тўлароқ айт-миз.

Юмшоқ аъзодаги узлуксизликининг бузилишига кел-сак, буларни даволашда уч асосий усулга риоя қилиш керак.

Агар сабаб давомли бўлса, дастлаб оқиб келаётган

нарсаларни тўхтатиш, ва яқин бўлган [аъзода] модда бўлса, модда ажралиб [чиқишини] тўхтатиш.

Иккинчиси, дорилар ва ёқадиган овқатлар билан ажралган жойда эт ундириш;

Учинчи: мумкин бўлганича аъзонинг чиришини тўхтатиш. Шу уч асосий усулнинг бири бажарилгач, қолган иккитасига ўтилади.

Оқадиган моддани тўхтатиш йўлини биласан.

Эт битиши, агар бирика олса, [яра] четларини бириктириш ва қуритиш билан бўлади. [Бунда] ёпиштирувчи овқатлар ейлади.

Билишинг керакки, яраларни даволашдан мақсад уни қуритишдир. Агар яралар тоза бўлса, фақатгина қуритилади. Йиринглаган яраларда эса сариқ ва яшил темир зоки, зирних ва оҳак каби ўткир еювчи дорилар ишлатилади. Агар булар таъсир қилмаса, олов билан доғлашдан бошқа чора ўйқ.

Зангор, мум ва ёғдан қилинган дори ярани тозалайди, ҳаддан ташқари ачишувини ёғи ва муми билан тўхтатади. Бу дори мўътадил дори ҳисобланади.

Айтамиз: ҳар бир яра оддий ёки мураккаб яра бўлади. Агар оддий яра кичик бўлиб, ўртаси ейилган бўлмаса, иккала четини бириктириш, четларининг орасига ёғ ёки чанг тушмасин учун чора кўриб, сўнг боғланиши керак. Шунда яра [эт боғлайди]. Агар ярали аъзо моддасидан ҳеч бир нарса ейилган бўлмаса ва бир томонини бошқа томонига бириктириш мумкин бўлса, бу тадбир катта ярага ҳам тегишлидир.

Беркитиб бўлмайдиган катта ярага келсак, агар у йиринг билан тўлган бўшлиқ бўлса, ёки аъзо моддаларидан бир қисми йўқолган бўлса, уни қуритиб даволайдилар.

Агар ярада аъзо қисмидан кетган нарса тери бўлса, ярани беркитувчи дорига муҳтож бўлинади, у ўз зоти билан беркитувчи бўлади, масалан, буруштирувчи дорилар; ёки улар аразий равишда беркитувчи бўлади, улар ўткир дорилардир, масалан, сариқ ва яшил зок. Улар қуритувчи бўлиб, қовжираш пайдо қилишга ёрдам беради; агар кўп миқдорда ишлатилса, этни еб, ярани кўпайтиради.

Агар чуқур борган яралар каби аъзо моддаларидан кетган нарса [гўшт бўлса] беркитишга шошилмоқ керак эмас, балки аввало гўшт ундиришга аҳамият берилиши керак; гўшт яраларда қуритувчи [дорининг] қуввати биринчи даражадан кўп ўтмаганда унади, бундай

ярада қуйидаги шартларга риоя қилиш керак. Асосий аъзо мизожиг ва яра мизожиг аътибор бериш лозим. Агар аъзо мизожида кучли ҳўллик бўлиб, яра кучли даражада ҳўл бўлса, аъзони ўз мизожиг қайтариш учун иккинчи ва учинчи даражада қуритиш лозим. Мўътадил мизожда эса мўътадил дорилар билан [яра-нинг] ҳолатини яхшилаш керак.

Бутун гавда мизожиг қараш ҳам ўша шартлардан-дир. Гавда мизожи жуда қуруқ бўлса, ҳўллиги кўпайган аъзо ҳўллик бўйича мўътадил гавдага қараганда мўътадилроқдир ва уни мўътадил қуритувчи дори ишла-тиб даволаш керак. Шунингдек, гавдадаги ҳўллик кў-пайган бўлиб, аъзо қуруқликка мойил бўлса ҳам [мўътадил қуритувчи дори ишлатилади]. Гавда ва яра-ли аъзо мизожларида ҳўллик, ё қуруқлик кўпайишига келсак, агар ҳўллик кўпайган бўлса, қуритувчи дори кўпроқ ишлатилади; агар қуруқлик кўпайган бўлса, қуритувчи дори камроқ ишлатилади.

Қуритувчи дорилар қувватига қараш ҳам [ўша шарт-лардандир]. Гўшт ундирувчи қуритувчи дорилардан аъзога қуйиладиган ва эт ундиришга ёрдам берадиган моддани тўхтатиш даражасидаги қаттиқ қуритиш талаб қилинмайди. Гўшт ўстириш учун эмас, ярани беркитиш учун ишлатиладиган қуритувчи дорилардан бу талаб қилинар эди.

Бу воситалар қуритиш ва [ярани] беркитиш учун ишлатиладиган дорилардан кўра кўпроқ даражада йирингдан тозалаши ва ювиши керак.

Ачиштирмай қуритадиган дориларнинг ҳаммаси гўшт ундиришда фойдалидир.

Гўштсиз жойдаги ҳар бир яра тез битмайди, юмалоқ яра ҳам шундай.

Ички яраларни даволашга келсак, бундай яралар-да ишлатиладиган қуритувчи ва буруштирувчи дорилар-га асал каби ўтказувчи дорилар ва яралар жойга хос бўлган дорилар аралаштирилиши керак бўлади. Масал-лан, сийдик аъзоларидаги яраларни даволашдаги дори-ларга сийдик ҳайдовчи дорилар аралаштирилиши керак.

[Ички яраларни] битирмоқчи бўлсак, муҳр лойи ка-би буруштирувчи ҳам ёпишқоқ дориларни ишлатамиз.

Билгинки, яра-нинг тувалишига бир қанча монелар бор. [Монеларнинг бири] яралар аъзо мизожининг ёмон-лиги; юқорида билганларингга қараб аъзо мизожини туватиш керак бўлади. Яна ўша аъзога келаётган ва ярани ҳўлловчи қон мизожининг ёмонлиги; унга яхши

каймус пайдо қиладиган, овқат ва ичимликлар билан чора кўриш керак. Ярали аъзога оқиб келувчи ва ҳўллаб турувчи қоннинг кўплиги унга бўшалиш билан, енгил овқат билан, мумкин бўлса бадантарбия қилиш билан чора кўриш керак. Яранинг тагидаги суякнинг бузилганлиги ва ундан йиринг оқиши ҳам [яранинг битишига монелик қилади]. Бунга ўша суякни тузатиш, агар қириш мумкин бўлса, бузилган жойини қириш, ёки ўша жойни тутиб кесишдан бошқа даво йўқ.

Яраларни даволовчи [табибларда] синган суякларнинг бўлак ва парчаларини тортувчи марҳамлар бўлиши керак; агар парчалар чиқарилмаса яранинг битишига моне бўлади.

Ярали [кишиларнинг] бақувват бўлиши учун овқат бўлиши, йиринг моддасини йўқотиши учун эса, овқатни камайтириш керак. Бу иккала талаб ўртасида қарама-қаршилиқ бор; чунки йиринг заифлатади, шунинг учун [овқат бериб] қувватни кучайтирилиши керак бўлади; йиринг кўпайгани учун овқатни тўхтатиш керак. Мана шундай ҳолларда табибнинг тadbирли бўлиши лозим.

Яралар бошланғич давр ва кўпайишда бўлса, ҳаммомга тушиш ё иссиқ сув тегизиш яхши эмас. Бу ҳолда шинни кўпайтирадиган [модда] ярага тортилади.

Ярада [бўладиган ҳолатлар] тўхталиб-тинчиб, у йирингласа, [ҳаммомга] рухсат бериш мумкин.

Битган яра тезда яна бошқатдан очилса, оқма ярага айланиш йўлига тушган бўлади.

Ҳамиша йиринг рангига ва яралар четининг рангига диққат билан қараб туриш керак. Кўп овқат ейилмай туриб, йирингнинг кўпайиши йирингнинг етилганлигидан бўлади.

Энди эт узилишини даволаш тўғрисида сўзлаймиз.

Эт узилиши узлуксизликдаги бўлинишининг тери остидаги чуқур хиля; шунинг учун равшанки, унинг дорилари юзаки ажралишларнинг дориларидан кучли бўлиши керак. [Эти узилган жойга] қоннинг қуйилиши кўп бўлгач, тарқатувчи нарсага албатта муҳтож бўлинади. Суюқни тарқатиб қуюғини қотирмаслиги учун тарқатувчи кўп қуритмайдиган нарса бўлиши керак. Тарқатувчи модданинг таъсири амалга ошгач, эт ундирувчи, қуритувчи дорини ишлатиш керак. Бу бирикаётган жойга кир аралашмаслиги ва қотиб қолмаслиги, кейин кичик сабаб билан йиринглаб, сўнг узлуксизликнинг қайтадан бузилмаслиги учун керак.

нинг чуқурроқ

бўлса, уни да-
фоя қилади.

аввал ёрилиш-
ича дори билан
қуритувчи до-
иргандек кичик
дан келган бўл-
бирор асабга
илмаса, уни да-

сак, буни даво-
ган қилиб боғ-
и дориларнинг

селсак, [бундай-
дан қон олиш,
иларни емаслик
ган ва ўша ка-
тиган дориларни

и узлуксизлик-
инга қўямиз.
хтатиш, мизожи
га ёпишиб олган
қон кетишини

индан бўлгани-

юзасида бўлса
ва орқа тешиги
дай жойни доғ-
талқ ва сирка
ди; кейин унинг
уви ва мевалар-
овутилади. Най-
да тешикка кир-
чага тиқилади
унинг тевараги-
асбоб найча
еворларига тег-
к].
га, пайларга ва

Доғлаш қон кетишини тўхтатиш учун бўлганда қов-жираш чуқур ва қалин бўлиши ва тезда тушиб кетмаслиги учун доғлашни кучли қилинади. Чунки қон кетиш учун қилинган доғлашдаги қовжираганликнинг тушиб кетиши зўрроқ зарар еткази.

Бузилган этни кетказиш учун доғламоқчи бўлганингда соғлом эт чегарасини аниқлашинг керак бўлса, у соғлом эт оғриқ сезилган жойдадир.

Баъзан гўшт билан бирга гўшт тагидаги суякни доғлаш керак бўлади. Бунда бузилган нарсанинг ҳаммаси йўқ бўлади. Агар [бузилган жой] бош суяги кабиларда бўлса, уни доғлашда мияни куйдиришдан ва мия пардалари тортишишдан эҳтиёт бўл. Бошқа суякларни эса чуқур ва кучли [доғлашдан] тортинма.

ОҒРИҚЛАРНИ ТҶХТАТИШ ҲАҚИДА

Оғриқларнинг сабабларини билдинг. Сабаб иккига бўлинади: мизожнинг тўсатдан ўзгариши ва узлуксизликнинг ажралиши. Кейин оғриқлар сабаблари баънининг ё иссиқ ёмон мизожга, ё совуқ ёмон мизожга, ё моддасиз қуруқ мизожга, ё каймус моддали қуруқ мизожга, ё елга, ёки шишга келиб етишини билдинг. Оғриқни тўхтатиш шу сабабларга қарши курашиш билан бўлади. Сабаблардан ҳар бирининг зидди қанақа бўлишини билдинг; ёмон мизож, шиш ва бод қанақа бўлишини ва қандай даволанишини ҳам билдинг.

Кучаяётган ҳар бир оғриқ ўлдиради; бундай оғриқдан бошлаб гавда совуши ва қалтираши пайдо бўлади, кейин томир уриши кичиклашади, кейин тўхтайд, сўнгра [касал] ўлади.

Оғриқни тўхтатувчи нарсаларнинг ҳаммаси ё мизожни ўзгартирувчи, ё моддани эритувчи, ё увуштириб сезгисиз қилувчи нарсалардир.

Увуштирувчи нарса оғриқни кеткази, чунки ўша аъзо сезгисини кеткази; сезгисини кетказиш икки сабабнинг бири билан: ё ҳаллаи ташқари совитиш билан, ё ўша аъзонинг қувватига қарши турадиган ўз заҳари билан бўлади.

Бўшаштирувчи дорилар [оғриқни] секин тарқатувчи дорилар тўдасидандир. Чунки: зиғир уруғи, укроп, ҳанқар беда, мойчечак, петрушка уруғи, аччиқ бодом, биринчи даражадаги ҳамма иссиқ дорилар, айниқса, бир оз ёшиштириш қуввати бўлган дорилардир; масалан, олхўри елими, крахмал, қалай ва қўрғошин упаси,

ваъфарон, ладан, гулхайри, амом, карам, шолғом ва [кейинги] иккитасининг қайнатмалари; чарви ёғлари, ҳўл зуфо мазкур [ўсимликлардан] олинган ёғлар, сурувчи ва бўшатувчи дорилар — [оғриқни тўхтатувчилар] жумласидандир.

Агар бўшалишга эҳтиёж бўлса, [юқоридаги] бўшаштирувчи дориларни бўшалгандан кейин ишлатиш керак; [бўшатилиш натижасида] ўша оғриқли аъзога қўйилаётган модда узилади.

Шишларни пиширувчи ёки тешиб оқизувчи ҳамма нарсалар ҳам [аста-секин тарқатувчилардандир].

Увуштириб [сезгисиз] қилувчиларнинг энг кучлиси афюндир; Меҳриғиё меваси ва уруғи ҳамда илдизининг пўстлоғи, кўкнорлар, мингдевона, сассиқалаф, итузум ва сутқўп уруғи, қор ва совуқ сув ҳам шулар тўдасидандир.

Қўп вақт оғриқларнинг сабаблари тўғрисида янглишилади, улар иссиқ ё совуқ, ё ёстиқнинг ёмонлиги, ё ётар жойининг носозлиги, мастлик ё бошқа сабаб билан йиқилиш каби сиртқи ҳодисалар бўлатуриб, оғриқларга гавдадан сабаб қидириш хатодир. Шунинг учун ўша сиртқи ҳодисаларни аниқлаш, оғриқли аъзода тўлиқлик бор ё йўқ эканини ва у аъзодаги тўлиқликнинг сабабини аниқлаш керак бўлади.

Гоҳо сабаб сиртдан бошланиб сўнг ичда ўрнашиб олади. Масалан, совуқ сув ичган кишининг сув сабабли меъда ва жигар соҳаларида оғриқлар пайдо бўлади. Қўпинча бунда бўшатиш каби катта бир ишга муҳтож бўлинмайди. Шундай пайтда [у кишига] ҳаммомга тушиш ва етарли даражада ухлаш кифоя қилади. Яна бир мисол, бир киши иссиқ нарса еб, унда қаттиқ бош оғриғи пайдо бўлса, ундай кишига совутилган сув ичиш кифоя қилади.

Гоҳо оғриқни кетказиши мўлжалланган нарсанинг таъсири суст бўлиб, оғриққа чидаб туриш мумкин эмас; чунончи, ичакларнинг толаларида қамалиб қолган ва қуланж оғриғини яратувчи модданинг бўшатилиши, ёки таъсири тез бўлади-ю, лекин хавфи зўр бўлади; чунончи қуланж касаллигида оғриб турган аъзони увуштирувчи дорилар билан сезгисиз қилиш. Ана шунда даволовчи ҳайронликда қолади, энди унинг фикри кучли бўлиб, икки муддатнинг қайсиси, яъни қувватнинг жойида бўлиши муддати узунроқми, ёки қуланж оғриғининг муддати узунроқми эканлигини фаҳмлаши керак. [Шунингдек] — икки ҳолнинг қайси бири, яъни оғриқ зарар-

лироқми ёки аъзонинг увуштириб сезгисиз қилишдаги хавф зарарлироқми, ана шуларни билиб, тўғрироғини ишлатиш керак бўлади.

Гоҳо оғриқ давом этиб кучайса ва зўрайса ўлдиради; увуштириш эса бошқа бир йўлдан зарар қилса ҳам ўлдирмайди. Сенинг давомли ва тўғри илож билан бу зарарни кетказишинг ва тўғри муолажа қилишинг мумкин бўлади. Шу билан бирга увуштирувчи дорининг таркибига ва кайфиятига қарашинг керак. Улардан кучсизроғини ва шунда ҳам ўз тарёки билан қўшиб тайёрланганини ишлатиш керак, лекин аҳвол жуда оғир бўлиб, кучли увуштирувчи дорига муҳтож бўлсанг [бундай қилма].

Гоҳо аъзоларнинг баъзиси увуштирувчи доридан [ёмон] таъсирланмайди ва у дори ўша аъзога катта зиён етказмайди. Масалан, тишларга увуштирувчи дори қўйилганда шундай бўлади.

Кўпинча оғриқни қолдирувчи дорини ичиш тузукроқ бўлади. Масалан, кўз оғриғи учун сезгисиз қилувчи дори ичишнинг зарари кўзга уни қўйишдаги зараридан камроқдир.

Гоҳо оғриқни қолдирувчи дориларни ичишнинг бошқа аъзоларга етказадиган зарарининг олдини олиш ҳам осон бўлади. Аммо қуланжга ўхшаш касалликда [оғриқни қолдирувчи дориларни ичишнинг] зиёни зўр. Чунки модданинг совиши, қотиши ва беркилиши ортади.

Гоҳо оғриқни қолдирувчи дорилар ухлатиш билан оғриқни тўхтатади, чунки уйқу оғриқни тўхташ сабабларининг биридир. Айниқса, моддали оғриқда оч ҳолда ухланса шундай бўлади.

Кучли увуштирувчи дориларнинг қувватини улар учун тарёк бўладиган бошқа дорилар билан синдириб ишлатиш бежавотирроқдир. Масалан, *филуниё* ёки «уч таркибли» исми билан маълум бўлган кулчалар шундай; бироқ буларнинг оғриқни қолдириши бўшроқ. Булардан янгиларининг сезгисиз қилиши кучлироқ, эскиси сезгисиз қила олмасликка яқин, ўртачасининг сезгисиз қилиши ҳам ўртача.

Оғриқларнинг баъзиси жуда қаттиқ бўлиб, бироқ даволаш баъзи вақтларда осон бўлади, чунончи, бод оғриқлари; баъзи вақтларда бод оғриқларига иссиқ сув қуйиш кифоя қилади ва оғриқни тўхтатади. Лекин иссиқ сув қуйишда бир хатар бор. Гоҳо оғриқнинг сабаби шиш бўлатуриб, сабаби бод деб гумон қилинади, ана шу пайтда, айниқса, [оғриқнинг] бошланғич даври-

да иссиқ сув қуйиб кетказмоқчи бўлинса, зарар зўраяди. Шу билан бирга иссиқ сув қуйиш кўпинча бод оғригига ҳам зарарли чоралардандир: хусусан [сув] бодни тарқата олмаганда ва бодлар ҳажмини катталаштирганда [шундай бўлади].

Пахтадоғ ҳам бодни даволаш йўлларида биридир.

Пахтадоғнинг энг яхшиси енгилгина, яъни тариқ каби нарсалар билан қилинадигандир. Лекин кўзга ўхшаш кўтара олмайдиган аъзога латта билан пахтадоғ қилинади.

Қиздирилган [иссиқ] ёғ суртиш ҳам пахтадоғлардан ҳисобланади.

Кучли пахтадоғлардан бири мана бу: бурчоқ унини сирка билан қайнатиб, қуритиб, кейин ўшандан пахтадоғ учун олиб ишлатилади. Шу йўсинда қайнатилган кепакнинг кучи ундан камроқ.

Туздан қилинган [пахтадоғ] ачиштирадиган, тариқ ундан кўра мосроқ ва кучсизроқ таъсир қилади.

Баъзан [ҳайвонларнинг] сийдик пуфагига [иссиқ] сув солиб ҳам [касал жойга] қўйилади. Бу бежавотир ва майин тадбир ҳисобланади, аммо эҳтиёт бўлинмаса, юқорида зикр этилган [зарарли] таъсирни кўрсатиши мумкин.

Олов билан қортиқ қўйиш ҳам [оғриқни қолдирувчи] чоралардандир, у бод оғригини қолдиришга кучли фойда қилади. Буни бир неча мартаба такрорланса оғриқни тубидан ўқ қилади, лекин гоҳо воситалардан бўладиган зарар пайдо бўлади.

Секин ва узоқ вақт юриш оғриқни қолдирувчи тадбирлардандир. Чунки [юришда] бўшаштириш ва юмшатиш таъсири бор. Шунингдек, маълум юмшоқ чарвилар, биз айтиб ўтган ёғлар, яхши ашула, айниқса, у билан ухлатиш ҳам оғриқларни қолдирувчилардандир. Шодлантирувчи нарсалар билан банд бўлиш оғриқни қолдиришда кучли [таъсир қилади].

ДАВОЛАШЛАРНИНГ ҚАЙСИ БИРИДАН БОШЛАШИМИЗ КЕРАКЛИГИ ҲАҚИДА

Бир қанча касалликлар қўшилганда, бошлаб уч хусусиятнинг бирига эга бўлган [касалликни даволаймиз]. Уларнинг бири шуки, у касаллик тузалмасдан туриб, иккинчиси тузалмайди. Масалан, шиш билан яра бирга бўлганда, то шишга ҳамроҳ бўлган ёмон мизож кетгунича аввало шишни даволаймиз, чунки у

билан бирга бўлатуриб, яранинг тузалиши мумкин бўлмайди. Кейин ярани даволаймиз.

Иккинчиси, икки касалликдан бирининг бошқасига сабаб бўлишидир. Масалан, тиқилма ва иситма [биргаликда пайдо бўлса] аввало тиқилмани даволаб, кейин иситмани даволаймиз. Агар бир оз қизитиш қуввати бўлган дори билан тиқилмани очишга муҳтож бўлсак, иситмадан кўрқмаймиз. Шунингдек, силни [ҳўлликни] қуритувчи дорилар билан даволаймиз ва бунда ҳам иситмага парво қилмаймиз, чунки сабаби боқий бўлатуриб, иситманинг кетиши мумкин эмас. [Иситма] сабабининг дориси қуритувчи доридир, гарчи у иситмага зарар қилса ҳам.


Учинчиси: икки касалликдан бирининг аҳамиятлirroқ бўлишидир. Масалан, [ҳолдан кетказувчи] *сунохус* иситмаси билан фалаж касалликлари биргалашганда [иссиқни] пасайтириш ва томирдан қон олиш билан *сунохусга* даво қиламиз, фалаж касаллигига қарамаймиз.

Касаллик билан бирга унинг аломатлари пайдо бўлса, бошлаб касалликни даволаймиз, лекин аломатлари [касалликдан] кучли бўлса, аломатларни даволаймиз ва [касалликка] қарамаймиз. Масалан, қаттиқ оғриқли *қуланжда* [аҳвол] қийинлашса, *қуланжнинг* ўзига зарар қиладиган бўлса ҳам сезгисиз қилувчи дориларни ичираемиз. Шунингдек, меъданинг кучсизлиги сабабли, ё ҳозиргина қўлланган сурги дорилар сабабли [қон олиш билан пайдо бўлган] кўнгил айнаш сабабли томирдан қон олишни кейинга қолдираемиз. Гоҳо кейинга қолдирмаймиз, томирдан қон олаемиз, лекин [касалликнинг] сабабини бутунлай йўқ қиладиган даражада олмаемиз. Масалан, тиришиш касаллигида [зарарли] хилти бутунлай чиқариб юборишга уринмаймиз, балки тиришиш ҳаракати тарқатадиган миқдордагисини қолдираемиз; бу туғма ҳўлликни тарқатиб юбормаслик учувдир.

Табобат ҳунарининг умумий асослари ҳақидаги сўзimizдан шу қадарни кифоя қилсин.

Энди содда дорилар тўғрисидаги китобимизни тузишга киришайлик!





СОДДА ДОРИЛАР

ДОРИЛАРНИ ПИҒИШ ВА САҚЛАШ ТУҒРИСИДА

[Биз айтамызки], дориларнинг баъзилари маъданлардан, баъзилари ўсимликлардан ва баъзилари ҳайвоний жинслардан олинган бўладилар.

Маъданлардан олинадиганларининг энг яхшилари Қибрис қалқанди ва Қирмон зоки каби ўша нарсалар билан машҳур бўлган конлардан чиқариладиганларидир. Сўнг [дорилар] бегона нарсалар аралашмаган, тоза бўлишлари керак, яъни олинган нарса нуқл модда бўлиб, уни қоплаб турган нарсалардан тозаланиши, ўзига хос рангли ва мазаси синмаган бўлиши керак.

Ўсимликлардан олинадиган дориларга келсак, улар япроқлардан, донлардан, илдизлардан, шохлардан, гуллардан, мевалардан, елимлардан ва ўсимликнинг бутунича олинганидан иборат бўлади.

Япроқлар ҳажмлари тўлиб етилганида, ранглари ўзгармаган ва синмаган ҳолда ва тўкилиб сочилмасларидан бурун териб олинишлари керак.

Уруғлар эса таналари мустаҳкам бўлиб, хомлиги ва сувлилиги қолмаганидан кейин олинишлари керак.

Гуллар тугал очилиб, сўлишларидан ва тўкилишларидан илгари олинишлари керак.

Шохлар эса ўсимлик тамом етилиб, ҳали сўлимаган ва буришмаган чоғида олинишлари керак.

Мевалар тамом етилиб, тўкиладиган бўлишидан илгари узилишлари лозим.

Ўсимликни бутунича олишга келсак, уни уруғи етилиши олдида ва ўзининг ҳўллиги йўқолмасдан бурун олиш керак.

Илдизлар қанча кам буришган, шохлар қанча кам сўлиган, уруғлар қанча ёгли ва тўла бўлиб, мевалар қанча зич ва оғир бўлса, улар шунча яхши бўладилар. [Мева] сўлиганда ва буришганда унинг катталигининг аҳамияти йўқдир. Балки қаттиқ [тирик] бўлгани энг

яхшисидир. Очиқ ҳавода узилган мева ҳўл ҳавода ёки ёмғир ёғишга яқин узилганга қараганда яхшироқдир.

Саҳро [дашт]дан йиғилган дориларнинг ҳаммаси боғлардан терилган дориларга қараганда кучлироқ ва кўпинча ҳажм жиҳатидан кичикроқ бўлади. Тоғлардан терилган дорилар [эса], саҳродан терилган дорилардан ҳам кучлироқ бўлади. Шамол юрадиган ва баландлик ерлардан олинган дорилар бошқа ерлардан олинганларидан кучлироқ бўлади. Узиш вақтини тўғри топиб олинган дори шу вақтни аниқлашда хато қилинганга қараганда кучлироқ бўлади.

Бу айтилганларнинг ҳаммаси кўпчилик ҳолатларда бўладиганлардир. Шунингдек [ўсимликнинг] ранги қанча қуюқ, мазаси аниқ ва ҳиди ўткирроқ бўлса, у ўз бобида шунча кучлироқдир.

Қуруқ ўтлар икки-уч йилдан кейин кучсиз бўлиб қоладилар. Лекин иккала *харбақ* каби бир неча саноқли дорилар булар қаторига кирмайдилар ва уларнинг кучлари узоқ муддат сақланади.

Елимларга келсак, улар эндигина қотган ва ҳали ажралиб (майдаланиб) кетиш ҳолига келмаган пайтларида олинишлари керак. Кўп [елимларнинг] қуввати уч йилдан кейин қолмайди; хусусан, сутлама елими [*фарбийон*] шундай. Лекин ҳар бир кучли дори узоқ вақтгача ўзидаги яхши хусусиятни сақлаб қолади. [Бирон] дорининг янгиси ва кучлиси топилмаганида эскисининг кучсизи ўрнига ҳар жиҳатдан янгисининг кучсиз ўтиши мумкин [?].

Ҳайвон жинсларидан олинадиган дориларга келсак, улар кўклам пайтида ва ёш ҳайвондан олиниши керак. Шунда ҳам танаси соғ ва аъзолари тугалини танлаш керак. [Ҳайвонлардан] олинадиган нарсаларни уларни сўйганда олиш керак. Касаллик билан ўлган ҳайвонлардан [дори учун] ҳеч нарса олинмасин!

Мана булар, содда [ёлғиз ҳолда ишлатиладиган] дорилар тўғрисида табибнинг тушунчаси бўлиши лозим бўлган умумий қонунлардир.

Энди биз иккинчи мақолага ўтиб, ўзимиз таниган содда дориларнинг табиатлари ҳам уларнинг ҳақиқий аломатларини топиб текширганда танишимиз мумкин бўлган дорилар устида гапиришни истаймиз. Исмлари-дан бошқа хусусиятларини билмаганимиз дориларга тўхтаб турмаймиз. Айтилган жадвалларни бўёқлари билан тартибга соламиз. Аввал ҳар бир жадвалда бор касалликларнинг сонларини ва ҳар бир касални айрим

бўёқ билан кўрсатамиз. Улуғ тангрининг хоҳиши ва берган муваффақияти натижасида содда дорилар тўғрисидаги китобдан биринчи мақола тамом бўлди.

АЛИФ (А) ҲАРФИ

Афсантин — Эрман

Моҳияти.

Қақлиғўти [*саътар*] япроғига ўхшаган бир ўт бўлиб, унда аччиқлик, буруштирувчанлик ва ўткир мазаси бор. Ҳунайннинг айтишича, эрман бир неча турли бўлади: *хуросоний* [Хуросон эрмани], *машриқий* [Шарқ эрмани], *Лугом* тоғидан келтириладиган эрман, *Сус* эрмани ва *Турсус* эрмани.

Қадимги [табиб]ларнинг Ҳунайндан бошқалари унинг хиллари бешта деганлар: *Турсун* эрмани, *Сус* эрмани, *набатий* эрмани, *Хуросон* эрмани ва *Рум* эрмани. *Набатий* эрманда хушбўйлик бор. Умуман, унда ерлик модда бўлиб, бу билан буруштиради ва латиф моддаси ҳам бўлиб, у билан ични суради ва тикилмаларни очади. Бу дарманнинг бир синфидир. Шу сабабдан уни баъзи олимлар *Рум* дарманаси деб ҳам айтадилар. Шираси япроғидан кучли бўлиб, *афросиюн* шираси билан тенглаштирилади.

Танлаш.

Энг яхшиси ёрганда *сабир* ҳидини берадиган, [қуш] болалари бошидаги сариқ тук рангли, янги, ёввойи *Сусий* ва *Турсусий* хилларидир.

Табиати.

Биринчи даражада иссиқ ва учинчи даражада қуруқ. Шираси яна иссиқроқдир. Баъзилар уни иккинчи даражада қуруқ дейдилар. Бу фикр тўғрироқдир.

Таъсир ва хоссалари.

[Тикилмаларни] очувчи, буруштирувчи бўлиб, буруштириши аччиқлигидан кучлироқдир. *Набатий* хилнинг буруштириши зўрроқ ва иссиқлиги озроқ бўлади. Шу сабабли шиллиқни ҳатто меъдадан ҳам суролмайди ва бу мақсадда ундан фойдаланилмайди. Бунда шимдириш ва эритиш хусусияти ҳам бор. Бунинг хоссаларидан бири шуки, у кийимга куя тушиши, ҳашаротларнинг кийимни бузиши, сиёҳнинг бузилиши ва қоғозларнинг қирқилиб қолишига қаршилик кўрсатади.

Зийнати.

[Эрман] рангни яхшилаиди. «Тулки касаллиги» ва «илон касаллиги»га фойда қилади. Кўз ости ва бошқа ерларда бўладиган гунафша рангли изларни йўқотади. Шиш ва тошмалар.

Сув билан хамир қилинса, эшакем [шаро]га фойда қилади.

Бош аъзолари.

Бошга қуруқлик беради. Шираси бошни оғритади. Лекин мен буни меъдага зарар қилганидан деб билман. Қайнатилгандаги буғи қулоқ оғриғига фойда қилади. Шаробдан илгари ичилса, хуморга фойда қилади. Танглайга *натрун* билан қўшиб суртилса «ички бўғма»га фойда қилади; уни қўйиб боғланса, қулоқ орқаларидаги шишларда, қулоқ оғриғи ва қулоқдан рутубатлар оқишида фойда қилади. Асал билан ичилса, сакта [апоплексия] касалига фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Эрман, айниқса, унинг *набатий* хили, эскирган кўз оғриғида ва кўзга тушган пардага қўйиб боғланса, фойда қилади. Агар ундан шинни билан марҳам тайёрланса, кўзнинг лўқиллашини ва шишини қайтаради ва ундаги қизил нуқталарга фойда қилади.

Нафас аъзолари.

Эрман шароби ёлғон қовурға тоғайларининг остида бўладиган тортишишга фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

[Йўқолган] иштаҳани қайтаради. Қайнатилган суви ёки шираси ўн кунгача ҳар куни уч *оболодан* ичилса, иштаҳа учун яхши даводир. Шароби меъдага қувват беради ва бошқа таъсирлар ҳам кўрсатади. Эрманни, айниқса, унинг ширасини ўн кунгача ҳар куни уч *уқиядан* ичилса, сариқ ва истисқода фойда қилади. Бу анжир, *натрун* ва мастак [шайлам] уни билан қўшиб боғланганида ҳам шундай таъсир кўрсатади. Унинг ўзи талоқ учун ҳам марҳам бўлади. Гоҳо бу [касалликларда] анжир, гулсапсар уни ва *натрун* билан бирга боғланади. Эрманни, айниқса, ясмиқ ёки гуруч билан қайнатилиб ейилса, гижжаларни ўлдиради. Унинг шираси меъда учун ёмон; танаси ҳам меъда оғзига зарарлидир. Айниқса, *набатий*сидан бошқаси шўрлиги сабабли зарарлидир. [Эрман] сунбул билан аралаштирилса, меъда оғриғига фойда қилади. Уни меъда, жигар ва белга қўйиб боғланса, уларнинг оғриқларини қолдиради. Жигар ва бел [оғриғида] хина ёғи билан қўшиб мумли суртма қилинади; меъдага эса қизил гул ёғи билан ёки

гулга аралаштириб [боғланади]. Шунингдек, буларнинг қаттиқлашишида ҳам фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Сийдик ва ҳайз қонини кучли равишда юриштиради, айниқса, асал суви билан кўтарилганда. Эрман сафрони суради. Ундан шиллиқни суриш ва ичакда қолган нарсани суриш [мақсадида] фойдаланилмайди. Бунинг ивигилганидан ёки қайнатилганидан бир ичиш миқдори беш *дирҳам*дан етти *дирҳам*гача бўлиб, ўз ҳолича олинганда икки *дирҳам*дир. Шаробини ичиш бавосирга ва орқа тешик ёрилганига фойда қилади. Танҳо ўзини ёки гуруч билан қайнатиб асал билан ичилса, ични енгил суриш билан бирга гижжаларни ўлдиради. Ясмиқ билан қайнатиб ичилса ҳам шу таъсирни қилади. Эрман шароби юқоридаги таъсирларнинг ҳаммасини ҳам кўрсатади. Томирларни сафроли ва сувли хилтлардан тозалайди ва уларни ҳайдайди.

Иситмалар.

Эрман, айниқса, унинг шираси *гофит* шираси каби эскирган иситмага фойда қилади.

Заҳарлар.

Денгиз аждаҳоси, чаён ва росу чаққанига қарши шароб билан ичилса, тоғ мингдевонаси [*шавкарон*] заҳарига ва заҳарли кўзиқорин [*футр*] билан бўғилганга қарши, айниқса, сирка билан ичилса, фойда қилади. Эрманнинг зайтун ёғи билан аралаштирилгани пашша ва чивинларнинг [баданга] кўнишига тўсқинлик қилади. Унинг сувини сиёҳга қўшилса, бу сиёҳ билан ёзилган китобга сичқон тегмайди.

Ўрнига ўтадиганлар.

Жуъда ёки баробар миқдорда олинган рум дарманаси [эрманнинг] ўрнига ўтади. Меъдани қувватли қилишда унинг ўрнига ўтадиган нарса ярмисича олинган ҳалила билан ўзига тенг миқдорда олинган *асорундир*.

Уқҳувон — бобуна; мойчечак

Моҳияти.

Баъзиси оқ ва баъзиси қизил бўлади. Оқи энг кучлисидир. Бу ингичка шохлардан иборат бўлиб, уларнинг учларида *марв* гулига ўхшаган оқ япроқли гуллари бўлади. Ҳиди ҳам мазаси ўткирдир.

(Дискурдуснинг айтишича, баъзилар уни *аморақун* ва баъзилар *фарсанюн*, яна баъзилар эса, *луқансимун* деб атайдилар. Қашнич япроғига ўхшаш япроғи бор.

Гули оқ тўгарак шаклида бўлиб, ўртаси сарикдир. Ҳиди оғир. Таъмида аччиқлик бор).

Т а б и а т и.

Учинчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

(Қиздирувчи ва) хилтни етилтирувчидир. Тиқилмаларни очади. Қизил хилида шимдириш қуввати бўла туриб буруштириш ва турли [суюқликларнинг] оқишига тўсқинлик қилиш хоссаси бор. Лекин буруштириши қуритиш билан бўлади. Терлатади. Ёғи билан [бадан] силанса ҳам шу таъсирни кўрсатади. Томирларнинг оғизларини очади. Эритувчи ва суюлтирувчи таъсирга эга.

Т а н л а ш.

[Яхшиси] янги ва яшилидир.

Ш и ш ва тошмалар.

Меъдадаги иссиқдан бўлган шишни ва қотиб қолган қонни эритади; совуқдан бўлган шишларда фойда қилади.

Ж а р о ҳ а т ва яралар.

Оқма яраларда фойда қилади; қовжираган яраларни кўчиради ва тузалиши қийин яраларни тозалайди. Мушак ва асаб жароҳатларида фойда қилади.

Б ўғ и н л а р.

Асабнинг буралганида қайнатмаси билан юнгни ҳўллаб қўйилса, фойда қилади.

Б о ш аъзолари.

Узоқ ухлатувчидир. Ҳўлини ҳидланса ухлатади; ёғи қулоқ оғриқларида фойдалидир.

Н а ф а с аъзолари.

Қуритилгани (*сиканжубин* ва туз билан қўшиб) *девпечак* каби ичилса, нафас қисишга фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш аъзолари.

Меъданинг оғзига зарарлидир; лекин меъдада тўпланган нарсани тарқатади ва қуритади, у ердаги қотган қонни эритади.

Ч и қ а р и ш аъзолари.

Сийдикни кучли ҳайдайди; асал суви билан ичилса қовуқда қотган қонни эритади. Катта бобуна гулининг янги очилганини ва тўкилганини шаробга солиб қўйиб ичилса, тошларни майдалайди; ҳайз қонини ва сийдикни юриштиради. Ёғини кўтариш ҳам кучли равишда сийдирганидан шу ишларни қилади. Ёғини кўтариш баъчадон қаттиқлигини шимдиради ва уни очади. Қуруғи-

ни *девпечак* каби *сиканжубин* ва туз билан ичилади. Савдо ва балгамни суради. Орқа тешикдаги иссиқ шишларда фойда қилади. Ўзи ва ёғи бавосирни очади. Ерилган сувли даббага, қуланжга, қовуқ оғриғига ва талоқ қаттиқлигига фойда қилади.

Амбарборис — зирк, қорақанд

Моҳияти.

Бу *зирк* [*зиришк*] дир. Бунинг пасттекисликларда ўсадиган, меваси думалоқ қизил хили бор; қумли ёки тоғли ерларда ўсиб, меваси қора чўзинчоқ бўладиган хили ҳам бор. Мана шуниси кучлироқ бўлади.

Табиати.

Учинчи даража охирида совуқ ва қуруқ.

Хоссалари.

Сафрони енгиб, қаттиқ ҳайдайди.

Шиш ва тошмалар.

Уни қўйиб боғланса, иссиқ шишларда фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Қорақанд меъда ва жигарни кучли қилади; чанқовни қаттиқ қондиради.

Чиқариш аъзолари.

Ичми боғлайди, ичакнинг тирналишида фойда беради. Остдан қон кетишда ҳам фойда қилади. (Бачадондан эскидан оқадиган рутубатларга қарши ичилса, фойда беради. Гоҳо «бўғоз хотин бу дарахтнинг илдизи билан қорнига уч марта урса, ё қорнига чапласа қорнидаги боласини туширади», деб айтадилар).

Ўрнига ўтувчилар.

Ўз оғирлигича қизил гул уруги ва учдан бирича олинган сандал унинг ўрнига ўтади.

Ирисо — гулсапсар илдизи

Моҳияти.

Ҳаворанг гулсапсарнинг йўғон илдизидир. Гулсапсар кўп танали ўтлардандир. Учидан турли рангда — оқ, сариқ, ҳаворанг ва гунафша гуллар чиқаради. Бунинг «ўқ ёйи» маъносига *ирисо* деб атаганлар. Бунинг илдизлари тугун-туғун, япроқлари юққадир, *ирисо* эскирса қуртлайди.

(Дискурдуснинг айтишича, ҳаворанг гулсапсарнинг япроғи ёввойи гулсапсар япроғига ўхшайди. Лекин бу узунроқ ва каттароқдир. Бунинг пояси бор бўлиб, унинг

учида бир-бирига мувозий жойлашган гуллари бор. Улар турли рангда бўладилар. Булардан баъзилари сарғиш, арғивон рангда ва баъзилари ҳаво рангига мойил бир тусда бўлади. Ранги турлича бўлганидан ўқ ёйига ўхшатилди ва шу исм билан аталди. Унинг ту-гуули хушбўй қаттиқ илдизлари бор. Бунни йиғиб сояда қуритиб, зигирпоядан эшилган ипга тизиш керак).

Т а н л а ш.

Яхшиси қуйидаги сифатларда бўлади: қаттиқ, зич, тигиз, калта, қизғиш рангли ҳам хушбўй; ҳидланганда ёмон ҳид бермайди, тилни ачитади ва кучли аксиртиради.

Т а б и а т и.

Иккинчи даража охирида иссиқ (ва қуруқ).

Х о с с а л а р и.

Етилтирувчи, очувчи, тозаловчи. Шираси асал суви билан ишлатилса қуюқ балғамни эритади, тозалайди ва чиқаради.

З и й н а т.

Ўзи баробарича ҳарбақ билан қўшиб [ишлатилса], сепкил ва нуқтали қонталашларни кетказади. Ўзи ишлатилганда ҳам шундай таъсир қилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Қайнатмаси қаттиқликларни, ғализ шишларни, қулгунани, сутли тошмаларни юмшатади.

Я р а л а р.

Чиркли яраларга фойда қилади; майдалангани оқма тешиқларда эт битиради ва суякнинг устида эт ундиради.

Б ў ў и н л а р.

Ёғи чарчаганликни кетказади. Сирка ёки шароб билан ичилса, тиричиш ва мушакларнинг йиртилишида фойда қилади. Хуқнаси *ирқуннасода* фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Ухлатади, чўзма бош оғриқни йўқотади. Гоҳо бунга қизилгул ёғи ва сирка аралаштирилади. Бунинг ёлғиз ўзи ҳам бош оғриғини тўхтатади, аксиртиради. Бунинг қайнатмаси билан оғизни чайиш тиш оғриқларини қолдиради. Ёғи сирка билан қўшилса, қулоқ фувуллашини босади. Давомли назлаларни тўхтатади. Ёғи бурун тешиқларининг ҳидини кетказади. Қайнатмаси ҳам шундай. Уйқуда қичқирish касалида фойда қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўз ёшини тортади.

Н а ф а е в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Биқин ва зотилжамдаги оғриқларни босади. Йўталда, айниқса, қуюқ рутубатдан бўлганга, ўпка яллиғлашида, нафас олиш қийинлашганида ва томоқ оғриқда фойда қилади. Очиш билан бирликда етарли даражада суюлтириш таъсири орқали кўкракда қамалиб қолган, чиқарилиши қийин бўлган чиқиндиларни ҳайдайди. Кўкрак касалларида шинни билан ичилади. Бу билан оғизни чайиш лак-лукни сўлитиб оздиради.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Гулсапсарнинг илдизини сирка билан ичилса, жигар ва талоқнинг совуқдан бўлган оғриқларини, айниқса, талоқнинг оғриғини босади. Истисқода ичиш (ва суртиш) фойдали бўлади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Бавосирнинг оғзини очади. Ичнинг бураб оғришини йўқ қилади. Мазий ва кўп ихтиломни йўқотади. Шароб билан ичиш ҳайз қонини юриштиради. Бачадон қаттиқлиги ва совуқдан бўлган оғриқларда унинг қайнатмасига ўтирадилар. Ундан асал қўшиб тайёрланган дори қишга қўйилса, болани туширади. Еғи бачадонга фойдалидир. Майдаланган эски илдизини (асал билан) ичилса, сариқ сув, ўт ва шиллиқни суради. Ичиш миқдори ярим уқиядан етти драхмийгача.

И с и т м а л а р.

Еғи эт увушиб титрашни йўқ қилади.

З а ҳ а р л а р.

Сирка билан ичилса, ҳамма заҳарларга қарши фойда қилади.

Афюн — қорадори

М о ҳ и я т и.

Миср қора кўкнорнинг офтобда қуюлтирилган шираси. (*Мисрий* хилини ҳидланса, уйқу келтиради). Бир ичимни [257] икки *доникдан* ортиқ бўлмайди. Ёввойи коҳу [*ҳасс*]дан ҳам қорадори тайёрланади. Бу ҳам оғриқни босувчи бўлиб, кучсиздир. Қорадори қиздирилган темир [идиш]да қизаргунча қовурилади.

Т а н л а ш.

Энг яхши хили — ўткир ҳидли, оғир, уваланадиган, сувда тез эрийдиган, совуқда қотмайдиган, офтобда эрийдиган хилидир. Бунини чироқда ёндирилса, тиниқ аланга бериб ёнади. Ранги оч, ҳиди заиф, сувни бўяйдиган, ғадир-будур, сариқ хили — аралашган хили бўлади. Мана шу кейинги сифатдагиси *момисо* билан ара-

лаштирилганидир. Гоҳо ёввойи коҳу сути билан ара-
лаштирилиб сохта қилинади. Бунинг ҳиди заиф бўлади.
Елим билан аралаштирилса, ярақлайдиган ва жуда ти-
ник бўлади.

Т а б и а т и.

Тўртинчи даражада совуқ ва қуруқдир.

(**Т а ъ с и р** ва) хоссалари.

Суртилганда ёки ичилганда увуштиради ва ҳар қан-
дай оғриқни қолдиради. Бир ичими катта ясмиқ донаси
миқдоридадир.

Ш и ш ва тошмалар.

Иссиқ шишларни қайтаради.

(**Ж а р о ҳ а т** ва) яралар.

Бунда яраларни қуритиш хусусияти бор.

Б ў ғ и н л а р.

Қовурилган тухум сариғи билан аралаштириб оғриқ-
ни қолдириш учун подаграда суртилади. Хусусан сут
билан суртилса, яхшироқ бўлади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Ухлатувчидир. Пилик билан ёки пиликсиз кўтарилса
ҳам шу таъсирни беради. Гулнинг ёғи билан ҳўллаб
мурр ва заъфарон билан қўшиб аламли қулоққа томи-
зилса, оғриқни қолдиради. Давомли бош оғриқни тўх-
татиб роҳатлантиради. Бу, фаҳм ва зеҳни бузадиган
нарсалардандир.

К ў з а ъ з о л а р и.

Хотинларнинг сути билан қўшиб ишлатилса, кўз
яллиғланишидаги оғриқларни ва шишларни босади.
Қадимги табиблардан кўплари кўриш қувватига зарар
қилганидан буни кўз яллиғланишида ишлатмас эдилар.
(**Н а ф а с** ва) кўкрак аъзолари.

Давомли йўтални тўхтатади. Кўпинча зўриққан
йўтални ҳам босади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Бу билан меъда тозаланади ва бурушади. Бу ҳол
меъда иссиқ ва рутубатдан бўшашганида бўлади. Кўп
ҳолларда қундуз қири қўшмай бир ўзи ичилганда ҳазм-
ни тўхтатади ёки жуда камайтиради.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ичкетишни тўхтатади; ичнинг тирналишларида ҳам-
да ичак яраларида фойда қилади.

З а ҳ а р л а р.

Қувватларни тушириш ва туғма иссиқликни сўнди-
риш билан ўлдиради. Бунинг заҳарини қирқувчи нарса
қундуз қиридир.

Ўрнига ўтадиганлари.

Уч баробарича мингдевоиа уруғи ва икки баробари-ча меҳригиё уруғи бунинг ўрнига ўтади.

Ижжос — олхўри

Моҳияти.

Машҳур. Боғда ўсадигани қора хилидан, сариқ хили ва са қизил хилидан кучлироқ бўлади. Катта оқ хили оғир бўлиб, сурги [қуввати] оздир. Арманий хили ҳаммасидан ширинроқ ва кучли суради. Энг яхши хили катта ва этли хилидир.

Табиати.

Иккинчи даража аввалида совуқ ва унинг охирида ҳўлдир.

Хоссалари.

Елими суюлтирувчи, парчаловчи ва елимловчидир. Димишқий хилида ични тўхтатиш ва буруштириш хусусияти бор. Бунинг озиқлиги Дисқуридус фикрича, оздир, аммо Жолинус фикрича ундай эмас. Етилмаган хомида буруштириш хоссаси бор. Озиқлиги оздир. Таомдан олдин ейилсин! Ҳўл мизожли киши бундан кейин асал суви ва набиз ичсин!

Яралар.

Елими яраларни битиради; сирка билан қўшилгани темираткини йўқотади, хусусан у билан асал ёки шакар аралашган бўлса, айниқса, болаларда яхши натижа беради.

Бош аъзолари.

Олхўрининг япроғи билан оғиз чайилса, иккала бодом безларига ва лак-лукка тушадиган назлаларни қайтаради.

Кўз аъзолари.

Елими кўзга тортилса, кўзни қувватли қилади.

Кўкрак аъзолари.

Кўкракдаги оғриқларга фойда қилади. Аччиқ хили «юракнинг алангаланиши»ни босади.

Озиқлантириш аъзолари.

Унинг аччиқ хили сафрони қаттиқ ҳайдайди. Ширин хили ўзининг ҳўллаш ва совутиш таъсири билан меъдани бўшаштиради, демак унга мувофиқ келмайди.

Чиқариш аъзолари.

Ширин хили сафрони қаттиқроқ суради. Ҳўли қуруғига қараганда қаттиқ суради. Бунинг суриши ёпишқоқлиги сабаблидир. Баъзиларнинг айтишича, димишқий

хили ични қотиради. Ҳамма табибларнинг фикрига кўра ёввойисида, то у яхши етилмагунча буруштириш хусусияти бор.

Жолинус шундай дейди: Дискурідус димишқий хили ични қотиради деб хато қилган. Балки у суради. Елими қовуқ тошини майдалайди, суви эса ҳайз қонини юриштиради. Қанча кичик бўлса, суриши шунча кам бўлади.

Арузз — шоли, гуруч

Моҳияти.

Таниқли бир дон).

Табиати.

Иссиқ ва қуруқ. Қуруқлиги иссиқлигидан аниқроқдир. Лекин бир тўда табиблар, бугдойдан иссиқроқ дейдилар.

Таъсири ва хоссалари.

Гуруч яхши озиқ бўлиб, бир оз қуруқликка мойилдир. Сут ва бодом ёғи билан қайнатилса, зўр ва яхши озиқ бўлади. Сувда ивтилса, айниқса, бир кеча кепак сувига солиб қўйилса, қуритиш ва ични боғлаш хусусиятлари йўқолади. Бу, секинлик билан совутадиган нарсалардандир. Бунда тозалаш хоссаси ҳам бор.

Чиқариш аъзолари.

Сувда қайнатилгани бир оз ични қотиради. Сут билан қайнатилгани эрлик уруғини кўпайтиради ва ични тўхтатмайди. Шоли ҳолида сутда қайнатилиб, сутнинг сувли қисмини сақланса ва айниқса, кепак сувда ивтилиб, бу билан қуруқлик хусусияти камайтирилган бўлса, бу вақтда ични тўхтатади.

БО (Б) ҲАРФИ

Банафсаж — гунафша

Моҳияти.

(Бу маълум ўсимлик). Илдизининг таъсири ўзининг таъсирига яқин.

Табиати.

Биринчи даражада совуқ ва ҳўл. Бир тўда табиблар бунини биринчи даражада иссиқ дейдилар. Япроғининг совуқлиги шубҳасиздир.

Хоссалари.

Айтишларича, бу мўътадил қонни туғдиради.

Шиш ва тошмалар.

Қуюқ суртмаси арпа толқони билан бирликда яллиғли шишларни босади. Япроғи ҳам шундай таъсирга эга. **Жароҳат ва яралар.**

Гунафшанинг ёғи қўтир учун яхши суртмадир. **Бош аъзолари.**

Буни ҳидлаш ва суртиш қондан бўлган бош оғриғини босади.

Кўз аъзолари.

Буни (қўйиб боғлаш ва ичиш) иссиқ кўз оғриқда яхши таъсир беради.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Иссиқ йўталда фойда қилади. Гунафша, айниқса, унинг шакарда пиширилган мураббоси кўкракни юмшатади. Шароби зотилжам ва ўпка яллиғлашида фойдалидир; бу шу таъсирда гулобдан ортиқроқдир.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъданинг яллиғлашида фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Шароби буйрак оғриғида фойдалидир. Сийдикни ҳайдайди. Қуритилгани эса сафрони суради. Шароби ҳам мулойимлик билан ични юмшатади. Бу кўтан тушишида ҳам фойда беради.

Басал — пиёз

Моҳияти.

Бу маълум нарса. Бунда парчаловчи ўткир маза билан бирга аччиқлик ва буруштириш таъсири бор. Пиёзнинг ейиладиган узунроқ тили бўлиб, ўткир, мазаси кучлироқдир. Қизили оқига қараганда ўткирроқ бўлади. Қуритилгани хўлига қараганда ва хоми қовурилганига қараганда ўткирроқдир.

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ. Бунда ортиқча ҳўллик ҳам бор.

Таъсир ва хоссалари.

[Пиёз], айниқса, ейиладигани, латифлаштирувчи ва парчаловчидир. Бунда буруштириш билан бирликда кетказиш ва кучли очиш таъсири бор. Пиёзда дам қилиш ва қонни ташқарига тортиш хоссаси ҳам бордир. Демак, у терини қизартирувчидир. Бунинг пиширилмаганидан бошқаси арзирли [миқдорда] озиқли модда туғдирмайди. Пиёзли шўрва пиёзсиз шўрвага қараганда қоринни камроқ дам қилади. Пиширилган пиёзнинг озиқлик моддаси ғализ хилт пайдо қилади. Айниқса,

ейиладиган пиёз турли сувларнинг зарарини қайтаради. (Пиёз суви ҳайз қонини юргизади). Пиёз турпи [саси-ган сувнинг] ҳидини кетказадиган нарсалардандир.

З и й н а т.

Юзни қизартиради. Уруғи доғни кетказади. Бу «тулки касаллиги»да мўйи тўкилган ерда ишқаланса жуда фойда қилади. Уруғи туз билан қўшиб ишлатилса, сўгалларни қўпоради.

(Ж а р о ҳ а т в а) я р а л а р.

Суви чиркин яраларга фойда қилади. Товуқ ёғи билан қўшиб оёқ кийимидан шилинганга ишлатилса, фойда қилади.

Б о ш а ʼ з о л а р и.

Суви бурунга юборилса, бошни тоза қилади. Бошнинг оғирлашганида, қулоқ шанғиллашида, йиринг ва сув пайдо бўлишида қулоққа томизилади. Пиёз бошни оғритадиган нарсалардандир. Буни кўп ишлатиш уйқу бостиради. Пиёз ёмон хилт туғдиргани учун ақлга зарар қиладиган нарсалардандир. Бу сўлакни ҳам кўпайтиради.

К ў з а ʼ з о л а р и.

Ейиладиган пиёзнинг сиқиб олинган суви кўзга сув тушгани [катаракта]да фойда қилади. Кўзни равшан қилади. Кўзнинг оқига қарши пиёз уруғини асал билан қўйилади.

К ў к р а к а ʼ з о л а р и.

Пиёз суви ҳайз қонини юргизиб, ични юмшатади. оғриқда фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ʼ з о л а р и.

Ёввойи пиёз ҳазми қийинлаштиради. Бунинг бир хили қусишни қўзғатади. Ейиладиган пиёз аччиқлиги сабабли заиф меъдани кучли қилиб иштаҳани очади. Пиёзнинг икки марта пиширилгани кўп озиқлидир. Чанқашга сабаб бўлади. Сарик касалида фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ʼ з о л а р и.

Бавосирда томирларнинг тиқилмаларини очади. Пиёзнинг ҳамма турлари шахвоний ҳисни қўзғатади. Пиёз суви ҳайз қонни юргизиб, ични юмшатади.

З а ҳ а р л а р.

Сувини туз ва газгаўт билан бирга қутурган ит тишлаганида қўйилса, фойда қилади. Ейиладиган пиёз гармсел шамолининг зарарини қайтаради. Баъзи табиблар бу меъдада гармселнинг зарарини синдирадиган кўп миқдорда ҳўл хилт туғдиради, дейдилар. (Бу таъсирда пиёз кучлидир).

Биртониқий — гултожихўроз

Моҳияти.

Айтишларича, бу *бўстон афруздир* ва бунинг япроғи отқулоқнинг япроғига ўхшайди, лекин бу қорамтироқ (Таъсир ва) хоссалари.

Япроғи (ниҳоятда) буруштирувчидир.

Жароҳат ва яралар.

Жароҳатлар ва яраларни бириктиради.

Бош аъзолари.

Шираси оғиздаги эскирган яралар ва оғиз оғриғига энг яхши доридир. Бунинг қуюлтирилган ширасини олиш керак. Бу оғиз оғриғига (ниҳоятда) фойдалидир.

Бақла ҳамқо — семизўт

Моҳияти.

Маълумдир.

Танлаш.

Таъсирда энг кучли қисми ширасидир.

Табиати.

Учинчи даражада совуқ ва иккинчи даража охирида ҳўл.

(Таъсир ва) хоссалари.

Бунда буруштириш хусусияти бўлиб, қон кетишга ва давомли оқмаларга монe бўлади. Озиқлиги оз, лекин ёмон эмасдир. У сафрони кучли равишда кўчиради.

Зийнат.

Бу билан сўгалларни қирадилар. Сўгалларни кайфияти билан эмас, балки хосияти билан қўпоради.

Шишлар.

Бузилиш хавфи бўлган иссиқ шишларга ва сарамасга қуюқ суртма бўлади.

Бош аъзолари.

Уни шаробга аралаштириб бошни ювилса, бошдаги тошмаларга фойда қилади. Дағалликни силлиқлайдиган хусусияти билан тиш қамашганини кетказади. Лўқиллайдиган иссиқ бош оғриғини босади.

Кўз аъзолари.

Шираси қаттиқ, буруштирувчанлиги билан қон туфлашни тўхтатади.

Озиқлантириш аъзолари.

Ичиш ва қуюқ ҳолда суртиш меъда яллиғлаганида фойда қилади. Яллиғлаган жигарга ҳам фойда қилади ва сафро қусишни тўхтатади. Иштаҳани туширади.

Чиқариш аъзолари.

Ичак шиллинганида ва сафроли ич суришда семизўт билан ҳуқна қилинади. У, буйрак ва қовуқ оғриқлари ва уларнинг яраларига фойда қилади. Кўпинча шаҳвоний ҳисни кесади, (ҳатто қўшилиш қобилиятини йўқотади). Мосаржавайҳ эса у, шаҳвоний қувватни орттиради, деб гумон қилади, бу ҳол иссиқ (ва қуруқ) мизожли кишиларда бўлса керак. У ҳайз қонининг оқишини тўхтатади. Бачадон ачишганда фойда қилади. Суви эса қонли бавосирга фойда қилади. Шираси қовоқ уруғига ўхшаш гижжаларни чиқаради. Семизўтни қовуриб ейилса, ич суришни тўхтатади.

И с и т м а л а р.

Иссиқ иситмаларга фойда қилади.

ЖИМ (Ж) ҲАРФИ

Жавз — ёнғоқ

Моҳияти.

Бу таниқлидир. Мизожи иссиқ. Бунинг тарёки — иссиқ мизожли кишиларга *сиканжубин* бўлиб, меъдалари заиф кишиларга сирка мураббодир.

Табиати.

Учинчи даражада иссиқ ва иккинчи даражанинг аввалида қуруқ. Қуруқлиги иссиқлигидан камроқ. Бунда қуюқ рутубат бўлиб, эскирганда у кетиб қолади.

Таъсир ва хоссалари.

Қовурилганида кўпроқ буруштириш хоссаси бор. Япроғи ва қобиғи буруштирувчи бўлиб, қон оқишга қарши фойдаси бор. Куйдирилган қобиғи ачиштирмасдан қуритади. Эскирган ёнғоқ ёғи эскирган зайтун ёғи кабидир. Эскирганининг тозаловчи қуввати кўпроқ бўлади.

Зийнати.

Ёнғоқнинг ҳўли хузистонлик табибларнинг айтишича, урилишдан қолган изларга қўйиб боғланади.

Шиш ва тошмалар.

Мағзини чайнаб яраланган савдовий шишга қўйилса, фойда қилади.

Жароҳат ва яралар.

Елими иссиқ яраларга сепилса ва у яраларга қўйиладиган марҳамларга киргизилса, фойда қилади.

Бўғинлар.

Асёл ва газагўт билан асабнинг буралганига қарши ишлатилади.

Бош аъзолари.

Бошни оғритади. Япроғининг шираси илнқ ҳолда қулоққа томизилса, қулоқдаги йиринглашга қарши фойда қилади. Хузистонликларнинг айтишича, ёнғоқ тилни оғир қилиб, оғизда тошмалар пайдо қилади.

Кўз аъзолари.

Ёғи ел-ярага, сарамасга ва кўз атрофидаги оқма яраларга фойда қилади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Қобиғининг шираси ва унинг қуюлтирилгани томоқ оғриқни қайтаради ва йўталда зарар қилади. Ёнғоқнинг эскирган ёғи томоқ оғриғини пайдо қилади. Ёнғоқнинг ҳамма хиллари, хусусан *мулукий* дейилган катта хили ва мағзлари шишган эмчакка қўйиб боғланади.

Озиқлантриш аъзолари.

Ёнғоқнинг ҳазми қийин бўлиб, меъда учун ёмондир. Ёнғоқ мураббоси ва ҳўл ёнғоқ меъдага яхшироқ ва зарари камроқдир. Бу ҳол иккала қобиғи шилинганда кўрилади. Ёнғоқнинг мураббоси мизожли совуқ меъдага фойдалидир. Мен айтаман: ёнғоқ фақат иссиқ мизожли меъдагагина мувофиқ келмайди.

Чиқариш аъзолари.

Ёнғоқ, айниқса қовурилгани киндик устига сепилса, пчак оғриқларини босади ва ични тўхтатади. Ёнғоқнинг қобиғи ҳайз қонининг кетиб туришини тўхтатади. Ёнғоқ мураббоси совуқ мизожли буйракка жуда фойдалидир. Қобиғининг кулини шароб билан ичилса ва кўтарилса, ҳайз қонини тўхтатади. Мураббо билан ейилса, ични юргазади. Буни истеъмол қилиш майда гижжаларни ва қовоқ уруғисимон гижжани ҳайдайди. Ёнғоқ кўричакнинг ўзига фойда қиладиган нарсалардандир.

Заҳарлар.

Ёнғоқ анжир ва газагўт билан ҳамма заҳарларга қарши даво бўлади. Пиёз ва туз билан қўшиб қутурган ит ва бошқа ҳайвонлар тишлаганига қўйиб боғланади.

30-30Й (3) ҲАРФИ

Занжабил ул-килоб — кслин тили

Моҳияти.

У машҳур сабзавот, яъни сув мурчи бўлиб, япроғи тол япроғи каби, лекин сариқлиги ундан кўра кучлидир.

Таналари қизил ва занжабил мазасини берадиган бўлиб,
итларни ўлдиради.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада иссиқ ва биринчи даражада қу-
руқдир.

З и й н а т.

Янгисини уруғи билан янчиб, юздаги доғларга, сеп-
килга ва эскирган нуқтали қизил қонталашга суртилса,
уларни кетказади.

Ш и ш ва тошмалар.

Янгисини уруғи билан янчиб боғланса, қаттиқ шиш-
ларни шимилтиради.

Зиъбақ — симоб

М о ҳ и я т и.

Симобнинг кондан тоза ҳолида топиладигани ва кон
тошидан, олтин ва кумушни олгандаги каби ўт ёрдами
билан чиқариладигани бор. Қон тоши тоза, унга тупроқ
ва тош аралашмаган бўлса, киноварь тусида бўлади.
Балки киноварь бунинг тусида бўлади, лекин унинг да-
ражасигача бориб етмайди. Жолинус ва бошқаларнинг
айтишича, бу — мурдасанг [мартак] каби сунъий нар-
садир, чунки мартак ҳам ўт ёрдами билан олинади.
Шунинг учун олтинни ҳам мартак каби сунъий бўлиши
керак, дейдилар. Симобнинг моддаси киноварга ўхша-
ган тошдир. Шунинг учун буни, киноварни лой суртил-
ган қозон тагидан ўт ёқиб қиздириш билан олинади, деб
ўйлаганлар. Лекин бундай эмас, балки киноварнинг ўзи
олтингургурт билан симобдан олинади. Сўнг симобни,
симоб жавҳари бўлган кондан чиқарилган киновардан
олинганидек, бу [сунъий киновардан] ҳам олсалар мум-
кин.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада совуқ ва ҳўлдир.

Т а ъ с и р ва хоссалари.

Ҳайдалган симоб буруштирувчидир.

З и й н а т.

Ўлдирилган симоб қизил гул ёғи билан бит ва унинг
сиркасига қарши даводир.

Ж а р о ҳ а т ва яралар.

Симобнинг ўлдирилгани қизил гул ёғи билан ёки
кўтир ва оғир яраларда ишлатиладиган дорилар билан

бирликда қўтирга ва оғир яраларга қарши ишлатилади.
Б ў г и н л а р.

Симобнинг буғи фалаж ва қалтироқ касалликларини пайдо қилади ва аъзоларни акашак қилиб қўяди.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Симоб буғи эшитиш қувватини кетказади. Буғи оғизга борса оғизни бадбўй қилади.

К ў з а ъ з о л а р ы.

Буғи кўзни кўрмайдиган қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Бавлус айтади: табиблар борки, ўлдирилган симобни ингичка ичак буралиши [иловус]га қарши ичирадилар.

З а ҳ а р л а р.

Ҳайдалган симоб парчаловчи қуввати зўр бўлганидан ўлдирувчандир. Бунинг кучли иложи сут ичиш ва қусишдир. Жолинус ўзининг бу тўғрида тажрибаси йўқлигини айтган. Баъзи табиблар айтадиларки, ўлдирилган симоб оғирлиги билан ўлдиради. Чунки бу йўлиққан нарчасини оғирлиги билан ейди. Лекин бу асоссиз гапдир. Симоб сичқонни ўлдиради. Бунинг буғидан заҳарли жониворлар ва илонлар қочадилар.

Зож — зок

М о ҳ и я т и.

Оқ, қизил, сариқ ва яшил зоклар билан қалқатор, қалқадис, қалқанд ва сурийлар ораларида фарқ шуки, зоклар эришни қабул қилмайдиган тошларга аралашган эрийдиган моддалардир. Бошқа [айтилган] моддалар эрийдиган моддалардир. Булар аввалда оқувчан моддалар бўлиб, сўнг қотганлар. Қалқатор — сариқ, қалқадис — оқ, қалқанд — яшил ва сурий — қизилдир. Буларнинг сурийдан бошқа ҳаммаси сувда қайнатганда эрийдилар. Сурий қаттиқ қотган ва зич моддадир. Яшил зок бири табиатида ўзининг тусига ўхшаш зокка ўхшайди.

Жолинус, қизил зок қалқатордан туғилади, деб хаёл қилган экан ёки қалқаторни қизил зок ўраб олганини ва ундан сочилиб турганини кўрган, лекин бу текшириладиган гап.

Т а н л а ш.

Яшил, Миср зоки Қибрисдан келтириладиган зокдан кучлироқ бўлади. Лекин кўз касалликларида Қибрисники кучлироқдир. Куйдирилмаган зок кучлироқ бўлиб, куйдирилгани латифроқ бўлади. Зокларнинг энг лати-

фи қалқадис ва яшил зокдир. Зокларнинг энг мўътадилли қалқатор бўлиб, энг ғализи сурий зокидир. Шунинг учун у сувда эримайди. Олтин каби ярақлайдиган зокнинг қуввати қалқаторнинг қувватига яқин. Қалқаторнинг энг яхшиси мислик, соф ва эскирмаганидир. Бу хили тез майдаланади.

Шужайра [дарахтча] деб аталган сиёҳ зокнинг энг яхшиси тилла рангда ярақлайдиган қаттиқ хилидир. Бунинг қуввати қалқатор қувватидекдир. Сурийнинг энг яхшиси Мисрда келтирилганидир. Унинг [устидаги] қораси уваланиб майдаланади ва ёрилган жойлари кўриниб қолади. Бу ёқимсиз ёғ мазали ва буруштирувчи мазали бўлади. Ҳиди ҳам шундай.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Буларнинг ҳаммаси куйдирувчидир. Яранинг устида қаттиқ қобиқ пайдо қилади ва буруштиради. Қизил зок қалқаторга қараганда камроқ ачитади. «Қафшгарлар зоки» ҳаммасидан буруштирувчанроқдир. Қалқатор ўртача буруштиради.

Шиш ва тошмалар.

Ҳамма хили ҳам ҳўл қўтир ва ширинчага фойда қилади. Қалқатор ва бошқаларидан оқма тешикларга қўйиш учун пилталар тайёрланса, «сафолланиш»га қўймайди.

Бўғинлар.

Сурий зоки шароб билан ҳуқна қилинса, ирқуннасога фойда қилади.

Бош аъзолари.

[Буларни] хусусан қалқаторни бурун қонашга қарши бурун ичига пуфланади. Зокларнинг ҳамма хили елга ва тиш милкидаги ёмон шишларга фойда қилади. Пилтани асалга булғаб қулоққа қўйилса, қулоқ яраларига ва ундаги йиринглашга фойда қилади. Пуфлагич [минфох] билан пуфланганда ҳам шу хилда фойда беради. Зок тишларнинг ейилишини тўхтатади. Сурий деб танилган қизил зок [умуман] тишларни ва хусусан қимирлайдиган жағ тишларини маҳкамлайди. Куйдирилган зок савринжон, бойчечак илдизи билан бирга қўшиб, тилнинг тагига қўйилса, зифдаъ [қурбақа касали]га фойда қилади. Зокдан, айниқса, қизил зокдан тайёрланган мумли суртма оғиз ва бурунларга тушган елга ва уларнинг яраларига фойда қилади.

Қўз аъзолари.

Зоклар, хусусан *қалқатор* қовоқнинг қаттиқлигига ва ғадир-будурлигига фойда қилади.

Кўкрак аъзолари.

Зоклар ўпкани қуритади, ҳатто кўпинча ўлдиради.

Заҳарлар.

Бунда, ўпкани қуритганлиги учун заҳарловчи қувват бор.

Зуърур — дўлана

Моҳияти.

(Дисқуридуснинг айтишича, бу тиканли бир дарахт бўлиб, барги *луқуроший*нинг баргига ўхшайди, мевалари эса олмага ўхшаган, лекин ундан кичик. [Мевасининг] ранги қизил бўлиб, ҳар бирида учтадан данак бўлади, шунинг учун бир гуруҳ табиблар уни *тариқун* деб атайдилар. Бунинг маъноси уч данаклидан [олинган] дори демакдир). Бунинг машҳур бир хили бор. Уни уч данакли деб атайдилар. Юнонликлар *ҳифлимун*, *сатониюн* деб атаган хили ҳам бор. Дўланани кўпинча чўл олмаси деб атайдилар. Дарахти олма дарахтига ўхшайди, ҳатто, япроғи (ва илдизи) ҳам ўхшайди. Лекин [меваси] олмадан кичик бўлади. (Уни ейлади ва у) мози таъмини беради. (Пастки қисми кенгроқ бўлади; бу дарахт мевасининг ранги сариқдир.

Табиати.

Бир гуруҳ табиблар уни совуқ ва ҳўл дейдилар).

Таъсир ва хоссалари.

Буруштирувчандир. Буруштириш таъсири жийданикидан кучлидир. Сафрони сўндиради. Бошқа меваларга қараганда суюқликларнинг оқишини кучлироқ тўхтатади.

Бош аъзолари.

Ҳифлимун бошни оғритади.

Озиқлантириш аъзолари.

[Дўлана] меъдага зарарлидир.

Чиқариш аъзолари.

Ични тўхтатади (ва сийдик тутилишини тугдирмайди).

ҲО (Ҳ) ҲАРФИ

Ҳурф — таратизак

Моҳияти.

Таниқлидир. (Дисқуридус: «Биз кўрган таратизакнинг энг яхшиси Бобил мамлакатада бўлгандир», —

дейди). Қуввати хардал ва турп уруғлари бирликда олингандаги қуваатга ўхшашдир. Хардал билан индовнинг бирликда олинганига ўхшайди, деювчилар бор. Япроғи рутубатли бўлганидан унинг таъсирлари [уруғиникига қараганда] камроқ бўлади. Қуриганда эса унга деярли ўхшаб ва баробарлашиб қолади.

Т а б и а т и.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Юмшатиш билан бирликда эритувчи ва етилтирувчидир. Шунингдек, ички бўшлиқлардаги йирингни ҳам шимади.

З и й н а т.

Таратизакни ичиш ва суртиш мўй тўкилишини тўхтатади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Шиллиқли шишга яхшидир, сув ва туз билан чипқонларга марҳам бўлади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Яраланган қўтир ва темираткиларга фойда қилади. Асал билан қўшиб ҳўл ширинчага ишлатилади, у *нори форсийни* ҳам қўпоради.

Б ў г и н л а р.

Буни ичиш ва сирка ҳам арпа толқони билан қуюқ қилиб суртиш ирқуннасога фойда қилади. Ҳуқна қилинганда ҳам *ирқуннасога* фойда қилади, айниқса, ичдан қон аралаш нарсани сурганида фойдали бўлади. Таратизак ҳамма аъзоларнинг бўшашишига қарши фойдалидир.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Ўпкани тозалайди, астмага фойда қилади; бунда парчалаш, мулойим қилиш хусусиятлари бўлганидан астмада ишлатиладиган дорилар тиркибига ҳам шу касаллик учун тайёрланадиган ҳолвайтар таркибига кирилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Меъда ва жигарни қиздиради. Талоқнинг қалинлашганида фойда қилади, хусусан асал билан суртилса, фойдаси кўпроқ бўлади. Таратизак меъдага зарарлидир, бу ҳол унинг меъдани чақиб ачиштирганидан бўлса керак. У, овқатга бўлган иштаҳани оширади. Бундан бир *оксифаф* вазнида ичилса, сафро қусдиради ва уни суради. Бу хил таъсирни тўртдан уч *дирҳам* вазнида, гиси ҳам бераолади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Шаҳвоний қувватни орттиради. Гижжаларни ҳайдайди. Ҳайз қонини юргизади ва болани туширади. Бунинг товада қовурилгани, айниқса янчиш билан ёпишқоқлиги йўқотилмагани ични қотиради. Қуланжга фойда қилади. Агар бундан тўрт *дирҳам* вазнида янчиб ичилса, ёки беш *дирҳам* вазнида иссиқ сув билан ичилса, ични суради ва ичакдан елларни таркатади. Баъзи табибларнинг айтишича, таратизакнинг Бобилий хилидан бир *оксибаф* вазнида ичилса, сафрони суради ва сафро қўстиради. Бу таъсирни тўртдан уч *дирҳам* ҳам кўрсатади.

Заҳарлар.

Таратизакни ичилса, ёки асал билан заҳарли жониворлар чаққан жойга боғланса, фойда қилади. Агар уни тутатилса, уларни қочиради.

Ҳармал — исиріқ

Моҳияти.

Бу машҳурдир.

Таъсир ва хоссалари.

Парчаловчи ва латифлаштирувчидир.

Бўғинлар.

Исиріқни бўғин оғриқларига ва ирқуннасога суртиш фойдалидир.

Бош аъзолари.

Бунда шаробнинг маст қилишидек маст қилувчи қувват бор.

Кўз аъзолари.

Дисқуридуснинг айтишича, агар исиріқни асал, шароб, каклик ёки товуқнинг ўти ва бодиён суви билан эзиб ишлатилса, кўриш қувватининг заифлашганига мувофиқ келади.

Озиқлантириш аъзолари.

Кўнгилни қаттиқ айнатади.

Чиқариш аъзолари.

Ичиш ва суртиш сийдик ва ҳайз қонини қаттиқ юргизади. Қуланж касалида ҳам ичиш ва суртиш фойда қилади.

Ҳиммас — нўхат

Моҳияти.

(Нўхатнинг хили кўп бўлади): оқ нўхат, қизил нўхат, қора нўхат ва ёввойи ясмиқсимон нўхат. Нўхат

хилларидан экиладигани ва ёввойиси бор. Ёввойиси ўткирроқ, аччиқроқ ва кўп қиздирадиганроқ бўлиб, қувватда экиладиган хилининг таъсирини беради, лекин экиладиган хилининг озиқлиги ёввойисиникидан яхшироқдир.

Т а б и а т и.

Оқ нўхат биринчи даражада иссиқ ва қуруқ. Қора нўхат кучлироқдир.

Т аъ с и р в а х о с с а л а р и.

Иккови ҳам дам қилувчи ва юмшатувчидир. Бунда парчалаш хусусияти ҳам бор. Бунинг озиқлиги боқиладан кучлироқ ва гавдага жуда ўзлашувчидир. Ўзига ўхшаганлар ичида ўпкани бундан озиқлантирадиганроғи йўқ. Хўли қуруғига қараганда ортиқча хилни кўпроқ туғдирувчандир.

З и й н а т.

Нўхатни ейиш ва ундан марҳам қилиб суртиш нуқтали қонталашларни кетказади ва рангни яхшилайдди. **Ш и ш в а т о ш м а л а р.**

Иссиқ шишларга, қаттиқ шишларга ва бошқа шишларга шунингдек, безларда бўладиган шишларга фойда қилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Нўхат ёғи темираткига фойда қилади; нўхатнинг уни эса ёмон хил яраларга, саратон яраларига ва қичмага ишлатилади.

Б ўғ и н л а р.

Орқа [мушакларидаги] огриққа фойда қилади.

Б о ш аъ з о л а р и.

Бошдаги рутубатли тошмаларга фойда қилади. Нўхат ивитилган сув эса тиш огриғига ва милкдаги иссиқ ва қаттиқ шишларга фойда қилади. Қулоқлар остидаги шишларга ҳам фойда қилади.

Н а ф а с в а кў к р а к аъ з о л а р и.

Товушни тиниқ қилади ва ўпкани ҳар нарсадан ортиқ озиқлантиради. Шунинг учун бундан, яъни нўхат ундан ҳолвайтар [ҳасо] қилинади.

О з и қ л а н т и р и ш аъ з о л а р и.

Нўхат қайнатилган сув истисқо ва сариқ касалига фойдалидир; нўхат, айниқса, унинг қора ёввойи ясмиқсимон хили талоқ ва жигар тиқилмаларини очади; нўхатни таомнинг аввалида ва охирида эмас, ўртасида ейиш керак.

Ч и қ а р и ш аъ з о л а р и.

Қора нўхатнинг қайнатмаси бодом ёғи, турп ёғи ва

петрушка ёғи билан ишлатилса, қовуқ ва буйракдаги тошларни майдалайди. Ҳамма хили болани туширади. Нўхат қовуқ яраларига зарарлидир. Шаҳвоний хоҳишни қаттиқ орттиради. Шунинг учун эркак мол ва портуяларга нўхат берадилар. Нўхат ивитилган сув оч қоринга ичилса, эрлик олатини қўзғатади. Нўхатнинг ҳамма хили ични юмшатади. Нўхат, айниқса, унинг қора ва ёввойи ясмиқсимон хили буйракдаги тиқилмаларни очади. Баъзи табибларнинг айтишича, нўхатни сиркага солиб қўйиб оч қоринга ейилса, бошқа нарса емасдан яна ярим кун сабр қилинса, гижжаларни ўлдиради.

Буқротнинг айтишича, нўхатда икки модда бордир. Булар қайнатиш билан ундан ажратилади. Бу моддаларнинг бири тузли модда бўлиб, ични юмшатади. Иккинчиси ширин модда бўлиб, сийдикни ҳайдайди. Ширин моддасида шаҳвоний хоҳишни қўзғатадиган ва дам қиладиган қувват бор.

Ҳадид — темир

Моҳияти.

Таниқлидир. Бу уч хил бўлади: *шобирқон*, *бармоҳон* ва сунъий пўлат. *Шобирқон* тўполи мис тўполига яқиндир. *Хубс* [чирк] ҳақида «*Хо*» [X] ҳарфида алоҳида гапирамиз.

Таъсир ва хоссалари.

Темир занги буруштирувчан ва еювчандир. Темир чирки темир зангидан заифроқдир. Темир чирки қуриштиш жиҳатидан ҳар бир чиркдан кучлидир.

Зийнати.

Темирнинг зангини шароб билан бирга милкакда қўйилади.

Шиш ва тошмалар.

Темирнинг занги оташак ва тошмаларга қўйилади.

Бўғинлар.

Темирнинг зангини шароб билан подаграда қўйилса,

фойда қилади.

Бош аъзолари.

[Темир зангини] жуда ўткир сиркада эзиб қайнатилса, у сирка қулоқдан эскидан йиринг оқиб юришида дори бўлади.

Кўз аъзолари.

Темирнинг занги қовоқнинг гадир-будурлигига ва кўздаги нохина касаллигига яхшидир.

Озиқлантириш аъзолари.

Ичида [қизиган] темир ўчирилган шароб ва сув та-лоқ шишига, меъданинг бўшашганига ва заифлашганига фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Темирнинг тўполида сувни сурувчи қувват бўлиб, бу мис тўполидагидан заифроқдир. Темирнинг занги буруштирувчидир. Буни бачадондан кетган қонни тўхта-тиш учун кўтарилади. Темирнинг занги буруштирувчи-лиги билан бавосирни қуритади. Қизиган темир, ўчирилган шароб ва сув чўзма ичкетишни ва дизенте-рияни тўхтатади. Орқа тешик бўшашганда ва сийдикни ушлаб туриб бўлмаслик касалида, ҳайз қонининг тўх-тамаслигида фойда қилади ва шаҳвоний қувватни оши-ради.

Ҳайя — илон

М о ҳ и я т и.

(Илоннинг турлари кўпдир). Илоннинг сув, туз ва укроп билан қайнатилгани ишлатилади. Баъзан унга зайтун ёғи қўшилади. Тузланган илоннинг сели ҳам истеъмол қилинади. Бу гўштининг қувватида бўлади. Илоннинг пўсти ҳам истеъмол қилинади. Илоннинг хил-ларини Тўртинчи китобда айтамыз.

Т а н л а ш.

Илон гўштининг энг яхшиси урғочисининг гўшtidир. Илон пўстининг энг яхшиси эркагининг пўстидир.

Т а б и а т и.

Гўштида қуритиш хусусияти кучли. Қиздириш хусу-сиятига келсак, у бунда кучли эмас. Илоннинг пўсти ҳам қаттиқ қуритувчидир.

Т а ъ с и р ва х о с с а л а р и.

Гўштининг хосияти шундаки, у, ортиқча хилтларни терига ўтказди. Бу ҳол, айниқса, киши покиза бўлма-ганда пайдо бўлади. Бир киши илон гўшти еганидан кейин бўйнида катта чиқиқ пайдо бўлган, уни ёрганла-рида ичидан худди бит каби нарсалар чиққан. [Эти] истеъмол қилинса, умрни узоқ, кучни кўп қилиб, ҳис-ларни ва ёшликни сақлайди.

З и й н а т.

Илонни ейиш кишини битлатади, ортиқча хилтларни терига тортганидан терини шилади. Моховга зўр фойла қилади. «Тулки касалида» истеъмол қилинса, фойдаси катта бўлади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р .

Икки учи кесиб ташланган илоннинг гўшти ва шўрваси ва шунингдек пўсти қулғунанинг катталашиб бо-ришини тўхтатади.

Б ў ғ и н л а р .

Илоннинг боши ва тўрт элликча думини кесиб, юқорида айтганимизча қайнатилиб, олинган шўрвасини ҳўплаб ичилса ва шунингдек гўшти ейилса, асаб оғриқларига фойда қилади Шунинг каби тузи ҳам фойда қилади.

Б о ш а ʼ з о л а р и .

Илоннинг пўсти шаробда қайнатилиб, қулоққа то-мизилса, қулоқ оғриғини қолдиради. Илон пўсти соли-ниб қайнатилган сирка билан оғриган тишлар чайилади. Илон пўстининг энг яхшиси эркагининг пўстидир.

Жолинуснинг гумонича, кўп ип, айниқса, қизил ранг билан бўялган иплар олиниб *афъо* илони бўғилса ва шулардан бири олиниб лаклуки ва бўғзи шишган киши-нинг бўйнига ўралса, ажиб фойда кўрилади.

К ў з а ʼ з о л а р и .

Илон шўрваси ва гўшти қувватли қилади. Табиблар-нинг фикрича, афъонинг ёғи кўзга сув тушишни тўхта-тади. Лекин одамлар буни истеъмол қилишга жасорат қилмайдилар.

З а ҳ а р л а р .

Афъо илони ёрилиб, оғриқни тўхтатиш учун ўзи чаққан ўрнига қўйилади.

И О (И) Ҳ А Р Ф И

Я б р у ҳ — м е ҳ р и г и ʼ

М о ҳ и я т и .

Меҳригиё, яъни ҳар бир катта меҳригиёнинг илдизи-дир. Шакли одамнинг суратига ўхшайди. Шунинг учун *ябруҳ* [меҳригиё] деб аталади. *Ябруҳ* табиий санам, яъни одам суратида бўлган ўсимликнинг исмидир. Бу исм мавжуд нарсами, йўқми бунинг аҳамияти йўқ. Чунки бир қанча исмлар мавжуд бўлмаган нарсаларга ҳам берилган. Ҳақиқатда бор бўлган *ябруҳ* қорамтир чўп бўлиб, уваланишга мойил ва *қуст* каби йирикдир. [(Дискурдуснинг айтишича, уни баъзи кишилар *онта-мис* ва бошқалар уни гоҳо *мавқулун* деб атайдилар. Та-библардан уни *варафия* деб атовчилар ҳам бўлган, яъни унинг илдизи муҳаббат ҳиссини қўзғатувчидир. Мана

шу меҳригиё бўлиб, у икки хил бўлади. Биринчиси ўрғочиси деб танилган бўлиб, ранги бир оз қорага мойилдир. Унга *ривкус*, яъни коҳу меҳригиёси дейдилар. Чунки унинг яроғи коҳу яроғи билан ҳамшаклдир. Лекин ундан нозикроқ ва кичикроқ бўлади. Бунинг гули бадбўй ва иси оғирдир. Ерда ёйилиб ётади. Яроғининг тубида олмага ўхшаган ёки ундан кичикроқ хушбўй меваси бор. Унда нокнинг уруғи каби уруғи бўлади. Унинг каттагина икки ёки учта бир-бирига туташ илдизлари бордир. Уларнинг сирти қора ва ичи оқ бўлиб, устида қалин қобиғи бор. Шу хилининг пояси ҳам бор.

Иккинчи хили — меҳригиёнинг эркак хилидир. Баъзи кишилар уни *мурион* деб атайдилар. Бу оқ, силлиқ, йирик ва энли бўлади. Яроғи лавлаги яроғига ўхшашдир. Бунинг меваси биринчи хилининг мевасига қараганда икки марта каттароқ бўлади. Ранги заъфарон рангига ўхшайди. Ҳиди оғир бўлиши билан бирликда ёқимли ҳамдир. Уни чўпонлар ейдилар. Уларда бундан уйқу пайдо бўлади.

Бу [эркак] хилининг урғочи хили илдизига, яъни хотин суратига ўхшаган илдизи бўлиб, лекин бу ундан бир оз узунроқ ва пояси йўқдир. Бу хилининг қобиғидаги шираси ўсимликнинг ёш чоғида қуйидаги усулда олинади: янчиб оғир бир нарса билан сиқиб эзилади. Бундан сиқиб олинган шира қотиб ёки қуюлгунча офтобга қўйилади. Сўнг сопол идишга солиб тўпланади.

Гоҳо яроғидан ҳам қобиғидан олинган каби шираси олинади. Лекин бу шира қувватда анча заифроқ бўлади. Баъзан илдизининг қобиғини шилиб олиб, игга боғлаб осилади ёки бир идишга солиб қўйилади. Баъзи одамлар илдизларини олиб учдан иккиси йўқолгунча шаробда қайнатадилар, сўнг уни тинитиб тўплайдилар. Гоҳо унинг ёши [суви] чиқарилиб тўпланади. Бу шундай қилинади: илдизининг танасини айланасига тилинади, сўнг тўпланган суюқлик йиғилади. Шираси [қувватда] ёши [суви] дан кучлироқдир. Илдизининг ҳамма ерида ёш бўлавермайди. Тажриба шунга кўрсатади.

Баъзи кишилар меҳригиёнинг соя ерларда ўсадиган яна бошқа хили ҳам бор, деб гумон қиладилар. Айтишларича, унинг яроғи оқ меҳригиё, яъни *яброҳ* яроғига ўхшайди; лекин ундан кичикроқдир. Баргларининг узунлиги бир қарич бўлиб, туси оқ ва илдизи атрофида жойлашгандир. Илдизи эса юмшоқ ва оқ бўлиб, узунлиги бир қаричдан узунроқ ва бош бармоқ йўғонлигида бўлади.

Т а б и а т и.

Бу учиди даражада совуқ ва шу даражада қуруқдир. Баъзиларнинг гумөнича, бунда озгина иссиқлик бордир. Илдизига келсак, совуқлиги кучли ва қурутувчидир. Илдизининг қобиғи эса заифдир. Япроғи қуритилган ҳолда ё ҳўл ҳолда ишлатилса, фойда қилади. Меҳриғининг ўзида ҳам рутубат бордир.

Таъсир ва хоссалари.

Увуштирувчидир. Унинг ёши ва шираси бўлиб, шираси ёшидан таъсирда кучлироқдир. Кимники бирон аъзосини кесиб, [операция қилиш зарур] бўлса, унга меҳриғиё, ширасидан уч оболосини шаробга солиб ичирилса, уни ухлатади. Айтишларича, бунинг илдизини фил суяги билан олти соат мобайнида қайнатилса, [фил суяги]ни юмшатади ва уни турли шаклга келтиришни осонлаштиради.

З и й н а т.

Бунинг япроғи билан, айниқса ҳўл япроғи билан, [теридаги] қора нуқталарни бир ҳафта ишқаланса, у нуқталарни яра қилмасдан кетказади. Меҳриғининг сути нуқтали қизил қонталашларни ва сепкилни (куйдириб) ачиштирмасдан кўчиради.

Ш и ш ва тошмалар.

Меҳриғиёни қаттиқ шишларга, чипқонларга ва қулғунага ишлатсалар, фойда қилади. Илдизини майда қилиб янчиб, сирка билан сарамасга суртилса, уни тузатади. (Тошмаларни ҳам кетказади).

Б ў ғ и н л а р.

Илдизини толқон билан қўшиб, бўғин оғриқларида боғланади. (Баъзан «филлик касаллиги»да ишлатилса, тузатади).

Бош аъзолари.

Мудратиб ухлатади. Уни шаробга солиб [ичилса], қаттиқ маст қилади. Гоҳо орқатешикка кўтариб ишлатади, бунда уйқу бостиради. Уни ҳидлаш ҳам ухлатади. Бу таъсир япроғи оқ, поясиз хилида бўлади. Бу хилини эракак хили дейдилар. Меҳриғиёни, айниқса, унинг оқ япроқлигини кўп ишлатиш ва ҳидлаш *сакта* касалига мубтало қилади.

Бундан уйқусизлик касалига қарши ичиладиган шароб тайёрланади. Бу қуйидагича тайёрланади: илдизининг қобиғидан уч *манн* миқдорини ширин шаробнинг бир *матритусига* солиб, бундан уч *киаф* ичирилади. Баъзан меҳриғиё қобиғини шаробга солиб қаттиқ қайнатилса, шароб унинг қувватини ўзига олади. Қаттиқ

ухлатиш учун бундан кўпроқ миқдорда ва уйқу келтириш учун эса озроқ миқдорда истеъмол қилинади. Баъзи табиблар меҳригиё еган кишиларни уйғотиш учун қаттиқ совуқ сувга ўтқаздилар. Мен гумон қиламанки, бундан мақсад ҳароратни [ичда] тўплаш бўлса керак.

(Бундай шароб сезгиларни ўтмаслаштиради. Уни доғлашда, хатна қилишда ва ништар уришда ичирилади. Чунки буни ичган киши карахт бўлиб, уйқу босиб, оғриқ аламини сезмайди.

Учинчи хилининг илдизидан бир *мисқол* ичган ёки толқон, нон ёки бошқа бирон пиширилган нарса билан қўшиб еган кишининг ақли чувалашиб, ўша он уйқуга кетади. Шу ҳолатда уч-тўрт соат қолиб ҳеч нарса сезмайди ва идрок қилмайди.

Меҳригиёнинг қобиғидан оловда қиздирмасдан қуйидагича шароб тайёрланади: ундан уч *манн* олиб унга бир миқдор ширин шароб қўшилади ва бунинг уч *киафини* бирон аъзосини кесиб [операция қилиш] зарур бўлган кишига ичирилади.

Буни ҳидлаган кишини уйқу босади. Шираси ҳам шундай таъсир беради).

Кўз аъзолари.

Бунинг ёши [суви] кўзга ишлатиладиган дорилар таркибига кирса, ўтакегган зўр оғриқни ҳам босади. Япроғини шу мақсад учун қуюқ суртма қилинади.

Озиқлантириш аъзолари.

Бунинг ёшидан бир *уқиясини асал* суви билан олиб ишлатилса, харбақ каби ўт ва балғамни қўстиради, (агар [миқдори] кўпайиб кетса, ўлдиради).

Чиқариш аъзолари.

Бунинг ёши [суви]дан бир *оболосини* сийдириш ва болани чиқариш учун кўтарилади.

Меҳригиёнинг уруғини ичилса, бачадонни тозалайди. Агар буни хотин киши олов тегмаган олтингугурт билан аралаштириб кўтарса, бачадондан қон кетишни тўхта-тади.

Меҳригиёнинг сути балғам ва ўтни суради. Агар ёш бола меҳригиёни билмасдан еб қўйса, унда қусиш ва ич суриш пайдо бўлади ва баъзан ўлади.

Заҳарлар.

Асал ва зайтун ёғи билан қўшиб, чақилган ерга қўйи-лади. Айтилишича, бунинг, айниқса, оқ япроқли хилига ўхшаган кичик япроқли хили ўлдирувчи итузумнинг заҳарини қирқади. Ўлдирадиган даражада ейилганда олдин бачадон бўғилиш аломатлари, юз ёноқларининг

қизариши, кўз ғўлакларининг ирғиб чиқиш белгилари пайдо бўлади. Бунда яна қаттиқ маст бўлган кишидагидек юз кўпчиди. Иложи — сариёғ, асал ва қустиришдир.

КОФ (К) ҲАРФИ

Кундус — етмак

Моҳияти.

Бу дорининг кўпинча илдизи ишлатилади. Бу машҳурдир.

Табиати.

(Баъзиларнинг айтишича), учинчидан тўртинчи даражагача иссиқ ва қуруқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Бу тозаловчи, яра қилувчи, ўткир мазали, ачиштирувчи, қусишни қўзғатувчи, балғам ва қора ўтни кўчирувчидир.

Зийнати.

Пес ва доғни, айниқса, қорасини (ва сепкилни) кетказади.

Жароҳат ва яралар.

Кўтирга жуда фойда қилади.

Бош аъзолари.

Акса урдиради. Бу қулоқни тозаловчи ва чиркини кетказувчидир. Бурун тешикларидан елларни чиқариб юборади. Ғалвирсимон суякдаги тиқилмаларни кучли очиб, буруннинг ҳид сезмаслик касалига фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Кўз учун тайёрланадиган дориларга қўшилади).

Озиқлантириш аъзолари.

Кучли равишда қустиради ва талоқ қаттиқлигини юмшатади.

Чиқариш аъзолари.

Ични суради, сийдикни ҳайдайди. Кўтарилса, ҳайз қонини келтиради ва қориндаги болани туширади ва [сийдик йўлларидаги] тошни майдалаб ташлайди.

Урнига ўтадиганлар.

Қустиришда унинг ўрнига ўз вазнида олинган қустирувчи ёнғоқни учдан бир вазнидаги мурчга қўшиб ишлатилади.

4 Кибрит — олтинггурт

Т а б и а т и.

Тўртинчи даражагача иссиқ ва қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Латифлаштирувчи, тортувчи, (жуда эритувчи).

З и й н а т.

Пес касалига қарши ишлатиладиган дорилардандир; айниқса, олов тегмагани шундай. Сақич билан аралаштирилганда тирноқдаги изларни кетказади. Сирка билан қўшиб доғларга ишлатилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Яраланган қўтирга қўйилади; сақич билан, айниқса, сирка билан [ишлатилганда] темираткини [тузатади]. Натрун билан қўшиб, қичимага қарши баданни ювилади.

Б ў ғ и н л а р.

Натрун ва сув билан қўшиб, подаграга қарши суртилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Тутатилса, тумовни тўхтатади. Сирка ва асал билан қўшиб, қулоқ эзилганига ишлатилади.

Каммун — зира

(М о ҳ и я т и.

Зира кўп турли бўлади). Улардан бири Кермонда ўсади ва қора бўлади, яна бири Форсда ўсади ва сариқ бўлади, яна бири Шом [Сурия] да ўсади, яна бир хили Набатда ўсади. Форсда ўсадигани Шомда ўсадиганидан кучлироқдир. Бошқа жойларда топиладигани набатийсидир. Шу хилларнинг ҳаммасининг ёввойиси ва боғда ўсадигани бўлади. Ёввойисининг мазаси ўткирроқдир. Ёввойи турларидан бирининг уруғи седама уруғига ўхшайди. (Дискурдуснинг айтишича, боғда ўсадиганининг, айниқса, Кермонникининг, ундан сўнг Мисрникининг мазаси яхшидир. У кўп мамлакатларда ўсади, унинг бир қарич узунликдаги танаси ва тўрт ёки бешта юпқа ва кесик *шохтара* баргига ўхшаш барги бўлади. Унинг кичик-кичик бошчалари ҳам бор. Зиранинг бир тури борки, уни *куминун ағриюн*, яъни ёввойи зира деб аталади, у кўпинча Халкедон шаҳрида ўсади. У шундай ўсимликки, унинг бир қарич узунликдаги но-зик пояси, у пояда тўрт ё беш кесик-кесик барглари бўлади. Учида беш ёки олтита кичик думалоқ, юмшоқ

бошчалар бўлиб, уларда мевалар [жойлашган]. Меванинг ичида пўстлоқ ёки кепакка ўхшаш нарса бўлиб, у уруғни ўраб туради. Уруғининг мазаси боғда ўсадиганикидан ўткирроқ бўлади. У ўзи тепаликларда ўсади.

Ёввойи зиранинг яна бир тури борки, у боғда ўсадиганига ўхшайди. Унинг икки томонидан шохга ўхшаш майда осилмалар чиқиб туради, уларда седанага ўхшаш уруғлар бор. Унинг уруғини ичилса, газандаларнинг чаққанига фойда қилади).

Т а н л а ш.

Кермон зираси Форсникидан кучлироқдир. Форс зираси эса бошқа турларидан кучлироқ.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада иссиқ, учинчи даражада қуруқ. Таъсир ва хоссалари.

(Унда қиздирувчи куч бўлиб) елларни ҳайлайди ва тарқатади. Унда парчалаш, қуритиш ва буруштириш қуввати ҳам бор (дейдилар).

З и й н а т.

Зиранинг суви билан ювилса, юзни тиниқ қилади, унинг олиниши ва истеъмол этилиши маълум миқдорда бўлиши керак, агарда кўп истеъмол қилинса, юзни саргайтиради.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Зирани мумли суртма, зайтун ёғи, боқида донининг уни билан, ё бўлмаса зайтун ёғи ёки зайтун ёғи ва асал билан мойлар ишларига ишлатилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Жароҳатларни (яхши) битиради. Айниқса, уруғи савсан уруғига ўхшаган ёввойи [тури]ни жароҳатларда тўлдириб тиқиб қўйилганда уларни битиради.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Зирани сирка билан эзиб искаганда, шунингдек, уни эшиб, бураб бурунга тиқилганда бурун қонашини тўхтатади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Чайнаб, зайтун ёғига қўшиб томизилса, кўз нохинасида ва кўз тагидаги қонталашда фойда қилади. Зирани туз билан қўшиб чайнаб, сўлакни [кўз] қўтирига, кесилган [кўз] пардасига ва нохинага томизилса, [қовоқларни] ёпишишига қўймайди. Ёввойисининг шираси кўзни равшан қилади ва кўзнинг ёшланиб туриши касалини келтириб чиқаради. Буни юнон тилида *фобиюн*, яъни тутун деб аталади; тутун кўзни ёшлантирганидек бу ҳам кўзга ёш келтиради. Бу [тескари ўсган] киприк-

ни тўқувчи доғлайдиган дориларга киради, доғланган-
дав кейин у киприк қайта ўсмайди.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Сув билан аралаштирилган сиркага солиб ичилса,
нафас олишнинг қийинлашишида фойда қилади. Жоли-
нуснинг айтишича, «тикка нафас олишга» ҳамда совуқ-
дан бўлган хафақонга фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Зайтун ёғи билан қўшиб мойк шишига ишлатилади.
Уни гоҳо мумли суртма билан, гоҳо эса зайтун ёғи би-
лан боқила донининг уни билан ишлатилади. Унинг ўзи,
айниқса, ёввойиси, тошни майдалайди. Томчилаб сийиш,
қон сийиш ва ичакнинг бураб оғришида ҳамда қорин
кўпчишида фойда қилади.

Ёввойисининг ширасини асал суви билан аралашти-
риб [ичилганда] ични юргизади. Руфуснинг айтишича,
Набат зираси ични суради. Кермон зираси эса ични
юргизмайди, балки қотиради. Ёввойисининг қуриган
чўпи сийдик билан бирга сафрони туширади.

Захарлар.

Зирани, айнақса, уруғи савсаннинг уруғига ўхшаган
ёввойисини шаробга қўшиб газанда чаққанида ичилади.

Камъа — қўзиқорин

Моҳияти.

(Дисқуридуснинг айтишича, думалоқ шаклдаги ўзак
бўлиб, пояси ва илдизи йўқдир. Ранги пахта [ва] туп-
роқ рангига яқин. Баҳорда ер остидан чиқади. Баъзи
кишилар уни хомлигича ёки қайнатиб ейдилар). Бунда
ер жавҳари кўпроқ, сув жавҳари камроқдир, яна, шу-
нингдек, ҳаво [жавҳари] ва бир оз латиф жавҳари бор.
Мазаси йўқ.

Танлаш.

Энг яхшиси қумлоқда ўсадиган оқ ранглисидир, унда
ёмон ҳид бўлмайди. Қуруғи янгисидан ёмонроқдир.
Пўсти арчилиб, пичоқ билан ёрилгандан кейин аввал
сув ва туз билан қайнатилиб, сўнг зайтун ёғи, *муррий*,
дориворлар ва ҳилтит елими билан пиширилгани энг
яхшисидир. *Футр* деб аталадиган хили, айнақса, дарахт-
ларнинг остида ва ёмон жойларда ўсадигани энг ёмон
хилидир.

Таъсир ва хоссалари.

Жуда тиз бўлганидан савдони кўпайтирувчи ғализ
озик бўлади. Бу соҳада унга ҳеч нарса тенг келолмайди.

Унинг тарёқи [фақат] соф шароб ва дориворлардир. Агар унинг ~~устидан~~ қайноқ сув қуйиб, сўнг яхшилаб сувда қайнатилса, ундан мазасиз, зарарсиз, ғализ озик пайдо бўлади.

Бўғинлар.

Фалаж қилиш хавфи бор.

Бошаъзолари.

Сакта касалини келтириб чиқариш хавфи бор.

Кўзаъзолари.

Сувини ўз ҳолича ишлатилса, кўзни тозалайди. Буни пайғамбар, — унга тангрининг раҳмати ва саломи бўлсин! — айтган дейдилар. Табиб Масиҳ ва бошқалар буни тасдиқлаганлар.

Озиқлантириш аъзолари.

Суст ҳазм бўлади. Меъда учун оғир ва зарарлидир. Қаймуси ғализдир, тушиши суст. Жолинус бир жойда, бу ёмон каймус туғдирмайди, деган.

Чиқариш аъзолари.

Қуланж касалини ва қийналиб сийишни келтириб чиқаради.

Қабар — ковул, итқовун

Моҳияти.

Бу мева бўлиб, илдизи ҳам бор. Унда ковулдан ташқари бодрингга ўхшаш бошқа мевалари ҳам бўлади. Унинг мазаси ўткир ва тездир. Уни узумнинг сиқиб олинган сувига солиб қўйилади. У хардалга ўхшаб [шарбатни] қайнаб ачишдан сақлайди. Илдизи аччиқ ва ўткир. Бир тури Қулзумда ўсади. Бу тури оғизни чақа қилади, ҳатто қабартиради, тиш милкини шиширади.

Танлаш.

Энг фойдали қисми илдининг пўстлоғидир.

Табиати.

Иссиқ мамлакатларда ўсадигани энг иссиғи бўлади. Ҳамма турларининг иссиқлиги ва қуруқлиги иккинчи даражададир.

Хоссалари.

Шимилтирувчи, очувчи ва тозаловчидир. Илдизи парчаловчи, латифлаштирувчи, тозаловчи ва очувчидир. Унинг пўстлоқларида аччиқлик, ўткирлик ва буруштирувчанлик бор. Мевасининг, айниқса, тузланганининг озиқлиги кам. Янгиси қуруғидан кўра кўпроқ озиқ бўлади.

Шиш ва тошмалар.

Илдизи қулғуна ва қаттиқ шишларни шимилтиради. Илдизига [зарарли] кучини синдирадиган нарсани ара-лаштирилади, барги бу жиҳатдан синалган доридир.

Жароҳат ва яралар.

Илдизининг пўстлоқларини ёмон сифатли чиркин жароҳатларга қўйилганда (энг кўп фойда келтиради).
Бўғинлар.

Илдизининг пўстлоқлари ирқуннасо ва ёмбош оғриқ-ларига фойда қилади. Гоҳо ковулдан олинган шира билан ҳуқна қилинса, ўшаларга жуда фойда қилади, яна бу фалажга ва увушишга ҳам фойда қилади, ўзидаги буруштирувчанлиги сабабли аъзоларни маҳкамлайди. Шунинг учун мушакларнинг бошларида ва ўрталарида пайдо бўлган эт узулишларига фойда қилади.

Бош аъзолари.

Илдизининг пўстлоқларини чайналса, бошдан руту-батни тортади ва бошдаги совуқ оғриқни босади. Унинг ширасини қулоқдаги қуртларга қарши томизилади. Тиш оғриғига қарши илдизининг пўстлоқларини, айниқса, янгиларини, ёки баргини чайнаш [керак], шунингдек, ковул солиб қайнатилган сирка ё шароб билан оғизни чайқаш керак, ёки бир сафар шароб, бир сафар сирка билан чайқаш керак.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Тузлангани астма билан оғриган кишиларга фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Ковулнинг ўзи, айниқса, илдизининг пўстлоғи талоқ касаллигида ва талоқ қаттиқлашганда ичилганда ё арпа, ёки арпага ўхшаш нарсанинг уни билан қуюқ суртма қилинганда жуда фойдалидир. Кўпинча талоқни қуюқ савдо моддасидан бўшатади, натижада талоқ соғаяди.
Чиқариш аъзолари.

Хом, қуюқ хилтни суради, ҳайз қонини юргизади, ичаклардаги илонлар ва гижжаларни ўлдиради. Баво-сирга фойда қилади, шаҳвоний қувватни кўпайтиради. Овқатдан олдин унинг тузланганини ейилса, ични суради.
Заҳарлар.

Бу (яхши) тарёкдир.

Курунб — карам

(Моҳияти.

Машҳур. Сабзавотларнинг бир тури).

Табиати.

Карамнинг оқ қисми баргидан намлироқ. Ёввойи карам (боғ карамидан) иссиқроқ ва қуруқроқ. [Карамнинг] ҳаммаси биринчи даражада иссиқ, иккинчи даражада қуруқ. Карамнинг бир турини боғ карами, яна бирини денгиз карами, яна бирини ёввойи карам, яна бирини сув карами, дейилади. Ёввойи карам иссиқроқ, аччиқроқ ва овқат учун яроқлиги камроқдир. Карам илдизининг анор суви билан қайнатмаси ёқимлидир. Гулкарам қонни қуюлтирувчи ғализ овқат бўлади, агар у шимилмаса, эмчак атрофлари ва биқинни кўпчитади ва оғритади; бу оғриқ бод оғриғи каби кўчиб юрмайди. (Дискуритуснинг айтишига, қрамба ағриё, яъни ёввойи карам денгиз қирғоқларида, баланд жойларда ва уларнинг теваракларида тикка ўсади. У, боғ карамига ўхшайди, аммо ундан кўра оқроқ, туки кўпроқ ва аччиқ бўлади. Унинг ўзагини анор сувида қайнатилса, ширин ва ёқимли мазага эга бўлади.

Карамнинг яна бир тури — мағриб карами бўлиб, боғ карамига ўхшашлиги кам. Унинг барги узун бўлиб, думалоқ зарованд баргига ўхшайди. Карам барги бирикиб турган бандлар қизил ва кичкина шохлардан иборат. У шохлар карамнинг поясида печакнинг барглари ўз поясида тургани каби туради. Унинг озгина сути бор, мазаси шўрликка яқин ва бир оз аччиқ. Буни қайнатиб ейилса, ични суради).

Таъсир ва хоссалари.

Етилтирувчи, юмшатувчи, қуритувчи, айниқса, қайнатилиб, биринчи суви тўкиб ташланганда шундай таъсир кўрсатади. Танасининг кули кучли қуритувчидир. Оғриқларни тўхтатиш хусусияти ҳам бор; озиқлик моддаси кам, [лекин] ясиқникидан кўра намлироқдир. Ундан ёмон қон пайдо бўлади. Семиз гўшт ва товуқ гўшти билан қайнатилса, бир оз яхши бўлади.

Шиш ва тошмалар.

Ёввойи карам, денгиз карами, боғ карами флегмонани ва қаттиқликларни етилтиради. (Ёввойи карам ёки боғ карамининг баргини майдалаб янчиб, ёлғиз ўзини ё толқон билан қўшиб қуюқ суртма қилиб боғланса, ҳар қандай иссиқ шишга, шиллиқли ўсмаларга, сарамас ва эшакем касалликларига фойда қилади).

Жароҳат ва яралар.

[Жароҳатларни] битиради. Ёмон яраларнинг ёйилишига тўсқинлик қилади, тухумнинг оқи билан қўшиб, куйган [жой]га қўйилади, (ярага айланган қўтирга

фойда қилади. Туз билан аралаштирилса, нори форсийни тузатади).

Бўғинлар.

Қалтироққа фойда қилади. Сарик йўнғичқа билан қўшиб, подаграга қўйилади, қайнатмасини бўғинлар оғриганда ишлатилади, (сарик йўнғичқа уни ва кунжут билан аралаштириб тайёрланган қуюқ суртмаси подаграга ва бўғинлар оғриғига фойда қилади).

Бошаъзолари.

Қайнатмаси ва уруғи маст бўлишни кечиктиради; бошнинг қасмоғига фойда қилади, карам ширасини бурунга юборилса, мияни тозалайди. Тилни қуритиш, ухлатиш (ва юзни тозалаш) бунинг хусусиятларидандир.

Кўзаъзолари.

Кўзни хиралатади, шундай бўлса ҳам, сурмаларнинг таркибига киради. (Дисқуридуснинг айтишича [эса] карам ейиш кўзнинг кучсизлигига фойда қилади).

Кўкракаъзолари.

Карамнинг шираси ё қайнатмасини кунжут ёғи билан қўшиб, томоқни чайқалса, томоқ оғриқларига фойда қилади. Уни ейилса, овоз тозаланади. (Карамни чайнаб сувини сўрилса, бўғилган овозни очади).

Озиқлантиришаъзолари.

Карам меъда учун зарарли, аммо унинг шираси набиз шароби билан ичилса, талоққа ва сарик касалига фойда қилади. Оқ қисми суст ҳазм бўлади.

(Дисқуридуснинг айтишича, ёзда ўсувчи карам меъда учун зарарли. Узаги меъда учун яхшидир. Агар карамни туз ва сув билан ишланса, ёмонроқ бўлади, агар баргини хомлиғича сирка билан қўшиб ейилса, талоқ касаллигига учраганларга фойда қилади).

Чиқаришаъзолари.

Сийдик ва ҳайз қонини кучли равишда юргизади. Карамнинг уруғини Миср боқиласининг суви билан ишлатилса, гижжаларни ўлдиради. Гули эса ҳайз қонини ҳайдайди. Гулини ёки ширасини мастак уни билан кўтарилса, қориндаги болани ўлдиради. Жинсий алоқадан сўнг уруғини остдан кўтарилса, эрлик уруғини бузади. Илдизининг кули тошни увалайди. Денгиз карами бир оз аччиқ ва шўр бўлади, шу сабабли у, айниқса, семиз гўшт билан ейилганда ични юмшатади ва суради. [Карамнинг] барги равоч баргига ўхшаш бўлиб, бир илдиздан ўсиб чиқади. (Барги суртилса, иссиқ [яллиғли] ичак оғриғига фойда қилади. Дисқуридуснинг айти-

шича, бир марта озгина қайнатиб ейилса, ични суради, икки мартаба сув билан қайнатиб ейилса, ични тўхтади. Қарамнинг ширасига [юнончада] ирсо деб аталувчи гулсапсар илдизи ва натрунни аралаштириб [ишлатилса], ични суради. Гулидан шамча қилиб, ҳомиладор хотин ўз остида кўтарса, бачадондаги нарсани ўлдиради. Қарамнинг уруғи, айниқса, Мисрда ўсадиганининг уруғини ичилса, гижжани ўлдиради.

Заҳарлар.

(Дисқуридуснинг айтишича), ширасининг шароб билан қўшилгани газандаларнинг чаққанида фойда қилади. Бу яна қутурган итнинг тишлаганига ҳам фойдалидир. (Миср карамининг уруғи тарёкларнинг таркибига киради).

Кузбура — кашнич

Моҳияти.

Бунинг ҳўли ва қуруғи ишлатилади. (Жолинуснинг айтишича), қуввати мураккаб, унда аччиқ ер жавҳари ва илиқ сув жавҳари бўлади. Кашнич буруштирувчи бўлгани учун бир оз-мози мазага ҳам эга. Менимча, кашничнинг сув жавҳари албатта совуқ бўлиб, илиқ эмас, лекин, иссиқ ва латиф бир жавҳар аралашиб, ундан тез ажраса, у иссиқ бўлади.

Хунайнинг айтишича, Жолинус Дисқуридусга қарши ўлароқ, кашничнинг совуқлигини рад қилади. Мен айтаманки, унинг совуқлигига Руфус, Аркоғанис ва бошқалар гувоҳлик бериб ўтганлар.

Табиати.

Биринчининг охирги чегарасида иккинчи даражага яқин совуқ, иккинчи даражада қуруқ. Ибн Журайҳнинг айтишича, — учинчи даражада. Менимча, унинг қуруғи бир оз қизитишга мойилдир. Жолинус кашничнинг ҳамма турини қиздиради деб топган. Ҳамма турида ичганда ларқалиб йўқ бўлиб кетадиган латиф жавҳар борлиги сабабли ана шундай бўлса керак. Шундай бўлмаганда кашнич ширасини кўп ишлатилса [ҳам], у совуқликни ошириб, ўлдирмас эди.

Таъсир ва хоссалари.

Ҳамма турлари буруштирувчи ва увуштирувчи; ширасини сут билан қўшилса, ҳар қандай лўқиллашни тўхтатади.

Шиш ва тошмалар.

Қўрғошин упаси, сирка ва гул ёғи билан ишлатилса,

иссиқ [яллиғли] шишларга фойда қилади. Майиз ва асал билан эшакем ва нори форсийга қарши ишлатилади. Боқила уни, толқон ёқи нўхат уни билан ширасини аралаштирилса, қулғунага фойда қилади. **Жолину:** «агар қулғунани шимилтирадиган бўлса, қандай қилиб совуқ бўлади?» деб сўрайди. [Жавоб бериб] айтиш мумкинки, унда шундай хусусият бор, ёинки унда латиф сингучи жавҳар бор, шу [жавҳар] ўтиб сингади, совуқ жавҳар эса ўтмай қолади. Ичилганда иссиқ [жавҳар] ўтиб сингади, совуқ жавҳар эса ўтмай қолади. Ичилганда иссиқ [жавҳари] тез тарқалиб, совуқлик таъсир кўрсатувчиси қолади.

Жолину яна: «кашнич оташак ярасига фойда қилмайди, лекин [унинг] совуқ ҳолидагисига, ёки савдо ё балғам хилти аралашиб пайдо бўлганига фойда қилади», дейди.

Бош аъзолари.

Сафро ё балғам буғидан пайдо бўлган бош айланиш ва тутқаноққа фойда қилади. Кашничнинг буғларнинг мянга кўтарилишини қайтариш хусусияти бор. Шунинг учун меъда буғи сабабли тутқаноққа учраган кишининг овқатига солиб берилади. Хўлини ва қуриғини кўп ишлата бериш зеҳни бузади. Хўли ухлатади ва бурун қонашини тўхтатади. Қуруғининг толқони ва янгисининг шираси билан чайқаш оғиз чақаларига фойда қилади.

Кўз аъзолари.

Кўзни хира қилади; сиқиб олинган суви, айниқса, она сути билан қўшиб томизилса, кўзнинг лўқиллашини тўхтатади. Баргини қўйиб боғланса, кўзга моддаларнинг оқиб тушишига тўсқинлик қилади.

Нафас ва кўкрак аъзолари.

Иссиқ хафақонга фойда қилади. Икки *драхмий*сини баргизуб суви билан ичилса, қон туфлашни тўхтатади. **Озиқлантириш аъзолари.**

Ҳазми суст. Иссиқ мизожли касал меъдани кучайтиради. Қовурилгани қусишни тўхтатади. Кашнич овқатдан кейинги нордон кекирикни тўхтатади, дейдилар. Агар шундай бўлса, бунинг сабаби кашничнинг буғга ва унинг ҳаракатига тўсқинлик қилишидадир.

Чиқариш аъзолари.

Қовурилган уруғи [ични] боғлайди. Айтишларича, унинг уруғини шинни билан ичилса, ичдаги гижжаларни туширади. Янги кашнич асал ва зайтун ёғи билан ишлатилганда, мойкларнинг иссиқ шишларига фойда

қилади. Янгиси ва қуруғи жинсий қувватни ва олат қўзғолишини синдиради ва эрлик уруғини қуритади.

З а ҳ а р л а р .

Ширасидан тўрт уқия чамасида [ичилса], гамгинлик ва ҳушдан кетишни келтириб чиқариб, ўлдиради. Хулоса: кашнични кўп ишлатиш яхши эмас.

ЛОМ (Л) ҲАРФИ

Лисон ул-ҳамал — баргизуб

М о ҳ и я т и .

Икки хил: катта ва кичик бўлади. Дисқуридус уни «кўп қовурғали», ёки «етти қовурғали» деб айтади. Каттасининг барглари йирикроқ, кичигининг барглари майдароқ бўлади. Унинг жавҳари сувлилик ва ерлиликдан таркиб топган. Сувлилиги билан совутади, ерлилиги билан буруштиради.

Т а н л а ш .

Энг фойдали хили каттасидир. Унинг меваси ва илдизи ўз табиати жиҳатидан баргларига яқин туради; аммо улар қуруқроқ ва совуқлиги озроқдир.

Т а б и а т и .

Илдизи қуруқроқ ва ҳўллиги камроқдир. Совуқлиги увуштириш даражасигача бориб етмайди. Қуруқлиги ачиштириш даражасигача бориб етмайди. Шу сабабли яралар учун жуда ҳам яхшидир. У латиф, хусусан қуриганда. Жолинусликнинг айтишича, учинчи даражада совуқ ва қуруқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и .

Барглари ўзларида совуқ сувлилик бўлатуриб буруштирувчи ва қайтарувчидирлар. Қон кетишини тўхтатади; қурутилган ҳолда эса ачиштиришлик [хусусиятини] йўқотади. Шу сабабли эски ва янги [яраларни] битиришга фойда қилади ва бу жиҳатдан ундан яхши дори йўқ. Тозаловчи таъсири сабабли [тиқилмаларни] очади. Бу ўсимликнинг илдизини қулғуна касали билан оғриган кишининг бўйнига осадилар.

Ш и ш в а т о ш м а л а р .

Иссиқ шишлар ва оловдан куйган жойларга, учуққа, эшакемга, сарамасга, қулоқ ости шишларига ва қулғунага фойда қилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р .

Емон яраларга, нори форсийга, югурук яраларга, узоқ муддат давом этадиган яраларга, чуқур жароҳат-

ларга яхши [фойда қилади] ва бу касалликларда энг яхши восита ҳисобланади. Қимулиё тупроғи ва қўрғоштин упаси билан қўшилиб, сарамасга қўйилади.

Бўғинлар.

Ундан филлик касалига қарши қуюқ суртма дори қилинса, [оёқнинг] шишиб кетишига тўсқинлик қилади ва [оёқни] оздиради.

Бошаъзолари.

Иссиқликдан келиб чиқадиган қулоқ оғриғига фойда қилади. Илдизининг қайнатмаси [билан оғиз] чайқалса, тиш оғриғига фойда қилади. Лавлаги ўрнига баргизуб солиб ясмиқ оши қилинса, тутқаноққа фойда қилади. Баргларининг ширасини қулоқ оғриғига қарши томизилса оғриқни босади. Илдизини чайналса ёки унинг қайнатмаси билан оғиз чайқалса, тиш оғриғини тўхтатади. Баргларининг суви оғиз чақаланишини даволайди.

Кўзаъзолари.

Кўз яллиғланишига фойда қилади. Кўз яллиғланишида ишлатиладиган дориларни унинг шираси билан қориб ишлатилса, фойдали бўлади.

Нафасаъзолари.

Уруғи қон туфлашга фойда қилади. Лавлаги ўрнига баргизуб солинган ясмиқ оши астмага фойда қилади. Озиқлантиришаъзолари.

(Илдизи, уруғи) ва барглари жигар ва буйракдаги тикилмаларни даволашда ишлатилади. Уни лавлаги ўрнига ясмиқ ошига солинса, истисқога фойда қилади. Чиқаришаъзолари.

Ичаклардаги яраларга ва сафроли ичкетишларга фойда қилади. Бунинг учун баргизубнинг уруғини ичирилади ёки шираси билан ҳуқна қилинади. Бавосирда қон кетишни тўхтатади. Унинг баргини тило шароби билан қовуқ ва буйракдаги оғриқларда ичилади.

Иситмалар.

Айтишларича, баргизуб уч кунлик, яъни кунора тутувчи иситмага фойда қилади. Яна айтилишича, бунинг учун баргизубнинг уч [уқия] илдизини тўрт ярим уқия суюлтирилган шароб билан қўшиб ичиш керак. Тўрт кунда бир тутадиган иситма [учун эса] ўшанга тўрт [уқия] илдизини қўшиб [ичиш керак].

Заҳарлар.

Намақоб билан қўшиб қутурган ит тишлаган [жойга] қўйилади.

Лубнѐ — ловия

Т а б н а т и.

Қизил ловия жуда иссиқ бұлади. Ибн Мосавайх ва Аркағонис эса ловия совуқ ва қуруқ бұлади, дейдилар. Мен айтаманки, [гарчи] унинг моддаси қуруқ бұлса ҳам, унда ортиқча намлилиқ бор ва у иссиқликка мойил, қизил ловия эса жуда иссиқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

У мошдан кўра тезроқ ҳазм бұлади ва чиқади, озиқлиги ҳам ундан кам эмас. Ловия қоринни камроқ дам қилади, дейдилар, аммо бу ҳақда турли фикрлар бор. Унинг мошдан кўра кўпроқ дам қилиши эҳтимолга яқинроқ; аммо боқила ундан ҳам кўпроқ дам қилади. Ловиядан пайдо бұладиган хилт намли ва шиллиқли бұлади, у ёмон тушлар кўришга сабаб бұлади.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Кўкрак ва ўпка учун яхши.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Қуюқ хилт пайдо қилади. Хардал ва шунингдек туз қўшилган сирка, мурч ва каклик ўти унинг зарарли таъсирига тўсқинлик қилади. Ловия кетидан кучли набиз ичилса ҳам ана шундай таъсир кўрсатади. Сиркада ивигилган ловиянинг нами камроқдир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Ловия, айниқса, қизил хили ва айниқса, уни рум сунбулининг ёғи билан аралаштириб ейилса, ҳайз қонини кетказади.

Лавз — бодом

М о ҳ и я т и.

Маълум. Унинг ёғлилиги тахирланиб кетиш даражасигача мўл бұлса ҳам, ёнғоқникидан камдир. Ёнғоқ бодомга қараганда тезроқ ҳазм бұлади ва тезроқ ўтга айланади. Баъзи табибларнинг айтишича, ширин бодомнинг елими ўз хусусияти жиҳатидан араб елимига яқиндир.

Т а б и а т и.

Ширин бодом мўътадил, намликка мойил, аччиқ бодом эса иккинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

Х о с с а л а р и.

Аччиқ бодомнинг елими буруштиради ва қиздиради, бодомнинг барча турлари кетказади, тозалайди ва [тиқилмаларни] очади, аммо ширин бодом очишда аччиқ

бодомдан анча кучсизроқдир, чунки у латифлаштирувчи ва кетказувчидир ва фақат қўшимча таъсирлар билангина очувчи бўлади. Айтишларича, у умуман буруштирувчи эмас ва унинг озиқлантириш [кучи] кам.

Аччиқ бодомнинг хоссаси шуки, уни тулки еса ўлади; у озиқ эмас, фақат доридир. Ширин бодом эса озиқлантиради, у яхши озиқдир, аммо кучли озиқ эмас. Бодом ёғи бодомнинг ўзига қараганда енгилроқ бўлади.

З и й н а т.

Аччиқ бодом сепкил, нуқтали қонталаш, излар ва офтобдан қорайишга [қарши] қўлланилади. У юздаги ажинларни ҳам ёзиб юборади. Аччиқ бодом [дарахтининг] илдизи эса қайнатиб қўйилганда сепкилга қарши кучли восита бўлади. Ширин бодомни ейилса, семиртиради.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Аччиқ бодом шароб билан бирга ишлатилса, эшаккемда яхши [фойда қилади].

Я р а л а р.

Бодомни асал билан югурук яралар ва учуққа, сирка ва шароб билан эса темираткига суртадилар. Бу ҳолларнинг ҳаммасида аччиқ бодом жуда яхши таъсир кўрсатади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Қулоқнинг оғриши ва ғувуллашида фойда қилади, айниқса, аччиқ бодомнинг ёғи ва унинг шундайлигича янчилгани фойда қилади. Бодом ва шароб билан бош ювилса, ҳўл ширинчани ва кенагини тозалайди ва ухлатади. Шароб ичишдан олдин аччиқ бодом ейилса, маст бўлишдан сақлайди. Айниқса беш донасини ейилса, шундай.

Агар бодом дарахтининг илдизини майда туйиб, сирка билан, ё гул ёғи билан қўшиб, пешонага қўйиб боғланса, бош оғриғига фойда қилади, аччиқ бодомнинг ёғи ҳам шундай.

Қ ў з а ъ з о л а р и.

Кўрши қувватини кучайтиради.

Қ ў к р а к а ъ з о л а р и.

Аччиқ бодом буғдой крахмали билан бирга [қўшиб ишлатилганда] қон туфлашга, чўзма йўтал, астма ва зотилжамга фойда қилади, айниқса, бодом ёғи шундай. Туюлган бодом йўтал ва қон туфлашда фойдалидир.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Бодом, айниқса, аччиқ бодом, жигар ва талоқдаги тиқилмаларни очади, чунки у томир учларидаги тиқил-

маларни очади, агар унинг янгисини пўстлоғи билан ейилса, меъдани намликдан тозалайди. Бодом қийин ҳазм бўлади, аммо яхши хилт пайдо қилади ва кам озиқлантиради. Агар уни шакар билан ейилса, тез ўтади. Унинг туюлгани ширинлиги сабабли оғир бўлади ва сафрони қўзғатади.

Чиқариш аъзолари.

Аччиқ бодом буйракдаги тиқилмаларни очади, аччиқ бодомнинг ёғи эса буйракни ва қовуқни тозалайди, тошларни майдалайди, айниқса, гулсапсар илдизи билан қўшиб ичилса ана шундай қилади. Гулсапсар илдизи ва гул ёғи билан қуюқ суртма қилинса, кўпроқ фойда қилади. Бачадон оғриқларига ва унинг иссиқ шишларига, бачадон қаттиқликларига, унинг бўғилишига, сийишнинг қийинлашишига ва буйракдаги оғриқларга фойда қилади. Кўтарилса, ҳазм қонини келтиради. Ширин бодом эса қуланжга фойда қилади. [Чунки унда] тозалаш хоссаси бордир. Аччиқ бодом фойдалироқ. Бодом ёғи бодомнинг ўзидан энгилдир.

Заҳарлар.

Қутурган ит қопганга фойда қилади.

Лабан — сут

Моҳияти.

Сут уч моддадан мураккаб топган: сувлилик, оғиз ва (ёғ) моддасидан. Сигир сутида ёғ моддаси кўп бўлади.

Туя сутида эса ёғ ва оғиз моддаси оз ва ўзи жуда суюқ бўлади.

Эчки сути эса мўътадилдир.

Қўй сути қуюқ ва ёғли, аммо сигир сути ундан ҳам қуюқроқ ва ёғлироқ бўлади.

Бия сути туя сутига ўхшаш суюқ ва сувли бўлади.
Танлаш.

Одам учун энг яхши сут хотин сутидир. Энг яхши сут эмчакдан эмиб ичиладиган сут, ҳамда ҳозиргина соғиб ичиладиган сутдир. Энг яхши сут оппоқ ва бир хил қуюқликдаги сутдир; уни тирноқ юзига томизилса, туриб қолади ва ундан оқиб тушмайди.

Сут берувчи ҳайвон яхши ўтлар билан боқилиши керак. Сутда ҳеч қандай бошқача маза, яъни аччиқ, нордон ва ўткир маза бўлмаслиги, ёқимсиз ва ёт ҳидлар бўлмасидан бурун ичиш керак. Бўғозлик [даври] хотинларнинг ҳомиладорлигида узоқроқ ёки озроқ чў-

зилган ҳайвонларнинг сути ёмон бўлади. Шунинг учун бўғозлик муддати жиҳатидан инсонга яқин турган ҳайвоннинг, масалан, сигирнинг сути энг яхши сут ҳисобланади.

Т а б и а т и.

Сутнинг сувлиги — иссиқ, ёғли қисми гарчи иссиқликка мойил бўлса ҳам мўътадилликка яқин, қатиқ эса совуқ ва қуруқ бўлади.

Х о с с а л а р и.

Сутнинг сувли қисми латифлаштирувчи ва юувчи бўлиб, ачиштириш ҳоссаи йўқ. Сут хилтларни мўътадиллаштиради, баданни бақувват қилади. Семиртиради. Сутни асал билан ичилса, ички яраларни қуюқ хилтлардан тозалайди, уларни етилтиради ва ювади.
(О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и).

Сутнинг каймуси яхшидир. Сут, айниқса, хотинлар сути, мияни озиклантиради ва кўпайтиради. Сут тез ҳазм бўлади, чунки [сут] совуққа мойил аъзода пайда бўлса-да, ҳазм бўлишнинг ниҳоят даражасига етган қондан туғилиб, яна иккинчи бор ҳазмга мослашганидан кейин, қандай қилиб шу сифатга эга бўлмасин?

Сут то узоқ ҳазм бўлувчи ва қайта-қайта тозаланишга муҳтож бўлган озикқа айланмагунча у озиклантирмайди. Балки агар сут ортиқча иссиқликнинг таъсирига учраса, [у иссиқлик сутни] тезда мўътадил қон табиатига қайтаради. Сут тўғрисидаги Руфуснинг айтганлари, гарчи унга эътироз билдирган бўлсалар ҳам, қанчалик ажиб! Сут совуқликка мойиллиги сабабли балғам мизожлиларга зарар етказмайди, чунки уларнинг иссиқлиги сутни етарли миқдорда қонга айлантirmайди. Сутнинг қонга яқинлиги сабабли инсон гавдаси сутни то у [қонга] айланиб кетгунигача ўзлаштиради; шу сабабли сут иссиқ ва қуруқ мизожли кишиларга, уларнинг меъдасида сутни (қонга айлантuruвчи) сафро йўқ пайтида фойда қилади. Унда ташқари сутда одам гавдасига мувофиқ [хусусиятлар] бор, лекин бунинг сабабларини билиб бўлмайди. Сут ичган киши тинч ҳолда туриши керак, акс ҳолда [сут, меъдада] ачийди ва бузилади. Сутдан истеъмол қилгач, у то пастга ўтмагунча ухламаслик, ҳам унинг устига бошқа овқат емаслик керак. Сут иссиқ мизожли ёшлардан кўра, ёши улғайган кишиларга кўпроқ ёқади. Чунки у ёшларда сафрога айланиб кетади. Сут кекса кишиларга уларнинг табиатида ҳўллик ҳосил қилгани ва уларда бўладиган қичимани йўқотгани сабабли фойда қилади. Аммо

уларнинг [сутни] ҳазм қилишларига асал билан ёрдам бериш керак. Сут кўпинча ўз ишини ични суриш ва ичаклардаги чиқиндиларни чиқариб ташлашдан бошлайди. Сўнгра озиқлантиради ва [баданга] тарқалиб ич яна тўхтайди. Агар сутни қайнатилмаса, у ични дам қилади. [Сут] ични юмшатувчи сув қисми ва боғловчи оғиз қисмидан мураккаб топган. Оғиз сути секин ҳазм бўлади, қуюқ хилт ҳосил қилади ва пастга секин ўтади, аммо асал унинг [хусусиятини] тўғрилайди. Гавда эса [оғиз сутидан] кўп озиқ олади.

Қатиқ хом хилт ҳосил қилади; қайнатилган сут, айниқса, қуюғи ични кўпроқ боғлайди. Туя сути унда оғиз моддаси камлиги ва ўзидаги сув қисмининг тозалаш хусусияти сабабли тиқилмалар ҳосил қилмайди. [Ундан] бошқа ҳар қандай сут тиқилмалар пайдо қилади, айниқса, жигарда. Сут ички аъзоларга қуюлиб уларга ўзининг ўткирлиги ва ачиштирувчанлиги сабабли озор бераётган моддаларга [қарши] фойда қилади. Бундан ташқари у ўзининг [оддий] сувдан кўра кучлироқ бўлган сув қисми билан ювиши натижасида моддаларни кучсизлантиради. Сут аъзоларга муносиб бўлгани ва уларга ёпишадиган бўлгани сабабли, аъзо билан ёмон хилтлар орасига тўсиқ бўлиб, у хилтларнинг кайфиятини мўътадиллаштиради ва ёмон хилтлар билан аъзо орасига кириб уларни аъзо билан бевосита тўқнашишга қўймайди.

Сут қон оқиши бор одамларга зарар қилади, ички аъзолар учун ҳам яхши эмас, ички аъзоларга бошқа сутларга қараганда эчки сути кўпроқ зарарлидир, чунки эчки кўпроқ буруштирувчи нарсалар билан овқатланади. Қўй сути эса [эчки сутига нисбатан] қарама-қарши хусусиятга эга, [аммо] мақтарли эмас ва яллиғлашни келтириб чиқариши мумкин.

Сут ўз жавҳари билан тез ўзгаради, айниқса, иссиқликдан, аммо ҳеч нарса гавда учун ёмон сут қадар зарар келтирмайди.

Эшак сути сувлироқ, чўчқа сути ҳам сувлироқ ва етилмаган. Баҳорги сутнинг ёзги сутга қараганда сувлилиги кўпроқдир. Сув бўйларида ва ботқоқликларда ўтлайдиган барча ҳайвонларнинг сутлари ҳам ана шундайдир. Чунки баҳорги ўтлар ёзги ўтларга қараганда сувлироқ бўлади. Ёз кузга яқинлашган сари сут қуюқлашаборади. Энг яхши сут ёзнинг ўртасида соғилиб ичиладигани, лекин ичилгач, унинг иссиқдан бузилиш хавфи бор. Лекин баҳорда бу хавф бўлмайди.

Сигир сути жуда серёғ бўлади, қўй сутида эса оғиз кўп бўлади. Туя сутида ёғ ва оғиз моддалари оз, унинг кетидан бия сути ва энг кейин эшак сути келади. Шу сабабли [буларнинг сутлари] меъдада ва қориннинг юқори қисмида бошқа сутларга нисбатан кам ивийди. Туя сутида яна шўрлик ҳам бор, чунки туялар нордон ўтларни яхши кўрадилар. Бу сут энг яхши. Шунинг билан бирга, у меъдада ва қорин бўшлигининг юқори қисмида бошқа сутларга қараганда узоқроқ сақланади, дейдилад!

Билгинки, сут ҳайвоннинг навига, унинг ёшига, яъни ёш, қари ёки ёши ўртача бўлишига, унинг тузилишига, гўштининг юмшоқ ёки қаттиқлиги, семиз ё ориқлиги, оқлиги ёки бошқа рангда бўлишига қараб ҳам ўзгаради. Айтишларича, энг кучсиз сут оқ ҳайвоннинг сути бўлиб, у тез пастга ўтади.

З и й н а т.

Баъзи табибларнинг айтишича, сутни истеъмол қилиш, битлатар эмиш. Бу эҳтимолдан узоқ эмас. Уни баданга суртилса, теридаги хунук изларни кетказди, ичилса, [терининг] рангини яхшилади. Лекин кўпинча, сут оқ доғни келтириб чиқаради. Лекин туя сути бундан мустасно бўлиб, ундан оқ доғ пайдо бўлиш хавфи камдан-кам бўлади.

Сутни шакар билан ичилса, юзнинг рангини, айниқса, хотинларни чиройли қилади. Сут семиртиради; ҳатто оғиз суви иссиқ ва қуруқ мизож сабабли озган одамларнинг мизожини ҳўллаш ва ёмон хилтларни чиқариш ва шу билан озиқни яхшилаш орқали семиртиради. Қаттиқни [темир] тўполи билан берилса; ўшандай одамларни тез семиртиради. Оғизнинг суви суртилса, сепкил ва доғларни кетказди, гоҳо ичилганда ҳам шуларга фойда қилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Сут ичилганда, кўпинча ёмон сифатли шишлар, йирингли шишлар, сарамас, қичима ва қўтир [билан оғрувчи кишиларга], агар уларнинг мизожини сутни бузмайдиган ва уни сафрога айлантириб юбормайдиган бўлса, фойда қилади. Ички шишларни бўлган одамларга сут зарар қилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Сут ўзининг ювиш, тозалаш ва ёпиштириш хоссалари сабабли ички яраларга мос келади. Мизожини сутни бузадиган ва уни сафрога айлантириб юборадиган нарсаларга эга бўлмаган кишиларнинг ярасига сут фойда

қилади. Оғиз сувини ҳалила билан қўшиб, қўтирга ишлатилади.

Б ўғ и н л а р.

Асабга ва асаб касаллиги билан оғриган кишиларга, айниқса, у касаллик совуқ ва балғамий бўлса, сут зарар қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Эчки сути назлаларда фойда қилади ва уларни тўхтатади; ўткирлигини юмшатади. Томоқдаги яраларга ҳам фойда қилади. Сут қуруқ мизождан бўладиган ғамгинлик ва васвасага ҳамда эсда сақлаёлмаслик касаллигида яхши даводир. Сут тишларга зиён қилади, уни ёйди, ковак қилиб, увалайди, айниқса, тиш совуқ мизожли бўлса шундай қилади. У милкларни бўшаштиради ва ундан сўнг асал, шароб ёки сиканжубин билан оғизни чайқаш керак. Айтишларинча, эшак сути билан оғиз чайқалса, тиш ва милкларни маҳкамлайди ва бош оғриқли, боши айланадиган, қулоғи шанғиллайдиган кишиларга мувофиқ келмайди, айниқса, [сутни ичгандан] сўнг ухласалар шундай бўлади. Қисқаси, у боши заиф кишиларга зарар қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Сут кўзнинг хираланишини ва шапкўрликни келтириб чиқаради.

Агар кўзга соғилса, кўз оғриғига ва кўзга тушадиган иссиқ моддаларнинг зарарига қарши фойда қилади. [Қовоқ] ғадир-будурлигига ҳам фойда қилади. Яна сутни тухум оқи ва хом атиргул ёғи билан қўйилса ҳам шундай таъсир беради. Кўзга соғилган сут кўздаги қизил нуқталарни кеткизади.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Эшак ва эчки сути қайси бири бўлмасин, йўталга, сил ва қон туфлашга фойда қилади; қўй сути эса қон туфлашга кўпроқ фойда қилади. Сут ўпка яраси ва силга қарши ишлатиладиган дорилардандир. У билан оғизни чайқаш ва ғарғара қилиш томоқ оғриққа, томоқ шишига, тилчанинг ва бодомсимон безларнинг шишларига фойда қилади.

Сут ~~бош~~ ёки меъдадан кўра кўкрак учун фойдалироқдир.

О з и қ л а н т и р џ ш а ъ з о л а р и.

Сут жигарда тиқилмалар пайдо қилади. Оғиз суви сариқ касалига фойдалидир. Эчки ва туя сути ҳам шундай. Эшак сути истисқога фойда қилади. Бу сутларнинг ҳаммаси талоқ қаттиқлашганида фойда қилади; туя

сути эса канакунжут ёғи билан бирга ички қаттиқликларда ишлатилади. У меъдада ел, шиш ва оғриқ пайдо қилади, айниқса, оғиз суви шундай. Ҳар иккаласи [оғиз суви ва сут] ҳиқичоқ ва дудли [яъни қуруқ] кекиришни келтириб чиқаради. Лекин сут кўпроқ шундай қилади. Туя сутидан бошқа сутлар талоқ, жигар оғриғи бор кишиларга ва енгил тадбирга муҳтож кишилар учун зарарлидир. Туя сути талоқ ва жигардаги кўп касалликларга фойда қилади ва жигарни ҳўллайди. Туя сути истисқоқ учун жуда фойдалидир, айниқса уни урғочи араб туясининг сийдиги билан қўшиб ичилса, иштаҳани оширади ва чанқатади. Қатиғи жуда секин сингийди ва хом хилт пайдо қилади. Баъзи иссиқ меъда, ё ўз табиатига кўра, ёки тасодифий сабаблар билан, уни ҳазм қилиб юборади; бундай меъда учун у фойдалидир. Бундай ҳолларда туя сутининг қатиғи қаймоғи олинганлиги сабабли дудли кекирик пайдо қилмайди.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и .

Оғиз суви куйиб кетган сафрони ҳайдайди. Девпечак билан бирга эса куйиб кетган савдони ҳайдайди. Сут тош пайдо қилади. Сувли қисми кетгунча қайнатилган сут ични қотиради ва қонли ичкетишни тўхтатади. Туя сути ҳайз қонини ҳайдайди, сигир сутининг айрони эса сафроли ичкетишда фойда қилади. Янги соғилган сут билан бачадон яраларида ҳуқна қилинади. Эчки сути қовуқдаги яраларга фойда қилади. Сут яна жинсий алоқа зарарини кетказади ва шаҳвоний қувватни орттиради. Ичакда ел пайдо қилади. Қуюқ сут қуланжни қўзғатади ва тошларни пайдо қилади, айниқса, оғиз сути шундай. Сут, ҳатто, қатиқ иссиқ мизожли кишиларда шаҳвоний интилишни кучайтиради, чунки у мизожни ҳўл қилиб елантиради. Кўпгина сут ични юмшатади. Айниқса, бия, эшак, (туя), сигир, эчки сутлари ана шундай. Шунингдек, ҳар бир сувдилиги оз бўлган сут ҳам шу каби таъсирга эгадир. Сутни кўп ичиш ични суради. Чунки у ҳазм бўлмайди.

Туз сутнинг ва оғиз сувининг ични суришига ёрдам қилади. Алангада қайнатилган сут, қиздирилган тош ва қиздирилган ясси темир парчаси билан иситилган сутлар албатта ични қотиради.

Сут ичак шилинишида фойда қилади. Қайнатилган қатиқ сафро ва қон аралаш ичкетишни тўхтатади. Туя сути бавосирга фойда қилади.

Сутни орқатешик шишлари ва яраларига қов усти-

даги шиш ва яраларга қўйилса, фойда қилади ва шу аъзолардаги оғриқни босади.

И с и т м а л а р.

Эчки ва эшак сути сил ва ниҳоят даражада озиб кетиш [қотмалик] да фойда қилади, буни сен ўз жойида кўрасан. Ёғи яхши олинган қатиқ яхши ҳазм бўлса, оздириб юборувчи иситма фойда қилади.

Янги соғилган қуюқ сутлар иситмаларда кўпинча ишлатилмайди ва иситмаси бор киши ундан қочсин!

З а ҳ а р л а р.

Сут ўлдирувчи дорилар, денгиз қуёни, чўл газгаўтнинг елими, (сассиқалаф), мингдевона ичганга қарши фойда қилади. Айниқса, олакуланг, денгиз қуёни, чўл газгаўтнинг елими харбақ, «бўри ва қоплон бўғувчи» ва барча чиритиб этни ўювчи дориларга қарши фойда қилади. Сут мингдевона ичган кишига фойда қилиб, унинг ақлини ўзига келтиради.

Лаҳм — эт, гўшт

М о ҳ и я т и.

Энг яхши гўшт қўй гўштидир, чунки у иссиқ ва юмшоқдир. Улоқ, бузоқ ва ёш [ҳайвон]ларнинг гўшти ҳазм учун энг яхши бўлиб, ғизоси жуда латифдир. Улоқниқидан кўра қўзичоқ [гўшти] да чиқинди камроқдир. Мақтарли сут эмган молнинг гўшти жуда яхши, ёмон сут эмган молники эса зарарлидир. Қари қўйнинг гўшти ва шунингдек, ориғиники ёмондир. Қорасининг гўшти енгилроқ ва лаззатлироқ бўлади. Эркак молнинг гўшти ва катта, семиз, қизил сермушак ҳайвонларнинг гўшти ҳам шундай. Оқининг гўшти ҳам енгил бўлади. Ола ҳайвоннинг гўшти кам ғизоли бўлиб, меъда устига сузиб чиқади.

Т а н л а ш.

Энг яхши ва сингувчан гўшт чуқур жойлашиб, суякка яқин турган гўштдир. Унг томоннинг гўшти чап томонниқидан енгилроқ (ва яхшироқ) бўлиб, мушакларнинг ўрта қисми ҳаммасидан ҳам нуқсонсизроқдир. Асабсиз говак гўштга келсак, у мазали гўштдир; айниқса, сут туғдирадигани, масалан, елин гўшти ёки сўлак пайдо қилувчиси, масалан; тил ўзагининг гўшти шундайдир. Бундай гўшт ҳазм бўлса, ғизоси яхши бўлади ва у кўпинча шиллиқли бўлади. Унинг ғизосининг кўплиги ҳайвоннинг бошқа қисмларидаги гўштлардагича ва мушак гўштларидагича эмас. Елин гўшти ва ҳўроз мойидаги гўшт бундан мустасно.

Яхшилиги энг оз бўлган гўшт [аъзоларни] ушлаб туриш учун яратилган гўштлардир; масалан, жигар томирлари ўртасида жойлашган тўқима, юракнинг гўшти, унинг асоси ва тутсимон гўштлар. Елиннинг озиқлиги яхши, агарда унда сут бор бўлса, гализ бўлади. Бичилган ҳайвоннинг гўшти бошқасиникидан яхшидир.

Қуш гўшtidан энг яхшиси тустовуқ, [яъни қирговул] гўшtidир. Товуқ гўшти ундан латифроқ, лекин озиқлиги унча эмас. Тоғ ва чўл каклигининг ва даррожнинг гўшти ҳам шундайдир. Қуруқ мизожли ёш ҳайвонларнинг гўшти қарисининг гўштига қараганда яхшидир. Масалан, улоқнинг гўшти яхши, эчкининг гўшти эса унчалик яхши эмас. Ундан пайдо бўладиган хилт кўпинча ёмон бўлади. Таканинг гўшти умуман ёмондир.

Ёввойи ҳайвонларнинг гўшти, барча сувда юрадиган йирик қушларнинг гўшти, узун бўйинли қушлар, товус, тувдо ва қаттиқ [гўштли] каптарларнинг, қато ва бошқа кўпинча савдо туғдирадиган гўштлар ва шуларга ўхшаш бошқа қушларнинг гўшти ёмондир. Барча чумчуқсимон қушларнинг гўшти ёмон. Йирик ва кўп ҳаракат қиладиган қушларнинг қаноти яхши каймус пайдо қилади. Ёввойи ҳайвонлар гўшти ичида гарчи савдо туғдиришга мойил бўлса ҳам, энг яхшиси оҳу гўшtidир. Христианлар ва улар билан бир хил диндаги кишилар аксинча, энг яхши гўшт ёввойи чўчқанинг гўшти, дейдилар, чунки у уй чўчқасининг гўшtidан яхши, озиқли ва тез ҳазм бўлади. Энг яхши гўшт қишда туғилган ҳайвонники бўлади. [Яна] ҳайвоннинг ёши, ўтлоғи ҳаракати ва бошқа сут бобида айтиб ўтилган ҳолатларга ҳам аҳамият бериш керак.

Т а б и а т и.

Барча қушларнинг гўшти тўрт оёқли ҳайвонларнинг гўшtidан қуруқроқдир. Сигир гўшти эчки гўшtidан қуруқроқдир, эчки гўшти эса қўй гўштига қараганда қуруқ ва қийинроқ ҳазм бўлади. Туя гўштининг физици гализ бўлиб, кучли қиздиради. Қуён гўшти гализ бўлади. Ўрдак ва бошқа сув қушларининг гўшти эса жуда ҳўл ва бу жиҳатдан қўй гўштига яқиндир. Баъзи табиблар «типратиканнинг гўшти — ҳўллоғчи», дейдилар. Семиз гўшт ва думба иссиқ ва ҳўлдир.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Гўшт гавдани қувватли қилувчи физодир. Овқатларнинг ичида тезроқ қонга айланувчиси [гўшт]дир. Қовурилган ва кабоб қилинган гўшт энг қуруқдир. Қайнатилган гўштининг озиқлиги ҳўлроқ. Дориворлар,

муррий ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар билан қайнатилган гўштнинг қуввати ўша дориворларнинг қувватидек бўлади. Семиз гўшт ва чарвининг озиқлиги ёмон ва кам бўлиб таомга [иштаҳани] сўндирәди. Уларнинг фақат овқатга маза берувчи озгина миқдори яхшидир. Тузланган гўшт, гарчи у аслида ҳўлловчи бўлган бўлса ҳам, оқибатда қуритувчи бўлиб қолади ва бошқа ҳамма гўшлардан кўпроқ қуритади. Унинг озиқлиги оз.

Семиз гўшт кам озиқлик бўлиб, ични юмшатади; у тутун ва сафрога тез айланиб кетади ҳамда тез ҳазм бўлади. Думба ёғли гўшдан ҳам ёмон бўлиб, у ёмон сингади ва ёмон озиқ бўлади. У чарвига қараганда иссиқроқ ва ғализроқдир. Мол гўшти кўп озиқли бўлади, лекин ғализ озиқ беради. Гўштнинг қораси (ва ёмони) савдовий касалликларни келтириб чиқаради. Энг яхши гўшт бузоқнинг гўшtidир. Сигир гўшти қовун пўчоғи билан [қўшиб қайнатилса] яхши пишади. Уни баҳорда ва ёзнинг бошларида ейилса яхши. Христианлар ва уларнинг йўлидан борувчилар, гарчи мол гўшти ғализ бўлса ҳам, чўчқа гўшти каби ёпишқоқ ва тифиз эмас, дейдилар.

Чўчқа боласининг гўштига келсак, унинг ғизолиги камдир. [Чунки у] тез шимилувчи ва кучли ҳўлдир. Ўрдак гўштнинг ғизолиги кўп бўлади, лекин унда, товуқ ва унга ўхшашларнинг гўштидаги яхши ғизолик йўқдир. Унинг жигилдони лаззатли, жигари овқат учун жуда лаззатли ва яхши хилт келтириб чиқаради. Кўк қарғаниннг гўшти елларни синдирувчидир. Гўшларнинг ичида камроқ бузиладигани кам ёғлиги ва жавҳари қуруқ бўлгандир.

З и й н а т.

Мол гўшти доғ пайдо қилади. Ёввойи эшакнинг ёғи сепкилга суртилса, фойда қилади. Семиз ўрдакнинг ёғи ҳам шундай. Семиз қўзичоқларнинг куйдирилган гўштини доғга суртма қилинади. Қурбақа гўштининг куйдирилгани эса «тулки касаллиги»га қарши ишлатилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Қорамол гўшти саратон касалини келтириб чиқаради, бошқа ғализ гўшлар ҳам шундай. [Мол гўшти] қаттиқ шишларни қайтаради.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Мол гўшти қўтирни ва ёмон темираткини пайдо қилади. Бошқа ғализ гўшлар ҳам шундай қилади. Қўзичоқ гўштининг куйиндисини темираткига қўйилади.

Б ў ғ и л л а р.

Мол гўшти моховни, филлик касаллигини ва веналар кенгайишини келтириб чиқаради. Бошқа қаттиқ [ғализ] гўштлар ҳам ана шундай [таъсир қилади]. Ёғли гўшт ва думбани асабларнинг қаттиқланишида қўйиб боғланса яхши [фойда қилади]. Қуён гўштинини қайнатмасига подагра ҳамда бўғин оғриғига учраганларни ўтиргизадилар. Унинг таъсири тулки гўшти қайнатмасининг таъсирига яқиндир. Латчанинг гўштини бўғин оғриғига қўйиб боғланади. Ёввойи эшакнинг ёғи, қуст ёғи билан бадан орқасидаги [мушак] оғриқларда ва ғализ ел [тўпланганида] суртилса, жуда яхши [даво бўлади].

Афъо илонининг гўшти махсус бобда айтилгани каби моховга ишлатилади, типратикан гўшти ҳам моховга яхшидир.

Бош аъзолари.

Мол гўшти ва бошқа айтиб ўтилган ғализ гўштлар қуритувчилиги сабабли (савдони ва) васвасани келтириб чиқаради. Латчанинг гўштини шаробга солиб тутқаноғи бор кишига ичирилади.

Кўз аъзолари.

Кўзичоқ гўштининг кули кўзга оқ тушганига фойда қилади. Йиртқич ҳайвонлар ва тирноқли даррандаларнинг гўшти кўз учун фойдали ва уни қувватли қилади. Нафас аъзолари.

Дарё қисқичбақалари сил касаллар учун жуда фойдалидир; жўжа гўшти, агар сирка билан қайнатилмаган бўлса, томоқ оғриғини кўзғатади.

Озиқлантириш аъзолари.

Юқорида айтиб ўтилган ғализ гўштлар талоқни қаттиқлаштиради. Аммо қуруқ кашнич ва заъфарон солиб, мол гўшtidан тайёрланган *сикбож* ёмон суюқликларнинг меъдага оқишига тўсқинлик қилади.

Қатонинг гўштини мизож бузйлиши, истисқо, талоқдаги ва жигардаги тикилмаларда фойда берувчи дорилар қаторида айтиб ўтадилар. Истисқо [касаллигида] чанқатмасин учун, бу [гўшtidан] қарис овқати тайёрлаб истеъмол қилиш мувофиқроқдир.

Баъзи кишилар йиртқич ҳайвонларнинг гўштини меъданинг совуқлиги, ҳўллиги ва занфлигига фойда кўрсатади, деб мақтайдилар.

Овқат ўтишининг ва ҳазм бўлишининг тезлиги ёки сустлиги озиқнинг ғализлигига ёки нозиклигига боғлиқ эмас. Масалан, айтишларича ёввойи чўчқа ва уй чўчқасининг гўшти, гарчи у жуда озиқли, ёпишқоқ ва ғализ

бўлса-да, тез ҳазм бўлади ва тез ўтади. Кийик гўшти ҳам, гарчи ғализ бўлса-да, [меъдададан] тез тушади. Типратикан гўшти *сиканжубин* билан бирга истисқога ишлатилса фойда қилади.

(Қатонинг гўшти эса жигар тиқилмаларида ва унинг ваифлигида, мизож бузилишида ва истисқода фойда қилади). Йиртқич ҳайвонлар ва тирноқли даррандаларнинг гўшти меъда учун ёқимсиздир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Мол гўшти ўтнинг ичакка соғилиб ўтишига тўсқинлик қилади. Қовурилган қуён гўшти ичакдаги яраларга жуда яхши [фойда қилади]. Типратиканнинг гўштини қуришиб, *сиканжубин* билан [ейилса], буйракдаги оғриққа яхши [фойда қилади]. Қари хўроз гўштининг қайнатмаси қуланжга ва савдовий касалликларга фойда қилади. Ёввойи эшакнинг ёғи қуст ёғи билан бирга қўшилса, ғализ еллар сабабли бўладиган буйрак оғриқларига фойда қилади. Йиртқич ҳайвонлар ва тирноқли паррандаларнинг гўшти бавосирга яхшидир. Мол гўштининг қайнатмасидан қилинган *сикбож* сафроли ичкетишга жуда яхши ва уни тўхтатади. Бу гўштан кашнич билан, сирка ёки унга ўхшаш нордон нарсалар қўшиб қилинган *қарис* оши ҳам, унга қуруқ кашнич ва бир оз заъфарон қўшилса, шундай [таъсир беради].

Шунингдек, қовурилган ёки қовурилмаган қуш гўшти ични қотиради, какликнинг, айниқса, тоғ каклигининг ва чўл каклигининг гўшти шундай. [Бу жиҳатдан] қатонинг ва сўфитўрғайнинг гўшти, айниқса, аввал қайнатиб, сўнг сувини тўкиб ташланса жуда кучли бўлади.

Тоғ эчкисининг гўшти сийдикни ҳайдайди. Ёғли гўшт бошқа хил гўштларга қараганда ични кўпроқ юмшатади.

И с и т м а л а р.

Сигир гўшти, тоғ эчкиси гўшти, кийик ва йирик қушларнинг гўшtlарни тўрт кунлик иситмани тўғдиради.

З а ҳ а р л а р.

Латча гўштининг қуритилганини шаробга солиб едирилса, заҳарларга қарши фойда қилади. Кўзичоқ гўштининг куйдирилгани илон, чаён ва қора чаён чаққанда фойда қилади. Яна, шунингдек, у шароб билан қўшилса, қутурган ит [тишлаганида] фойда қилади. Қурбақа гўшти газандалар чақнишига қарши фойда қилади.

Т а н л а ш.

Яхши сифатли ва мақтовли сувларни Биринчи китобда айтиб ўтдик. Уларни ўша ердан қаралсин. Ёт маза ва ёт ҳидли кўлмак, ботқоқликлар суви ёмон сувлардир. Лойқа, қуюқ, вазни оғир, тезда тошсимон [чўкма] берувчи, юзига ёмон кўпик чиқадиған ва устидан ёт нарсалар қотиб қолган сувлар ҳам ёмон сувлардир. Билгинки, *бурақли* сувнинг зарарига қарши сут, қуюқ шароб, оҳор, райҳонли суюқ шароб каби ичимликлар, хом жийда, хом таррак ва латифлаштирувчи ҳамда сийдикни ҳайдовчи сабзавотлар билан чора кўрилади. Қуюқ, лойқа сувларни саримсоқ, пиёз ва гандано каби латифлаштирувчи нарсалар билан тузатилади. У сувнинг устидан, айниқса, унга аралаштириб, шароб ичиш, унинг зарарини кетказади. Дағал сув ё қуюқ, ё ўткир, ё тозаловчи бўлади. Ювиладиған нарсани жуда тозалаб юборувчи сувни гоҳо дағал сув дейилади. Аччиқ сувни ширинликлар тузатади, шўр сувни шом жинжаги, мирта дони, дўлана, тоза тупроқ ва толқон тузатади. Умуман ёмон сувни сирка тузатади.

Т а б и а т и.

Денгиз суви ўткир ва ишқор мазали, *бурақли* сув эса қиздирувчи ва қуритувчидир. Мисли ва темирли сув ички аъзоларга фойда қилади.

Х о с с а л а р и.

Совуқ сув тиқилмалари бор кишиларга зарар қилади, лекин ғовак терири, қайси аъзодан бўлмасин бирон хилт оқиш касалига учраған ва ўша оқиш сабабли беморланған кишиларга фойда қилади. Агар у мўътадил бўлса, ҳамма қувватларни, яъни ҳазм қилувчи, ҳайдовчи, тортувчи ва тутувчи қувватларнинг ўзларига хош таъсирларини кучайтиради.

З и й н а т.

Денгиз суви совуқдан ёрилишларга, улар ярага айланиб кетишидан олдин ишлатилса, фойда қилади. Битларни ўлдиради. Тери остидан ивиб қолған қонни шимилтиради. Олтингугуртли сув доғ ва пес учун яхшидир.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Олтингугуртли сувлар бўғин шишларига, қаттиқликларга ва осилиб турған сўғалларга фойда қилади.

Жароҳат ва яралар.

Тоза сув ҳўллаши сабабли яралар учун зарарлидир; бу яраларда кўрилиши зарур бўлган тадбирга қарама-қаршидир. Денгиз сувини қичима, қўтир ва темираткиларга ишлатилса фойда қилади. Олтингургуртли иссиқ сувларда чўмилинса, қўтир ва темираткиларга, шунингдек, ширинчага фойда қилади.

Бўғинлар.

Денгиз суви ва унга ўхшаш сувлар, қалтироқ, фалаж, увушиш ва шунга ўхшаш асаб касалликларида иситиб чўмилганда фойда қилади. Олтингургуртли сувлар ҳам шундайдир. Бу сувлар барча бўғин оғриқларига ва совуқ асаб [оғриқларига] фойда қилади.
Бош аъзолари.

Тутқаноқ касалига учраганларга илиқ сув фойда қилади, қайноқ сув эса зарар қилади. Денгиз сувининг буғи совуқ бош оғриғига фойда қилади. Мисли сув оғиз ва қулоқ [касалликлари учун] фойдалидир.
Кўз аъзолари.

Битумли сувлар кўз учун зарарлидир.
(Кўкрак ва) нафас аъзолари.

Жуда совуқ сув кўкрак учун жуда зарарлидир. Яна сув ўзидаги ҳўллаш қуввати сабабли ўпка найига ҳам зарар келтиради, чунки ўпка найи қуритувчига муҳтождир. Илиқ сув бўғиз, тилча ва кўкрак шишлари учун яхшидир. Денгиз сувини эмчак шишларига қўйилади. *Бурақли* сув кўпинча ўпкага фойда қилади. Аччиқтошли сув қон туфлашда фойдалидир.
Озиқлантириш аъзолари.

Темирли сув талоққа ва меъдага фойда қилади, мисли сув ҳам шунга яқиндир. Жуда совуқ сув тиқилма касалликларига учраган кишиларга айниқса зарар қилади. Денгиз суви ва унга ўхшаш сувлар меъда учун зарарлидир. Денгиз сувининг буғи истисқо касалига фойда қилади. *Бурақли* сув ичилса, ўзидаги *бурақли* сабабли, кўпинча рутубатли меъдага фойда қилади. Аччиқтошли сув қусишда фойда қилади ва уни тўхтатади. Буруштирувчи балчиқли сувлар ҳам шундайдир. Олтингургуртли сув талоқ шишларига ва оғриқларига, шунингдек, жигарга фойда қилади.
Чиқариш аъзолари.

Денгиз суви билан ичак оғриқларида ҳуқна қилинади. Гоҳо ичирилса, ични суради. Ундан кейин товуқ шўрваси ичилса, [денгиз сувининг] ачиштиришини босади. Аччиқтошли сув бола тушишига ва ҳайз қонининг

кўп кетишига тўсқинлик қилади. Олтингугуртли сув бачадон оғриқлари учун фойдалидир. Жуда совуқ сув шаҳвоний қувват учун зарарлидир. У ични боғлайди; эрлик уругининг ҳаракатини ва унинг оқишини тўхтатади. Шўр сув ични суради; кейин қуритувчанлиги сабабли тўхтатади. Ҳамма маъданли сувлар сийишни, ҳайз қони кетишини ва туғишни қийинлаштиради. Уларнинг кўпчилиги ични суради. Баъзилари эса аччиқтош суви каби ични боғлайди. [Гоҳо] қуланж касалини ҳам пайдо қилади.

Темирли ва мисли сувлар буйрак ва қуланж [каса-ли] учун фойдалидир. Лойқа сувлар буйракда ва қовуқда тош пайдо қилади, [Қиздирилган] темир солиб ўчирилган сув қон туфлашда фойда қилади.

И с и т м а л а р.

Олтингугуртли, балчиқли кўлмак ва сасиган сувлар иситмалар пайдо қилади; гализ сувлар эса тўрт кунлик иситмани келтириб чиқаради.

З а ҳ а р л а р.

Афъо илони ва бошқа ўлдирувчи газандалар чаққан киши денгиз сувида ўтирса, фойда олади.

Машкатаромашиъ — кийигўти

М о ҳ и я т и.

Қуруқ райҳонга ўхшаш шохчалардан иборат. Дастлаб унда кўп маза ва кўп ҳид сезилмайди, кейинчалик аччиқлик ва ўткирлик сезилади. Қўй ва эчкилар уни еса, улардан қон соғилади. Бу ялпиз ўрнига ўтади, балки ундан анча кучлироқ ҳам бўлади. Икки хил бўлади: бири ҳақиқий кийигути, иккинчиси «ёлгон» кийигўти. Кейингиси олдингисига ўхшайди, лекин баъзи таъсирларда ундан кучсизроқ бўлади.

Т а б и а т и.

Учинчи даражага яқин иссиқ ва қуруқ.

Н а ф а с ва кўк р а к аъзо л а р и.

Кўкрак ва ўпкадан ёпишқоқ рутубатларни чиқаради. **О з и қ л а н т и р и ш аъзо л а р и.**

Унинг шароби беҳузурлик ва кўнгил айнашни кетказади.

Ч и қ а р и ш аъзо л а р и.

Ичилса, тутатилса ва кўтарилса, ҳайз қонини ва сийдикни кучли равишда ҳайдайди, ҳатто қон сийдиради, болани туширади, шароби эса туққандан кейинги қонни тушириб [бачадонни тозалайди].

М о ҳ и я т и.

Мумиё бир-бирига аралаштирилган *зифт* ва *қафр* қуввати ва табиатидадир. Бироқ мумиё етилганроқ бўлиб, бунинг фойдаси кўпроқдир.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада иссиқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Латиф ва шимилтирувчидир.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Шиллиқли ўсмаларга фойда қилади.

Б ў ғ и н л а р.

Чиққан, синган, йиқилган ва урилгандаги оғриқларга, фалажга ва юз фалажига қарши ичирилса ва суртилса, фойдалидир.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Мумиё бошнинг бир томон ярмининг оғриғига, совуқ бош оғриғига, тутқаноқ ва бош айланишига фойда қилади. [Бунинг учун] бир *ҳаббасини* Тоғ райҳони суви билан бурунга тортилади. Қулоқ оғриғига эса бир *ҳаббасини* ясмин ёғи солиб томизилади. Қулоқдан йиринг оқишига қарши бир арпа дони миқдоридегисини гул ёғи ва ғўра узумнинг суви билан қўшиб пилик билан ишлатилади. Тил оғирлашувига қарши бир *қиротини* қундуз қирининг бир *ҳаббасига* қўшиб *бон* ёғи билан бурунга тортилади.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Мумиёнинг уч арпа дони миқдоридегиси ўткир набиз шаробига солиб [ичилса], ўпкадан қон туфлашнинг олдини олади. Томоқ оғриғига бир *қирот* миқдоридегисини *сиканжубин* билан, бўғиз оғриғида бир *қиротини* тут шиннисини билан ёки ясмиқ қайнатмаси билан, йўталда бир *тассужини* чилонжийда суви ва арпа суви билан ва *сайсабон* билан уч кун кетма-кет наҳорга, хафақонда эса бир *қиротини* зира, жувона ва қора зира суви билан ишлатиш синаб кўрилгандир.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Меъда кучсизлигида зира, жувона ва қора зира суви билан бир *қиротини* [ичирилади]. Шунингдек, балғамдан бўладиган ўқчишда кўкрак, меъда ва жигар устига йиқилишда бир *қирот* тоғ мумини икки *донақ* арман лойи ва бир *донақ* заъфаронга қўшиб итузум ва *хиёршанбар* сувида ичирилади. Ҳиқичоққа қарши бир *ҳаббасини* петрушка уруғининг қайнатмаси билан ичири-

лади. Талоқ оғригида бир қиротини шакар суви билан ичирилади.

Чиқариш аъзолари.

Мумиё сийдик йўлидаги ва қовуқдаги яралар учун фойдалидир. Унинг бир қиротини сут билан ичирилади. Агар бунга бир оз ун қўшиб [орқа тешикка] кўтарилса, сийдикни ушлаб туrolмасликка фойда қилади.

Заҳарлар.

Икки ҳабба миқдоридегисини темир тикан ва сассиқ қаврак қайнатмаси билан заҳарларга қарши ишлатилади. Чаён чаққанга қарши бир қиротини соф шароб билан ичилади ва чаён чаққан жойга бир қиротини сариёр билан қўйилади.

Мош

Моҳияти.

Жавҳари боқилага яқиндир. Уни истеъмол қилиш учун яхши пайт ёз пайтидир.

Табиати.

Намлиги ва қуруқлиги мўътадил. Пўсти ажратилган мош мўътадил, пўсти ажратилмагани қуруқликка мойилдир. Чунки пўстида мози мазаси бор.

Хоссалари.

Гарчи бир оз ел пайдо қилса ҳам, боқиланики каби ел пайдо қилиш хусусияти бунда йўқ, [шунингдек], боқиладаги тозаловчилик, ясниқ донидаги совуқлик ҳам бунда йўқ. Мошга бир оз маҳсар қўшилса, тузалади.

Бўғинлар.

Мошни асаб оғриқларида узумдан олинган тило шароби билан ва заъфарон қўшиб қайнатилган шароб билан аралаштириб, қўйиб боғланса, айниқса, [фойда қилади]. Узилиш ва эзилишларда ҳам қўйиб боғланади. **Озиқлантириш аъзолари.**

Мошнинг, айниқса, пўсти ажратилганининг каймуси яхшидир. Бунда боқиладаги каби секни ўтиш хусусияти йўқ. Уни бодом ёғи билан қайнатилса, яхши хилт пайдо қилади.

Чиқариш аъзолари.

Қайнатиб сувини тўкиб ташлаб, сўнгра яна қайнатилса, ични боғлайди. Айниқса, анор ва татим уруғи [қўшиб] нордон қилинса, шундай қилади. Баъзиларнинг айтишларича, мош жинсий қуваватга зарар етказди.

Т а н л а ш.

Яхсиси арман ўригидир, чунки у тез бузилмайди ва тез ачимайди. Ейилганда мастакий ва Рум бодиёнини бир ё икки *дирҳам* миқдорида баб-баравар олиб соф шароб, ёки майиз, ёинки асал набизи [билан берилади].

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада совуқ ва ҳўл. Мағзининг ёғи иккинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

Х о с с а л а р и.

Ўрикнинг [пайдо қилган] хилти тез сасийди.

Н а ф а с а ʻз о л а р и.

Туршак суви ташналикни қондиради. Ўрик меъда учун шафтолидан кўра мувофиқроқдир. Арман ўриги меъдада бузилмайди ва тезда ачимайди. Ўрик егандан кейин Рум бодиёни ва мастакини беҳи шарбати ёки майиз шаробига солиб ейилса, унинг зарарини қайтаради. Совуқ мизожли кишилар эса, тоза асал билан ейишлари керак.

Ч и қ а р и ш а ʻз о л а р и.

Мағзининг ёғи бавосир касалига фойда қилади.

И с и т м а л а р.

Ўрик тез бузилиши сабабли иситмаларни келтириб чиқаради. Лекин ивитилган туршак иситмаларга фойда қилади.

НУН (Н) ҲАРФИ

Наржис — наргис

[М о ҳ и я т и].

Наргис машҳурдир.

Т а ʻ с и р в а х о с с а л а р и.

Илдизи чуқурликлардан [суюқликларни] тортиб олади, қуритади тозалайди ва ювади. Ёғи хоссалари жиҳатидан ясминнинг ёғига ўхшайди, аммо ундан кучсизроқ.

З и я т.

Илдизи тикан ва ўқ учларини чиқариб ташлайди, айниқса, мастакнинг уни ва асал билан қўшилганда шундай қилади. Наргис сепкилни ва доғни кетказади. Айниқса, сиркага қўшилганда унинг илдизи ана шундай таъсир кўрсатади. Илдизи [яна] «тулки касаллиги»га ҳам фойда қилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р .

Наргиснинг илдизини асал ва ёввойи ясмиқ билан қўшадилар ва бу аралашма қийинлик билан етиладиган йирингли шишларни ёради, илдизини эса асабларнинг шишларига [қарши] қуюқ суртма қилинади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р .

Наргис жароҳатларни қовжиратади ва уларни шундай ёпиштирадики, ҳатто пайларнинг узилишларини ҳам [маҳкам бириктириб юборади]. Асал билан янчиб оловдан куйганга, асабларнинг яраланишига ва чуқур яраларга қўйилади. Наргисни ёввойи ясмиқ ва асал билан аралаштириб [ишлатилганда] яралардаги чиркин кетказади.

Б ў ў н л а р .

Наргис ёғи асабга фойда қилади. Илдиздан асаб шишлари ва тугунларига ҳамда бўғинлар оғриғига қуюқ суртма тайёрланади.

Б о ш а ъ з о л а р и .

Наргис миядаги тиқилмаларни очади ва савдодан келиб чиқадиган рутубатли бош оғриғига фойда қилади. Ёғи ҳам шунга мувофиқ келади, аммо иссиқ [мизожли] бошларни оғритади.

Н а ф а с а ъ з о л а р и .

Наргис ёғини кўкракка суртилса, кўкрак-қорин тўсиғидаги қаттиқ ва совуқ шишларни тарқатади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и .

Агар наргиснинг илдизини (ўз ҳолича) ейилса, кўнгилни айнатади ва қустиради; қайнатмаси ҳам шундай таъсир кўрсатади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и .

Наргис бачадон ва қовуқдаги оғриқлар учун фойдалидир. Агар унинг тўрт *дирҳамини* асал суви билан ичилса, тирик ёки ўлик ҳолида болани туширади. Наргис ёғи юмилган бачадонни очади ва бачадондаги оғриқларга фойда қилади.

Наъно — ялпиз

Т а б и а т и .

Иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ. Ялпизда ортиқча намлик бор.

Х о с с а л а р и .

Унда қиздирувчи ва буруштирувчи куч бор. У барча истеъмол қилинувчи сабзавотлар ичида жавҳари энг латифидир, агар ялпиз шохларини сутга ташланса,

[сут] ивимајди. Унинг ширасини сиркага солиб ичилса, ичдан қон оқишни тўхтатади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р .

Толқон билан [қўшиб] йирингли шишларга қуюқ суртма қилинади. Боғялпиз чўлялпизга [фуданажга] ўхшамайди, чунки чўлялпизда мози мазаси йўқдир. [Чўлялпиз] эритади, қиздиради, жуда қаттиқ қуритади ва шу билан зарар ҳам келтиради.

Б о ш а ʼ з о л а р и .

Ялпизни, айниқса, арпа уни билан қўшиб, бош оғригига қарши пешонага қўйиб боғланади. У билан дағалланган тилни ишқаланса, дағаллиги кетади. [Ялпизнинг] ширасини асал суви билан аралаштириб оғриган қулоққа томизилади.

Н а ф а с в а к ʼ к р а к а ʼ з о л а р и .

Қонташлар ва қон кетишни тўхтатади. Қуюқ суртма қилинганда, эмчакда сутнинг ивиб қолишига тўсқинлик қилади ва эмчак шишилларини қайтаради.

О з и қ л а н т и р и ш а ʼ з о л а р и .

Ялпиз меъдани маҳкамлайди, уни қиздиради, ҳиқи-чоқни тўхтатади, овқатнинг сингишига ёрдам қилади; шиллиқ ва қон қусишни тўхтатади ва сариқ касалига фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ʼ з о л а р и .

Боғялпизда, чўлялпизда бўлмайдиган боғ намлиги бор бўлгани учун у ел пайдо қилиб, жинсий алоқага интилишни кучайтиради. Эрлик уруғи пуфакларини маҳкамлайди; гижжаларни ўлдиради. Агар ялпизни жинсий алоқадан олдин ичга кўтарилса, ҳомиладор бўлишнинг олдини олади. Агар ялпиз шохларини анор донаси билан ичилса, қусиш билан бўладиган ичкетишни тўхтатади.

З а ҳ а р л а р .

Ялпиз, айниқса, унинг уруғи қутурган ит тишлаганида [ишлатилса], фойда қилади.

СИН (С) ҲАРФИ

Саътар — какликўт ва бошқалар

М о ҳ и я т и .

Какликўт қувватда тоғжамбил каби; шароби ҳам унинг шаробига ўхшайди.

Т а н л а ш .

Унинг энг кучлиси ёввойисидир.

Т а б и а т и.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Х о с с а л а р и.

Шимилтирувчи, ел ҳайдовчи, латифлаштирувчи ва кучли тозаловчидир. Унда куйдириш қуввати бўлганлиги сабабли ўткирлик ҳам бор.

З и й н а т.

Тиш тошларида яхшидир.

Б ў ғ и н л а р.

Тизза оғриқларига фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Чайналса, тиш оғриғини тўхтатади ва бўшашган тиш милкига дори бўлади. Чунки у куйдирувчи қувватга эгадир.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Ёғи кўкрак ва ўпкага фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Какликўт жигар ва меъда учун фойдалидир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

[Сийдикни ва ҳайз қонини] юргизади. Гижжаларни ва қовоқуруғисимон гижжаларни (кучли равишда) ҳайдаб чиқаради.

Сазоб — газাগўт

М о ҳ и я т и.

Ёввойи газাগўт исириққа қараганда кучлироқ қора бўлади. (Дискурдуснинг айтишича, [газагўтнинг] боғда ўсадигани, ёввойиси ва тоғда ўсадигани бўлади. Тоғда бўладигани боғда ўсадиганига қараганда тезроқ ва ўткирроқ бўлади ва уни овқат билан ейилмайди. Анжир дарахтининг тагида ўсадигани эса энг мувофиқдир. [Газাগўтнинг] ёввойиси *биғонун ағриюн* деб аталадиган хили бўлиб, буни турли [табиблар] бошқа-бошқа ном билан атайдилар. Баъзи кишилар уни *муло* деб атайдилар. У битта илдиздан чиқади ва унинг таналари кўп бўлиб, барглари бошқа хил газাগўтникига қараганда узунроқ бўлади. Унинг жуда оғир ҳиди ва оқ рангли гуллари бор, бошчалари эса бошқа хил газাগўтникига қараганда бир оз каттароқ ва учтадан бириккан бўлиб, уларда қизғиш рангли уруғлар жойлашгандир; уруғлари уч бурчаклик ва жуда аччиқ бўлади. Ишлатиладиган [қисми] шу уруғлар бўлиб, улар кузда пишади. [Газাগўтнинг] илдизи қора ва намли ерларда ўсадиган бошқа бир хили ҳам бор).

Т а н л а ш.

Боғда ўсадиган ва ёввойи газাগўтнинг энг мувофиғи анжир дарахтининг ёнида ўсадиганидир.

Т а б и а т и.

Янгиси иккинчи даражада иссиқ ва қуруқ, қуруғи эса учинчи даражада иссиқ ва қуруқ, ёввойисининг қуруғи тўртинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Т а ʼ с и р ва х о с с а л а р и.

Парчаловчи, шимилтирувчи, жуда кучли ел ҳайдовчи, томирларни тозаловчи, яра қилувчи ва буруштирувчидир.

З и й н а т.

Сода билан қўшиб оқ доғ, сўгал ва тут шаклли сўгалларга қўйилади; саримсоқ ва пиёзнинг ҳидини кетказади, «тулки касаллиғи»га фойда қилади.

Ш и ш ва т о ш м а л а р.

(Ёввойи газাগўтни) янчиб туз билан бирга бирон аъзога қўйиб боғланса, унда иссиқ шиш пайдо қилади; томоқ ва қўлтиқдаги қулғунага қўйилса, уларни қайтариб юборади. Елими бу [таъсирларнинг] ҳаммасидан ҳам кучлироқдир.

Ж а р о ҳ а т ва я р а л а р.

Сариёғ ва асал билан қўшиб темираткиларга қўйилади, сирка ва қўрғошин упаси билан аралаштириб учуқ ва сарамасга ишлатилади; эски [яраларни] тузатади. (Агар [газагўтни] *мурр* билан қўшиб ёпиштириб қўйилса, яраларга фойда қилади).

Б ў ғ и н л а р.

[Газагўтни] ичилса ва асал билан бирга қўйиб боғланса, фалажга, *ирқуннасога* ва бўғин оғриқларига фойда қилади.

Б о ш а ʼ з о л а р и.

Саримсоқ ва пиёз ҳидларини кетказади, чўзма бош оғриғига қарши [газагўтни] толқон билан қўшиб боғланади, бурун қонаганда уни сиркага қўшиб бурунга тортилса, қонни тўхтатади. [Газагўтнинг] анор пўстида қиздирилган ширасини қулоққа томизилса, уни тозалайди, оғриғини, шанғиллашини ва ғувуллашини босади, қуртини ўлдиради, (агар улар тирик қолсалар, қулоқдан чиқаради). [Газагўтни] бош яраларига ҳам суртилади.

К ў з а ʼ з о л а р и.

[Газагўтни] кўзга суртилса ёки уни ейилса, кўзни ўттирлаштиради, айниқса, унинг шираеини арпабодиён шираси ва асал билан қўшиб ишлатилса, [яхши таъсир

қилади]. Уни толқон билан қўшиб кўз лўқиллашига қарши қўйиб боғланади. (Агар уни арпабодиён, *мурр* ва асал билан қўшиб суртма тайёрлаб, кўз атрофига суртилса, кўз заифлигига фойда қилади).

Нафас аъзолари.

Руфуснинг гувоҳлик беришича, ҳўлининг қайнатмасини қуритилган укроп билан [ишлатилса], кўкрак оғриғига ва нафас олишнинг қийинлашганига фойда қилади. (Шунингдек, ўпка ва биқин оғриқларига, йўталга ва қобирға оғриқларига фойда қилади).

Озиқлантириш аъзолари.

[Газагўтни] анжир билан қўшиб гўштда сув йиғилганда ва мешлик истисқода қўйиб боғланади, шунингдек, газегўт солиб қайнатилган шаробни ичирилади. Унинг уруғидан бир *дирҳамдан* то икки *дирҳамгача* ичилса, балғамли ҳиқичоқни босади. У яхши ҳазм бўлади, иштаҳани оширади ва меъдани кучайтиради; талоқ [касалига] ҳам фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

Эрлик уруғини қуритади ва уни тўхтатади ҳамда шаҳвоний қувватни туширади. [Газагўтнинг] иккала хили ҳам ични қотиради, ичак оғриғини босади; қуланждаги оғриқда уни зайтун ёғига қўшиб ҳуқна қилинади, асал билан аралаштириб орқа тешик яраларига қўйилади; зайтун ёғида қайнатиб гижжаларга қарши ичирилади. [Газагўтнинг] ҳар иккала хили ҳам сийдикни ҳайдаш орқали гавдани чиқиндилардан бўшатади; шунинг учун улар ҳам ични қотиради. Уни дафна дарахтининг барги билан бирга мойк шишларига қўйиб боғланади. (Агар уни янчиб, асалга қориб, хотинларнинг жинсий аъзоси билан орқатешиги ўртасига чапиб қўйилса ёки кўгарилса, «бачадон бўғилишини» келтириб чиқарадиган оғриққа фойда қилади).

Иситмалар.

[Газагўтни] ейиш ва ёғи билан ишқалаш иситма титратишида фойда қилади.

Заҳарлар.

[Газагўт] заҳарларга қаршилиқ кўрсатади. Заҳар ичишдан ва газандалар чақишидан хавфи бор киши унинг уруғидан бир *дирҳамни* барги билан шаробга қўшиб ичади, айниқса, анжир ва ёнғоқни янчиб [газагўт уруғи билан] ҳаммасини аралаштириб ичса [яхши бўлади]. Ёввойисини кўп истеъмол қилинса, ўлдиради.

(Моҳияти.

Маълум).

Бўғинлар.

Бедана гўштини еювчи кишида тиришиш ва тортишиш [касалликларининг] пайдо бўлиш хавфи борлигига сабаб, бедананинг *харбақ* ейишигина эмас, балки унинг моддасида шундай қувват борлигидир. Менинг ўйлашимча, [бедананинг] *харбақ* билан овқатланишига сабаб мизожининг ўхшашлигидир.

Самак — балиқ

Танлаш.

Танаси жиҳатдан балиқнинг энг яхшиси жуда ҳам катта бўлмагандир. Унинг гўшти қаттиқ ҳам, қуруқ ҳам ва ёғлик ҳам бўлмаслиги, гўё уваланадиган бўлиши керак; у шиллиқли ва сассиқ бўлмасдан, яхши мазалик ҳам бўлиши керак, чунки мазаси яхши нарса [кишига] муносибдир. Ёғлик балиқнинг ёғи ҳаддан ташқари кўп ва ғализ бўлмаслиги, шунингдек, кўп ёғлик ва ўткир мазалик бўлмасдан, сувдан олгандан кейин тезда сасимайдиган бўлиши ҳам керак.

Гўшти қаттиқ балиқдан кичикроғини ва гўшти юмшоридан эса бир оз каттароғини танлаш керак. Қаттиқ гўштлик балиқнинг тузлангани янгисига қараганда яхшироқ бўлади.

Балиқнинг жинс [яъни тури]га қараб [танлашга] келсак, энг яхшиси зоғора балиқ бўлиб, ундан кейин *бунний*, илон балиқ ва *шиқ* хиллари туради; *ас-соҳ ул-баҳрий* ҳам ёмон эмас. *Ражз* ва *самм* хиллари эса ғализдирлар. Илон балиқ ва *канаб* эса жуда яхшидир. Хон балиқ ҳам жуда ажойибдир.

[Балиқларни] уларнинг яшайдиган жойларига қараб [танлашга келсак, энг яхшиси] тошлоқ ерларда оқадиган сувдагиси бўлиб, ундан кейин қумлик ерларда [оқадиган] ва ширин, булғанмаган ва тиниқ оқар сувларда бўладигандир. Бундан ташқари, у сув ботқоқлик ва тўқайликдан оқадиган бўлмаслиги керак, шунингдек, [у сув] анҳорлар келиб қуймайдиган ва ўзида булоқлар йўқ кичик кўллардан оқиб чиқаётган бўлмаслиги керак. Денгиз балиғи мақташга сазовор ва латиф бўлиб, унинг энг яхши хили фақат денгиз ва унинг чуқур ерларида яшайдигандир. Очиқ ва устида шамол эсиб турадиган

сувларда яшовчи [балиқлар] бунинг аксича шаронда яшовчилардан яшироқ бўладилар. Кўп тебраниб ва тўлқинланиб турадиган сувда бўладиган балиқ тўхтаб турувчи сувдагидан яшироқ бўлади, чунки балиқ кўп ҳаракат қилишга мажбур бўлади. Денгиз балиғи жуда яхши ва гўшти латиф бўлади, айниқса, тошлик ва қумлик қирғоққа яқинликда яшайдиганлари шундай бўлади. Денгиз чуқурликларида яшайдиган балиқлар ҳам кўп ҳаракат қиладилар. Денгиздан ширии сувлик дарёларга чиқувчи балиқлар сувнинг оқишига қарши юриб, улар ҳам ўз табиатлари билан латиф бўладилар ва ҳаракат қиладилар.

Овқат жиҳатидан [яхшисига келсак], яхши ўтлар ва ўсимликларнинг илдизлари билан овқатланадиган балиқлар тўхтаб қолган сувларга шаҳар [аҳолиси томони]-дан ташланадиган ахлатлар ва ёмон ўсимликларнинг илдизлари билан овқатланадиганларига қараганда яхшидирлар; гарчи балиқлар ўзи аслида яхши бўлсалар ҳам шундай бўлади.

Энг яхшиси балиқни шўрва қилиб қайнатиб ейиш бўлиб, ундан кейинги ўринда товада пиширилгани туради. [Еғ билан] қовурилганини дориворлар билан ейишса, меъдаси кучли кишиларга тўғри келади. Қовурилган [балиқ]нинг озиқлиги кўпроқ ва [меъдадан] тушиши секинроқ бўлади, қайнатилгани эса бунинг аксича. [Балиқ] қайнатишнинг энг яхши усули шуки, суви қайнаб чиққунча қиздириб, сўнг унга балиқни соленлади.

Тузланган балиқнинг яхшиси янғиси ва яқинда тузланганидир, энг яхшиси сирка ва дориворлар билан ўлдирилганидир. Тузланган балиқ, айниқса, унинг *жиррий* хилини қайнатилган сув кучли тозаловчи бўлиб, уни қуритувчи ҳуқналарда ишлатадилар.

Т а б и а т и.

Ҳамма хил балиқ ҳам совуқ ва ҳўл бўлади, лекин баъзи балиқлар бошқа бир балиқнинг мизожига нисбатан қиздирувчанроқ ҳам бўладилар; масалан, наҳанг балиқ, *жиррий* ва илон балиқ шундай. Тузланган балиқ эса иссиқ ва қуруқ бўлади ва улар эскиган сари бу иккала хусусияти орта боради. Тузланган балиқнинг суви ўз хусусиятида *муррий*га ўхшайди.

Т а ъ с и р ва х о с с а л а р и.

Янги балиқ сувли шиллиқни туғдиради, асабларни бўшаштиради ва [мизожи] жуда иссиқ бўлган меъдалардан бошқасига тўғри келмайди; улардан [туғилган] қон эса суюққа мойил бўлади. Иерусалим атрофида *си-*

Фийос номи билан машҳур бўлган балиқ терисининг кулини уй ҳайвонларининг кўзига сепилса, уларнинг оқини кетказади. Ҳамма хил балиқнинг, айниқса, *жиррий* хилининг тузлангани ўқ учларини улар санчилган ердан чиқаради.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р .

Саморус [балиғининг] куйдирилган боши яралардаги ортиқча этларни йўқотади ва уларнинг ўсишига тўсқинлик қилади; у, сўгаллар ва тутсимон ўсмаларни қўпоради. Тузланган балиқнинг суви чириган яраларга фойда қилади ва уларни ювади. *Саҳют* ва майда балиқлар чириган яраларни даволаш учун яхшидирлар. **Б ў ғ и н л а р .**

Тузланган балиқнинг шўрваси билан бир неча марта ҳуқна қилинса, ёнбош оғриғида жуда фойда қилади; янгиси эса асабларни бўшаштиради.

Б о ш а ъ з о л а р и .

Оғзи ёмон сифатли чақа билан оғриган киши шомлилар *сир* деб атайдиган майда балиқдан тайёрланган *муррий* билан оғзини чайқаса, фойда қилади. *Раъод* балиғининг тиригини боши оғриётган кишининг бошига яқинлатилса, у киши бош оғриғини сезмай қолади.

К ў з а ъ з о л а р и .

Сифёнун балиғининг терисини кўз қовоғининг қўтирига [трахомага] ишқаланса, фойда қилади. Жасадининг куйдирилгани ҳам кўз дориларига қўшилади ва уни туз билан қўшиб кўзга тортилса, нохинани кетказди. Уни янгилигича ейилса, кўзда парда пайдо қилади, бу балиқнинг ҳамма бўлаги ҳам шундай.

Н а ф а с а ъ з о л а р и .

Жиррий балиғининг янгиси ўпка найини тозалаб, овозни тиниқ қилади, унинг тузлангани ҳам шундай. Тузлаб қуритилган майда балиқнинг боши шишган тилчага фойда қилади. Балиқ елимини аталага солинса, қон туфлашни тўхтатади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и .

Сифёнун балиғининг меъдаси қийин ҳазм бўлиши билан ични юмшатади, *жиррий*нинг гўшти ҳам (янгилигида ейилса), ични юмшатади. Балиқ шўрванинг ҳамма хили ҳам ични юмшатади. Тузлаб офтобда қотирилган майда балиқнинг боши орқа тешик ёрилишига қарши яхши даводир. Айниқса, наҳанг балиқ ва шунингдек, *сукк*, илон балиқ, *қарасин* ва *жиррий* балиқларининг ҳаммаси шаҳвоний қувватни орттиради. Янги балиқнинг ҳаммаси ҳам иссиқлигида ейилади. Ичагида яраси бор

киши касаллиги бошланаётган вақтда (тузланган *жар-род* балиғи тузининг сувида ўтирса, [фойда қилади]).
Заҳарлар.

Тузланган *саморус* балиғининг бошини куйдириб, қутурган ит тишлаган ва чаён чаққан ерга қўйилса, фойда қилади. Бошқа ҳамма балиқлар (ва уларнинг шўрваси) ҳам шундай. Ҳамма хил балиқнинг шўрваси заҳар ичиш ва чақиш орқали заҳарланишда фойда қилади.

Уҳутолус деб аталадиган балиқнинг шўрвасини ичиб, устидан бирнеча марта кетма-кет қусилса, шохли илон чаққанга ва қутурган ит тишлаганга (ва газандалар чаққанига) қарши фойда қилади.

(*Бунний* деб аталадиган балиқнинг гўштини тузлаб истеъмол қилинса, афъо илони чаққанида фойда қилади; қўйиб боғланса, қутурган ит қопганда фойда қилади).

Сафаржал — беҳи, ҳайва

Моҳияти.

(Маълум). Шох ва баргларининг кулини ювилса, тўтиёга ўхшаб қолади, қайнатиб қуюлтирилган [беҳи] шираси ўзидаги буруштириш билан тозалайди, олманики эса ўзида совуқ сувлик рутубат борлигидан ачилади.

Танлаш.

Чўққа кўмилган беҳи енгилроқ ва фойдалироқ бўлади. Уни шундай қилиб пиширилади: ичини ковлаб уруғини чиқариб ташланади ва ичига асал солиб, устини лойлаб қўрга кўмилади.

Табиати.

Биринчи даражанинг [охирيدا] совуқ ва иккинчи даражанинг аввалида қуруқ.

Хоссалари.

Буруштирувчи ва қувватли қилувчидир. Гули ҳам буруштирувчи, ёғи ҳам шундай. Ширинининг буруштириши камроқ бўлади. Уруғи эса буруштирмасдан юмшатади. У чиқиндиларнинг ички аъзоларга оқишига тўсқинлик қилади.

Зийнати.

Беҳи терни тўхтатади. Унинг ёғи совуқдан ёрилганда фойда қилади.

Шиш ватошмалар.

Ёғи учуққа (жуда) фойда қилади

Жароҳат ва яралар.

Ёғи кал яраларида ишлатилади.

Бўғинлар.

Беҳини кўп ейиш асаб оғриқларини келтириб чиқаради.

Кўз аъзолари.

Кўрга кўмиб пиширилганини кўздаги иссиқ шишларга қўйилади.

Нафас аъзолари.

Сиқиб олинган суви «тикка нафас олиш» ва астмада фойдалидир, у қон туфлашни ҳам тўхтатади. Уруғи эса томоқ қирилишида фойда қилади ва ўпка найини юмшатади, шиллиғи ҳам [ўпка] найи қуруқлигини намлайди.

Озиқлантириш аъзолари.

Қусиш ва хуморга қарши фойда қилади, чанқовни босади, чиқиндиларни қабул қиладиган меъдани кучайтиради. Беҳидан тайёрланган ичимликни, унинг ивтилкини ва қайнатмасини шаробдан кейин истеъмол қилинса, хуморнинг олдини олади. Жуда ҳам камайган иштаҳани кучайтириш учун беҳидан шароб тайёрланади. Беҳи шарбати меъдани кучайтиради ва балғам қусишни тўхтатади.

Чиқариш аъзолари.

[Сийдик ва ҳайз қонини] юриштирувчидир, айтишларича, бу беҳининг қўшимча таъсири бўлиб, унинг ични қотиришига тобе бўлиб келади. Асал билан пиширилгани кучлироқ юриштиради, лекин баъзан ични суриб ҳам юборади ва қотирмайди. Қуланжни ва ичак оғриқларини келтириб чиқаради, дизентерияга фойда қилади, ҳайз қонининг кўп кетишини тўхтатади. Агар унинг сиқиб олинган сувини ёки ёғини сийдик йўлига томизилса, сийдикнинг ачиштириб, тушишида фойда қилади. Ёғи буйрак ва қовуққа ҳам фойда қилади. Агар беҳини овқатдан кейин ейилса, ични суради, кўпроқ ейилса, овқатни ҳазм бўлишидан олдиноқ чиқариб юборади. Унинг қайнатмасини кўтан ва бачадон тушишига қарши ҳуқна қилинади.

'АЙН ('А) ҲАРФИ

Инаб ус-саълаб — итузум

Танлаш.

Ишлатиладигани яшил баргли ва сариқ мевалигидир. (Юқорида айтилганидек), унинг беш хили бор.

Т а б и а т и.

Биринчи даражада совуқ, иккинчи даражада қуруқ. Қарахт қилувчи, совуқ ва иккинчи даражада қуруқдир. Таъсир ва хоссалари.

Экиладигани совутувчи ва буруштирувчидир. Унинг қарахт қилувчи ва ухлатувчи жинси ҳам бўлиб, сифатлари афюнникига ўхшайди; лекин ундан кучсизроқ. Унинг ўлдирувчи жинси ҳам бор.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Ички ва ташқи иссиқ шишларнинг ҳаммасига ҳам қўйиб боғлаш учун яхши. Ички иссиқ шишларга қарши унинг сувини ичилади. Унинг сувини қўрғошин упаси ва гул ёғи билан аралаштириб сарамас ва учуққа қўйиб боғланади. Илдизининг пўстлоғи кучли қуритувчидир. (Баргини ҳам гентиана билан бирга сарамас ва учуққа қўйилса, фойда қилади).

Б о ш а ъ з о л а р и.

Қарахт қиладиган хилидан ўн икки *ҳаббадан* (ортиқ) ичилса, жинниликни келтириб чиқаради. Суви билан ғарғара қилинса, тилдаги шишларга фойда қилади. Агар илдизининг пўстлоғидан бир *мисқол* оғирлигидагини шароб билан ичилса, ухлатади. Итузумни жуда майда янчиб боғланса, бош оғриғини тузатади, қулоқ остидаги ва мия пардаларидаги шишларни тарқатади; томизилса, қулоқ оғриғига фойда қилади. (Учинчи [тур, итузум] илдизининг пўстлоғини шароб билан қайнатиб, қайнатмасини суртилса, тиш оғриғига фойда қилади. Тўртинчи туридан бир мисқолини шароб билан ичилса, ичувчи кишида қўрқинчли бўлмаган хаёллар пайдо бўлади ва у одам енгил, ўзига таниш тушлар кўради).

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўзнинг бурун бурчагидаги ёрилган чиқиқни тузатади. Ҳамма турларнинг, ҳатто ухлатувчисининг ҳам ширасини кўзга сурма қилиб қўйилса, кўриш қуввати кучаяди. (Кўздаги оғриқлар учун тайёрланадиган дори-ларга уни қўшадилар, шунда у сув ва тухум оқининг ўрнини босади).

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Унинг бир ўзини боғланса, меъда ва буйрак яллиғланишида фойда қилади).

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Қарахт қилувчи турнинг уруғи сийдикни ҳайдайди, буйрак ва қовуқни тозалайди. Ҳамма турлари ҳам кўтарилса, ҳайз қонини тўхтатади. У совутувчи ва ихтиломни қайтарувчидир.

Заҳарлар.

Итузумнинг пақ-пақ хили, экиладиган ва юқорида айтилган карахт қилувчи хилларидан бошқа бир тури борки, ундан тўрт мисқол ейилса, ўлдиради. Булардан бошқаси жинниликни келтириб чиқаради ва унда, қўйиб боғлашдагидан ташқари итузумнинг бошқа турларидан олинадиган фойданинг биронтаси ҳам йўқ.

Унноб — чилонжийда

Моҳияти.

Маълум дарахтнинг меваси; унинг кўпи Журжонда бўлиб, бошқа шаҳардагилари Журжондагисидан майдароқ бўлади).

Танлаш.

Яхшиси энг йирик (чиройли ва ранги қизилдир).

Табиати.

Биринчи даражада совуқ бўлиб, ҳўллик ва қуруқликда мўътадилдир, лекин бир оз ҳўлликка мойил.

Хоссалари.

(Жолинус айтади: «Мен соғлиқни сақлаш учун ва йўқотилган соғлиқни қайтариш учун уни [ишлатиб] ҳеч бир манфаат кўрмадим»). Бошқа [бир] киши: «У, иссиқ ва ўткир қонга фойда қилади», дейди. Уйлашимча, бу унинг қонни қуюлтиришидан ва ёпишқоқ қилишидан бўлса керак. У, қонни тозалайди ва ювади, деган фикрга мен қўшилмайман. Унинг озиқлиги кам ва ҳазм бўлиши қийиндир. У ҳақдаги гапнинг яхшиси, фозил ҳаким Жолинуснинг қўйида айтганларидир: «Ундан соғлиқда ҳам, касалланганда ҳам бирон [фойдали] таъсир кўрмадим; лекин мен унинг қийин ҳазм бўлувчи ва кам озиқли эканлигини кўрдим».

Кўкрак аъзолари.

Кўкрак ва ўпкага фойдаси бор.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъда учун ёмон ва ҳазми оғир.

Чиқариш аъзолари.

Бир гуруҳ кишиларнинг айтишича, у буйрак ва қовуқ оғриғига фойда қилади.

ФО (Ф) ҲАРФИ

Фулфул — мурч

Моҳияти.

Жолинуснинг айтишича, [мурчининг] олдин кўринган меваси узун мурч [дор-филфил] бўлади, ундан кейин мурч допаси ажралиб чиқади. Шунинг учун узун мурч

ҳўлроқ бўлади ва уни енилганда олдинги мазаси оёқини-
гандан бир оз ўтгач, ачитади. Унинг илдизи қустга
ўхшайди. Қора [мурчнинг] ўткирлиги кучли. Оқ [мурч-
нинг] ҳарорат ва намлиги кучсизроқ. Аммо бир гуруҳ
[табиблар]нинг айтишларича, қора [мурч] қуриб, унинг
тортиш қуввати пасайиб кетади; оқда эса бу қувват
қолади, чунки у қаттиқ қуримайди.

Т а б и а т и.

Тўртинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Т а ъ с и р ва хоссалари.

Мурчда тортиш, шимдириш ва тозалаш [қуввати
бор]. Майиз билан қўшиб чайналса, ёпишқоқ балғамни
кўчиради ва бутунлай йўқотади. У оғриқларни босувчи
ва асабни қиздирувчидир. [Мурч] соғлом кишиларга-
гина тўғри келади.

З и й н а т.

Натрун билан ишлатилса, [бадандаги] доғни тоза-
лайди; шунингдек, *натрун* билан қўшилса, оздиради.

Ш и ш ва тошмалар.

Зифт билан аралаштириб қулғунага қўйилса, уни
шимдириб юборади.

Б ў г и н л а р.

Мушқк ва асабларни шундай қиздирадики, бу ишда
ҳеч нарса унга тўғри келмайди.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Сирка билан бирга ишлатилса, тишга фойда қилади.
К ў з а ъ з о л а р и.

Оқ [мурч] кўзга суртиладиган дориларнинг тарки-
бига киради, унда тозалаш [хусусияти] бор.

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Агар яланадиган дориларга қўшиб истеъмол қилинса,
йўталга ва кўкрак оғриқларига фойда қилади. Агар
асал билан қўшиб танглайга суртилса, томоқ оғриғига
фойда қилади ва ўпкани тозалайди.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

[Мурч] овқатни ҳазм қилувчи ва иштаҳани очувчи-
дир. Дафна дарахтининг янги барги билан ичилса, қо-
рин дамланишига ва ичак оғриқларига фойда қилади.
Уни сирка билан қўшиб ичилса ва суртилса, талоқ шиш-
лари учун яхши. Оқ [мурч] меъда учун кўпроқ мос
келади ва [уни] кўпроқ кучайтиради. Узун мурч эса
овқатни осонлик билан [ичаклардан] ўтказди.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Сийдикни ҳайдайди, болани туширади, жинсий ало-
қадан кейин, ўзидаги кўп қувват билан, уруғни бузади.

ични суради. У эрлик уругини кучли қуритиб бузади. Аммо узун мурч ва оқ мурч ўзларидаги ортиқча ҳўллик сабабли шаҳвоний қувватни оширади. Агар дафна дарахтининг янги барги билан бирга ичилса, ичак оғриқларига фойда қилади.

И с и т м а л а р.

Ёғ билан қўшиб суртилса, эт увушишида фойда қилади.

З а ҳ а р л а р.

Оқ [мурч] тарёкларнинг таркибига киради. Узун мурч ҳам газандалар чаққанида фойда қилади; ёғ билан суртилса ҳам шундай.

Фужл — турп

М о ҳ и я т и.

Турпдаги энг кучли нарса уруги, сўнгра пўсти, ундан кейин барги ва ниҳоят этидир. Ёғи қувват жиҳатидан канақунжут ёғидек, лекин ундан иссиқроқ бўлади. Ёввойиси бутун сифатларда бунга ўхшайди, лекин бундан кучлироқ.

Т а н л а ш.

Унинг энг кучли нарсаси уруги. Пиширилганининг озиқлиги кўпроқ.

Т а б и а т и.

Биринчи даражада иссиқ ва ҳўл. Уруги эса учинчи даражада иссиқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Ел пайдо қилади, лекин уруги уни тарқатади. Унда, хуеусан уругида, кучли равишда латифлаштириш хусусияти бор. Ёввойиси яллиғлантирувчидир. Қайнатилганининг озиқлиги кўпроқ, чунки, бу ҳолда у дорилик [хусусиятидан] ажраган бўлади. [Турпнинг] берадиган озиғи шиллиқли ва шунинг билан бирга кам. Унда тезда сасийдиган модда ҳам бор. Унда зарарли [хусусият] борлиги шу сабабдандир. Баҳорда унинг баргини пишириб зайтун ёғи ва *муррий* билан ейилса, илдиздан кўра кўпроқ озиқлантиради.

З и й н а т.

Агар турпни мастак уни билан аралаштириб [ишла-тилса], «тулки касаллиги»да мўйни чиқаради, агар асал билан аралаштириб қўйилса, кўз остидаги қон-лаш изларини кетказди. Уруги эса аъзоларда пайдо бўлган қизғин қонталашга ва бошқа ёт рангларга, зар-

оанин пазларни ва сикани фойда қилади. Билан билан қўшиб суртилса, хусусан ҳаммомда, оқ доғни кетказади. У баданда битни кўпайтиради.

Ш и ш в а т о ш м а л а р .

Мастак уни билан сутли тошмаларга қўйилса, уларни тозалайди.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р .

Агар уни асал билан қўйиб боғланса, ёмон яраларни ва сутли яраларни қўпоради; уруғи сирка билан қўшиб ишлатилса, гангреноз ярани бутунлай қўпориб ташлайди. Шунингдек, уни темираткига ҳам қўйилади.

Б ў ғ и н л а р .

Уруғи бўғинлардаги лўқиллашни қайтаради, бўғин оғриқларига ҳам жуда яхши [таъсир қилади].

Б о ш а ʼ з о л а р и .

Бош, тиш ва танглай учун зарарли. Сиқиб олинган суви ва ёғи қулоқдаги ел [бод]га жуда фойда қилади.

К ў з а ʼ з о л а р и .

Кўзга зарар қилади, лекин унинг сувини томизилса, кўзни тозалайди. Қовоқ остидаги [кўк] изни кетказади. Ибн Мосавайҳнинг айтишича, турпнинг барги кўришни ўткир қилади.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ʼ з о л а р и .

Унинг қайнатилгани эски йўталга ва кўкракда туғилган қуюқ каймулга фойда қилади. У ўлдирувчи қўзиқорин келтириб чиқарган бўғилишда ҳам фойда қилади. Агар уни *сиканжубин*да қайнатиб, кейин ғарғара қилинса, томоқ оғриққа фойда қилади, лекин шунда у ҳалқумга зарар ҳам қилади. [Турп] сутни кўпайтиради.

О з и қ л а н т и р и ш а ʼ з о л а р и .

Меъда учун ёмон, кекиртиради. Овқатдан кейин [ейилса], ични юмшатади ва овқатни ўтказади. Овқатдан олдин [ейилса] овқатни юқорига суздариб кўтаради ва уни ўрнашгани қўймайди, шунинг учун, қусишни осонлаштиради; айниқса, пўстини сиканжубин билан бирга истеъмол қилинса шундай бўлади. Уни қўйиб боғланса плевра ва талоқ [касалликларига] мувофиқ келади. Сирка билан аралаштирилган уруғи қаттиқ қустиради ва талоқдаги шишларни шимилтиради. Ибн Мосавайҳнинг айтишича, уни овқатлардан кейин ейилса ҳазм қилдиради. [Турпнинг] барги ва баргининг суви жигардаги тиқилмаларни очади ва сариқ [касаллигини] йўқотади. Баъзи [табибларнинг] айтишича, унинг барги ҳазм қилдиради, эти кўнгилни айнатади. Уруғи эса қориндаги елни тарқатади, овқатнинг чиққишни осонлаш-

тиради, иштаҳани оширади ва жигар огригини кетказди. Суви эса истисқо учун яхши.

З а ҳ а р л а р.

Афъо илони чаққанга фойда қилади. Шароб билан бирга истеъмол қилинса, шохли илон чаққанга ҳам фойда қилади. Уруғи заҳар ва газандаларнинг [чақишига қарши] ишлатилади. Агар [турпини] янчиб чаённинг устига қўйилса, уни ўлдирди. Унинг сувини сишаб кўрилганда бу жиҳатдан янада кучлироқ бўлиб чиқади. Турп еган кишини чаён чақса, зарар қилмайди.

Фастуқ — писта

(М о ҳ и я т и.

Баъзи бир мамлакатларда бўладиган машҳур бир дарахт).

Т а б и а т и.

Айтишларича, пистанинг иссиқлиги ёнғоқникига қараганда ҳам кучлироқ. Иссиқлиги иккинчи даражанинг охирида бўлиб, унда ҳўллик ҳам бор. Баъзилар уни совуқлик деб ўйлайдилар, лекин хато қилдилар.

Т а ʼ с и р в а х о с с а л а р и.

Ўзидаги аччиқлик ва хушбўйлик билан жигардаги тиқилмаларни очади. Унда мози мазалик бор. Озиқлиги жуذا оз.

О з и қ л а н т и р и ш а ʼ з о л а р и.

Меъда учун яхши; айниқса, санавбар бужурига ўхшаган Шомда ўсадиган хили ўзидаги аччиқли ва мози мазали туфайли шундай хоссага эгадир. У ўзининг аччиқлиги ва хушбўйлиги билан жигардаги тиқилмаларни очади ва уни тозалайди. Овқат юрадиган йўлларни ҳам очади. Ёғи қуюқ ҳўлликдан пайдо бўладиган жигар огришига фойда қилади. Кимдир бир киши, «мен уни меъдага бирорта катта зарар ёки фойда келтирганини кўрмадим» деди. Мен айтаманки, у кўнгил айнашнини ва қусишни қайтаради ва [меъда] оғзини кучайтиради.

Ч и қ а р и ш а ʼ з о л а р и.

Ични юмшатмайди ҳам ва қотирмайди ҳам.

З а ҳ а р л а р.

Газандаларнинг чаққанига фойда қилади, айниқса, кучли шаробда қайнатилса [яхши таъсир қилади].

Фуққо — Бўза

(Моҳияти.

Маълум).

Таълаш.

Унинг кўпроқ мувофиқ келадигани оқ нондан, ялпиздан ва петрушкадан олинганидир. Чунки пиширилган нондан олингани оширмаган хамирнинг нонидан олинганига ўхшамайди.

Таъсир ва хоссалари.

Ел пайдо қилади, ёмон хилларни туғдиради; озиқлиги ёмон. Унинг ҳайвон аъзоларига зарарлилиги шу даражадаки, агар унда фил суягини ивтилса, уни юмшатиб юборади ва уни ишлаш осонлашади. Оширилмаган хамир нони, петрушка ва ялпиздан олингани яхши каймуе беради ва иссиқ мизожларга мувофиқ келди.

Бўғинлар.

Асабга жуда зарар қилади.

Бош аъзолари.

Мия пардаларига зарар қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Унинг оширилмаган хамир нонидан олингани иссиқ мизожли меъдага яхши.

Чиқариш аъзолари.

Арпадан қилинган бўза сийдикни ҳайдайди, буйрак ва қовуққа зарар қилади.

СОД (С) ҲАРФИ

Сабир — сабир, алой

Моҳияти.

Сариқ билан қизил ўртасидаги рангга эга ва қотган ўсимлик суви бўлиб, унинг *усқутарий*, *арабий* ва *саманжоний* деган хиллари бор. Бир гуруҳ кишилар унинг ўсимлигини қора андиз ўсимлигига ўхшаш дейдилар, лекин бундай эмас.

Таълаш.

Унинг яхшиси *усқутарий* бўлиб, суви заъфарон сувига, ҳиди эса *мурр* [ҳидига] ўхшайди; ўзи ялтироқ, уваланадиган ва тошлардан тоза бўлади. Арабийсининг сариқлиги, оғирлиги ва ялтироқлиги олдингисиникидан кам, лекин унга қараганда ёпишқоқроқ ва қаттиқроқдир. *Шамхоний* турининг ҳиди сассиқ, сариқлиги кам ва ялтироқлиги йўқ. Сабир эскиса, қораяди.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражага яқин иссиқ ва қуруқ. Баъзилар учинчи даражада иссиқ ва қуруқ дейдилар, лекин бундай эмас.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Сабирнинг қуввати буруштирувчи ва қуритувчи [дейдилар]. Лекин бундай эмас. Баданга иссиқлик тоширади, ухлатади. Ҳинд [сабири] кўп фойдали ва ачиштирмасдан қуритувчи бўлиб, бир оз буруштирувчанлиги ҳам бор. Ачиштириши камлигидан ёмон сифатли жароҳатларни ҳам ачиштирмайди.

З и й н а т.

Асал билан қўшиб урилишдан қолган изларга [қўйилади]. Яраланадиган милкакни битиради. Шароб билан қўшиб тўкилаётган сочга қўйилса унинг тўкилишини тўхтатади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Шароб ёки асал билан ишлатилса, орқа тешик ва эркаклар олатининг шишларига, тилнинг икки томонига жойлашган мушак шишларига фойда қилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Битиши қийин бўлган яраларга, хусусан орқа тешик, эрлик олати, бурун ва оғиздаги [яраларга] ҳамда оқма яраларга фойда қилади.

Б ў г и н л а р.

Бўгин оғриқларига фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Бошни сафровий чиқиндилардан тозалайди. Агар гул ёғи билан қўшиб, пешона билан чаккага суртилса, бош оғригини қайтаради ва уни тузатади. Бурун ва оғиз яраларига фойда қилади. Қадимги табобатда [сабир] қулоқнинг эзилганига, тилнинг икки чеккасида жойлашган мушаклардаги шишларга қарши асал ва шароб билан суртиладиган фойдали дорилардан ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам сабир савдони суриб, меланхолияда фойда қилади. Форс сабири ақлни ва дилни ўткирлаштиради.

К ў з а ъ з о л а р и.

Кўз яраларига, қўтирига, сгриқларига ва кўз ички бурчагининг кўйиб ачишишига фойда қилади, ҳамда унинг рутубатларини қурилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Сабирдан икки қошиқни совуқ ёки илиқ сув билан ичилса, меъдани шиллиқли ва сафровий чиқиндилардан тозалайди, ёлғон ва бузилган иштаҳани қайтаради; меъдадаги сафро ҳарорати туфайли тилчада бўладиган

куйиш ва алангаланишни босади. Ундан ўн ҳаббани эрталаб ва кечқурун уни тузатадиган нарсалар билан аралаштириб ичилади, шунда ични суради, лекин овқатни бузмайди. Баъзан у меъда оғриғини бир кундаёқ тузатади; жигардаги тикилмаларни очади. (Лекин жигарнинг ўзига зарар қилади). Сурги [бўлиши сабабли] сариқ касалини тузатади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Бир ярим *драхмийсини* иссиқ сув билан ичилса, ични суради, уч *драхмийси* яхшилаб тозалайди. Мўътадилли — асал суви билан ичилган икки *драхмийси* бўлиб, бунда у шиллиқ билан сафрони суради. Агар [сабир] сурги дориларнинг таркибига кирса, уларнинг меъдага кўрсатадиган зарарини қайтаради; чунки унинг ўзи меъдага жуда мос келадиган сургидир. Унинг ювилгани кучсизроқ суради, лекин бу меъда учун фойдалироқ бўлади. Асал билан араланса қуввати шу даражагача тушалики, [моддаларни] тартиб сура олмайди ва фақат ўзига йўлиққан нарсаларнинггина чиқаради. [Сабирнинг] якка ўзи ҳам гавданинг узоқ ерларига бормайди, ҳатто жигардан нарига ўтмайди. Арабийсини ичилса, беҳузур қилади, (ични оғритади), сўнгра суради; унинг қуввати меъданинг ички қатламларида бир-икки кунгача сақланиб қолади. Сабирни совуқ кунларда ичириш хавфлидир, чунки сабирнинг қай хили бўлса ҳам қон суриб юборади. Уни ширин шаробга қўшиб осилиб чиққан бавосирга ва кўтан ёрилишига қўйилса, оқаётган қонни тўхтатади. Шароб ва асал билан суртилса, орқатешик ва эрлик олатидаги шишларни тузатади.

З а ҳ а р л а р.

Совуқ кунлари ичиш хавфли, чунки қон суриб юборади.

У р н и г а ў т у в ч и л а р и.

Унинг ўрнига ўтувчиси ўз миқдорича олинган ликий ширасидир.

ҚОФ (Қ) ҲАРФИ

Қаранфул — қалампирмунчоқ

М о ҳ и я т и.

(Хитой томонда ўсадиган бир ўсимлик бўлиб, қалампирмунчоқ шу ўсимликнинг мевасидир). У ясинга ўхшайди, лекин қора бўлади. Эркаги зайтун данагига ўхшаш, узунроқ ва тўқ қора бўлади. [Қалампирмунчоқ]

Ҳинд оролида ўсадиган бир ўсимликнинг меваси. Елимининг қуввати сақич дарахти елимининг кучидек бўлади.

Т а н л а ш.

Унинг энг яхшиси қуруқ, зайтуни данагига ўхшаган, чучук мазали ва ўткир ҳидлисидир.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада пессик ва қуруқ.

З и й н а т.

Оғиз ҳидини ёқимли қилади.

К ў з а ʼ з о л а р и.

Кўзни ўткирлаштиради; кўзга тушган пардаларга фойда қилади; (ейилса ҳам, суртилса ҳам шундай).

О з и қ л а н т и р и ш а ʼ з о л а р и.

Меъда ва жигарни кучайтиради, қусиш ва қўшил айнаганга фойда қилади.

Қиқинун — канакунжут ёғи

(**М о ҳ и я т и.**

Айтишларича, бу канакунжут ёғидир.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Қўтирга ва бошда бўладиган яраларга мос келади.

Ч и қ а р и ш а ʼ з о л а р и.

Бачадон юмилиб қолишида ва орқа тешикдаги пессик шишларда, агар суртилса ҳам фойда қилади. Агар уни ичилса, ични суради ва қориндаги қуртни чиқаради; у жуда яхши дори ҳисобланади).

Қутн — пахта, гўза

(**М о ҳ и я т и.**

Маълум).

Х о с с а л а р и.

Чигити қиздирувчи ва юмшатувчи.

Н а ф а с а ʼ з о л а р и.

Чигит кўкракка жуда яхши; йўталга фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ʼ з о л а р и.

Чигити ични юмшатади. Баргининг шираси болалардаги ичкетарга фойда қилади.

Қаръ — қовоқ

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада совуқ ва ҳўл.

Хоссалари.

Қовоқнинг пиширилгани енгил овқат бўлиб, [ичак орқали] тезда ўтиб кетади. Агар бирор сабаб билан ҳазм бўлишдан илгари бузилмаса, ундан ёмон хилт туғилмайди. Ёмон хилтлар билан аралашганлиги туфайли меъдада бузилади. Унинг [меъдада] тўхтаб қолиши бошқа мевалар кабидир. Ундан туғилган хилт мазасиз бўлади, аммо унга бирор нарсадан кўпроқ аралашса, маза киради. Агар у беҳи билан аралаштирилса, [туғдирган] хилти сафроли кишилар учун яхшидир; аюр ва ғўра сувлари билан аралаштирилганда ҳам шундай. Аммо йўғон ичакка унинг зарари икки ҳисса бўлади. Унинг хоссаларидан яна бири ўзига аралаштирилган нарсага ҳамжине бўлган озақ пайдо қилишидир: агар уни хардал билан қўшиб ейилса, ундан ўткир хилт, туз билан ейилганда (шўр хилт ва буруштирувчи нарса билан ейилганда) буруштирувчи хилт туғилади. Қисқаси шуки, қовоқ савдоли ва балғамли кишилар учун зарарли ва сафроли кишилар учун эса яхшидир. Унинг мураббоси дори сифатида ишлатилмайди ва ҳеч бир совута-диган ва қиздирадиган таъсир кўрсатмайди, аммо у кўпинча лаззат учун ишлатилади.

Нафас аъзолари.

Пиширилган қовоқ иссиқ йўтал ва кўкрак огриқларида фойдалидир.

Бош аъзолари.

Унинг шираси, айлиқса, қизил гул ёғи билан қўшиб [ишлатилганда] иссиқ қулоқ огриғини босади ва миёшишларида, сарамасга ва томоқ огриқларида фойда қилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Қовоқнинг қайнатилгани меъдадаги иссиқ чиқиндилар учун фойдали бўлиб, уларни туширади. Қовоқ ичига солиб қўйиб кейин ишлатилган шароб ҳам шундай. (Қаттиқ) тиш огриғига қарши қовоқдан олинган ширани бурунга тортилади. [Қовоқ] меъдада кўп ҳўллик туғдириб, чанқовни босади. Хом қовоқ меъда учун, ҳатто болалар ва ўсмирлар меъдаси учун ҳам зарарлидир. Меъдада қовоқдан пайдо бўлган зарарга қуснидан бошқа даво йўқ. Унинг йўғон ичакка етказадиган зарари жуда каттадир.

Чиқариш аъзолари.

Агар қовоқ сувини асал билан қайнатиб, патрун солиб [ишлатилса], ични юмшатади. Уни қўрга кўмиб, бутунлигича пишириб, сўнгра сувини шакар билан қў-

шиб ичилганда ҳам шундай [таъсир кўрсатади]. Қовоқ ичакларга ва хусусан йўғон ичакка қаттиқ зарарлидир.
И с и т м а л а р.

Сафродан бўлган иситмаларга фойда қилади.

Қунфуз — типратикан

М о ҳ и я т и.

Чўл типратикани машҳурдир. Тоғ типратикани камон ўқиға ўхшаш тиканли ва ўз табиати билан чўл типратиканига яқин бўлиб, у жайра деб аталади. Денгиз типратикани эса чиғаноқли балиқларнинг бир туридир.

Т а ъ с и р ва хоссалари.

Унинг ёғи, шунингдек, қуритилган жигари моддаларнинг ички аъзоларига қуйилишини тўхтатади. Чўл ва денгиз типратиканларининг кулида тозалаш, шимдириш ва қуритиш хусусиятлари бор.

З и й н а т.

Чўл типратиканининг тузлангани филлик касалига фойда қилади; чўл типратиканининг гўштида шимдириш ва қуритиш хусусиятлари кучли бўлганидан мохов касалида фойда қилади. *Зифт* билан аралаштириб [ишлатилса], чўл типратиканининг куйдирилган териси «тулки касаллиги»га фойда қилади.

Ш и ш ва тошмалар.

Денгиз типратиканининг териси қўтирда [ишлатилган] дориларга қўшилади ва у фойдалидир; унинг гўшти эса қулғунага жуда фойдали бўлади.

Ж а р о ҳ а т ва яралар.

Типратикан терисининг кули чиркли яраларга фойдали ҳамда ортиқча гўштни йўқотади. Унинг гўшти қулғуна ва қаттиқ тугунлар учун ҳам фойдалидир.

Б ў ғ и н л а р.

Чўл типратиканининг тузланган гўшти фалаж, тиришиш ва барча асаб касалликларида, шунингдек, филлик касалида фойда қилади.

Н а ф а с аъзолари.

Чўл типратиканининг гўшти сил касалида фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш аъзолари.

Чўл типратиканининг гўшти мизож бузилишига фойда қилади ва унинг тузланганининг *сиканжубин* билан қўшилгани, шунингдек, сопо идишига солиб офтобда қуритилган жигари, истисқо касали учун яхшидир.

Ч и қ а р и ш а ʼ з о л а р и.

Денгиз типратикани меъда учун яхши; у ичн и юмша-тади ва сийдикни ҳайдайди. Чўл типратиканининг туз-лангани *сиканжубин* билан бирга бош оғриғига ва буй-рак оғриқларига фойда қилади. Чўл типратиканининг гўшти кечаси сийиб чиқадиган болалар учун [шу қадар] фойдалики, уни кўп ейилганда, баъзан ҳатто сийинши қийинлаштиради ҳам.

И с и т м а л а р.

Чўл типратиканининг гўшти чўзма иситмаларда фой-да қилади.

З а ҳ а р л а р.

Типратиканининг гўшти газандалар чаққанида фойда қилади.

РО (Р) ҲАРФИ

Риванд — ровоч илдизи

М о ҳ и я т и.

(Бир гуруҳ кишиларнинг ўйлашича, бу Хитойда [ўсадиган] *бахмани*нинг илдизи бўлиб, уни бошқа мам-лакатларга Хитойдан келтирадилар). Баъзан уни [қуйидагича] сохталаштирадилар: уни қайпатиб, тарки-бидаги сувли [моддани] ва ширасини олиб қуритадилар, сўнгра [қолган] моддасини қуритиб, гўё [ҳақиқий] ро-воч илдизидек сотадилар. Аммо бу ҳолда у тигиз ва буруштирувчанлиги кучли бўлади. Сохталаштирилмаган ровоч илдизининг эса ғоваклиги кучлироқ ва бурушти-рувчанлиги камроқ бўлади; чайналганда заъфарон ма-засини беради.

Х о с с а л а р и.

Ровоч ўсимлигининг моддаси сув ва ҳаво [моддала-рининг] аралашмасидан иборатдир ва унда олов [мод-даси]нинг таъсири туфайли аччиқлашган ер [моддаси] ҳам бор. Шунингдек, унинг ғоваклиги ва буруштирув-чанлиги унда ер [моддаси]нинг борлигидандир; буруш-тирувчанлиги ҳам ерлик [моддаси] туфайли бўлиб, бу ҳатто шу [хусусиятни] кучайтиради. Унинг таъсири [ўзида] ер моддаси хусусиятининг борлиги билан ту-галланган бўлади. Тоза ровочнинг буруштирувчанлиги камроқ бўлади.

З и й н а т.

Ровоч илдизини сиркага қўшиб суртилса ва у билан сурғи қилинса, сепкил ва теридаги [ярадан] қолган изларга фойда қилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р .

Уни баъзи суюқликлар билан қўшиб иссиқ шишларга қўйиб боғлайдилар.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р .

Сирка билан қўшиб темираткига [қарши] суртилса, фойда қилади.

Б ў ғ и н л а р .

Йиқилиш ва урилишларда жуда фойдалидир. Хузи-стонликнинг айтишича, ровоч илдизидан бир ичиш миқдори [сув] аралаштирилган тило шаробига [қўшиб ичилса], икки *дирҳам* оғирлигидадир. Уни раёҳон шароби билан ичилса, турли чиқишларда фойдалидир; шунингдек, унинг ёғи билан ёғланса, эт узилишида, унинг оғриқлари ва [мушакларнинг] чўзилишида фойдалидир. У чурра тушишда ҳам фойда қилади.

Н а ф а с а ʼ з о л а р и .

Астма ва қон туфлашда фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ʼ з о л а р и .

У жигар, меъда ва унинг заифлигида ва оғриқларнда, ички оғриқларда, ҳиқичоқда, чурра тушишда фойдалидир, у талоқни оздиради.

Ч и қ а р и ш а ʼ з о л а р и .

Ровоч илдизи овқат ҳазмининг бузилишидан бўлган ичкетишда, ичак оғриқлари ва дизентерияда, буйрак ва қовуқлардаги оғриқлар, бачадон оғриқлари ва қон кетишда фойдалидир.

И с и т м а л а р .

Чўзма ва даврий иситмаларда фойдалидир.

З а ҳ а р л а р .

Газаидаларнинг чақишида фойдалидир. Унинг бир ичиш миқдори пўкакнинг бир ичиш миқдори билан баробардир.

Руммон — анор

Т а б и а т и .

Ширин анор биринчи даражагача совуқ ва биринчи даражада ҳўл бўлиб, нордон анор иккинчи даражада совуқ ва қуруқдир.

Т а ʼ с и р в а х о с с а л а р и .

Нордон анор ва хусусан унинг шароби сафрони босади ва чиқиндиларнинг ички аъзоларга оқишини тўхтади. Анорнинг ҳамма турларида, ҳатто нордонда ҳам буруштириш билан бирга тозалаш хусусияти бор.

З и ʼ й н а т .

Анорнинг уруғини асал билан қўшиб милкакка суртилади.

Жароҳат ва яралар.

Анор уруғининг асал билан қўшилгани (қаттиқ) ёмон сифатли яраларга суртиладиган [доридир]. Унинг пўсти, айниқса, куйдирилгани, жароҳатлар учун [доридир]. Анорнинг гуди ўзининг нессиқлиги билан жароҳатларни ёпиштиради. Ширин анор юмшатувчидир. Анорнинг ҳаммасида ҳам овқатлилик оз, аммо [озиқ сифатида] яхшидир. Унинг нордон-ширини меъда учун кўпинча олма ва беҳига қараганда манфаатлироқ бўлади, лекин уруғи ёмон. Унинг қисмларидан энг буруштирувчиси пўстлари бўлади. Анорнинг хоҳ ширини, хоҳ бошқаси бўлсин ҳамма турининг ҳам уруғи буруштирувчидир.

Бош аъзолари.

Анорнинг уруғи асал билан бирга тиш оғриғига ва қулоқ оғриғига фойда қилади, ҳамда у бурун ичига суртиладиган доридир. Анорнинг уруғини янчиб, асал билан қўшиб оғиз оғриғида суртилса, фойда қилади. Агар ширин анорни шароб билан қўшиб пишириб, сўнгра яхшилаб майдалаб қулоқ ишшларига боғланса, жуда яхши фойда беради. Анорнинг, айниқса, нордон анорнинг шароби ва қайнатиб қуюлтирилган шираси хуморликда фойдалидир.

Кўз аъзолари.

Нордон анорнинг (асал билан қўшилган) суви ноҳинага фойда қилади. (Ширин ва аччиқ анорнинг сиқиб олишган сувини асал билан қўшиб бир неча кун офтобга қўйилса, кўздаги ҳароратга ва кундузи кўрмай қолишда фойда қилади).

Кўкрак аъзолари.

Нордон анор кўкрак (ва томоқни) дағаллаштиради, ширини эса уларни юмшатади ҳамда кўкракни қувватлантиради. Анор уруғини ёмғир суви билан қўшиб ичирилса, қон тупуришда фойда қилади. Анорнинг ҳамма турлари хафақонга фойда қилади ва ширини кўнгилни очади.

Озиқлантириш аъзолари.

(Анорнинг ҳамма турларининг каймуси яхшидир). Нордон-чучук анор меъданинг яллиғланишига фойда қилади. Анорнинг ширини, унда юмшоқ буруштирувчанлик бўлганлиги туфайли меъда учун мосдир. Нордон анор меъдага зарар келтиради. Шу билан бирга, анорнинг уруғи ҳам меъда учун ёмон ва (уни ачиштиради). Анор [уруғининг] янчилган толқони ҳомиладор хотин-

риланган суви, айниқса, нордони ҳам шундай.

Иситмаланган киши анорни овқатлангандан кейин сўриши керак, [чунки бундай қилинганда анор] буғларнинг кўтарилишини овқатдан илгари сўрилганга қараганда яхшироқ қайтаради ва у ёмон моддаларни қўйдан чиқаради. (Анор турларининг ҳаммасида ҳам озиқлик кам. Нордон-ширини меъда учун олма ва беҳига қараганда фойдалироқ).

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Анорнинг нордони ширинига қараганда сийдикни кўпроқ юриштиради; умуман иккаласи ҳам [сийдик] ҳайдовчидир. Анорнинг уруғи асал билан қўшилганда, орқатешик яраларига фойда қилади. Унинг нордони орқатешик ва ичакларга зарар қилади; толқони сафроли ичкетишга фойда қилади ва меъдани қувватлантиради. Анор илдизининг пўстлоғи узум шароби билан қўшиб ўз ҳолича ёки қайнатиб касал [киши]га берилса, гижжани ва қовоқ уруғига ўхшаш гижжаларни ҳайдайди.

И с и т м а л а р.

Нордон-чучук анор иситмаларга ва меъда яллиғла-нишига фойда қилади, аммо ширини кўпинча ўткир иситма билан оғриган кишиларга зарар қилади.

ШИН (Ш) ҲАРФИ

Шиҳ — дармана

М о ҳ и я т и.

Дармана икки хил бўлади: (Рум дарманаси ва Турк дарманаси); улардан бири тиканли, барги сарвникига ўхшаш ва танасининг ичи ковак бўлади. Уни фақат тута-тиш учун ишлатилади; иккинчисининг барги эса юлғунникига ўхшайди. Баъзан дармананинг сариқ рангли *сириқун ул-арманий* деган учинчи тури ҳам учрайди. (Шухратли ҳаким Дисқуридус баъзи кишилар бунини *сориқун* деб атайдилар, дейди, шу дарманадир), баъзи кишилар бунини *сориқун* деб атайдилар, дейди, шу дарманадир), баъзи кишилар уни «денгиз эрмани» деб атайдилар. (Бу Тавр тоғида ва Мисрнинг Бусир деб аталган ерида кўп ўсади. Бу, сариқ тоғ арчасига ўхшаш ёпиш-қоқ, уруғлар билан тўла мевали бир ўсимликдир. Бунини хусусан Каппадония еридагисини қўйлар еса семиради. У яна айтадики, эрманнинг Галатия [деган] ерда ўса-

аҳолиси бу ўтнинг номини ўзи ўсадиган мавзу номидан чиқариб *сандуниқун* деб атаганлар; бу мавзу *Сандуния* деб аталади. Бунинг ўзи эрманга ўхшаш, лекин уруғи кўп эмас ва аччиқликка мойил, қуввати *сориқун* қувватидек бўлади).

Т а н л а ш.

Дармананинг энг яхшиси арман дарманасидир.

Т а б и а т и.

Иккинчи даражада иссиқ ва учинчи даражада қуруқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Дармананинг ҳамма хиллари парчаловчи ва елларни тарқатувчидир. Ундаги буруштириш хусусияти эрманни кига қараганда пастроқ, қиздириш хусусияти эса уникадан кўпроқ, аччиқлиги ҳам шундай ва унда тузлик хусусияти бор.

З и й н а т.

Унинг кулини зайтун ёғи ёки бодом ёғи билан қўшиб «тулки касаллиги»га суртиш фойдалидир. Унинг ёғи секин ўсадиган ва тўкилиб кетаётган соқолни ўстиради.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Шиш ва чипқонларни қайтаради.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Ел ейишни (ва савдони) қайтаради.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Бошни оғритади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Дармананинг суви билан иситилса, кўз оғригини тарқатади. (Кули эса кўздаги ярадан пайдо бўлган чуқурчани тўлдиради).

Н а ф а с а ъ з о л а р и.

Нафас олиши қийин бўлган кишига фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Меъдага, айниқса, дармананинг учинчи хили зарарлидир.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Дармана гижжани ва қовоқ уруғига ўхшаш гижжани ҳайдайди ва ўлдиради; ҳайз қони ва сийдикни юриштиради ва бу жиҳатдан у эрмандан кучлироқдир.

И с и т м а л а р.

Унинг ёғи иситма олдидан эт увушиб совуқ ейишда фойда қилади.

З а ҳ а р л а р.

Чаён, қорақурт чаққанида ва умуман заҳарларга [қарши ишлатилса], фойда қилади.

Т а б и а т и.

Учинчи даражада иссиқ ва қуруқ.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и.

Ўткир балғамни қўчирувчи, тозаловчи, ел ва дамни шимдирувчидир. Хусусан унинг тозалаш хусусияти етарли даражададир.

З и й н а т.

Осилиб турувчи сўғалларни, холларни, доғни, айниқса, несни кетказади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Уни сирка билан қўшиб «сутли чиқиқларга» босилади. У шиллиқли ва қаттиқ ўсмаларни шимдиради.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Сирка билан қўшиб шиллиқли яраларга ва яраланган кўтирга қўйилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Тумовга фойда қилади, айниқса, унинг қовурилганини каноп латтага солиб [ишлатилса]. Седанани совуқ бош оғриғи билан касалланган кишининг пешонасига суртилса, фойда қилади. Агар уни кечаси сирка билан ивтиб қўйиб эрталаб янчилса ва касалнинг бурнига тортдирилса, ҳамда касал уни ҳидласин учун [бурун] олдига қўйилса, чўзма бош оғриқлари ва юз фалажигга фойда қилади. Седана ғалвирсимон суякдаги тиқилмаларни жуда очувчи доридир; сиркада қайнатилгани билан, айниқса, санавбар чўпи билан бирга қайнатиб, оғизни чайқалса, тиш оғриғига фойда қилади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Агар унинг янчилганини марсин оғочининг ёғи билан бурунга тортилса, катарактанинг бошланишини қайтаради.

Н а ф а с в а к ў к р а к а ъ з о л а р и.

Седанани *натрун* билан қўшиб ичилса, «тикка нафас олиш» касаллигида фойда қилади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Седана ингичка гижжани ва қовоқ уруғига ўхшаш гижжани ўлдиради; бир неча кун давомида киндакка суртиб юрилса, ҳайз қонини юриштиради. Уни асал ва иссиқ сувга қўшиб ичирилса, қовуқ ва буйракдаги тошларга фойда қилади ва уларни чиқаради.

(И с и т м а л а р.)

Иситмани, хусусан балғам ва савдодан [бўлган] иситмаларни, қолдиради ва йўқ қилади).

З а ҳ а р л а р .

Унинг тутунидан газандалар қочади. Бир гуруҳ [таб-библар] седанани ортиқча истеъмол қилинса, у ўлдиради, дейди. Ундан бир *драхмий* миқдорда ичилса, қора-қурт чаққанида фойда қилади.

Шибис — укроп, шивит

Т а б и а т и .

Унинг қизитиши иккинчи ва учинчи даражанинг ўртасида, қуритиши эса биринчи ва иккинчи даражанинг ўртасида; агар куйдирилса, шу ҳар икки [хусусиятда]; ҳам иккинчи даражада бўлади.

Т а ъ с и р в а х о с с а л а р и .

Укроп совуқ хилтларни пиширувчи, оғриқларни тинч-лантирувчи ва елларни ҳайдовчидир. Унинг ёғи ҳам шундай таъсирга эга. Унда етарли даражада юмшатиш хусусияти бор; мизожи пиширувчанлик ва очувчанликка яқин, лекин у қиздирувчанроқдир; ҳўлининг пиширувчанлиги кучлироқ; қуруқ укроп эса кучлироқ шимлиради.

Ш и ш в а т о ш м а л а р .

Укроп шишларни пиширади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р .

Унинг кули ғовак яраларга фойда қилади.

Б ў ғ и н л а р .

Унинг ёғи асаб оғриғи ва шунга ўхшаш оғриқларда фойда қилади.

Б о ш а ъ з о л а р и .

Укроп, айниқса, унинг ёғи, ухлатувчидир ва унинг шираси савдовий қулоқ оғриғига фойда қилади ҳамда қулоқдаги рутубатларни қуритади.

К ў з а ъ з о л а р и .

Укропни овқат билан доимий истеъмол қилиш кўзни кучсизлантиради.

К ў к р а к а ъ з о л а р и .

Укроп ва унинг уруғи сутни кўпайтиради, айниқса, сутни кўпайтирадиган ҳолвайтарга қўшилса, шундай.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и .

Овқатни иқоридан сузиб чиқишидан ва тўлиб кетишидан пайдо бўлган ҳиқичоққа фойда қилади. Жолинус укроп меъдага зарар қилади ва унинг уруғида қустириш хусусияти бор, дейди.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и .

Ичак оғриқларига фойда қилади. Укроп билан ҳуқна қилинса ёки сувининг устига ўтирилса, ичак оғриқлари-

ни ва эрлик уруғини кесади, унинг уруғи эса чиқиб турган бавосирни қайтаради; кули орқа тешик ва эрлик олатининг яралари учун яхшидир.

ТО (Т) ҲАРФИ

Тин — анжир

М о ҳ и я т и.

Анжирнинг ўзига хос табиати бор. У ўзининг барглари ва сутида сутли ўтга хос [қувват] сақлайди. Агар анжирнинг барги топилмаса, ёввойи анжирнинг шохидан синдириб олиб ва уни ёриб, қайнатилади ҳамда сувини олинади. [Анжирнинг] ширасини бошқа ўсимликларнинг ширасини олинганидек олинади. Анжир шиннисининг таъсири асал таъсирига ўхшайди.

Т а н л а ш.

Унинг энг яхшиси оқи, сўнг қизили ундан кейин қора ранглигидир; тоза пишгани жуда яхшиси бўлиб, деярли зарарсиздир. Анжирнинг қуруғи ўз таъсири билан мақтовга сазовордир, аммо ундан пайдо бўладиган қон яхши эмас, шунинг учун уни ёнғоқ билан бирга ишлатилмаса у битлатиб юборади. Ёнғоқ билан бирга ишлатилса, каймуси яхши бўлади. [Бу хусусда] бодом ёнғоқдан кейинда туради. Ҳаммасидан энгилроғи оқ анжирдир.

Т а б и а т и.

Қизил анжир бир оз иссиқдир. Ҳўл анжирда сув [[моддаси] кўп бўлиб, дорилик [таъсири] оз. Пишмаган анжир тозаловчи бўлиб, унинг сутидан ташқариси бир оз совуқликка мойилдир. Қуруқ анжир эса биринчи даражада иссиқ ва шу даражанинг охирида латифдир.

Х о с с а л а р и.

Анжирнинг қуруғи, хусусан ўткир мазалиги кучли тозаловчи, пиширувчи ва шимдирувчидир. Этлик анжирнинг пиширувчанлиги кўпроқ бўлиб, унинг озиқлик, парчалаш ва латифлаштириш хусусиятлари ҳам бор. Ёввойи анжирнинг ўткир мазалиги кўпроқ ва у шу жиҳатдан кучлироқдир. Умуман анжир бошқа мевага қараганда озиқлироқ бўлади. Тоза пишган анжир деярли зарар етказмайди, бироқ унда дам қилиш [хусусияти] бор. Ўткир ва қуруқ анжир тозалашдан ўтиб яралашгача боради; ҳаттоки, анжирнинг қуруқ яроғини қора мазариюннинг (илдизи) билан қайнатиб ишлатилса, қорамолларнинг қўтирига [ҳам] дори бўлади. Яроғининг шираси кучли қизитувчи ва тозаловчидир. Унда етарли

даражада юмшатиш хусусияти бўлиб, чириндиларни терига ҳайдаб чиқаради ва терлатади. Шунинг учун менинг фикримча, уни ейилганда ҳароратни босади, (қуруқ анжир ҳам) чириган нарсаларни ташқарига чиқаради ва терлатади. Анжирнинг сути суюлган қон ва сутларни қотиради ва қотган [наrsa] ни эритади. (Анжирнинг ҳўли тез сингувчи ҳамда меъда ва баданга тез ўтувчидир). Анжирдаги озиқликнинг тигизлиги гарчи дон ва гўштларникидек бўлмаса ҳам, бошқа ҳамма меваларнинг овқатлилигидан зўрдир. Ҳали барг чиқармаган анжир шохидан олинган ширанинг қуввати [анжир] сутининг қувватига яқин бўлади. Анжир ёғочининг кули икки марта ивтилган сувни ичда сут ивиб қолишига қарши ичирилади. Дуб ёнғоғи кулининг суви ҳам шу таъсирда бунга яқин туради. Анжирнинг шарбати латио ва ёмон хилт туғдирувчидир; унинг шохларида ҳам бир навл латифлик хусусияти борки, агар уни гўшт билан қайнатилса, ҳил-ҳил қилиб пиширади. Тутанжир жуда чуқурдан тортувчи қувватга эга бўлиб, тортиладиган нарсани тез шимдиради.

З и й н а т.

Анжирнинг хомини, шунингдек, баргини хол, сўгал ва буларнинг ҳар хил турларига, доғларга суртилади. Уни ейилса, касалликлар ва иссиқ бўш шишлар сабабли бузилган рангни тузатади, ҳамда чипқонларни пиширади. Уни, хусусан гулсапсар илдизи, *натрун*, оҳак ва анор пўстлоғи билан қўшиб, милкак касалига қарши ишлатилади. Тутанжирнинг сути, шунингдек, унинг қайнатилгани тарқалиши қийин бўлган шишларга, қулғунага ва ҳўппоз [катта чипқон]га фойдалидир. [Анжир], айниқса, тутанжир, тутсимон ўсмаларни, унинг баргидан олинган суви бадандаги сунъий нақшнинг изларини кесадн [кетказади]; мумли суртма билан қўшиб ишлатилса, совуқдан ёрилганда [фойда қилади]. Унинг сути ҳам айтилганларнинг ҳаммаси учун шундай [таъсирга эга]. Анжир [баданда] тез тарқалади ва у ёғ [тўплаб] семиртирувчи ва битлатувчи ҳамдир. Унинг аччиқлиги хилтнинг бузуқлигидан бўлади, дейдилар. У тезда ташқарига ҳайдаб чиқарилади ва у ҳаёт учун яроқли хилт туғдиради ҳам дейдилар.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Анжирни қаттиқ шишларга қўйиб боғланади. Тутанжирни арпа уни билан пишириб ёки унинг хомини доғларга [қўйиб боғланади]; у чипқонларни ҳам пиширади. Анжирнинг ҳўлини истеъмолад қилинса, иссиқлик

тоширади. Унинг қайнатмаси билан ғарғара қилинса, томоқ ва қулоқ ости шишларга фойда қилади. Анор пўсти ва каллақанд билан қўшиб қайнатилгани милкак учун фойдалидир. Қуруқ анжир ўзининг ширинлиги билан жигар ва талоқ шишларига зарар етказади; аммо шиш қаттиқ бўлса, зарар ҳам қилмайди, фойда ҳам етказмайди, лекин латифлаштирувчи ва шимдирувчи нарсалар билан аралаштирилса, жуда фойдали бўлади. Тутанжир тузалиши қийин бўлган шишларни кучли шимдиради.

(Ж а р о ҳ а т в а) я р а л а р.

Анжир баргининг шираси яралантиради. Унинг қайнатмасини хардал кўпигига қўшиб қичимага суртилади; анжирнинг барги темирткига фойда қилади ва эшакемга ва қуюқ рутубатли яраларга қарши ҳам қўйилади. Анжир ёғочининг кули икки марта эритилган сув эски, чириган яраларни еювчи ва тозаловчидир. Агар анжирни анор пўсти билан қўшиб ишлатилса, милкакни тузатади; кўк зок билан ишлатилганда эса икки болдирга чиққан ёмон яраларни тузатади. Тут-анжирнинг сути жароҳатларни ёпиштиради.

Б ў ғ и н л а р.

Анжирнинг хомини ва баргини кўкнор барги билан қўшиб суяк пардаси [чириганида] қўйилади. Анжир ёғочининг кули икки марта эритилган сувни оғриётган асабга қўйилади ва [шу касалга] ундан бир ярим уқия миқдорида ичирилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Хўл ва қуруқ анжир тутқаноқ касалига фойда қилади. Унинг қайнатмасини хардал кўпиги билан қўшиб шанғиллаётган қулоққа томизилади. Анжирнинг сутини ва ҳали барг чиқармаган шохларининг ширасини ёйилиб кетаётган тишга қўйилса, фойда қилади. Анжирни қулоқ ости шишларига қўйиб боғланса ҳам фойда еткази. Хом анжирни [толқон қилиб] бош яраларига сепилса, тузатади.

К ў з а ъ з о л а р и.

Анжирнинг сутини асал суви билан қўшиб, [кўзнинг] пардаларидаги суюқликка [қарши], катарактанинг бошланишига, кўз қовоқларининг ва қатламларининг қалинланишига қарши ишлатилса, фойда қилади. Анжирнинг барги билан дағалланган кўз қовоғини ва [қовоқдаги] қўтирни ишқаланади.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Анжирнинг хўли ва қуруғи томоқ қирилишига фой-

да қилади, ҳамда кўкрак ва ўпка йўлларига мос келади. Анжирнинг шарбати сутни кўпайтиради, шунингдек, унинг шароби эски йўталларга ва кўкрак оғриқларига, ўпка ва унинг йўлларидаги шишларга фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и .

Анжир жигар ва талоқлардаги тикилмаларни очади. Жолинос анжирнинг ҳўли меъда учун ёмон, қуруғи эса ёмон эмас, дейди. Агар уни *муррий* билан ейилса, меъдани чиқиндилардан тозалайди. У тузлик шиллиқдан пайдо бўлган ташналикни кесувчи нарсалардандир; (қуруғи эса) чанқовни кўзғатади ва у, айниқса, уни эрман билан ишлатилса, *истисқога* фойда қилади. Анжир шарбатини ичиш меъдага фойдали бўлса ҳам, [аммо] иштаҳани кесади. Анжир ширин бўлгани учун тез тушувчи ва тез ўтувчидир. Унинг қуруғи шишган жигар ва талоққа фақат ширинлиги учунгина зарар етказади; аммо шиш қаттиқ бўлса зарар ҳам, фойда ҳам қилмайди. Уни, айниқса, ёнғоқ ва бодом билан қўшиб наҳорга истеъмом қилишнинг овқат йўлларини очишда ажойиб манфаати бор. Шуниси ҳам борки, унинг ёнғоқ билан [қўшилгандаги] овқатлилиги бодом билан [қўшилгандаги] овқатлилигидан кўпроқ бўлади. Агар уни бирор қуюлтирувчи [нарса] билан қўшиб ейилса, унинг зарари катта бўлади. Тутанжир меъда учун жуда ёмон, овқатлилиги кам, аммо қаврак елими ёки ўзининг сути билан қўшиб қўйиб боғланса, талоқнинг қотишида фойдалидир. Анжирнинг ҳамма хиллари ҳам моддаларнинг меъда тарафига оқиб турганида ишлатиш учун мувофиқ эмас.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и .

Анжирнинг ҳўли ҳам, қуруғи ҳам буйрак ва қовуққа фойда қилади ва сийдик тутилган вақтда сабирлик қилади, аммо моддаларнинг ичакларга [оқиб туришида] мос келмайди. Баргининг шираси орқа тешик томирларининг оғзини очади. Ҳўл анжир, айниқса, агар уни майдаланган бодом билан ейилса, юмшатовчи ва [ични] енгил сурувчидир; бачадон қаттиқланиши учун ҳам шундайдир. *Натрун* ва маҳсар билан аралаштириб овқатдан олдин ейилганда ҳам шундай [таъсирга эга]. Анжирнинг сутини тухум сариғи билан қўшиб кўтарилса, бачадонни тозалайди; ҳайз қонини (ва сийдикни) юриштиради. Уни бачадонга қўйиб боғлаш учун — сариқ йўнғичқа билан ва ичакларнинг ачишиб оғришига ҳўқна қилишда эса қичитқийўт билан қўшиб ишлатилади. Анжирни ва хусусан унинг сутини ишлатилса, буйрак-

даги қумни чиқаради. Анжир новдаси билан енгил ковланиб турилган [ҳайвон] сутига анжир сутини томизиб, у сутнинг оғиз [қисми]дан сув [қисми] ажратилса, бу нарса табиатни бўшатиш ва буйракни тозалашда қувватлироқ бўлади. Анжир ёғочининг кули икки марта эритилган сувдан дизентерия ва ичкетиш касаллиги билан оғриган кишига бир ярим уқия ичирилади, ёки шу сув билан ҳуқна қилинади, ҳар икки ҳолда ҳам бу сув зайтун ёғи билан аралаштирилади. Анжир шароби [сийдикни] юриштиради ва [ични] юмшатади ҳамда у ўзининг тозалаш хусусияти билан қориндан пастга тез тушади ва тез сингиб кетади.

З а ҳ а р л а р .

Анжирнинг сутини чаён, шунингдек, қорақурт чаққан жойга ишқаланса, фойда қилади. Анжирнинг хомини ёки янги япроғини қутурган ит тишлаган жойга қўйилса, фойда қилади. Анжирни ва унинг баргини ясмиқ билан қўшиб латча тишлаган жойга қўйиб боғланса ҳам фойда қилади. Анжир ёғочининг кули икки марта эритилган сув қорақурт чаққан [кишига] ичирилса ва [ўша чаққан жойга] ишқаланса, фойдалидир. Тутанжирни [газандаларнинг] чаққанига қарши ичилса ва суртилса, фойда қилади.

ХО (Х) ҲАРФИ

Хашхош — кўкнор

М о ҳ и я т и .

(Дисқуридуснинг айтишича, бунинг баъзи кишилар *миқун* деб атайдилар). Бунинг хиллари кўп: боғда ўсадигани ва ёввойиси, шунингдек, қора хили ва шохли хиллари бор. Бу [охирги] хили денгиз кўкнори бўлиб, унинг меваси эгилгандир. «Қаймоқли» *ҳирақлий* деган хили [ҳам бор]. (Кўкнорнинг боғда ўсадиган хилининг уруғини [қўшиб] нон ясашиб, соғлом вақтларида ейдилар. Баъзан бунинг асал билан қўшиб кунжут ўрнида ишлатилади; ҳолва билан қўшиб ҳам ишлатилади. Бу хил кўкнорнинг бошчаси узунчоқ, уруғи эса оқ бўлади. Ёввойи кўкнорнинг бошчаси эса бир оз яссироқ бўлади; унинг уруғи қора бўлиб, баъзи кишилар уни *ровас* деб атайдилар, чунки ундан сутсимон рўтубат оқиб туради.

Кўкнорнинг аввалги икки хилига қараганда кичикроқ, анча ёқимсиз бўлган учинчи ёввойи хили ҳам бор.

Бунинг ҳам бошчалари узунчоқ бўлади. Ҳар учала хил кўкнорнинг ҳам қуввати совутувчидир.

Кўкнорнинг бошчаларини ҳали янги ва ҳўл бўлган ҳолида янчиш ҳамда ундан кулчалар ясаб қуришиб сақлаш керак. Кўкнордан афюн яшашга келсак, баъзи кишилар қора кўкнорнинг бошчалари ва баргларини олиб ҳар иккаласини янчадилар ва босма билан сиқиб ширасини оладилар. Бу ширани *силоя* тошига солиб эзадилар ва кейин ундан кулчалар ясайдилар. Афюннинг бу турини *миқуниюн* деб атайдилар. Бунинг қуввати кўкнорнинг елимидан тайёрланадиган афюнга қараганда кучсизроқ. Кўкнорнинг елимини эса [шу] ўсимликка тушган шабнам кўтарилгандан кейин қўйидаги усул билан чиқариб олинади: пичоқ билан кўкнор бошчаларининг айланасини тешиб юбормасдан ингичка қилиб ёрилади ва кўкнорнинг четларига ништар урилади. Ништар уришни [ҳалиги] биринчи ёриқдан бошлаб, тўғри туширилади ва у чуқур бўлмайди. Унинг сути ва елими силқиб чиққач, бармоқ билан олиб бир чиғаноқ [идиш] га йиғилади ҳамда шундай қилиб ҳар бир [сут] силқиб чиққан жойни вақт-вақти билан ишқалаб [сут ва елим] йиғиб олинади; ништар урилган жойни ишқалагандан сўнг бир оздан кейин ўша жойдан эрталабдан бошлаб, кунбўйи кўкнор елимининг оқиб тургани кўрилади. Бу елимни йиғиб олиб *силоя* тошида эзиш ва ундан кўкнор кулчалари ясаб сақлаш керак.

Кўкнорнинг бошқа бир хили ҳам бор, уни баъзи кишилар *фаралиюн*, яъни соҳил кўкнор деб атайдилар. Бу шундай бир ўсимликки, унинг *қаламус* [айиқ қулоқ] баргига ўхшаш оқ майин тукли барглари бор; бу баргларнинг учлари ёввойи кўкнор барги каби арра тишларига ўхшаш кунгираликдир; унинг нояси ҳам [ёввойи кўкнор] ноясига ўхшайди, гули эса сариқ рангли, меваси кичик ва филофли бўлиб, мол шохига ўхшаш эгилгандир. Бу меваларда майда қора уруғлар бўлиб, улар қора кўкнорнинг уругига ўхшайди. Илдизи ернинг юзига чиқиб туради ҳам йўғон ва қора бўлади. Бу хил кўкнор денгиз қирғоқларида ва нотекис жойларда ўсади. Баъзи кишилар янглишиб *момисо* шу ўсимликдан олинади, деб ўйлайдилар, бу [ўсимликларнинг] барглари бир-бирига ўхшаш бўлганлиги уларни янглиштиради.

Кўкнорнинг яна бошқа бир хили бор, уни *забадий* [қаймоққа ўхшаш] кўкнор деб аталади. Бу исм билан аталишининг сабаби унинг оқлиги сут қаймоғига ўхшашлигидандир. Буни *миқун афрудус* деб атовчи кишилар

ҳам бор. Унинг поясининг узунлиги бир қаричга яқин бўлиб, *иструссион* баргига ўхшаш майда барглари ва меваси бор. Бу ўсимликнинг ҳаммаси оқ ранглидир; унинг пояси, барги ва меваси [дуккаги] сут қаймоғига ўхшайди; илдизи ингичка бўлади. Унинг мевасини етилгандан кейин йиғиб олинади. Бу ёз фаслида бўлади. Йиғилгандан сўнг қуритиб сақланади).

Т а н л а ш.

Энг яхшиси ва яроқлиги оқ кўкнордир. Кўкнорнинг бошчаларини, қайси хилидан бўлмасин, янги ҳўл ҳолида янчиш, кулча қилиб сақлаш ва [сўнгра] ишлатиш лозим. (Кўкнор елимининг энг яхшиси қуюқ, оғир, қаттиқ ҳидли, аччиқ мазали, осон эрийдиган, юмшоқ ва силлиқ, оқ рангли ва дағал бўлмаган, доналашиб кетмайдиган ва сув билан ҳўлланганда мумга ўхшаб қотиб қолмайдиганидир. Агар уни офтобга қўйилса, эрийди, чироқ алангасига яқин тутилса, ёнади ва алангаси тиниқ бўлади; ўчирилганда эса кучли ҳид чиқади. Баъзан уни *момисо* аралаштириш билан ёки ёввойи сутчўп баргининг ширасини ёки [араб] елимини аралаштириш билан сохталаштирилади. *Момисо* аралаштириб сохталаштирилган [сув билан] ҳўлланганда заъфарон рангли бўлади ва заъфарон ҳидини беради. Ёввойи сутчўпнинг шираси билан аралаштириб сохталашган кўкнор елимини [сув билан] ҳўлланса, ҳиди кучсиз бўлади ва ушлаб кўрилганда дағал туйилади. [Араб] елими билан аралаштириб сохталаштирилганининг ранги тиниқ ва қуввати кучсиз бўлади. Шундай кишилар борки, уларнинг хабиб қалбакиликлари кўкнорни чарви ёғи билан аралаштириб сохталаштиришгача бориб етган.

Юнон ҳақимларидан бири буни ва бунга ўхшаш дориларни ишлатмаслик керак деган. Кўзи ёки қулоғи оғриётган киши ишлатса, кўзни хиралантиради ва қулоқни оғир қилади. Ҳақим Адрнуснинг айтишича, бу дори, агар сохталаштирилмаган [тоза] бўлса, уни кўзга томизган кишини кўр қилади. Бошқа бир [ҳақимнинг] айтишича, фақат уйқуни келтириш учунгина унинг ҳидидан фойдаланиш мумкин, аммо бошқа нарсаларда у зарарлидир. Мен қасамёд қиламанки, улар хато қилганлар ва бу дорининг қуввати ҳақида тажрибалар орқали билинган нарсаларга қарши сўзлаганлар. Чунки тажриба асосида очилган нарсалар кўкнорнинг таъсири ҳақида қуйида айтганларимизнинг ҳақиқат эканига далолат қилади).

Т а б и а т и.

Боғ кўкнори иккинчи даражада совуқ ва қуруқ. Қора кўкнор эса, учинчи даражада; тўртинчи даражагача деб ҳам айтилган.

Гаъсир ва хоссалари.

Кўкнорнинг ҳамма хиллари ҳам совутувчидир. Эътиборга лойиқ даражада озиклик уларда йўқ. [Кўкнорнинг] қораси эса қуюқлантирувчи ва қуритувчидир, меваси ҳўкиз шохига ўхшаб қайрилган шохдор, денгиз кўкнори эса тозаловчи, парчаловчи ва қаттиқ кетказувчидир. Ёввойи кўкнорнинг гули ҳайвонлар (кўзи)даги яра изларини тозалайди.

Шиш ва тошмалар.

Денгиз кўкноридан бошқа ҳамма хил кўкнорни сарамасга суртилади.

Жароҳат ва яралар.

Шохдор соҳил кўкнорининг барги чиркли яраларга фойдалидир ва ўзининг тозалаш хусусияти билан ортиқча унган этни ёйди ҳамда қовжираган яраларни кўчиради; унинг гули ҳам шундай. Аммо тозалаш хусусиятининг ортиқлиги туфайли ташқи яралар учун яроқсиздир. Ёввойи кўкнорни зайтун ёғи билан қўшиб, яраларга қўйиб боғлайдиган дори тайёрланса, уларни кўчиради.

Бўғинлар.

Денгиз кўкнорини анжир билан қўшиб подаграда суртилса, фойда қилади. Агар кўкнорнинг илдизи сувга солиб то [сувнинг] ярми бугга айланиб чиқиб кетгунча қайнатилса ва сўнг ичирилса, *ирқуннасога* фойда қилади.

Бош аъзолари.

Кўкнор, айниқса, унинг қора хили, ухлатувчи ва карахт қилувчидир. Агар уни пилик билан кўтарилса, ухлатади ва назлани қайтаради. Уйқусизлик билан қийналаётган одам уни пешонасига қўйиб боғласа, фойда кўради; унинг қайнатмасини қуйилганда ҳам шундай. «Қаймоқсимон» кўкнордан бир *оқсибаф* миқдоридегини асал суви билан ичиб қусилса, фойда қилади. Шунингдек, унинг қайнатмасини тутқаноқ касали борларнинг [бошидан] қуйилса, [фойда қилади]. Агар унинг ёғини қизилгул ёғи билан қўшиб бошга ишқаланса, бош оғриғини тузатади. Аммо уни ишлатишдан мумкин қадар сақланиш яхшироқ. Баъзан унинг қайнатмасини қулоққа томизилса, қаттиқ қулоқ оғриғини тинчлантиради.

Кўз аъзолари.

Зарур бўлиб қолган вақтда, унинг совуғини қаттиқ кўз оғриғига ишлатилса, оғриқни босади, аммо бунда

биз афюн [бобида] айтганимиздек хатари бор. (Лекин уни баъзи зарарни қайтарувчи дорилар билан аралаштирилса, зарари камаяди).

Кўкрак аъзолари.

Иссиқ йўталларга, назлаларнинг кўкракка [оқишига] ва қон туфлашга фойдалидир. Шу касалларга ишлатиш учун ундан, айниқса, уни ақоқиё ва такасоқол билан кўшиб, яланадиган дори ясалса жуда фойдали бўлади. Ибн Мосавайҳнинг айтишича, қора кўкнорнинг уруғи кўкракни тозалайди, аммо унинг пўстидан зоҳир бўладиган таъсир шуки, балғамнинг кўчишини қийинлаштиради. Кўкнорнинг ҳамма хилларининг уруғида эса балғамни кўчириш хусусияти бор.

Озиқлантириш аъзолари.

Меъда рутубатларига фойдалидир. Шохдор денгиз кўкнорнинг илдизини у солинган сувнинг ярми қолгунча қайнатилса, жигар касалликларига ва қорнида қуюқ хилт бўлган кишиларга фойда қилади; қаймоқсимон кўкнорнинг уруғи эса қустиради. Ёввойи кўкнорда ҳам шундай хусусият бор, деб айтилган.

Чиқариш аъзолари.

Агар оқ кўкнорни яхшилаб майдалаб мози мазали қора шароб билан кўшиб ичирилса, эски ичкетарга фойда қилади. Унинг табиати бўшатиш қувватидан ҳам холи эмас ва шу билан бирга у сувда эрийди. Унинг қаттиқ қайнатилган қайнатмаси билан ҳуқна қилинса, дизентерияда фойда қилади; уруғини асал суви билан кўшиб ичилса, ички юмшатади. Агар қаймоқсимон кўкнордан бир *оксибаф* миқдоридан (асал суви билан кўшиб) ичирилса, қустиради. Қаймоқсимон кўкнорнинг уруғи балғамли ва хом [хилт]ни суради, дейдилар. Миср кўкнорларидан бир хилининг уруғини *нотиф* ҳалвоси ва хушбўй нарсалар билан кўшиб ичирилса ҳам шундай таъсир кўрсатади. Боғ кўкнорнинг асал билан кўшилгани эрлик уруғини кўпайтиради.

Хардал — горчица, қичи

(Моҳияти.

Бу маълум сабзавотдир).

Табиати.

Тўртинчи даражагача иссиқ ва қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Балғамни кўчиради. Бунинг ёғи турп ёғига қараганда қизитувчанроқдир. Тутунидан газандалар қочади. Хардалнинг ёввойиси ёмон хилларни туғдиради; унда

тозалалш хусусияти бор. Одамлар унинг баргини ва илдизини пишириб ейдилар.

З и й н а т.

Юзни тозалайди, қонталашни ва ўлик қоннинг изини кетказади. Унинг ёввойиси доғларга қарши қўйиб боғланадиган яхши дори бўлади; тилни қуриртади; «тулки касаллиги»да фойда қилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Иссиқ (ва барча эски) шишларни шимдиради. Олтин-гургурт билан қўшиб қулғунага қарши қўйилади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Қўтир ва темираткиларга фойда қилади.

Б ў ғ и н л а р.

Бўғин оғриқларига ва *ирқуннасога* фойда қилади.

Б о ш а ʼ з о л а р и.

Бошни рутубатлардан тозалайди; летаргия билан оғриган кишининг бошига қўйиб боғланади. Унинг сувини қулоқ ва тиш оғриқларига томизилади. Унинг ёғи ҳам, айниқса, унда сассиқ қаврак елими қайнатилган бўлса, шундай таъсирга эга бўлади. У галвирсимон суякдаги тиқилмаларни очувчи дорилардандир. Баъзиларнинг айтишича, уни наҳорга ичилса, ўткир зеҳнли қилади.

К ў з а ʼ з о л а р и.

Кўзни парда босганига ва [қовоқларнинг] дағалланишига [қарши] ишлатилади.

К ў к р а к а ʼ з о л а р и.

Уни майдалаб асал суви билан қўшиб ичилса, ўпка найидаги доимий дағалликни кетказади.

О з и қ л а н т и р и ш а ʼ з о л а р и.

Талоқни юмшатади; шунингдек, чанқатади.

Ч и қ а р и ш а ʼ з о л а р и.

Шаҳвоний ҳисни қўзғатади ва «бачадон бўғилиши»да фойда қилади.

И с и т м а л а р.

Чўзма даврий иситмаларга фойда қилади.

Хаух — шафтоли

Т а б и а т и.

Иккинчи даражанинг охирида совуқ ва биринчи даражада ҳўл, аммо [бу даражанинг] охирида эмас.

Т а ʼ с и р в а х о с с а л а р и.

Шафтолининг рутубати [унинг] тез сасишига ёрдам беради. У юмшатувчи бўлиб, бир оз буруштирувчанлиги ҳам бор; унинг энг буруштирувчани қоқисидир. Шафто-

лида [хилтларнинг] оқишини тўхтатиш хусусияти бор. Хом шафтоли ҳам буруштирувчи бўлади.

З и й н а т.

Унинг япроғини [эзиб] суртилса, оҳакнинг [баданда қолган] ҳидини кесади.

Б о ш а ʼ з о л а р и.

Шафтолининг баргидан олинган сувини кулоққа томизилса, қуртларни ўлдиради; унинг ёғи бош ярмининг оғришида, иссиқдан ва совуқдан пайдо бўлган кулоқ оғриқларида фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ʼ з о л а р и.

Пишган шафтоли меъда учун яхши бўлиб, унда овқатга иштаҳа туғдириш хусусияти бор. Аммо [шафтолини] овқат устига ейиш керак эмас, чунки уни бузади ва ўзи ҳам бузилади; шунинг учун уни овқатдан илгари ейиш керак. Қуритилган шафтоли кеч ҳазм бўлади ва гарчи озиқлиги кўп бўлса ҳам, яхши озиқ эмас.

Ч и қ а р и ш а ʼ з о л а р и.

Шафтолининг баргини киндикка қўйиб боғланса, қориндаги қуртларни ўлдиради, унинг гули ва япроғининг сиқиб олинган сувини ичилганда ҳам шундай таъсир кўрсатади. Пишган шафтоли ични юмшатади, хоми эса [ични] қотиради. Баъзиларнинг айтишича, у шахвоний қувватни оширади. Бу таъсир (иссиқ ва) қуруқ баданларда бўлса керак.

Халл — сирка

Т а б и а т и.

Иссиқ ва совуқдан таркиб топган бўлиб, моддасининг ҳаммаси латифдир, аммо унда совуқлик кўпроқ, ўткир сирка қиздирувчанроқдир ва агар [ўткир] бўлмаса, совуқ ва ҳўл [бўлади]. Қайнатиш унинг совуқлигини камайтиради.

Т а ʼ с и р в а х о с с а л а р и.

[Сирка] кучли қуритиш хусусиятига эга; моддаларнинг ичга қуйилишини тўхтатади, ҳамда [уларни] суюлтиради ва кесади. Уни қон кетишга қарши ичилади, ёки қон бадан ташқарисидан оқаётган бўлса, уни қуйилади, шунда у қонни тўхтатади; қаерда бўлмасин пайдо бўлаётган шишни қайтаради; ҳазм қилиш [қувватига] ёрдам беради ва балғамга қаршилиқ кўрсатади. Сирка сафроли кишилар учун фойдали ва савдолик кишилар учун зарарлидир.

З и й н а т.

Уни асал билан қўшиб қонталашган ерларга суртил-

са, фойда қилади, аммо кўп ишлатиб юборилса, сарғайтириб қўяди.

Шиш ва тошмалар.

[Сиркани] ичилса ва суртилса, шишларнинг пайдо бўлишини ва гангренининг ёйилишини тўхтатади, сарамасни тузатади ва ҳар қандай шишнинг ёйилишини ҳам тўхтатади; милкакка, учуққа ва сарамасга фойда қилади. Агар уни суртилса, шишлар пайдо бўлишининг олдини олади.

Жароҳат ва яралар.

Агар сирка билан ҳўлланган жун парчасини жароҳатлар устига қўйилса, уларга фойда қилади ва шиш [пайдо бўлиши]га қўймайди. Югурувчи яралар, (қўтир) ва темираткиларнинг ёйилишига қарши ишлатилса ҳам фойда қилади. Оловда куйганга ҳар қандай [дори]дан ҳам тезроқ фойда қилади.

Бўғинлар.

Сирка асабларга зарарлидир. Агар олтингугурт билан қўшиб подаграга суртилса, фойда қилади.

Бош аъзолари.

Агар сиркани зайтун ёғи ёки қизил гул ёғи билан аралаштириб, яхшилаб пишитиб, унга ювилмаган жун парчасини булғаб олиб бошга қўйилса, иссиқдан бўлган бош оғриғида фойда қилади; (тиш милкларини маҳкамлайди). Шунингдек, сиркани қўйилса ва у билан, айниқса, уни аччиқтош билан қўшиб, оғиз чайқалса, тишларнинг қимирлашига ва қонашига қарши фойда қилади. Иссиқ сирканинг буғи қулоғи оғир кишига ва шунга ўхшашларга фойда қилади; ғалвирсимон суякдаги тикилмаларни куч билан очади ва қулоқнинг ғувуллашини йўқотади.

Кўз аъзолари.

Сиркани асал билан қўшиб кўз тағидаги қонталашга суртилади, аммо уни давомли ишлатиш кўзни кучсизлантиради.

Кўкрак аъзолари.

Лаклук [касалликларида] фойда қилади. У билан фарғара қилиш хилтнинг томоққа оқишини тўхтатади ва осилиб қолган лаклукни тузатади. Томоқдаги зулукка, давомли йўталга ва «тикка нафас олиш»га қарши сиркани қиздирилган ҳолда қултумлатиб ичирилади.

Озиқлантириш аъзолари.

Сирка иссиқ ва ҳўл меъда учун яроқли; у иштаҳани очади ва ҳазм қилишга ёрдам беради; бу хусусиятларнинг ҳаммаси унинг меъдани ошлаб тозалаши туфайли

бўлади. Сирканинг буғи *истисқони* шимдиради. Аммо уни давомли истеъмол қилиш баъзан *истисқони* келтириб чиқаради.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Бачадонни совутади; ичакдаги югурувчи яраларга қарши, аввал юмшоқ бир ҳуқна қилингандан сўнг, қизитилган сиркани туз билан қўшиб ҳуқна қилинади.

З а ҳ а р л а р.

Сиркани [газандалар] чаққан жойга қўйилади. Афюн ва сассиқалафга [қарши] фойда қилади. Дашт узумидан тайёрланган сиркани туз билан қўшиб [ишлатилса], кутурган ит ва бошқа нарсаларнинг тишлаганида фойда қилади. Баъзан уни қиздирилган ҳолда ўлдирувчи дори [заҳар] ларга қарши ичирилса, фойда қилади.

Хубз — нон

Т а н л а ш.

Нон тоза, тузли, [хамири] яхши ишланган, оширилган ва тандирда яхши пиширилган бўлиши ва бир кеча тўхтатиб ейилиши керак. Иссиқ нонни [киши] табиати яхши қабул этса-да, уни иссиқ ҳолида ейиш яхши эмас. Бундан кейинги ўринда ғиштдан қилинган майда ковакли [фурний] тандирда пиширилган нон туради. Бошқа [усулда ёпилган] нон яхши эмасдир. Кепаксиз ундан қилинган нон кепакли ундан қилинган нондан яхшироқ бўлади. Ун қанчалик тоза бўлса, уни шунча яхши хамир қилиб, тоза ошгунча қўйиш ва унинг тузини роса қилиб, яхши ва кўп ишлаш керак.

Ғиштдан қилинган майда ковакли тандирда пиширилган нон оддий тандирда икки тарафдан бир хилда пишган нондек бўлмайди.

Учоқ ичида иссиқ кулга кўмиб пиширилган ноннинг ичи хом бўлади.

Ювилган нон совутувчи бўлиб, озиқлиги кам бўлади ва у, меъдада сузиб юради. У иссиқ мизожли кишилар учун яхши бўлиб, тикилмалар пайдо қилмайди ва қизитмайди. Нонни ювуш усули қўйидагича: суви қочган нонни олиб, унинг маъзини иссиқ сувда ивителиди. Сўнгра устига чиққан сувни тўкиб ташлаб сувни янгиланади. Нон ачитқилик қувватини йўқотгунча ва яхши бўлгунча шу хилда сувни янгилаб турилади.

Х о с с а л а р и.

Кепаксиз нон бошқа хил нонларга қараганда озиқли бўлиб, яхши озиқ ҳисобланади. Лекин у секин сингади. Тоза оқ ундан қилинган нон ҳам ўз сифатлари билан ке-

паксиз нонга ўхшайди. Эланмаган серкепак ундан қилинган нон тез сингувчи, лекин кам озиқли ва сифати паст бўлади. Яхши пиширилмаган, шунингдек, хамиртуруши кам нон кўп озиқлидир. Лекин унинг озиғи ёпишқоқ бўлиб, тиқиллар пайдо қилади. Бундай нон фақат кўп ҳаракат қилувчилар учун яроқлидир. Қўрга кўмиб пиширилган нон ҳам шу нонлар хилидан ҳисобланади. Чунки унинг ичи яхши пишмайди.

Ювилган нон эса, кам озиқли бўлиб, тиқилмалар пайдо қилмайди. У осон пишувчи ва енгил вазнлидир.

Енгил [пуч] буғдой нони ҳам эланмаган ундан қилинган нонга ўхшашдир.

Қатоиф нони қуюқ хилтни пайдо қилади. Толқон қилинган нон эса ел пайдо қилувчи бўлиб, секин ҳазм бўлади. [Ноннинг] яхшироғи бодом ёғи билан аралашгани бўлиб, [нон] сояда қуритилган бўлиши керак.

Сутга қориб пиширилган нон кўп озиқли бўлиб, [меъдадан] секинлик билан тушади ва тиқилмалар пайдо қилади.

Нонда туз борлиги сабабли нондан қилинган қуюқ суртма буғдойдан қилинганга қараганда қизитувчанроқ бўлади.

З и й н а т.

Янги буғдойдан тайёрланган нон тез семиртиради.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Буғдой нони асал суви ва мувофиқ ширалар билан биргаликда қўшиб ишлатилса, иссиқ шишлар учун яхши бўлиб, уларни юмшатади ва совутади.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Туз ва сув билан аралаштирилган нонни темирткига суртилса, фойда қилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Иссиқ нон ўзининг ҳарорати билан ташна қилади ва ўзининг буғсимон ҳўллиги сабабли (меъдада) сузиб юради. Шу сабабли тезда тўйдиради. Иссиқ нон тез ҳазм бўлади, лекин секинлик билан пастга тушади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Эланмаган ундан қилинган нон ични юмшатади. То-за, оқ ундан қилинган нон эса ични қотиради. Оширилган нон юмшатувчи бўлиб, патир нони ични қотирувчидир. Қўрга кўмиб пиширилган нон ҳам ични боғловчидир. Эски қотган нон, унга бошқа хил [нонлар] аралаштирилса ҳам ични қотиради. *Қатоиф* нони эса ични қотиради. Кепакли ундан қилинган нон кепаксиз ундан қилинган нонга қараганда ични кўпроқ қотиради.

Харотин — чувалчанг

Т а б и а т и.

Менинг ўйлашимча, у иссиқ бўлиши керак.

Ж а р о ҳ а т в а я р а л а р.

Уни (янчиб) асаб жароҳатларига қўйиб бойланади. Жуда яхши фойда қилсин учун уч кун мобайнида [бойлоқни] очилмайди.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Гоз ёғи билан қўшилиб қайнатилгани қулоқ оғриғига фойдалидир. Уни гоҳо зайтун ёғи билан, оғриётган тишнинг қарши томонидаги [қулоққа] томизилади.

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Агар уни шароб билан ичилса, сариқ касалини тузатади.

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Уни майда янчиб, шароб билан ичилса, сийдикни юриштиради. Шунингдек, тош келганга ҳам фойдалидир.

ЗОЛ (3) ҲАРФИ

Зарориҳ — олакуланг

(М о ҳ и я т и.

Қандалага ўхшаган бир жонивор бўлиб, [ранги] ундан қизилроқдир. Уни буғдой [ораларида] топилади ва у ўша ерда туғилади. У жуда ўткир [таъсирли] бўлиб, сақлаб қўйиш учун ҳам яроқлидир. Уни сопол идишга солиб, [идишнинг] оғзини тоза каноп латта билан таранг қилиб боғлаш керак. Сўнгра қайнаётган ўткир шароб сиркасининг буғига бу сопол идишнинг оғзини тўнкариб қўйиш керак. Бу сопол идиш ичидаги олакуланг ўлгунча буғ устида тутиб туриш ва у ўлгандан сўнг каноп ипга тизиб, сақлаш керак.

Т а н л а ш.

Олакулангнинг таъсирда кучлилиги, ҳар хил ранглиги бўлиб, қанотлари кўндаланг, сариқ чизиқли бўлади. У катталиқда эшак қуртидек бўлади. Бир хил рангли бўлиб, ҳар хил рангли бўлмаса, унинг таъсири кучсизроқ бўлади).

Т а б и а т и.

Баъзи [табибларнинг] айтишича, ҳаддан ташқари иссиқдир. Бошқаларнинг айтишича, у учинчи даражада иссиқ ва қуруқдир. Аввалги фикр тўғрироқдир.

Таъсир ва хоссалари.

Иссиқ, ўткир саситувчи ва куйдирувчи.

Зийнат.

Суртилса, сўгални кўчиради. Ундан мумли суртма тайёрлаб, тирноқнинг оқ жойига суртилса, фойда қилади. Агар уни тезда кўчирилиши керак бўлган тирноққа боғланса уни тезда кўчириб туширади, Агар сирка билан [аралаштириб] суртилса, доғ ва песни кетказди. Агар уни майдалаб янчиб хардал билан кўшиб суртилса, сочни ўстиради. Зайтун ёғи билан қуюлганигача қайнатилгани ҳам шундай [таъсирга эга].

Шиш ва тошмалар.

Уни саратон ўсмаларига суртилса, шимдириб юборади.

Жароҳат ва яралар.

Уни кўтирга ва темираткига суртилади.

Кўз аъзолари.

Ибн Мосавайҳнинг айтишича, кўздаги нохинани кўчиради.

Озиқлантириш аъзолари.

Истисқога фойдалидир.

Чиқариш аъзолари.

Олакулангнинг озгина [миқдори] сийдикни кучли ҳайдайди. (Ҳатто истисқога ҳам фойда қилади). Унинг озгина миқдордагиси сийдикни ҳайдовчи дориларга зарар бермасдан ёрдам беради, ҳайз қонини юриштиради ва болани туширади. Баъзи [табибларнинг] айтишича, қовуқ касалига ҳеч қандай дори фойда бермаган кишига ёлғиз шу дорининг ўзини ичириш фойдалидир. Ундан уч *тассужжа* миқдорида ичиш қовуқни яра қилади. Жоллиуснинг айтишича, унда ўткир моддаларни қовуққа ҳайдайдиган махсус таъсир бўлганидан қовуқда яра пайдо бўлади; [инсон] гавдаси бу моддалардан холи бўлмайди.

Заҳарлар.

Баъзи кишиларнинг тасдиқ қилишича, унинг қаноти ва оёғини заҳарлангандан сўнг ичилса, заҳарга қарши [таъсир кўрсатади]. Айтадиларки, агар ундан бир *мисқол* миқдорида ичилса, бадан шишади, сийдик қонга айланади ва шу куннинг ўзидаёқ киши ўлади.

Ғубайро -- четан, жийда

Табиати.

(Биринчи даражанинг аввалида) совуқ ва иккинчи даражанинг охирида қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Ҳар қандай оқаётган нарсани тўхтатади. Унинг буруштиришда ва ични қотиришда қуввати дўлананикидан кўпроқдир. Кишининг ички аъзоларига қўйилаётган сафрони йўқотади. Агар уни [ичимлик билан бирга] ейилса, маст бўлишни секинлатади.

Қўкрак аъзолари.

Иссиқдан бўлган йўталга фойдалидир.

Озиқлантириш аъзолари.

Қусишни тўхтатади.

Чиқариш аъзолари.

Сафродан бўлган ичак шилинишида фойда қилади, [жийда] ични тўхтатади. Дўлана ҳам шундай. Жийда кўп сийишга [қарши] фойдалидир. (Жийданинг толқони дўланага қараганда ични камроқ боғлайди. Бу иккови ични тўхтатади. [Аммо] сийдикни тўхтатмайди.

Ғориқун¹ — «дарахт пўкаги»

Моҳияти.

Ибн Мосавайҳнинг айтишича², унинг эркак ва урғочиси бўлади ва у сассиқ қавракнинг илдизига ўхшайди. Лекин унинг усти сассиқ қаврак илдизининг устидек қаттиқ эмасдир. Бир гуруҳ (табиблар) буни чириган дарахт ичида сасиш тариқасида туғилади деб айтадилар. Унинг таъмида иссиқлик, ўткирлик ва буруштирувчанлик бор. Моддаси сувли, ҳаволи, ерли ва латифдир. (Эркак ва урғочи пўкакнинг ўртасидаги фарқи шундаки, урғочисининг ичи тўғри кетган қават-қават бўлади. Эркаги эса думалоқ бўлиб, қават-қават бўлмайди, балки у бир бутун нарсадир. Аввал чиқишда эрккови ҳам ўз табиати билан бир-бирига ўхшайди ва таъмларида ширинлик бўлади. Кейинчалик эса уларнинг ширинлик таъмлари ўзгаради ва аччиқлик ҳосил бўлади. Пўкакни касалликнинг турига, касалнинг кучига, ёшига, одатига ва ҳавога қараб ичириш лозим. Ана шу нарсаларга эътибор бериш шартдир).

Т а н л а ш.

Пўкакнинг энг яхшиси силлиқ, оқ ва тез уваланадигани ва жуда энгилидир. Атрофи силлиқ, аччиқ таъмида ширинлик сезилиб турадиган, эзганда майдаланиб кетадиган, ҳам болачалари борлари ургочи ҳисобланади. Эркаги яхши бўлмай, қораси ва қаттиги жуда ҳам ёмондир.

Т а б и а т и.

Биринчи даражада иссиқ, иккинчи даражада қуруқ. Таъсир ва хоссалари.

Қуюқ хилтларни парчаловчи ва шимдирувчи, ҳамма тиқилмаларни очувчи ва латифлаштирувчидир. Баъзилар унда буруштирувчи қувват бор деб айтадилар. Аввалда унинг таъмида худди ширинлик бордай сезилади, лекин кейинчалик аччиқлик сезилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Ҳар хил шишлар учун фойдалидир.

Б ў ғ и н л а р.

Ирқуннасога қарши сиканжубин билан ичирилади. У, ўзининг хусусияти билан асаблардаги чиқиндиларни тозалайди. У мушак гўштларининг эзилишида ва йиқилганда фойдалидир. Бир ичишда ундан уч қирот ичилади. Агар иситма бўлса, асал суви ёки гулоб билан ичилади.

Б о ш а ъ з о л а р и.

Тутқаноқли одамларга фойда қилади ва ўзининг хусусияти билан миядаги чиқиндиларни тозалайди.

К ў к р а к а ъ з о л а р и.

Тило шароби билан ичилса, астмага ва ўпка яра-ларига фойда қилади. Жигар оғриғига қарши бир дирахмгача ичилади. (Агар уч оболони сув билан ичилса, кўкракдан қон туфлашга фойда қилади).

О з и қ л а н т и р и ш а ъ з о л а р и.

Жигар ва (бошқа) ички аъзолардаги тиқилмаларни очади. Шунинг учун жигар тиқилмасидан пайдо бўлган сариқ касалига фойда қилади. (Уни сиканжубин билан қўшиб талоқ шишида ичирилади. Агар унинг ёлғиз ўзини чайнаса ёки ютиб юборилса, меъда оғриғида ва нордон кекirikда фойдалидир. Жигар оғриғига қарши бир драхмий ичирилади).

Ч и қ а р и ш а ъ з о л а р и.

Пўкак савдо билан балғамдан ҳосил бўлган қуюқ хилтларни суради. Уни бир дирахмдан икки дирахмгача ичилади, хусусан асал суви билан (ичилса фойдалироқдир). У сургиларга ёрдам беради ва уларни

баданнинг энг узоқ жойларигача етказди. Пўкак, шунингдек, сийдикни ва ҳайз қонини ҳайдайди. Буйрак оғриғини босади. Бу мақсадда бир драхмий ичилади. Бачадон бўғилишида ҳам фойда қилади.

И с и т м а л а р.

Иситмалардаги эт увуштириб титратишга ва эски ёмон иситмага фойда қилади. Агар унинг бир мисқолини шароб билан иситма тутишдан олдин ичилса, иситмадаги эт увушишнинг олдини олади.

З а ҳ а р л а р.

Уни газандалар чаққан жойга қўйиб боғланади. Агар уни шароб билан икки драхмийгача ичилса, жуда яхши фойда беради. Уни совуқ заҳарли газандаларнинг чаққанига қўйиб боғланади.

У р н и г а ў т а д и г а н л а р и.

(Пўкакнинг) ўрнига унга икки ҳисса олинган турбит ўтади.

Гор¹ — дафна дарахти

М о ҳ и я т и.

Унинг данаги кичик бундуқ ёнғоғининг шаклига ўхшайди. У юпқа қора пўст билан қопланган бўлиб, қўл билан эзилса, ёрилиб иккига ажралади ва сарғиш қора мағзи кўринади. Унинг мазаси яхши ва ҳиди хушбўйдир. Унинг барги худди марсин оғочининг баргига ўхшаш, лекин ундан каттароқ бўлади. Меваси қизил бўлиб, тоғлик ерларда ўсади. Унинг бутун қуввати меваси ва баргида бўлади.

Т а б и а т и.

Унинг данаги қиздирувчанроқ бўлиб, пўстининг иссиқлиги камроқдир. Умуман у иккинчи даражада иссиқ ва қуруқдир.

Т а ў с и р в а х о с с а л а р и.

Унинг данаги бўшаштириш хусусиятига эга бўлиб, ҳамма қисмлари қиздирувчидир. Данаги эса баргига қараганда иссиқроқ бўлиб, унинг ҳамма бўлақлари кучли қиздирувчи ва қуритувчидир. Бу таўсирларда даваги етукроқ бўлиб, пўстлоғи кучсизроқ ва иссиқлиги камроқдир. Унинг ёғи ёнғоқ ёғидан кўра иссиқроқ бўлади.

З и й н а т.

Уни доғга шароб билан суртилади.

Ш и ш в а т о ш м а л а р.

Нон ва толқон билан аралашмаси иссиқ шишларга фойда қилади.

Бўғинлар.

Асабларнинг ҳамма оғриқларига фойдалидир. Унинг ёғи эса чарчашни тарқатади.

Бош аъзолари.

Дафна дарахти ва унинг ёғи бош оғриғини, шунингдек, совуқ қулоқ оғриғини тарқатади. Қулоқни эшитадиган қилади: қулоқдаги шанғиллашга ва унинг оқишига фойда қилади.

Қўкрак аъзолари.

Уни асал билан ялаш ёки суртиш нафас қисийш ва «тикка нафас олиш» касалликларига фойдалидир. Чиқиндиларнинг ўпкага оқишига (қарши ишлатилса) ҳам фойдалидир. Ундан асал билан қўшиб тайёрланган яланадиган дори ўпка ярасига ва «тикка нафас олиш» касалига фойда қилади. Хусусан унинг данаги фойдалидир.

Озиқлантириш аъзолари.

Агар унинг ёғини хушбўй шароб билан ичилса, жигар оғриғига фойда қилади. Пўстлоғи ҳам шундай. Лекин унинг (пўстлоғи) ва дони меъдани бўшаштиради ва қустиради.

Чиқариш аъзолари.

Унинг ёғи кўнгилни айнатади ва қустиради. Ҳайз қонини ва сийдикни юриштиради. Баргининг қайнатмаси қовуқ ва бачадон касалликларига фойда қилади. Унга ўтирилса ҳам шундай. Ичми суриш учун ундан икки дирҳамни асал суви ёки сиканжубин билан ичилади. Агар унинг пўстидан икки дирҳам баробарида ичилса, тошни майдалайди ва бошқаларнинг аччиқлигига нисбатан аччиқлиги ортиқ бўлганлиги сабабли қориндаги болани ўлдиради. Ундан бир марта ичиш миқдори тўққиз қирот. Унинг данаги ҳам тошни майдалайди.

Иситмалар.

Унинг ёғини суртилса, эт увушиб тук ҳурпайганда фойда қилади.

Заҳарлар.

Уни чаён чаққанда шароб билан ичирилади. Янги ҳолида ари ва асалари чаққанига қўйиб боғлаш яхшидир. Умуман ичилган заҳарларнинг ҳаммаси учун тарёқлик вазифасини бажаради.

Ўрнига ўтадиганлари.

Тош чўпнинг барги унинг ўрнига ўтади. Дафна дарахти баргининг ўрнига данаги ўтади.

Ғофит

Моҳияти.

Бу тиканли ўтлардандир. Унинг барги нашанинг ёки қантафилуннинг баргига ўхшайди. Гули эса нилуфарга ўхшайди. Мана шу хил (Ғофит) ва унинг ширасини ишлатилади.

Табиати.

Биринчи даражада иссиқ ва иккинчи даражада қуруқ.

Таъсир ва хоссалари.

Латиф, парчаловчи, тортмай ёки аниқ иссиқликни туғдирмай тозаловчи. Озгина буруштирувчи ва мози мазали бўлиб, аччиқлиги сабир аччиқлигидек ўткирдир. Зийнат.

«Тулки ва илон касалликларининг» бошланғич пайтида фойда қилади.

Жароҳат ва яралар.

Уни эски ёр билан қўшиб, битиши қийин бўлган яраларга суртилади. Унинг ширасини шотара суви ва сиканжубин билан ичилса, қўтирга ва қичимага фойда қилади. Шунингдек (унинг гули ҳам фойдали бўлиб), шираси кучлироқдир.

Озиқлантириш аъзолари.

Унинг ўт ҳолидагиси ва шираси жигар оғриғига ва тикилмаларига фойда қилади ва мустаҳкамлайди. Шунингдек, талоқнинг қаттиқланишига, жигар ва меъданинг шишларига фойда қилади. Бошланаётган истисқога ва истисқога фойдалидир.

Чиқариш аъзолари.

Уни шароб билан ичилса, ичак яраларига фойда қилади.

Иситмалар.

Эски ва давомли иситмаларга фойдали бўлиб, айнақса, унинг ширасини эрман шираси билан қўшилгани фойдалидир.

Ўрнига ўтадиганлари.

Баробар миқдордаги туёғўт ва ярим миқдордаги эрман унинг ўрнига ўтади.

Ғоғотий — гагат

Моҳияти.

Енгил бир тош бўлиб, тоғ мумининг ҳидига эгадир. Бўғинлар.

Подагра касалида фойда қилади.

Бош аъзолари.

Тутқаноққа қарши тутатилса, фойда қилади.

Чиқариш аъзолари.

«Бачадон бўғилиш» касалига фойдалидир.

Заҳарлар.

Унинг тутуни газандаларни қочиради.

Гиро — елим

Табиати.

Тери елими биринчи даражали иссиқ ва қуруқдир.

Балиқ елимининг иссиқинги камроқ бўлса-да, лекин қуруқдир.

Хоссалари.

Ҳамма елимлар ёпиштирувчи ва қуритувчи хусусиятга эгадирлар.

Зийнати.

Балиқ елими оғиз касалликларида ва песга қарши ишлатиладиган дорилар (таркибига) киради. Агар терилардан қилинган елимни куйдирилса ва ювилса, қўлтиқ ости ҳидини даволашда тўтиёнинг ўрнини босади. **Жароҳат ва яралар.**

(Елимни) ширинчага суртилади, у оловда қуйиш вақтида пайдо бўладиган пуфакчаларни қайтаради. Шунингдек, балиқ елимини ва мол терисидан олинган елимни сирка билан аралаштириб, (темираткига ва шилинган қўтирга суртилганда, агар у жуда чуқур бўлмаса, фойда қилади). Агар уни асал ва сирка билан аралаштириб жароҳатларга суртилса, фойда қилади. Балиқ елими яраланган қўтирга (қарши ишлатиладиган) марҳамлар таркибига киради.

Бош аъзолари.

Балиқ елими бошдаги яраларда ишлатиладиган марҳамлар таркибига киради.

Қўкрак аъзолари.

Балиқ елимини қон туфлашда сирка билан қўшиб ичирилади. Қон оқишда ичириладиган аталага ҳам қўшилади.

Голиюн — чакамуф

Моҳияти.

Бу хушбўй доридир.

Таъсир ва хоссалари.

Қуритувчи; сутни чиритади. Унда озгина ўткирлик бор. Қон оқишини тўхтатади.

Жароҳат ва яралар.

Оловда куйганга фойда қилади.

Ғушана — қора қўзиқорин

Моҳияти.

Замбуруғ ёки қўзиқорин жинсидандир. Қуритилади ва шунда у худди тоғайга ўхшаб бурушади Унинг шакли (қатқориннинг устига) кичик кесани тўнкариб қўйганга ўхшайди. У билан кийимларни ювилади. Уни нордон нарсалар билан ейлади. Унинг лаззати тоғайнинг маззасига ўхшайди ва ундан кўпроқ.

Табиати.

Бошқа қўзиқоринларда бўлганидек унда совуқлик йўқ.

Хоссалари.

Қўзиқоринга ўхшаб, ёмон хилт ҳосил қилмайди ва унинг табиатида бир оз гўштлик хусусияти ва шўрлик бор.

Ғараб — мажнунтол

Танлаш.

Унинг пўстлоғи ва елими ишлатилади. Елимини тилиш йўли билан олинади. Шунда яхши бурақ ҳосил бўлиб, у ейиш учун энг яхши бурақлардан ҳисобланади. **Хоссалари.**

Унинг гули, барги ва уларнинг ширалари ачитмасдан қуритади.

Зийнат.

Ёғочининг кулини сирка билан сўғалга (қўйилса), қуритади. Осилган ва осилмаган бўлса ҳам, уни кўчириб туширади. Пўстлоғи сочни бўяйдиган бўёқлар (таркибига) киради.

Жароҳат ва яралар.

Унинг пўстлоғини ва баргини янчиб, кесилган ерга ва янги жароҳатларга қўйилса, фойда қилади.

Бўғинлар.

Қайнатмаси подаграда қуйиладиган яхши доридир **Бош аъзолари.**

Агар баргининг ширасини гул ёғи билан анор пўстида қайнатиб, қулоққа томизилса, қулоқ оғриғини қолдиради. Шунингдек, ҳўл пўстлоғи ҳам шу таъсирни кўрсатади. Қайнатмаси билан қазғоқни ювилади.

Кўз аъзолари.

Унинг елими ва гули кўз хиралигини кетказади.

Кўкрак аъзолари.

Унинг меваси қон туфлашларда фойдалидир. Пўст-
логи ҳам шундай таъсирга эгадир.

Озиқлантириш аъзолари.

Унинг шираси (ютилган) зулукни ҳайдайди.

Голия

Моҳияти.

Машҳур бир доридир.

Шиш ва тошмалар.

Голия қаттиқ шишларни юмшатади.

Бошаъзолари.

Голияни бон ёки шаббўй ёғи билан аралаштириб,
оғриган қулоққа томизилади. Уни ҳидлаш тутқаноқ би-
лан оғриган ва сактага учраган одамга фойда қилади
ва ҳушига келтиради. Совуқ бош оғриқни босади. Агар
уни шаробга солинса, мастликни кучайтиради.

Кўкрак аъзолари.

Голияни ҳидлаш кўнгилни очади.

Чиқариш аъзолари.

Голияни кўтарилса, совуқ бачадон оғриғига ва унинг
қаттиқ ва балғамли шишларига фойдалидир. Ҳайз қо-
нини юриштиради. Бўғилиб ва эгилиб қолган бачадонни
тўғрилайди, уни тозалайди ва ҳомиладор бўлишга тай-
ёрлайди.

/ Голимун

Моҳияти.

Хушбўй дори бўлиб, ранги беҳиннинг рангига ўх-
шайди.

Таъсир ва хоссалари.

Сутни чиритади. Унинг қуввати озгина ўткирлик би-
лан қуритувчидир. Унинг гули эса қон оқишида фой-
далидир.

Жароҳат ва яралар.

Бу дори куйгани тузатади, деб гумон қилинади.
Тангрининг ёрдами, муваффақиятга эриштириши ва
баракати билан «Қонун»нинг Иккинчи китоби тугади;
/бу Китоб «Қонун»/ биринчи қисмининг охиридир. Агар
буюк тангри хоҳласа, бундан кейин иккинчи қисмда
/айрим/ касалликларга бағишланган учинчи китоб бош-
ланади.

Ягона тангрига мақтовлар бўлсин! Тангри ўзи яратганларнинг энг яхшиси ва ўз пайғамбари Муҳаммадга, унинг пок ва тоза аҳлига, яхши ва танланган ҳамроҳларига ва барча мусулмонларнинг оналари бўлмиш покиза хотинларига ўз раҳмати ва саломини йўлласин!



МУНДАРИЖА

Абу Али ибн Сино ва унинг «Тиб қонунлари» ҳақида . . .	3
Тиб қонунлари ҳақида	11
Тиб таърифида	11
Тибнинг мавзулари тўғрисида	12
Унсур тўғрисида	14
Мизож ҳақида	15
Аъзоларнинг мизожлари ҳақида	17
Ёш ва жинс мизожлари ҳақида	13
Хилтлар тўғрисида	19
Аъзонинг моҳияти ва қисмлари тўғрисида	20
Қувватлар тўғрисида	25
Касалликлар, уларнинг умумий сабаблари ва юз беришлари.	27
Сабаб, касаллик ва [касалликнинг] юз бериш [деган тушунчаларнинг тарифи ҳақида]	27
Касалликларнинг даврлари ҳақида	30
Сабаблар ҳақида	32
Атрофнинг ўраган ҳавонинг гавдага таъсири ҳақида	34
Йил фаслларининг табиатлари ҳақида	35
Йил фаслларининг ҳукмлари ва ўзгартирилари ҳақида	37
Яхши ҳаво ҳақида	37
Фасллар ҳақида	38
Ҳавонинг табиий ҳолатига эид бўлган ёмон ўзгартирилари нинг таъсири ҳақида	43
Турар-жойларга қараб бўладиган ҳодисалар ҳақида	45
Ейиладиган ва ичиладиган нарсалар келтириб чиқара- диган [ҳодисалар] ҳақида	47
Сувларнинг аҳволлари ҳақида	49
Ҳаммомга тушиш, [гавдани] қуёшга тоблаш, қумда ётиш ва унга кўмилиш	53
Мизож белгилари ҳақида	55
Томир уриши ҳақида умумий сўз	58
Сийдик ҳақида умумий сўз	64
Ахлат орқали аниқланадиган белгилар ҳақида	66
Соғлиқни сақлаш тадбирлари	70
Соғлиқ ва касалликнинг сабаби ва ўлимнинг муқаррар- лиги ҳақида	70
Тарбия ҳақида	75

Боланинг туғилганидан то оёққа турганигача қилинадиган тадбирлар ҳақида	75
Болани эмизиш ва эмчакдан ажратиш тадбирлари ҳақида	77
Болаларда пайдо бўладиган касалликлар ва уларни даволаш тўғрисида	82
Чақалоқларнинг болалик ёшига ўтгандаги тадбирлари тўғрисида	89
Балогатга етган кишилар учун умумий бўлган тадбирлар.	91
Бадантарбия ҳақида умумий сўз	91
Бадантарбия турлари ҳақида	92
Ҳаммомда чўмилиш ва ҳаммомлар ҳақида	95
Совуқ сувда чўмилиш ҳақида	97
Овқатланиш тадбири ҳақида	98
Сув ва ичимликларнинг тадбири ҳақида	105
Уйқу ва уйғоқлик ҳақида	110
Кексалар тадбири	111
Кексаларни овқатлантириш тўғрисида	111
Кексалар ичадиган шароблар ҳақида	113
Кексаларни уқалаш (массаж қилиш) тўғрисида	114
Кексаларнинг бадантарбиялари тўғрисида	114
Йилнинг турли фаслларидаги тадбирлар ва ҳавони соғломлантириш ҳақида	115
Касалликнинг бошланишидан хабар берувчи белгилар пайдо бўлганда кўриладиган тадбирлар ҳақида	117
Сафар қилувчилар тадбири ҳақида умумий сўз	118
Иссиқдан сақланиш, айниқса, сафарда ва иссиқда сафар қилувчи киши тадбири ҳақида	120
Совуқ вақтда сафар қилувчи кишининг ва совуқ урган кишининг тадбири ҳақида	121
Оёқ ва қўлни совуқ зараридан сақлаш тўғрисида	123
Сафарда (бет) рангини сақлаш ҳақида	124
Сафар қилувчининг турли сувлар зараридан сақланиши ҳақида	124
Денгизда сафар қилувчи кишининг тадбири ҳақида	126
Умумий даволаш усуллари тўғрисида	127
Даволаш тўғрисида умумий сўз	127
Мизож бузилиши касалликларига қилинадиган даволар ҳақида	130
Қандай ва қайси вақтда бўшатиш (истифроғ қилиш) кераклиги тўғрисида	132
Қустириш ва сургига тааллуқли умумий қоидалар ва сурги, ҳам қустирувчи дориларнинг тартиб чиқариш кайфиятини кўрсатиш ҳақида	134

Ични суриш ва унинг қондалари	136
Сургининг ҳаддан зиёда амали ва уни тўхтатиш вақти тўғрисида	141
Қусиш тўғрисида	142
Қайт қилган кишининг қиладиган иши тўғрисида	145
Қайтнинг фойдалари ҳақида	145
Ҳуқна тўғрисида	146
Қон олиш ҳақида	146
Қортиқ қўйиб қон олиш ҳақида	163
Зулуклар тўғрисида	167
Тиқилмаларни даволаш тўғрисида	168
Шишларни даволаш тўғрисида	169
[Шишларни] ёриш ҳақида	172
Бузилган аъзонинг давоси ва уни кесиб ташлаш тўғри- сида	173
Узлуксизликнинг бузилиши, турли яралар, эт узилиш, зарба ва йиқилиш оқибатларини даволаш ҳақида	174
Оғриқларни тўхтатиш ҳақида	179
Даволашларни қайси бирдан бошлашимиз кераклиги ҳақида	182
Содда дорилар	184
Дориларни йиғиш ва сақлаш тўғрисида	184
Алиф (А) ҳарфи	186
Бо (Б) ҳарфи	195
Жим (Ж) ҳарфи	199
Зо-Зой (З) ҳарфи	200
Ҳо (Ҳ) ҳарфи	204
Йо (Й) ҳарфи	210
Коф (К) ҳарфи	214
Лом (Л) ҳарфи	224
Мим (М) ҳарфи	239
Нун (Н) ҳарфи	244
Нун (Н) ҳарфи	246
Син (С) ҳарфи	254
Айн (А) ҳарфи	256
Фо (Ф) ҳарфи	261
Сод (С) ҳарфи	263
Қоф (Қ) ҳарфи	267
Ро (Р) ҳарфи	270
Шин (Ш) ҳарфи	274
То (Т) ҳарфи	278
Ҳо (Х) ҳарфи	288
Зол (З) ҳарфи	289
Ғайн (Ғ) ҳарфи	289

Научно-популярное издание

АБУ АЛИ ИБН СИНО

КАНОН МЕДИЦИНЫ

ИЗБРАННОЕ

ТОМ I /

Издательство народного наследия имени Абдулла Кадыри

На узбекском языке

Илмий-оммабоп нашр

АБУ АЛИ ИБН СИНО

ТИБ ҚОНУНЛАРИ

САЙЛАНМА

1-ЖИЛД

Нашр учун масъул: Бахтиёр Омон
Мусаввир Темур Саъдулла
Тех. муҳаррир Мирзиёд Олим
Мусаҳҳиҳа Зиёдаҳон Латифҳон қиз

ИБ № 24

Босишга руҳсат этилди 30.03.93 й. Бичими 84×108 1/2. Босма қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма усулида босилди. Шартли босма табағи 15,9 Нашр табағи 16,8. Жами 100000. 2-за-вод 20001 — 80.000 нусха. 4333 рақамли буюртма. Баҳоси келишилган нарҳда. Шартнома № 6579.

Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий, 30-уй.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Ф. Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси 1-босмаҳонасида босилди. Тошкент, 700002, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.